

Омонулло БЎРИЕВ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
ЎЗМА МАНБАЛАРИДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ



Ушбу монографияда Темурийлар даври ёзма маълумотлари асосида Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий географияси тадқиқ этилган. Унда ўлканинг маъмурий-худудий ҳолати, табиати, ҳужалиги, халқаро алоқалари, жой номлари билан боғлиқ масалалар ёритилган. Китоб Марказий Осиё тарихий географияси билан қизиқувчи мутахассислар ва таълим тизими учун зарур маълумотлар бера олади деган умиддамиз.

Таҳрир ҳайъати:

Б. Абдуҳалимов, т.ф.д. (масъул муҳаррир), А. Аҳмедов, т.ф.д.,
Д. Юсупова, т.ф.д., академик, А. Хужаев, т.ф.д., М. Исҳоқов, т.ф.д., Х. Файзиев, т.ф.н.

Тақризчилар:

А. Атаходжаев, т. ф. д., З. Саидбобоев, т. ф. н.

Китоб ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг инновацион гранти доирасида тайёрланди. Темурийлар тарихи давлат музейи илмий кенгашининг 2017 йил 9 августдаги қарори ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашининг 2017 йил 22 ноябрдаги 7-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-47-18-2-5



© "MUMTOZ SO'Z", 2017
© ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, 2017

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, ўлканинг табиатидан оқилона фойдаланиш ва хўжаликни янги иқтисодий жараёнларга мослаб ривожлантириш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш талаблари билан боғлиқ ҳолда кун тартибига долзарб вазифалар қўйилди. Шу талабдан келиб чиқиб, географик, жумладан, тарихий-географик билимларга бўлган эҳтиёж ҳам ортди. Зеро географияни яхши билиб борган сари кишининг атроф-муҳит, жамият ва олам ҳақидаги тушунчаси чуқурлашиб, мукаммаллашиб боради; инсон ер, сув ва ҳаво, умуман, табиатдаги ҳар бир нарсанинг ўрни, вазифаси ҳамда қадр-қийматини тўлароқ англаб етади.

Тарихий география эса, ер юзининг ўтмишдаги рельефи, иқлими, сувлари, тупроғи, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси, аҳолиси ва хўжалигидан иборат мажмуани ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда табиатни, жумладан, унинг тарихини умумий тарзда ёки маълум ўлкалар бўйича инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш қатор муаммолар – табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш каби муаммоларни ҳал этишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тарихий-географик тадқиқотлар воситасида табиат ва жамият тараққиётининг ўтмишдаги ҳолати хусусида тасаввур шаклланади. Мазкур тадқиқотлар натижаларидан ҳозирда кечаётган жараёнларни қиёслаш, тегишли зарур назарий хулосалар чиқариш, амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда айрим мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун маълумотлар олиш мумкин. Айтиш жоизки, бугунги кунда Марказий Осий табиатини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш жаҳондаги долзарб муаммолар (Орол денгизининг тақдири, сувлардан оқилона фойдаланиш, хўжаликни комплекс ривожлантириш ва ҳ.к.) қаторида турибди.

Тарихий география табиат ва жамият тараққиётининг ўтмиши билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, вақт жиҳатдан узоқ давр-

ни қамраб олади ва бу соҳадаги тадқиқотлар турли манбаларга таянади. Агар анча қадимги давр учун археологик топилмалар асосида қилинган хулосалар муҳим бўлса, ўрта асрлар тарихи кўпроқ ёзма манбалардан ўрин олган. Дастлабки ёзма манбалар – бу турли жойлардан топилган тош битиклар ва узоқ мозийда ёзилиб, бизнинг давримизгача етиб келган китоблардир. Уларда Ўрта Осиёнинг милодгача бўлган табиати ва халқлари ҳақида хабарлар қайд этилган (Аҳамонийлар даври битиклари, Авесто, Маҳабхарата ва б.). Қадимги Юнон олимларининг асарларида ва хитой солномаларида ҳам бирмунча аниқ муҳим хабарлар бор.

Ўрта асрлар даври учун эса, бой ёзма мерос мавжуд бўлиб, улар асосан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган. Табиийки, тарихий-географик маълумотлар, биринчи навбатда, географик ва тарихий-географик асарлардан кўпроқ ўрин олган. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз”, Абу Зайд Балхий, ал-Истаҳрий ва Ибн Ҳавқал қаламига мансуб “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик”, муаллифи номаълум “Худуд ул-олам”, Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома”, Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб”, Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвинийнинг “Нузҳат ал-қулуб” (XIV), Ҳофизи Абрунинг “География” (XV), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI), Амин Муҳаммад Розийнинг “Ҳафт иқлим” (XVI), Султон Муҳаммад Балхийнинг “Мажмаъ ал-ғаройиб” (XVI), Абулғозийнинг “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” (XVII), Муҳаммад Тоҳирнинг “Ажойиб ат-табақот” (XVII), Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр ул-асрор” (XVII), Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг “Дил ғаройиб” (XIX), Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (XIX) каби асарлари ана шулар жумласидандир. Қайд этилган манбаларда Ўрта Осиёнинг кейинги минг йилликдаги тарихий-географиясига тегишли маълумотлар қамраб олинган ва улардан ўлканинг тоғ, водий, дашт ва чўллари, маъданлари, сувлари, ўсимликлари, ҳайвонот олами, маъмурий-худудий таркиби, этник-худудий ҳолати, шаҳар ва қишлоқлари, хўжалиги, халқаро муносабатлари географияси ва тарихий топонимияси ҳақида маълумотлар олса бўлади.

Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий-географиясига оид маълумотларга келсак, улар ўша даврда ёзилган тари-

хий-географик, тарихий ва бошқа асарлар, ҳужжатлар, иншоёишмалар кабилардан ўрин олган. Ҳозирги тадқиқотда Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги тарихий географиясини Темурийлар даври ёзма манбалари ва мавзуга оид айрим тадқиқотларга таяниб ўрганиш асосий мақсад қилиб белгиланди ҳамда Темурийлар даврига оид форс, араб ва туркий тилларда ёзилган манбалар бевосита ёки уларнинг ўзбек ва рус тилларига таржималари, Европа ҳамда хитой тилларида ёзилган манбаларнинг рус тилига таржималари, шунингдек, ушбу соҳага оид айрим илмий тадқиқотлардан асосий манба сифатида фойдаланилди.

Яхлит ёзма манбалар – Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Ҳофиз Абрунинг “География” ва “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”, “Муиз ал-ансоб” (муаллифи аниқланмаган), Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фасих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган “Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Таймур”, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413–1482) “Матлаи саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ас-сафо”, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларидир. Шу даврда Самарқандга Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиги”да ҳам қимматли тарихий-географик маълумотлар бор.

Тарихий география анча кенг мавзу бўлгани сабабли, ушбу тадқиқотда Марказий Осиёнинг Темурийлар давридаги тарихий географиясининг энг муҳим жиҳатларини, аниқроғи, маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар, этник-ҳудудий ҳолат, Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги табиати, ҳўжалиги, халқаро алоқалари географияси, жой номлари мавзуларини ёритиш кўзда тутилган.

Китоб турли соҳа мутахассислари, жумладан, тарихчилар, географлар учун илмий изланишларда, жумладан, Марказий Осиёда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, савдо йўллари инфраструктурасини яратиш, туризмни ривожлантириш ҳамда олий ўқув юртиларида Марказий Осиё тарихий географияси дарсларида қўлланма

сифатида фойдаланиш жиҳатдан бевосита амалий аҳамият касб этади.

Мазкур монография ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг инновацион гранти доирасида нашрга тайёрланди. Материаллар грант иштирокчилари томонидан Республика ва халқаро қўламда илмий **тезислар** – (Абдуҳалимов Б.А. “Amir Temur in the modern history of Uzbekistan” // “The Timurid period cultural production exchange and legacies 26–27 may 2016” мавзусидаги халқаро илмий анжуман тезислари. Лейден Университети. Нидерландия. 29–30 бетлар.; *O.Buriev*. Geographical information in historical sources from the Timurid period (Central Asia) (Географические сведения в исторических сочинениях эпохи Темуридов (Центральная Азия)) / The Timurid period cultural production exchange and legacies 26–27 may 2016. Universitet Leyden. Asian Modernities and Traditions; *Х.Т.Файзиев* “Принцы Темуриды как покровители и культуры (на примере деятельности сыновей Шахруха)” // “The Timurid period cultural production exchange and legacies 26–27 may 2016” мавзусидаги халқаро илмий анжуман тезислари. Лейден Университети. Нидерландия. 20–22 бетлар.; *О.Бўриев*. Амир Темур бунёдкорлигининг топонимлардаги инъикоси / “Темурийлар даврида илм-фан ва маданият”, мавзусидаги халқаро илмий конференция (2017, Тошкент). Темурийлар даврида илм-фан ва маданият [Матн]: халқаро илмий конференция тезислари. – Тошкент: “Akademnashr”, 2017. 35–36-бетлар (Ўзбек тилида); 155 б. (инглиз тилида), **мақолалар** – (Б.А.Абдуҳалимов, *О.Буриев*, *Х.Файзиев*. Созидательная деятельность Темуридов: историко-географические аспекты /ж. Общественные науки в Узбекистане. № 2. 2016. – Ташкент: “Fan”, 2016. – С.28–33; *О.Бўриев*. Темурийлар салтанати тарихига оид асарлардаги географик маълумотлар (Марказий Осиё). / Тўплам: Амир Темур ва Темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. Тузувчилар: *О.Бўриев*, *С.Ўлжабоева*. – Тошкент: “Akademnashr”, 2016. 11–17 бетлар; *О.Бўриев*. Гиёсиддин Наққош “Сафарнома”си манбалар ва тадқиқотларда // “Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши”. VIII Республика илмий-амалий кон-

ференцияси материаллари. 8-китоб. – Тошкент: “Mashhur-press”, 2016. 30–38 бетлар; *О.Бўриев*. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг Ўзбекистонда ўрганилиши // *Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни*. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: “Mashhur-press”, 2017. 29–36 бетлар; *О.Бўриев*. Тарих зарварақларида акс этган водий / ж. Бобур ва дунё, № 2, 2017. 16–19 бетлар; *Х.Имомов*. “Равзат ус-сафо” асаридаги географик маълумотлар. / “Шарқ машъали” Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий, маърифий журнали. – Тошкент: 2017. № 1. 51–54 бетлар), Шарипов А., *Х.Имомов*. Тарихий хариталарни тузишда ёзма манбаларнинг ўрни (“Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафари кундалиги” мисолида) // “Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни” Республика илмий-амалий конференция тезислари. – Т.: “Mashhur-press”. 2017 й. – Б.40; **китоб** – (Ғиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги. [Матн]. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи *О.Бўриев*. – Тошкент: “Mashhur-press”, 2017. – 160 б. (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида). Нашрга тайёрловчилар: т.ф.н. *О.Бўриев*, т.ф.д. *Б.А.Абдуҳалимов*, т.ф.н. *Х.Т.Файзиев*, *Н.Жабборов*) шаклида амалиётга татбиқ этилди.

Китобни нашрга тайёрлашда Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходимлари *А.Шарипов* (хариталарни тайёрлаш, адабиётлар рўйхати, илова ва кўрсаткичлар тузиш) ва *Х.Имомов* (кўрсаткичлар тайёрлаш) қатнашдилар.

Китобда манбалардан берилган таржима-лавҳалардаги таржимон иловалари ўрта қавсда ва изоҳлар оддий қавсда берилди.

Х. Т. ФАЙЗИЕВ,

ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори

I БОБ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИЙ
ГЕОГРАФИЯСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ВА МАНБАЛАРТемурийлар даври Марказий Осий тарихий
географиясининг фанда ўрганилиши

Тарихий география йўналиши фанлар тизимида анча илгаридан мавжуд ва тарихчи олимлар бу соҳада кўплаб асарлар ҳам чоп этишган. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг бир қисми умумий шаклдаги ишлар бўлса, яна бир қисми жаҳоннинг алоҳида ўлкалари, баъзан эса, алоҳида шаҳарлар тарихий географиясини ўз ичига олади. Чоп қилинган китоблар ҳам шакл жиҳатдан ҳар хил; бир қисми алоҳида муаллифларга тегишли бўлса, бошқа бир қисми илмий тўпламлар кўринишидадир. Масалан, “Историческая география Азербайджана”¹ номли илмий тўплам муаллифлар гуруҳи мақолалари йиғиндиси шаклида тузилган ва уларда тарихий давр (I–XVIII асрлар)нинг турли босқичларида Озарбайжонда юзага келган маъмурий-худудий ўзгаришлар ёритилган. А.Г.Маявкин “Историческая география Центральной Азии”² монографиясида асосан, Марказий Осий худудининг Шарқий Туркистон қисми бўйича тадқиқот олиб борилган ва асосий этибор географик объектларнинг локализацияси ва топонимиясига қаратилган.

Марказий Осий тарихий географик жиҳатдан ўрганиш ҳам фанда анча илгари бошланган ва бунда турли соҳа мутахассислари тадқиқотлар олиб боришган. Қадимги давр учун, табиийки, археолог олимлар изланишлари етакчи ўринда туради ва ўрта асрлар даври учун эса, олимлар кўпроқ ёзма манбалар маълумотларига таянганлар (араб, форс, туркий, хитой ва бошқа тилларда ёзилган манбалар). Ёзма манбаларга тўла ёки қисман таяниб

¹ *Историческая география Азербайджана*. – Баку: Издательство “Элм”, 1987. – С.148.

² *Маявкин А.Г. Историческая география*. – С.336.

ёзилган тадқиқотлар жумласига В.В.Бартольд, А.М.Беленицкий, Ш.С.Камалиддинов, А.Г.Малявкин чоп қилган ишлар қиради³.

Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда Марказий Осий тарихий географиясига бағишлаб айрим тадқиқотлар чоп этилган ва уларда ўлка тарихий географиясининг турли томонлари акс этган: шаҳарлар топографияси (М.Е.Массон, Н.Э.Каримова⁴), савдо йўллари йўналишлари ва тарихи (Ю.Ф.Буряков, Н.Э.Каримова, О.Бўриев, А.Ходжаев⁵), тарихий топонимия (Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, А.Муҳаммаджонов, А.Г.Малявкин, О.Бўриев, А.Колганов⁶), аҳоли масканларининг локализация масалалари (Ю.Ф.Буряков, А.М.Беленицкий ва б., Ш.С.Камалиддинов⁷), маълум бир муаммо бўйича ёзилган ишлар (А.Муҳаммаджонов, С.Азимжонов⁸), ёзма манбаларни ёки улардаги маълумотларнинг бир қисмини илмий муомалага киритиш (А.Аҳмедов, Ш.С.Камалиддинов, А.Ўринбоев, Н.Иброҳимов, П.Г.Булгаков, Б.Аҳмедов, А.Айтбаев⁹), айрим ўрта

³ Бартольд В.В. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия*. – С.114–237; Бартольд В.В. *Аму-Дарья*; Бартольд В.В. *Очерки истории Семиречья*; Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С.15–96; Бартольд В.В. *Хафиз-и Аbru*. – С.74–98; Беленицкий А. М. и др. *Средневековый город Средней Азии*; Камалиддинов Ш.С. *“Китаб ал-ансаб”*; Малявкин А.Г. *Историческая география*. – С.336.

⁴ Массон М.Е. *Прошлое Ташкента*. – С.105–131; Каримова Н. *Чэн Чэнг манбаларида Марказий Осий*. 66–73-бетлар.

⁵ Буряков Ю.Ф. *Торговые пути*. – С.106–116; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.186; Буриев А.Б. *Сведения Хафиз-и Аbru*. – С.24–37; Ходжаев А. *Великий Шелковый путь*.

⁶ Ҳасанов Ҳ. *Ўрта Осий жой номлари тарихидан*; Ҳасанов Ҳ. *Сайёҳ олимлар*; Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. *Ал-Хоразмий географияси*; Қораев С. *Ўзбекистон вилоятлари топонимлари*. 240-б.; Қораев С. *Географик номлар маъносини биласизми?*; Қораев С. *Алишер Навоий асарларида географик номлар*. 25–26-бетлар; Қораев С. *Тошкент топонимлари*; Нафасов Т. *Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати*. 290-б.; Муҳаммаджонов А. *Қадими Тошкент*; Малявкин А.Г. *Историческая география*. – С.336; Буриев О., Колганов А. *Об одном участке*. – С.106–116.

⁷ Буряков Ю.Ф. *Торговые пути*; Буряков Ю.Ф. *Историческая топография*; Беленицкий А.М. и др. *Средневековый город Средней Азии*. – С.390; Камалиддинов Ш. С. *“Китаб ал-ансаб”*.

⁸ Муҳаммаджонов А.Р. *Қуйи Зарафшон*. – С.373; Азимджанова С.А. *Государство Бабура*. 176 с.; *Темур ва Улуғбек даври тарихи*. 264-б.

⁹ Ал-Хоразмий. *Танланган асарлар*; Камалиддинов Ш.С. *“Китаб ал-ансаб”*; Ўринбоев А. *Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси*; Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғийусиддин Нақшоқнинг Хитой сафарномаси*; Иброҳимов Н. *Ибн Баттута*, 102-б.; Казизаде Руми. *Комментарий*. – С.216; Аҳмедов Б.А. *Историко-географическая литература Средней Азии*; Айтбаев А.А. *Қадимги Фарғона*. 107-б.

Осиёлик олимлар илмий меросини оммалаштириш (Х.Ҳасанов, Б.Аҳмедов, О.Бўриев¹⁰), Марказий Осиё худудининг этник тарихини ёритиш (К.Шониёзов, А.Айтбаев¹¹).

Марказий Осиё тарихий географиясини Темурийлар даври ёзма манбаларига таяниб ўрганиш фанда XIX аср иккинчи ярмидан бошлангани маълум ва улар Марказий Осиё тарихий географиясининг айрим қирраларига дахлдор.

Бу ўринда, аввало, В.В.Бартольднинг Марказий Осиё тарихий географиясининг айрим томонлари – сувлари, вилоятлари, шаҳарлари, хўжалиги, этник ҳолати, тарихий обидаларига бағишлаб чоп қилган баъзи ишларида Темурийлар даври ҳам қайд этилган ва шу давр ёзма манбаларидан фойдаланилган. Бошқача қилиб айтганда, В.В.Бартольд Марказий Осиё тарихий географиясига тегишли бўлган катта даврни қамраб олган ва бу ўринда унинг “Географический очерк Мавераннахра”¹² тадқиқотини кўрсатиш мумкин. Ушбу тадқиқотда Мовароуннахрнинг XIII асргача бўлган тарихий географияси ёритилган. Айни пайтда, умумий тадқиқотлар кўламида, у ёки бу масалада Темурийлар даври ёзма манбаларига мурожаат қилинганини ҳам кўрамиз. Айниқса, Амударёнинг XIV–XV асрларда Каспий денгизига қуйилгани ва Орол денгизининг ҳолати унинг тарихий географияга оид тадқиқотларида асосий ўринни эгаллайди. Шу асосда унинг Марказий Осиё тарихий географиясига оид дастлабки изланишлари 1897 йили чоп этилган ва унда Ҳофизи Аbru “География”си маълумотларига таяниб, Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши масаласига қисқача тўхталиб ўтилган¹³.

Кейинчалик у мазкур муаммога бағишлаб “К вопросу о впадении Амударья в Каспийское море”¹⁴, “Сведения об Аральском

¹⁰ Ҳасанов Х. *Ўртаосиёлик географ ва саёҳлар*. 252-б.; Ҳасанов Х. *Сайёҳ олимлар*. 262-б.; Аҳмедов Б.А. *Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари*; Бўриев О. *Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё*. 168-б.; Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғиёсиддин Нақшошнинг Хитой сафарномаси*.

¹¹ Шаниязов К.Ш. *Об исторической топонимике Ташкента*. – С.34–40; Шаниязов К. Ш. *Родолеменные названия*. – С.19–20; Шаниязов К. Ш. *К этнической истории*; Айтбаев А.А. *Чин ва Мочин*. 160-б.

¹² Бартольд В.В. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия*. – С.114–237.

¹³ Бартольд В.В. *Хафиз-и Аbru*. – С.74–97.

¹⁴ Бартольд В.В. *К вопросу о впадении Амударья*. – С. 248–251.

море и низовья Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII века"¹⁵ номли алоҳида тадқиқотлар ҳам чоп қилди. У яна бир нечта мақолаларида ҳам бу масалага эътибор қаратган (масалан: "К истории Хорезма в XVI веке")¹⁶ ва баъзида Темурийлар даври манбалари ҳам эслатилади.

В.В.Бартольднинг Темурийлар даври ёзма манбаларидан у ёки бу даражада фойдаланиб, Марказий Осиё тарихий географиясига дахлдор бўлган ишлари "Ислом энциклопедияси"га ёзган мақолаларда ҳам акс этган. Уларда Марказий Осиёнинг сувлари (Амударё, Орол денгизи, Балхаш, Сирдарё, Иртиш, Ис-сиққўл, Или, Чағонруд), вилоятлари (Бадахшон, Бодғис, Фарғона, Туркистон, Тўхористон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуттал, Қоратегин, Манғишлоқ, Тибет), аҳоли масканлари (Оқсарой, Ахсикат, Андижон, Банокат, Бухоро, Гурганж, Қарши, Кеш, Кошғар, Кот, Тошкент, Чимкент, Термиз, Турфон), этник ҳолати (дуғлат, қипчоқ, манғит, тожик, туркман) хусусида маълумотлар бор.

Марказий Осиё тарихий географиясига дахлдор тарихий-географик маълумотлар, жумладан, Темурийлар даври бўйича, В.В.Бартольднинг "Очерк истории Семиречья"¹⁷, Мечеть Биби-Ханым"¹⁸, "Историко-географический обзор Ирана"¹⁹, "К истории Мерва"²⁰, "К истории орошения Туркестана"²¹, "О погребении Тимура"²², "Очерк истории туркменского народа"²³ каби тадқиқотларидан ҳам ўрин олган.

Географ олим Ҳ.Ҳасанов Темурийлар даври ёзма меросини, асосан, фан тарихи (география фани тарихи) нуқтаи назаридан ўрганган бўлса-да, яна уларда қандай географик маълумотлар борлигини ҳам айтган. Демак, унинг тадқиқотлари қисман Марказий Осиёнинг тарихий географиясига ҳам дахлдордир ва бу

¹⁵ Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. - С.15-94.

¹⁶ Бартольд В.В. *К истории Хорезма*. - С.257-259.

¹⁷ Бартольд В.В. *Очерк истории Семиречья*. - С.21-106.

¹⁸ Бартольд В.В. *Мечеть Биби-Ханым*. - С.116-118.

¹⁹ Бартольд В.В. *Историко-географический обзор Ирана*. - С.33-226.

²⁰ Бартольд В.В. *К истории Мерва*. - С.115-138.

²¹ Бартольд В.В. *К истории орошения Туркестана*. - С.97-233.

²² Бартольд В.В. *О погребении Тимура*. - С.423-454.

²³ Бартольд В.В. *Очерк истории туркменского народа*. - С.545-623.

ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги тарихий-географик маълумотлар таҳлилига бағишланган “Бобир сайёҳ ва табиатшунос” номли рисоласини кўрсатиш мумкин. Айтиш жоизки, мазкур рисолада “Бобурнома”даги Марказий Осиё бўйича жой номлари ва географик атамалар, аҳоли масканлари орасидаги масофалар, Мовароуннахр (Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси) ва Афғонистоннинг географик тавсифи – иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ов қилинадиган ҳудудлар бўйича маълумотлар келтирилган; карталар тузилиб (жой номлари, Фарғона водийси) илова қилинган.

Ҳ.Ҳасановнинг “Сайёҳ олимлар” асарида Темурийлар даври муаллифлари ёзма меросидан Ҳофизи Абру “География”, Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси қисқа таҳлил қилинган ва Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганиш жиҳатдан аҳамияти кўрсатилган²⁴. Бу тадқиқотлар, асосан, тавсифий услубда ёзилган.

Марказий Осиё (асосан, Ўзбекистон) тарихида Темурийлар даврида мавжуд этник ҳолат К.Шониёзов чоп қилган ишларда акс этган ва бунда Темурийлар даври манбаларига ҳам мурожаат қилинган.

Марказий Осиё тарихий географиясининг бир қирраси, ўлканинг халқаро алоқалари ва савдо йўллари ҳолати тарихидан иборат. Ушбу монографияда мазкур мавзу бир нечта йирик регион – Мўғулистон, Хитой, Дашти Қипчоқ, Жанубий ва Ғарбий Осиё, Европа мамлакатлари тартибида таҳлил қилинган ва фанда уларнинг ҳар бирига тегишли у ёки бу даражада тадқиқотлар бор. Жумладан, Амир Темур ва Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик муносабатлари масаласига тадқиқотчилар катта эътибор берганлар ва бу ҳақда европа, япон ва ўзбекистонлик олимлар томонидан бирламчи манбаларни ўрганиш асосида чоп этилган қатор илмий мақолалар мавжуд²⁵.

²⁴ Ҳасанов Ҳ. *Сайёҳ олимлар*. 151-168-бетлар.

²⁵ Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С.54-61; Bretshneider E. *Mediaeval Researches*; Franke Wolfgang. *An Introduction*; Carrington Goodrich I. *Ch'en Ch'eng in Ch'ing*; Enoki K. *Tsung-le's mission*; Enoki K. *Fu An's Mission to Central Asia*; Rossabi

Марказий Осиёнинг Хитой билан савдо алоқалари тарихи муаллиф томонидан чоп қилинган бир қанча мақолалар ва китобларда ҳам ўз аксини топган²⁶.

Бу соҳада хитойшунос олима Н.Каримова Хитой манбалари асосида докторлик диссертацияси ёқлади ва монография чоп қилди²⁷. Мазкур тадқиқотда Хитой солномаларида Мин сулоласи даврида (XIV–XVII асрлар оралиғида) Хитой билан Марказий Осиё ўртасидаги савдо элчилик алоқалари, жумладан, Хитой элчилари Фу-Ан ва Чэнь-Чэннинг Мовароуннаҳр ва Хуросонга ташрифи, уларнинг бу ўлкалар ҳақида ёзиб қолдирган тарихий ва тарихий-географик маълумотлари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот, юқорида қайд этилган муаммо бўйича, хитой тилидаги материалларнинг рус тилида муомалага киритилиши билан аниқ илмий аҳамиятга эга; олима ўзбек ва рус тилларида ҳам бир нечта мақолалар чоп этди²⁸.

Ҳозирги тадқиқотда биз мазкур мавзуга дахлдор чоп этилган ишларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, уларни маълум тартибда мавзулар бўйича таснифлаб чиқдик, хулосалар бердик. Чоп этилган тадқиқотларнинг Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганишдаги аҳамиятига баҳо беришга ҳаракат қилдик.

Morris. *Cheng Ho and Timur*; Rossabi Morris. *Two Ming*; Hecker Felicial J. *A fifteenth century Chinese*.

²⁶ Бўриев О. *Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё*. 168-б.; Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси; Ғиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги*.

²⁷ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – с. 186.

²⁸ Каримова Н. *Чэн Чэнг манбаларида Марказий Осиё*, 66–73-бетлар; Каримова Н. *Китайские исследователи о взаимоотношениях народов Центральной Азии*. 68–74 бетлар; Каримова Н. *Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича)* 2016. 56–60 бетлар; Каримова Н. *Китайские письменные источники о торгово-посольских связях Минского Китая*. 17–27 бетлар; Каримова Н. *Китайские письменные источники по истории взаимоотношений Китая*. 216–228-бетлар.

Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганишда Темурийлар даври ёзма манбаларининг ўрни

Темурийлар салтанати тарихи ҳақида ўз давридаёқ асарлар яратилгани, узоқ мозийдан бизнинг замонамизгача етиб келган ёзма меросдан маълум ва уларнинг ҳозирги вақтда сақланиб қолган қисми жаҳоннинг турли қўлёзма хазиналарида мавжуд.

Амир Темур ва темурийлар давлати тарихини ўзида акс эттирган йирик тарихий манбаларнинг бир қисми Амир Темур салтанати ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида анча аниқ маълумот берилган. У, жумладан, шундай ёзади:

“... сайидлар, олимлар, фақиҳлар, фазилат ва билим эгалари, шунингдек, уйғур бахшиларю, форсий[забон] адиблар ҳазрат Соҳибқиронга сафарда ҳам, уйда ҳам узлуксиз мулозимликда бўлган эканлар.

Фармонга мувофиқ, улардан бир гуруҳи мунтазам [равишда] тақдир тақозоси билан ул Ҳазратнинг юриш-туриши ва сўзларида, шунингдек, мулк, миллат ва аркони давлат аҳволида нимаики кечган бўлса, барчасини аниқлаб, тўла-тўқис ёзиб борардилар... Сўз усталари ва билимдон кишилар, ул Ҳазрат (Амир Темур)нинг ўз олий ишорати билан, унга иборадан либос кийгизиб, назм ва насрда таълиф ипига тизардилар. [Ёзилганларни] олий мажлисда ҳазрат Соҳибқиронга бир неча марта ўқиб берардилар ва шундан кейингина унинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил бўларди. Шу йўсинда туркий манзума ва форсий қисса, ҳар бири ул Ҳазратнинг юриш-туришидаги энг йирик [воқеаларни] қамраб олган назм ва наср қаламига олинган эди...”²⁹.

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида келтирилган юқоридаги сўзларидан маълум бўладики, Амир Темур салтанатида уйғур бахшилари (туркий тилда ёзувчи тарихнавислар ва дostonчилар) ва форсийзабон адиблардан иборат тарихнавислар бўлган ва улар юришларда қатнашиб, воқеаларни бевосита мушоҳада этишган ва шу асосда маълумотлар тўплаш-

²⁹ Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 42–43 бетлар.

ган. Йиғилган маълумотлар Амир Темур наздида тахрирдан ўтказилган, сўнгра назм ва наср қаламига олинган. Ёзилганлар олий мажлисда (бошқача қилиб айтганда, илмий даврада) муҳокама қилинган. Шу асосда яратилган туркий манзума ва форсий қисса Амир Темур салтанати тарихини тузишда мутасадди этиб тайинланган тарихчиларнинг махсус назоратидан ўтказилган. Ана шундай тарихий асар (ёки асарлар) ёзилгани, бироқ улар ҳали бир яхлит китоб талаби даражасига келтирилмаганини, Низомиддин Шомий ҳам таъкидлаб ўтади³⁰.

Афсуски, Амир Темур даврида тузилган туркий манзумалар ва форсий қиссалар бизгача етиб келгани йўқ, лекин Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари ана шу асосда яратилгани аниқ³¹.

Гиёсиддин Али. “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” (“Ҳиндистон муҳорабаси кундалиги”) Амир Темур хукмронлиги тарихига бағишлаб форсий тилда ёзилган илк манбалардан. Муаллиф мазкур асарни 1399 йили ёзган. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши тавсифини ўз ичига олади ва кейинги тарихчилар учун асосий манба вазифасини ўтаган.

Гиёсиддин Алининг “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” асари матни нашр этилган (Петроград, 1915) ва рус тилига таржима қилинган³². Унинг битта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда³³.

Мазкур асар Марказий Осиёнинг жанубий қисми – Афғонистон ҳудуди тарихий географияси учун материаллар олиш жиҳатдан муҳимдир. Унда мазкур ўлканинг шарқий – Кофиристон қисмининг табиати, савдо йўллари, сувлари, аҳоли масканлари тўғрисида маълумот акс этган.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётлигида, бевосита унинг топшириғи билан ёзилган асар. Бу китоб Амир Темур салтанати тарихидан сўзловчи дастлабки мукамал манба саналади.

³⁰ Шомий. *Зафарнома*. 22-б.

³¹ Яздий. *Зафарнома* (1972), в. 439.; Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи. - С.123.

³² Гийасаддин Али. *Дневник похода в Индию*.

³³ Гиёсиддин Али. *Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон*.

Асар муаллифи Низомиддин Шомийнинг Соҳибқирон Амир Темур билан учрашуви 1400 йили Ҳалаб шаҳрида, Соҳибқирон лашкари бу шаҳарни эгаллаганда содир бўлади: “У вақтда бу банда (Низомиддин Шомий) Ҳижоз сафарини ният қилиб, Ҳалаб шаҳрига етиб келган ва бир жамоанинг қўлига асир тушиб қолган эдим”³⁴, – деб ёзади Шомий ўзининг Ҳалабга келгани сабаби ҳақида. Амир Темур уни яхши қабул қилади ва тарихчи шундан сўнг Соҳибқирон хизматида қолган бўлиши керак. Чунки ҳижрий 804 (милодий 1401–1402) йили Амир Темур унга ўз юришлари тарихини ёзишни топширган ва мазкур воқеа ҳақида Низомиддин Шомий шундай ёзади:

“... бу китоб ёзилишининг сабаби шул эрдиким,... гарчи у зот қилган ишларининг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан. Бу банда (Низомиддин) уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, такаллуфу безак бериш, лоф уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен,... [токи] авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай”³⁵.

Демак, маълум бўладики, Низомиддин Шомийга Амир Темур ҳақида илгари тузилган тарихлар ва мавжуд материаллар асосида битта мукамал ва ихчам тарихий асар яратиш лозим бўлган.

Низомиддин Шомий бу вазифани кўнгилдагидай адо этди. Унинг “Зафарнома” асарида дастлаб, Чингизхон авлодлари, жумладан, Чигатой улуси ҳукмдорлари санаб ўтилган, сўнгра соҳибқирон Амир Темурнинг сиёсий майдонга келиши ва унинг зафарли юришлари тавсифланган. Воқеалар шарҳи ҳижрий 806 йил рамазон (милодий 1404 й. март)гача етказилган. Тарихчи ўз китобини Амир Темурга етти йиллик юришдан қайтиши чоғида Озарбайжонда тақдим этган.

Ҳозирги пайтда Низомиддин Шомий “Зафарнома” асаридан санокли нусхалар бор; унинг Темурийлар даврида кўчирилган

³⁴ Шомий. *Зафарнома*, 296-б.

³⁵ Шомий. *Зафарнома*, 22–23-бетлар.

иккита қўлёзмаси асосида (биринчиси – 1425 йили кўчирилган; ҳозир Истанбулдаги Нури Усмония масжиди кутубхонасида³⁶; иккинчиси – 1434 йилда кўчирилган; Британия музейи кутубхонасида³⁷) ҳамда Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” асари билан қиёсий матни шарқшунос олим Феликс Тауэр томонидан нашр қилинди – Прага, 1937 йил (биринчи жилд), 1956 йил (иккинчи жилд)³⁸. Асар Ф. Тауэр нашридан турк тилига ҳам ўгирилиб, 1949 йили Анқарада чоп бўлган³⁹.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари (Ҳофизи Абрунинг унга ёзган иловаси – “Зайли Зафарномаи Шомий” билан бирга) ЎЗР ФА Шарқшунослик институти ходимлари томонидан тўла илмий изоҳлар билан ўзбек тилига ўтирилди ва у чоп ҳам қилинди. Мазкур китоб асарнинг биринчи тўла нашри саналади⁴⁰.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари мазмунига кўра тарихий кечинмалар баёнидан иборат бўлиб, географик маълумотлар унда у ёки бу тарихий воқеа баёни муносабати билан учрайди. Уларни жамлаганда Марказий Осиёнинг тарихий географиясига (табiiй географик – жойнинг географик ўрни, иқлим, сувлар ва бошқа табiiй объектлар ва хўжалик объектлари – аҳоли масканлари, маъмурий ҳолат, жойнинг мақоми, ҳарбий юришлар йўналишлари, элчилик ва савдо алоқалари) оид баъзи маълумотлар олиш мумкин.

Руи Гонсалес де Клавихо (ваф. 1412 й.). “Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”.

XV аср бошида Амир Темур давлати билан Ғарбий Европа давлатлари ўртасида элчилик муносабатлари ривожланди ва Соҳибқирон Франция, Англия, Испания, Италия каби бир қанча йирик давлатлар билан элчилар орқали ёзишмалар олиб боргани маълум. Жумладан, Испания (Кастилия ва Леон қироли

³⁶ Шомий. *Зафарнома*. – Нури Усмония масжиди кутубхонаси қўлёзмаси (Истанбул), № 3267.

³⁷ Шомий. *Зафарнома*. – Британия музейи қўлёзмаси (Лондон), № 23980 (ҳозир Британия кутубхонасида).

³⁸ *Histoire des conquetes de Tamerlan*.

³⁹ Nizamüddin Şâmi. *Zafarname*.

⁴⁰ Шомий. *Зафарнома* (1996).

Генрих III) элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос Кичик Осиёга сафар қилиб, уларга ўша даврнинг энг қудратли давлатлари – Амир Темур давлати ва Усмонли Турк султонлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Тақдир тақозоси билан элчилар Амир Темур ва султон Боязид лашкарлари ўртасида 1402 йил Анқара остонасида юз берган катта жангни кўришга муваффақ бўлдилар. Амир Темур мазкур жангда зафар қозонгач, Испания элчилари ўша ерда эканлигидан хабар топади ва уларни яхши қабул қилади ва қайтишга рухсат этар экан, ўз номидан Маҳомат Аль-каги⁴¹ (Муҳаммад ал-Ҳожи) исмли кишини мактуб, пайғом, совға-салом ва канизақлар билан Испания қироли хузурига элчи қилиб юборади.

Бунга жавобан Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390–1407) ҳам катта хайрихоҳлик билан Амир Темур хузурига ўз элчилари – диншунослик магистри Фра Альфонса Пағом де Санта Мария, Руи Гонсалес де Клавихо ва Гомес де Саласарни мактуб ва ҳадялар билан юборади. Элчилар 1403 йили йўлга чиқиб, Ўрта денгиз ва Қора денгиз сув йўли орқали дастлаб Тарабзун бандаригача етиб келадилар, у ердан уларга от-уловлар бериб, то пойтахт Самарқандгача ҳар бир манзилда катта эҳтиром ва иззат-икром кўрсатиб борадилар.

Ушбу элчиликда бевосита қатнашган Руи Гонсалес де Клавихо сафар (1403–1406 йиллар) давомида кўрган-кечирганларини кундалик тарзида ёзиб боради ва у фанда “Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” номи билан танилган.

Клавихо “Кундалиги” тарихда нафақат Кастилия қироллиги билан Амир Темур давлати дипломатик муносабатлари тарихи, балки Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги табиати, хўжалиги, шаҳарлар юксалиши ва ҳунармандчилик, халқаро савдо-сотик алоқаларидаги муҳим ўрни, айниқса, Соҳибқироннинг мислсиз бунёдкорлик фаолияти кабилар тўғрисида аниқ маълумотлар қайд этилган манбадир⁴².

⁴¹ Клавихо “Кундалиги”нинг испан тилидаги нашрида бу шахснинг исми Mahomat Al-Cagi шаклида ёзилган.

⁴² Мазкур монографияда “Кундалик”нинг русча нашридан фойдаланилди:

Кастилия қироли элчилари 1404 йил 21 августда Термит (Термиз) шаҳри ёнида Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳр худуди-га қадам қўйишган ва шу йилнинг 10 декабрида Омуя гузари орқали яна шу дарёдан Хуросон томон ўтишган. Сафардан мақсад Амир Темур ҳузурига келиш бўлганлиги сабабли, уларнинг Мовароуннаҳрда турган вақтлари жами уч ой ва йигирма кун бўлиб, асосан, куз фаслига тўғри келган. Шу сабабдан Клавихо ўз сафарномасида Самарқанд, айниқса, Амир Темурнинг етти йиллик юришдан қайтгач, бир неча ой элга ош-нон улашиб, тўй-ҳашамлар ўтказгани хусусида кенгроқ тўхталган.

“Кундалик” иккита қўлёзма нусхада (XV аср) сақланган. У дастлаб испан тилида Испанияда чоп этилди (Севилья, 1582). Шундан сўнг мазкур асар бир неча марта қайта босилган ва Европа ҳамда рус тилларига (1881; 1990)⁴³ ҳам таржима қилинган.

Клавихонинг мазкур “Кундалиги”га Ўзбекистонда мустақиллик йилларидагина жиддий эътибор қаратилди; ундаги Мовароуннаҳрда оид маълумотлар русча нашри асосида ўзбек тилига ўгирилиб, “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” номли тўпламда ва Мовароуннаҳрда оид қисмидан лавҳалар алоҳида рисола шаклида чоп этилди⁴⁴. Асар ўзбек тилига тўла таржима қилиниб чоп бўлди⁴⁵.

Ушбу кундалик Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг тарихий географияси – савдо йўллари, рельефи, сувлари, аҳоли масканлари, шаҳарлари (айниқса, Кеш ва Самарқанд топографияси), деҳқончилик, боғдорчилик (айниқса, Самарқанд атрофидаги боғлар тафсилоти), Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бунёдкорлик ишлари кабилар ҳақида бевосита сайёҳнинг кўрган-кечирганларига таянган маълумотлар бериши билан муҳимдир (*бу ҳақда тафсилотлар 3-бобда берилган*).

Муиниддин Натанзий. “Мунтахаб ат-таворих” (ёки “Мунтахаб ат-таворихи Муиний”), ҳижрий 816 (милодий 1413) йили

Клавихо. Дневник путешествия (1990).

⁴³ Амир Темур ва Улуғбек замондошлари. 57–99-бетлар.; Клавихо. Дневник путешествия (1990).

⁴⁴ Клавихонинг Самарқандга саёҳати (2004).

⁴⁵ Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (2010). 264-б.

ёзилган. Асар умумий тарих, Чигатой улуси тарихи, Амир Темур кечинмалари ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихи тавсифларидан иборат.

Ҳозирги вақтда “Мунтахаб ат-таворихи Муиний”нинг қўлёзма нусхалари Эрон, Россия, Буюк Британия ва Франция кутубхоналарида сақланади. Асардан айрим парчалар рус (1941) ва француз (1914) тилларига таржима қилиниб чоп этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих” асаридан ўзбек тилига терма таржималар, мақолалар ва асарнинг ўзи ҳам танланма шаклида чоп этилган⁴⁶.

Ҳофиз Абру (ваф. 833/1430 й.), тўла исми Шихобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий, фанда Ҳофиз Абру лақаби билан машҳур бўлган. Амир Темур ва темурийлар тарихига оид форсий тилда асарлар ёзган тарихчи олим. Дастлабки пайтларда Амир Темур хизматида котиб бўлган, кейинчалик Мирзо Шоҳрух (1405–1447) саройида Ҳиротда тарихнавис, география ва геодезияни яхши билган, шеърлар ёзган.

Ҳофиз Абрунинг соҳибқирон Амир Темур тарихига бағишланган дастлабки асари **“Зайли Зафарномаи Шомий”** деб аталади. Бу қисқа тарих Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарига ҳижрий 814 (милодий 1412) йили ёзилган “Илова” (“Зайл”)дан иборат.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темур салтанати тарихи 806 (1404) йил воқеалари билан якун топади. Ундан кейинги, то Амир Темур вафоти (1405 йил 18 февраль)гача кечган воқеаларни Ҳофиз Абру ана шу “Зайл”да баён этган. Мазкур “Илова” мустақиллик йилларида ўзбек тилига ўгирилиб, Низомиддин Шомий “Зафарнома” асари билан бир китобда чоп этилди (бу ҳақда илгарироқ айтилди).

“Зайли Зафарномаи Шомий”да Мовароуннаҳрнинг тарихий географиясига оид маълумотлар – маъмурий-худудий ҳолат (Амир Темурнинг набираси Мирзо Умарга суюрғол қилган ер-

⁴⁶ Каримов Ф. *“Мунтахаб ат-таворихи Муиний” асаридаги турк-мўғул ҳарбий атамалари*; Муиниддин Натанзий. *Мунтахаб ат-таворих*.

лар ҳақида фармони), Самарқанд девонига мансабларга тайинлангани, қишнинг қаттиқ келгани, Жайхун ва Сайхун дарёлари-нинг қалин музлагани ҳақида ёзилганлардан иборат.

Ҳофизии Абрунинг иккинчи китоби географик мазмундаги асар бўлиб, махсус номи йўқ, фанда одатда *Ҳофизии Абру "География"си* деб танилган, 817–823 (1414–1420) йилларда ёзилган. Асар икки жилддан иборат: биринчи жилд – Ернинг географик тавсифи, Форс ва Кирмон ўлкасининг қисқача географияси ва тарихини; иккинчи жилд – Хуросон географияси ва тарихи ҳамда Мовароуннахрнинг қисқача географик тавсифини ўз ичига олади. Мазкур китобдан соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Шохрух ҳукмдорликлари чоғида қилинган бунёдкорлик ишлари ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ҳозирги вақтда Ҳофизии Абру "География"сининг ўнга яқин қўлёзмалари сақланган ва улар жаҳоннинг турли кутубхоналарига тарқалган (Ўзбекистон, Россия, Эрон, Буюк Британия, Ҳиндистон). Мавжуд нусхалар ичида ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётгани (№ 5361) нодир нусхалардан саналади (тахминан XVI асрда кўчирилган), настаълиқ хатида; унда муаллиф томонидан чизилган дунёнинг рангли картаси ҳам ўрин олган. Асарнинг илмий аҳамияти анчагина тадқиқотларда ёритилган ва матни Эронда тўла нашр этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Ҳофизии Абру "География"сидан айрим лавҳалар ўзбек тилига ўгирилиб чоп қилинди⁴⁷.

Мазкур асардан Мовароуннахрнинг географик тавсифи, хусусан, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол ва Каспий денгизлари (Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши), йирик шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Термиз, Кеш, Қарши), Хуросоннинг географик тавсифи (вилоятлар, булуқлар, шаҳарлар, қишлоқлар, сув тармоқлари, экинзорлар), Темурийлар давлатининг халқаро (Хитой билан элчилик) муносабатлари кабилар ҳақида муҳим маълумотлар ўрин олган ва уларнинг бир қисми бевосита муаллифнинг ўз кузатувлари ва тадқиқотлари-

⁴⁷ Бўриев О. *Темурийлар даври ўзма манбаларида Марказий Осиё*. 58–87-бетлар.

га асосланган. Муаллиф Хуросоннинг тарихий географиясига тегишли маълумотларни бевосита подшоҳлик девони дафтарларидан олганини таъкидлайди.

Ҳофизи Абрунинг йирик тарихий асари тўрт жилддан иборат **“Мажмаи таворихи султония”** номли тўплам бўлиб, унинг тўртинчи жилди **“Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”** деб аталган (826–830 /1423–1427 йилларда ёзилган).

Дастлабки уч жилд илгариги асрлар Шарқ умумий тарихи ва тўртинчи жилд эса Амир Темур ва Мирзо Шоҳрух салтанати тарихини (1427 йилгача) ўз ичига олади. Дарвоқе, 1419–1422 йилларда Темурийлар давлатидан Хитойга бориб келган элчилар таассуротлари ҳақида, шу сафар қатнашчиси Гиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган “Кундалик” ҳам дастлаб Ҳофизи Абрунинг ана шу тарихий асарида берилган.

Ҳозирги вақтда “Мажмаи таворихи султония”нинг айрим жилдларининг қўлёзма нусхалари анчагина ва улар жаҳоннинг турли кутубхоналарига тарқалган. Темурийлар даври тарихидан иборат тўртинчи жилднинг қўлёзма нусхалари Эрон, Туркия, Буюк Британия кутубхоналарида сақланади.

Ҳофизи Абрунинг мазкур асаридаги айрим қисмларгина нашр бўлган ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ушбу асардан баъзи парчалар ўзбек тилига ўгирилди ва чоп қилинди⁴⁸.

“Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” асарида воқеалар хронологик тартибда берилган, Марказий Осиё тарихий географиясига оид маълумотлар тарихий кечинмалар баёнидан ўрин олган ва тарқоқ шаклдадир, уларни матнни бевосита ўқиб жамлаш, сўнгра мавзулар тизимига солиб таҳлил қилиш мумкин.

Гиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги. 1419–1422 йилларда ёзилган. Темурийлар давлати ҳукмдори Мирзо Шоҳрух салтанатида Темурийлар давлати билан Хитой ўртасида қадимги Буюк Ипак йўли орқали савдо ва элчилик алоқалари

⁴⁸ Ҳофизи Абру. “Зубдат ат-таворих”дан: “Ҳазрат Соҳибқироннинг мўътабар насл-насаби ҳақида” (О.Бўриев таржимаси). – Тўплам: Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. 289–310 бетлар.

ривожланди. Хитой императорининг таклифи билан 1419–1422 йиллар давомида Ўрта Осиё ва Хуросондан катта элчилар гуруҳи Хитойга бориб келди.

Ушбу сафар қатнашчиси Ғиёсиддин Наққош шаҳзода Бойсунғур Мирзо топшириғи билан барча кўрган-кечирганларини кундалик шаклида ёзиб борган ва сафардан қайтгач, “Кундалик”ни Бойсунғур Мирзога тақдим этган. У эса ўз навбатида “Кундалик”ни сарой тарихчиси Ҳофиз Абрўга тарихга киришиш учун берган бўлиши керак. Зеро, “Кундалик”нинг асл нусхаси сақланмаган ва у ҳақда дастлабки маълумот Ҳофиз Абрўнинг “Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий” асаридан ўрин олган. Шундан сўнг, кейинги даврларда яшаган бир қанча тарихчилар “Кундалик”ни ўз асарларига киритдилар.

Ҳозирги вақтда Ғиёсиддин Наққош “Кундалиги”, ундаги маълумотларнинг тарихий жиҳатдан ўта муҳимлиги туфайли, кўп марта нашр бўлган ва турли тилларга ўгирилган. “Кундалик” ЎзР ФА Шарқшунослик институтида ўзбек тилига таржима қилинди ва 1991 йилда чоп этилди⁴⁹. Кейинроқ мазкур ёзма ёдгорлик ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейида уч тилда – ўзбек, рус, инглиз тилларда Ҳофиз Абрўнинг “Зубдат ат-тавориҳ” асарида берилган матни асосида нашрга тайёрланиб, карталар ва расмлар илова қилинган ҳолда алоҳида китоб шаклида чоп этилди (2017)⁵⁰.

Ушбу “Кундалик”да тарихий-географик нуқтаи назаридан Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё орқали ўтган тармоқлари, унда жойлашган шаҳарлар, манзиллар, карвон йўллари ўтган жойларнинг ер юзаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, хўжалиги, аҳолиси кабилар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Ҳожа Тожиддин Салмоний. “Тарихнома” (бошқа бир номи “Зайли Зафарнома”). Мирзо Шоҳрух салтанатидаги тарихнавис, 1404–1409 йиллар Темурийлар давлатида юз берган сиёсий кечинмаларни баён қилган. “Тарихнома”нинг учта қўлёзма нусхаси мавжуд (Британия музейи, 2 та нусхаси Туркияда). Асар немис (Ганс Роберт Ремер) ва рус (З.М.Буниятов) тилларига ўгирилган.

⁴⁹ Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси.*

⁵⁰ Ғиёсиддин Наққош. *Хитой сафари кундалиги* (2017). 160-б.

Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”. Соҳибқирон Амир Темур юришлари тавсифидан иборат энг мукаммал тарихий асар. Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султоннинг буйруғи ва бевосита раҳбарлиги остида ёзилган. Иброҳим Султон 1420 йили бобоси Амир Темур ҳақида туркий ва форсий тилларда ёзилган маълумотларни мушоҳидлар воситасида синчиклаб текширтиради. Тўпланган материаллар илмий таҳрирдан ўтказилгач, Шарафуддин Али Яздий мазкур шаҳзода топшириғига кўра, уни ўзига хос бадиий маҳорат билан форсий тилда китоб шаклига келтирган. Унинг “Муқаддима”сида ушбу тарихни ёзишга 822 (1419) йили киришилгани қайд этилган ва унинг 828 (1424–1425) йили ёзиб тугалланганлиги ҳақида Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида хабар беради.

Асар “Муқаддима”си Иброҳим Султон талаби билан анча мукаммал ёзилган ва унда Амир Темур насаби туркий султонлар оиласидан бўлганлиги исботланган, сўнгра Чиғатой улусида ҳукмронлик қилган Чингизийлар ҳақида маълумот 1360 йилгача етказилган.

“Зафарнома” аниқ маълумотларга бойлиги ва юксак бадиий маҳорат билан ёзилганлиги сабабли ўз даврида ҳам, кейинчалик ҳам диққат марказда бўлиб келди. Чунончи, бу асар XV–XVI асрларда шоир Лутфий ва Ҳотифий томонидан қисқа назм этилган, шайбоний Кўчкунчихон (1510–1530) топшириғи билан Муҳаммадали ибн Дарवेशали Бухорий асарни ўзбек тилига ўгирган, кейинчалик Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий уни туркча таржимасини яратган, 1822 йили Хивада Худойберди ибн Қўшмуҳаммад сўфи китобни ўзбек тилига ўгирган. Мавжуд таржималар қисқартирилган ва эркин таржималар эди, ammo шундай бўлса-да, манба сифатида уларнинг маълум аҳамияти бор, албатта.

Ҳозирги вақтда “Зафарнома”нинг қўлёзма нусхалари анчагина, бироқ уларнинг аксариятида “Муқаддима” берилмаган. Энг тўла яхши сақланган нусхаларидан бири Тошкентда ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади (№ 4472). “Зафарнома” француз (Париж, 1722), инглиз (Лондон, 1723), турк (Истанбул, 1929) тилларига таржима қилинган; мат-

ни Ҳиндистонда (1885–1888) Эронда (1957) ва Ўзбекистонда (Тошкент, 1972)⁵¹ нашр этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларидагина Амир Темур билан боғлиқ тарихни ўрганишга имконият яратилди, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг дастлабки қисмлари ўзбек тилига ўгирилиб, “Шарқ Юлдузи” журналида чоп этилди (1992 йил, № 3–12; 1993 йил, № 1–2)⁵². Асарнинг “Муқаддима” қисмидан Чигатой улуси ҳукмдорлари тарихидан иборат лавҳалар ўзбек тилига ўгирилди ва 1992 йилда “Амир Темур аждодлари” номи билан босилиб чиқди⁵³. “Зафарнома”нинг асосий қисмидан 1360–1370 йилларда Мовароуннаҳрда кечган тарихий воқеалар тафсилоти ҳам ўзбекчага ўгирилиб, алоҳида китоб шаклида нашр этилди⁵⁴.

Шунингдек, асардаги Мўғулистон, Дашти Қипчоқ ва Хоразмга оид материаллар ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб, “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” номли тўпламда чоп қилинди⁵⁵.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асари Амир Темур салтанати тарихига оид тафсилотларга бой энг мукамал манба бўлиб, ундаги воқеалар баёнидан Марказий Осиёнинг тарихий географияси бўйича ҳам маълумотлар олса бўлади. Табиийки, бундай маълумотлар асарда яхлит ҳолда берилмаган ва уларни матннинг турли жойларидан йиғишга тўғри келади. Улар мавзу жиҳатдан хилма-хил – маъмурий-худудий, аҳолининг этник ҳолати, табиий географик, хўжалик географияси, савдо йўллари, ҳарбий юришлар йўналишлари, бунёдкорлик ишлари географияси ва бошқалардан иборат.

Муизз ал-ансоб фий шажарат ал-ансоб (“Нисбалар шажарасида иззатли шахслар насабномаси”). Муаллифи номаълум форс тилида ёзилган асар. Туркий султонлар хонадони шажараси услубида тузилган (Чингизхон хонадони), унга Амир Темур ва

⁵¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 439 варақ.

⁵² Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси.

⁵³ *Амир Темур аждодлари*. 1992.

⁵⁴ Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари.

⁵⁵ *Амир Темур ва Улуғбек замондошлари*. 225–265-бетлар.

унинг авлодлари шажараси (Хусайн Бойқаро ҳукмдорлиги) илова қилинган. Тадқиқотларда асар дастлаб Рашидаддин Фазлуллоҳ (645–718 / 1247–1318) томонидан тузилгани ва Темурийлар даврида давом эттирилгани қайд этилган. Темурийлар даврига оид маълумотларнинг бир қисми тарихчи Ҳофизи Абру томонидан тузилган, деган фикрлар ҳам бор ва бунга маълум асос бор. Аниқроғи, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида Амир Темур аждодлари шажараси ва мазкур хонадонга мансуб айрим шахсларнинг муаллиф давридаги ҳолати ҳақида ёзилган.

Асарнинг учта қўлёзма нусхаси маълум (Истанбул; Париж; Британия кутубхонаси). Ҳозирда “Муизз ал-ансоб” факсимиле ва илмий изоҳлар билан рус тилига ўгирилиб чоп қилинган⁵⁶.

“Муизз ал-ансоб” шажара услубидаги асар бўлиши билан бир қаторда, ундан қисман маъмурий бошқарув, этник ва шунга ўхшаш соҳалар бўйича ҳам маълумот олиш мумкин. Демак, мазкур асар Марказий Осиё тарихий географияси учун ҳам зарур маълумотлар бера олади.

Ибн Арабшоҳ (тўлиқ исми: Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим, 1389–1450), араб тарихчи олими. Амир Темур Шом ўлкасига юриши чоғида, уни оиласи билан Самарқандга олиб келган; 1408 йили ватанига қайтган, 1436 йили Қоҳирага бориб, ўша ерда яшаб қолган; бир қанча асарлар муаллифи, жумладан, Амир Темурга бағишлаб ёзган **“Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи Таймур”** (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) 1436 йили ёзиб тугалланган. Ибн Арабшоҳ соҳибқирон Амир Темурга нисбатан салбий фикр юритган бўлса-да, унинг асарида анчагина муҳим тарихий маълумотлар ўрин олган.

“Ажойиб ал-мақдур”ни Ўзбекистонда ўзбек тилига ўгириш шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан анча илгари бошланган эди, бироқ уни китоб ҳолида нашр этиш фақат мустақиллик йилларида амалга оширилди. Асар “Амир Темур тарихи” номи билан 1992 йили чоп этилди⁵⁷.

“Ажойиб ал-мақдур”да соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти ҳақида келтирилган маълумотлар Марказий Осиёнинг тарихий географияси учун ҳам муҳим саналади.

⁵⁶ История Казахстана в персидских источниках. – С. 672.

⁵⁷ Ибн Арабшоҳ, *Ажойиб ал-мақдур*.

Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Хавофий (1375-1442). “**Мужмали Фасихий**” – (“Фасихийнинг қисқа тарихи”, 1441 йилда ёзилган) форс тилида. Муаллиф ўз даврининг таниқли тарихчиларидан, Мирзо Шоҳрух салтанатида Ҳиротда тарихнавислик билан машғул бўлган. Асарда дастлаб умумий тарих, сўнгра Темурийлар даврига оид муҳим воқеалар, тарих (сана) кўрсатилган тартибда лўнда баён қилинган.

Ўзбекистонда “Мужмали Фасихий” дастлаб рус тилига ўгирилиб чоп этилди⁵⁸. Мустақиллик йилларида мазкур асардан лавҳалар шарқшунос олима Дилором Юсупова томонидан ўзбек тилига ўгирилиб тўпламда чоп қилинди⁵⁹.

Ушбу асар ёзилиш услуби жиҳатдан қисқа хабарлар йиғиндисидан иборат. Шунга қарамасдан, унда Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлар (аниқроғи, 701-845/1301-1302 - 1441-1442 йиллар) учун маъмурий-худудий ҳолати, аҳолиси (миграция), табиати (кўпроқ овчилик жойлари, Хуросон худуди учун), шаҳар ва қишлоқлари, жумладан, шаҳарлар, асосан, Ҳирот топографияси, халқаро алоқалар географияси, топонимик маълумотлар кабилар ўрин олган. Улар тарихий воқеалар, айрим таниқли шахслар ва ободончиликка оид хабарларда тарқоқ ҳолда учрайди. Асарнинг муҳим томони, унда маълумотларнинг йиллар кетма-кетлигида берилганидир.

Мирзо Улуғбек (796-853 / 1394-1449 йй.) “**Тарихи арбаъ улус**” (“Тўрт улус тарихи”) – тарихий асар, форс тилида ёзилган (бошқа бир номланиши: “Улуси арбаъайи Чингизий” – “Чингизийларнинг тўрт улуси”. Мазкур китобнинг бир қисми “Шажарат ул-атроқ” (“Турк хоқонларининг шажараси”) номли муаллифи номаълум асардан сайланма шаклида олинганлиги асарнинг ўзида қайд этилган.

“Тарихи арбаъ улус” муқаддима ва етти бобдан иборат бўлган: дастлабки икки боб қадимий туркий султонлар тарихи, кейинги бобларда эса, Чингизхон ва унинг авлодлари, жумладан, еттинчи бобда Чиғатой улуси ҳукмдорлари тарихи берилган.

⁵⁸ Фасих Хавафи. *Муджмал-и Фасихи*.

⁵⁹ *Амир Темури ва Улуғбек замондошлари*. 98-112-бетлар.

“Тарихи арбаъ улус” мусулмон тарихнавислиги анъанасига кўра, пайғамбарлар тарихи баёни билан бошланади. Асарнинг кейинги қисмларида туркий султонлар, мўғул табақаси, Чингизхон салтанати тарихлари баён қилинган. Кейинги тафсилотлар Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги тарихи баёнига бағишланган ва унда Чингизхоннинг тўрт ўғли ҳамда уларнинг авлодлари ҳукмдорлиги шажараси хусусида сўз боради. Угэдэй-қоон тарихи қисқа, Тўли ҳақида, асосан, унинг ўғли Хулағухон ва авлодларининг Эронзаминдаги ҳукмронлик шажараси берилган.

Асарда Дашти Қипчоқни бошқарган Жўчи ва унинг авлодлари ҳамда Туронзаминда ҳукмронлик қилган Чиғатой ва авлодлари шажараси нисбатан муфассал баён қилинган. Чиғатой авлодлари шажараси Амир Темур томонидан тайинланган хон – Султон Маҳмудхон тарихи билан тугайди.

Ҳозирги вақтда “Тарихи арбаъ улус”нинг фақат қисқартирилган учта нусхаси бор: бир нусха Англияда, бир нусха Банкипур шаҳри кутубхонасида (Ҳиндистон), бир нусха Гарвард университетиде (АҚШ). Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” асари, унинг Британия музейи (Англия) нусхаси (АДД 26190)дан ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилди⁶⁰.

“Тарихи арбаъ улус” Марказий Осиё тарихий географияси, аниқроғи, унинг XIV–XV аср боши оралиғидаги маъмурий-худудий ҳолатини ўрганишда маълум аҳамиятга эга. Бироқ ушбу маълумотлар Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари “Муқаддима” қисмида тўлароқ ва аниқроқ берилганини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Абдураззоқ Самарқандий (тўла исми: Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий 816–887/1413–1482 йиллар) – Темурийлар салтанатининг XV асрдаги асосий тарихнависи, Ҳирот шаҳрида яшаган, подшоҳ девонида масъул вазифаларда ишлаган; 845–848/1442–1444 йилларда пойтахт Ҳиротдан: Жанубий Ҳиндистонга жўнатилган элчиларга бошчилик қилган ва ушбу саёҳат тафсилотини кундалик шаклида ёзиб қолдирган.

⁶⁰ Мирзо Улуғбек. *Тўрт улус тарихи*. 3–14 бетлар.

Асосий тарихий асари – **“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”** (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиш жойи”) бўлиб, 872–875 (1467–1470) йилларда форс тилида ёзилган; икки жилддан иборат.

Биринчи жилд – Ўрта Шарқ мамлакатларининг ўн тўртинчи асрдаги тарихи, иккинчи жилд – Темурийлар салтанати (XV аср) тарихи (асосий сиёсий кечинмалар) баёнидан иборат.

“Матлаи саъдайн”нинг қўлёзма нусхалари кўп ва дунёнинг турли кутубхоналарида мавжуд, жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам бу асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаси сақланади. Асар матни покистонлик шарқшунос олим Муҳаммад Шафе томонидан 1933–1949 йилларда Лаҳорда нашр этилган. Ундан анчагина лавҳалар инглиз, француз, турк, рус тилларига таржима қилинган. Улар орасида салмоқли таржима француз шарқшуноси Катрмернинг француз тилига таржимасидир (1843 й.).

“Матлаи саъдайн”нинг ўзбек тилига таржимасига XX асрнинг 60-йилларида киришилган ва “Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси” ҳамда иккинчи жилддан биринчи қисм (807–832/1405–1429 йиллар воқеалари) ўзбек тилида чоп этилган⁶¹. Шунингдек, Шарқий Туркистон тарихига оид лавҳалар рус тилига таржима қилинди⁶².

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида “Матлаи саъдайн”нинг иккинчи жилди тўла ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилди⁶³.

Мазкур асар Марказий Осиёнинг 1430–1470 йиллар оралигидаги тарихини ёритиш жиҳатдан муҳим саналади ва тарихий воқеалар баёни жараёнида Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё тарихий географиясига оид баъзи маълумотлар акс этган. Жумладан, Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолати (йирик маъмурий бўлинишлар: Афғонистон, Хуросон, Бадахшон; кичик маъмурий бўлинишлар: суюрғоллар; Шохрух, Улуғбек, Абусаид, Абулқосим Бобур, Султон Ҳусайн, Султон Аҳмад ҳукмдорликларидаги маъмурий-худудий ўзгаришлар), аҳолининг этник-худудий ҳолати

⁶¹ Ўринбоев А. *Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси*; Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (1969).

⁶² Абу ар-Раззак Самарқанди. *Матла' ас-са'дайн* (1988). – С.171–184.

⁶³ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). 631-6; II жилд. 831-6.

(туркманлар, барлослар, қавчинлар, арлотлар, қозоқ-ўзбеклар, тожиклар, никударлар, ҳазораларнинг яшаш жойлари; аҳоли миграцияси ва ҳ.к.), табиати (рельеф, иқлим, сувлар, дарё кечувлари, овчилик ва ов ҳудудлари), хўжалиги (шаҳарлар, қўрғонлар, шаҳарлар топографияси, ободончилик ишлари ва ҳ.к.) Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси (элчиликлар), зиёратгоҳлар, жой номлари бўйича маълумотлар бор.

Муиниддин Муҳаммад Замжий Исфизорий. “Равзат ул-жанноти фий авсофи мадинати Ҳирот” (“Ҳирот шаҳри тавсифида жаннат боғлари”). Мазкур асарда Ҳирот шаҳрининг 875/1470–1471 йилгача бўлган тарихи ҳамда шаҳар топографияси ҳақида маълумотлар берилган.

Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Муҳаммад (Мирхонд, 837–903/1433–1498 йиллар) – Темурийлар салтанатидаги таниқли тарихчи олим, Ҳиротда яшаб, Алишер Навоий ҳомийлигида ижод қилган. Асосий тарихий асари – “**Равзат ас-сафо фий сийрат ал-анбиё ва-л-мулк**” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”), форс тилида; муқаддима ва етти жилддан иборат (охирги жилд чала, то 1467 йил воқеаларигача); шу сабабдан, мазкур жилдни тарихчининг набираси Хондамир ниҳоясига етказган ва воқеалар баёнини то 1523 йилгача тўлдирган. Дастлабки беш жилд умумий тарих ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг Амир Темур салтанати давригача бўлган тарихини ўз ичига олади. Олтинчи ва еттинчи жилдларда Темурийлар салтанати тарихи хусусида сўз боради.

“Равзат ас-сафо”нинг қўлёзма нусхалари кўп, турли кутубхоналарда, жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Миллий университети қўлёзмалар фондида ҳам бор. Асарнинг матни бир неча марта нашр этилган: Техрон, 1853–1857; Лақнав, 1883; Техрон. 1960 йиллар.

Асар Туркияда бир неча марта турк тилига таржима қилинган (1550 й., 1555 (унинг нашри 1848 й.); 1730–1754 йиллар; 1763 й., лавҳалар); Хива хонлигида Мунис, Огаҳий ва Муҳаммад Юсуфлар томонидан ўзбек тилига ҳам ўгирилган (XIX–XX аср боши); 1737 йили Шарқий Туркистонда уйғур тилига таржима қилинган. Асардан лавҳалар Европа тилларига ўгирилиб чоп этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида “Равзат ус-сафо” нинг Хоразмда бажарилган ўзбекча таржимасидан лавҳалар шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанов томонидан ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилинди ва у тўпламда чоп этилди.

Хожа Аҳрор Валийнинг вақф ҳужжатлари. Мазкур ҳужжатларнинг бир қисми О.Д.Чехович томонидан “**Самарқандские документы XV-XVI веков**” номли китобда нашр қилинди ва унинг рус тилига таржимаси ҳам (илмий изоҳлар, муқаддима ва кўрсаткичлар билан) берилган⁶⁴.

Ушбу китобда Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Афғонистонда жойлашган 400 та ишлов бериладиган ер мулки, 64 та қишлоқ ва уларга тегишли экинзорлар, 30 та шаҳар атрофидаги боғлар, 11 та шаҳар ҳовлилари, ўнлаб савдо-хунармандчилик расталари (тим), ҳаммомлар, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар берилган.

Асарда келтирилган ҳужжатларда дастлабки кўйидаги 12 таси XV аср 2-ярмига, яъни Темурийлар даврига тегишли:

- 1) уй ва ҳовли (1454 й.), Самарқанд шаҳрида;
- 2) 3 та ер мулки (1463 й.), Самарқанд вилоятида;
- 3) 12 та савдо-хунармандчилик корхоналари (1464 й.), Самарқанд шаҳрида;
- 4) боғ, қишлоқ, уй ва ҳовли (1469 й.), Самарқанд ва Кеш вилоятларида;
- 5) қишлоқ, ер мулклари, тегирмонлар, 2 та савдо-хунармандчилик корхоналари (1470 й.), Самарқанд шаҳри ва вилояти;
- 6) ер мулки (1480), Самарқанд шаҳри атрофида;
- 7) 6 та ер мулки (1480 й.), Самарқанд туманида;
- 8) ер мулки (1482 й.), Самарқанд туманида;
- 9) ҳаммом (1480 й.), Самарқанд шаҳридаги бозор ичида;
- 10) бир нечта қишлоқ, ер мулклари, боғлар ва бошқа кўчмас мулклар (1489 й.), Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида;
- 11) бир нечта қишлоқлар, ер мулклари, боғлар, савдо-хунармандчилик корхоналари, ҳаммомлар, тегирмонлар ва бош-

⁶⁴ Самарқандские документы XV-XVI вв. – С.631.

қа кўчмас мулклар (1490), Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳамда Самарқанд, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида;

12) ер мулки (1490 й.), Тошкент вилоятида.

Мазкур мулклар мадрасалар ва масжидлар қуриш ҳамда уларнинг фаолияти учун вақф қилингани ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ушбу ҳужжатларда акс этган Темурийлар даврига оид маълумотлар Мовароуннаҳр тарихий географиясини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларда хўжаликка оид (ўз даврида олиб борилган ободончилик ишлари, боғлар, экинзорлар, суғориш тармоқлари), шаҳарлар топографияси (бозор, ҳаммом, масжид, мадраса, тегирмон ва б.), жой номлари (айниқса, микротопонимлар – кичик географик объектлар) ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Хондамир (тўла исми: Ғиёсиддин ибн Ҳумомаддин Муҳаммад; 1475–1535), тарихчи Мирхонднинг невараси, Темурийлар тарихчиси; дастлаб Ҳиротда, сўнгра Ҳиндистонда Бобурийлар саройида тарихнавис бўлиб хизмат қилган. Бир қанча тарихий асарлар муаллифи. Асосий тарихий асари – **“Ҳабиб ас-сияр фи ахбор ва афроз ал-башар”**, 1529 йили ёзиб тугалланган. Асар уч жилддан иборат; охири жилдда Темурийлар салтанатининг XV аср иккинчи ярми тарихи ва XVI аср биринчи чорагида Марказий Осиёда юз берган тарихий кечинмалар акс этган.

Асар муҳим тарихий маълумотларни ўз ичига олганлиги туфайли кўп марталаб кўчирилган. Шу сабабдан, ҳозирги вақтда турли кутубхоналарда унинг тўла ёки айрим қисмларининг нусхалари кўп. Жумладан, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида “Ҳабиб ас-сияр”нинг тўла қўлёзма нусхаси мавжуд. Асар матни бир неча марта нашр этилган (Бомбай, 1857; Техрон, 1855; 1955). “Ҳабиб ас-сияр”нинг бир қисми эски ўзбек тилига ҳам ўгирилган (1860 й.). Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Хондамирнинг илмий фаолиятига бағишланган йирик илмий тадқиқот иши амалга оширилди⁶⁵ ва асарнинг ўзи ҳам ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилди⁶⁶.

⁶⁵ Юсупова Д. *Хондамир и его научное наследие*; Юсупова Д. *Жизнь и труды Хондамира*. – С.325.

⁶⁶ Хондамир. *Ҳабиб ас-сияр* (2013). – 1272-6.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483.14.02, Андижон – 1530.26.12, Агра) – темурий шаҳзода, Мироншоҳ авлодидан, Умаршайх мирзонинг ўғли, онаси Кутлуғнигор хоним Мўғулистон хони Юнусхоннинг (818/1415–1416 – 892/1486–1487)⁶⁷ қизи бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Бобурийлар сулоласига асос солган давлат арбоби, тарихчи олим ва шоир сифатида танилган: бир нечта назмий асари бор. Асосий тарихий асари – **“Бобурнома”** номи билан маълум ва машҳур.

“Бобурнома” (бошқача аталишлари: “Воқифоти Бобурий”; “Тузуки Бобурий”), эски ўзбек тилида ёзилган тарихий (мемуар) шаклидаги асар; Темурийлар салтанати тарихининг XV аср охиригача чораги ва XVI аср бошларига оид, шунингдек, Бобурийлар ҳукмдорлигининг XVI аср биринчи чораги воқеаларидан ҳикоя қилинади, асосан, Бобурнинг ўз қўрган-кечирганлари баёнидан иборат, баъзан бошқа китоблардан олинган маълумотлар ҳам учрайди.

“Бобурнома”нинг тўла бўлмаган нусхасигина бизгача етиб келган. Унда маълумотлар хронологик тартибда берилган бўлиб, воқеалар баёни 899/1493 йилдан бошланади ва 936/1529 йил билан тугайди. Бироқ мазкур тартиб ҳозирги мавжуд асарда тўла сақланмаган: 914/1508 йилдан сўнг 926/1519, 932/1525 йиллар келади, яъни иккита узилиш бор.

Бизнингча, “Бобурнома” Бобур томонидан кундалик тарзда ёзиб борилган ва Ҳиндистонда қайта таҳрирдан ўтказилиб китоб шаклига келтирилган. Бунга асарда ишоралар бор. Масалан, 904/1498–1499 йиллар воқеаларида: “Аҳмад Юсуфким бу тарихда Сийалкот ҳукумати андадур”⁶⁸, – деб ёзилган жумла 904 йил воқеалари баёнида айtilган бўлса-да, бироқ у анча кейинги йилларга тегишлидир.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Англия (Лондон) ва Ҳиндистон (Ҳайдаробод) кутубхоналарида сақланади. Асарнинг тарихий нуқтаи назардан ўта муҳимлигини бир қанча европа тилларида қилинган таржималаридан ва кўплаб нашрларидан (Лондон,

⁶⁷ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.142.

⁶⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 67-б.

1826 й. тўла нашри; Қозон, 1857; Лондон, 1905; 1921; АҚШ, 1993; Япония, 1995–1996 ва б.) билса ҳам бўлади.

“Бобурнома”даги маълумотларнинг ишончилиги ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи таъкидлаб ўтган:

“Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлганлардин мақсуд ўзнинг таърифиди эмас, баёни воқиъи бу эдиким, тахрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиъини тахрир этилгай”⁶⁹.

Ўзбекистонда “Бобурнома”нинг Қозон нашридан (1857) кўчирилган қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Асарнинг ўзбек ва рус тилларидаги тўла илмий нашри ҳам амалга оширилган ва у бир неча марта қайта чоп этилган⁷⁰. Мустақиллик йилларида “Бобурнома”нинг русча ва ўзбекча таржималари қайта нашр қилинди (1993).

“Бобурнома” мемуар асар бўлиши билан бир қаторда, мазмун жиҳатдан икки хил мавзу – тарихий ва географик мавзуларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, “Бобурнома”да муаллифнинг баён қилиш услуби ўрта асрларда мусулмон Шарқ мамлакатларида ёзилган географик ёки тарихий-географик мазмундаги асарлардан фарқ қилади. Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар асарнинг бошланиш қисмида (Мовароуннахр 899/1493 – 909/1503–1504 йиллар тарихи баёнида қисқача, 903/1497–1498 йил, яъни Бобур Самарқандда бўлган пайт воқеалари баёнида бир мунча муфассал, сўнгра то 914/1508–1509 йилгача Афғонистон худуди) баён қилинган. Асарнинг охириги қисмида, аниқроғи, 925/1519–1520 – 936/1529 йиллар кечмишларида эса Ҳиндистон тарихи (бевосита 932/1525 йил воқеаларида Ҳиндистоннинг тарихий географияси) берилган.

Мовароуннахрнинг тарихий-географик тавсифида унинг чегаралари, Фарғона вилояти (водийси) ва унга ёндош худудларнинг XV аср 2-ярмидаги маъмурий-худудий ҳолати, табиати, сувлари, кўрғон ва қасабалари, Самарқанд шаҳри топографияси (иқлими, кўрғони, туманлари, обидалари, сувлари, тоғлари, мевалари,

⁶⁹ Бобур. *Бобурнома*. (2002), 151-б.

⁷⁰ Бобур. *Бобирнома*. Т., 1948-1949; 1960; 1965-1966; 1989 русчага таржима нашрлари: 1958; 1959; Бобир. *Бобирнома* (1960).

қишлоқ хўжалиги – полиз экинлари, Амир Темуր яратган боғлар, Улуғбекнинг ободончилик ишлари, шаҳар атрофидаги жойлар – туманлар, ўланлар, Бухоро, Кеш, Қарши, Хузор вилоятлари ва шаҳарлари ҳақида баъзи географик маълумотлар, Самарқанддан айрим вилоятларгача бўлган масофа, жой номлари, Хоразмнинг XV аср охиридаги маъмурий ҳолати ҳақида ҳам маълумотлар бор.

“Бобурнома”да Марказий Осиё тарихий географияси бўйича энг мукаммал тарихий-географик тавсиф Афғонистоннинг жанубий қисмида жойлашган Кобул ва Ғазни вилоятларига тегишлидир. Иккала вилоят ҳам маъмурий-ҳудудий жиҳатдан туманлар, кентлар ва булукларга бўлиб тавсифланган. Ҳар бир вилоятнинг географик ўрни, чегараси, маъмурий-ҳудудий ҳолати, аҳолиси, табиати – иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, табиий ҳудудлари (ўланлар), табиий ҳодисалар (зилзила), хўжалиги – қишлоқ хўжалиги (жумладан, боғдорчилик), овчилик, йўллар (шу жумладан, савдо йўллари), халқаро савдо марказлари (Кобул, Қандаҳор), ўша кезларда амалга оширилган ободончилик ишлари (ариқлар қаздириб сув чиқариш, боғроғлар яратиш, экинзорлар барпо этиш, иморатлар қуриш ва ҳ.к.) ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари, ҳозирги Афғонистон ҳудуди бўйича анчагина жой номлари ҳам қайд этилган, баъзи аҳоли масканлари орасидаги масофа, Хуросоннинг XV аср охиридаги маъмурий-ҳудудий ҳолати, Ҳирот шаҳрининг топографияси акс этган маълумотлар ҳам бор.

“Бобурнома”даги маълумотлар географик тадқиқотларда икки йўналишда – фан тарихи ва тарихий география йўналишларида ўрганилган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499, Тошкент – 1551, Сринагар)⁷¹ “**Тарихи Рашидий**” – форс тилидаги тарихий асар, 1543–1546 йилларда ёзилган; унда Марказий Осиё ва унга ёндош ҳудудлар тарихи, асосан, Мўғулистон хонларининг XIV–XVI аср биринчи ярми оралиғидаги ҳукмдорлиги тарихи хусусида сўз боради. Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари Марказий Осиёнинг шарқий қисми – Мўғулистон ва Манглай Субе (Шарқий Туркистон)нинг XV–XVI аср биринчи чораги тарихи нисбатан

⁷¹ Муаллиф туғилган йилини ўз асарида келтирган (Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.189).

батафсил берилган ягона ишончли манбадир ва унинг муаллифи асарнинг ёзилиши сабаби хусусида қуйидагича ёзади:

“Мўғул[истон] хонлари дашт одамларидирлар ва тарих ёзмаганлар, ўз аждодлари ҳақида эса фақат оғзаки хабарлардан эслайдилар. Ҳозир тўққиз юз эллик биринчи (1544–1545) йилда [бу ҳақда] оғзаки маълумотга эга одам ҳам қолмаган. Мен ана шу муҳим ишга киришдим, акс ҳолда Мўғул[истон] хонлари тарихи замон саҳифасидан бутунлай ўчиб кетарди”⁷².

Демак, маълум бўладики, Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий”ни ёзишда мўғулларда мавжуд оғзаки маълумотлардан ҳам фойдаланган ва буни ўз асарида бир неча марта қайд этади, “мўғуллар ривоятлари” деган жумлани ҳам ишлатган⁷³.

Мирзо Ҳайдар тарихий асарларда мўғуллар тарихи Чингизхон салтанатидан то Туғлуқ Темурхон салтанатигача ёзилганини ва ундан кейин ҳеч нарса қайд этилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтган. Муаллифнинг сўзларига кўра, “Тарихи Рашидий” икки китобдан иборат: биринчиси – Мўғулистоннинг XV асрдаги тарихи, яъни Туғлуқ Темурхон ҳукмронлигидан то Абдурашидхон салтанатигача; иккинчиси – муаллифнинг ўз кўрган-кечирганлари; муаллиф даврига оид мазкур қисм саргузашт (мемуар) услубида ёзилган ва аниқ тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Мирзо Ҳайдар ушбу асарини 952 йил зулҳижжа ойининг охири кунида (1546 йил, 3 март) Кашмирда ёзиб тугатганини айтган⁷⁴.

Асарнинг қўлёзма нусхалари анчагина, жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида ҳам бир нусхаси мавжуд. “Тарихи Рашидий” Европада инглиз тилига ўгирилиб чоп этилган (Лондон, 1895).

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мазкур асар ЎзР ФА Шарқшунослик институти олимлари томонидан рус тилига тўла илмий таржима қилинди ва босилиб чиқди⁷⁵. Асар Ўзбекистондаги нашри асосида Қозоғистонда қайта нашр бўлди (Олмаота, 1999).

⁷² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.20.

⁷³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.31, 38, 86.

⁷⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.185.

⁷⁵ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 727.

“Тарихи Рашидий” мазмунига кўра тарихий асар ва унда географик маълумотлар тарихий воқеалар тафсилотлари таркибида берилган. Асарда Темурийлар давлати, Мўғулистон ва Шарқий Туркистоннинг XV аср 2-ярмидаги маъмурий-худудий ҳолати (вилоятлар, шаҳарлар, жумладан, маъмурий марказлар), аҳолиси (этник таркиби, жойлашиши, ҳаёт тарзи, миграция жараёни ва ҳ.к.), табиати – рельефи (тоғлар, дашт ва чўллар), иқлими, сувлари (дарёлар, кўллар), ўсимлик ва ҳайвонот олами), хўжалиги (чорвачилик, жумладан, яйлов чорвачилиги, деҳқончилик), бунёдкорлик ишлари, савдо йўллари ва манзиллар, аҳоли масканлари орасидаги масофалар, топонимияси хусусида маълумотлар ўрин олган. Мўғулистон ва Шарқий Туркистоннинг XIV–XV асрлар тарихий географиясига оид тафсилотлар фақат “Тарихи Рашидий”да учрайди. Мазкур асар Марказий Осиё тарихий географияси бўйича “Бобурнома” маълумотларини қисман тўлдиради, дейиш мумкин.

Келтирилган таҳлиллардан маълум бўладики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Темурийлар даври манбаларини тадқиқ этиш борасида туб ўзгариш юз берган ва бажарилган ишлар кўламида манбаларни ўзбек тилига ўгириб чоп этиш етакчи ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда Темурийлар даври манбалари материаллари акс этган бир нечта тўпламлар ҳам нашр этилди. “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” (1996) ва “Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида” (1997) тўпламларида бевосита Темурийлар даври тарихий манбаларидан таржима-лавҳалар берилган.

Хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV–XVII асрлар оралиғидаги тарихи анча мукамал акс этган солнома – **“Мин ши лу”** (“Мин сулоласи императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар”)да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган бўлиб, унда 1388–1398 йиллар оралиғида Хитойга Моваруннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган⁷⁶ (бу ҳақда 4-бобга қаранг).

⁷⁶ Бурнев О., Колганов А. *Об одном участке.* – С.107.; Каримова Н. *Взаимоотношения.* – С.106.

Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги кейинги йиллардаги элчилик муносабатлари кўпроқ Хитой дипломати Чэнь-Чэн номи билан боғлиқ. Чэнь-Чэн (бошқа исми Цзы Лу, лақаби Чжу Шань), Хитойнинг Цзянси (Цзишуй) шаҳрида дунёга келган; 1394 йилдан Хитой императори саройида ишлай бошлагани маълум. 1396 йили Хитойнинг шимоли-ғарбий чегараларига қоровуллар (застава) ташкил қилиш учун жўнатилган. 1399 йилдан Ханьлин Академиясида император фармонларини тартибга солиш бўйича тарихнавис ва яна бир қанча юқори вазифаларда ишлаган. 1403 йилдан сўнг ўн йил давомида Чэнь император саройида котиблик вазифасини бажарган. Сўнгра у 1414 йили Ўрта Осиёга элчи қилиб жўнатилган ва кейинги ўн йил давомида бир неча бор узоқ юртларга элчи сифатида сафар қилган. 1426 йили Чэнь-Чэн сарой хизматидан кетган ва қолган умрини, ўттиз йил чамаси, ўз она шаҳрида ўтказиб, 1450 йили вафот этган⁷⁷.

Хитой олимларининг тадқиқотларида Чэнь-Чэннинг ғарбдаги мамлакатларга, аниқроғи, Ҳирот ва Самарқандга дастлабки сафари 1396 йилга тўғри келади, деган маълумот ҳам учрайди⁷⁸. Бироқ мазкур фикр тарихийликка мос тушмайди. Чунки 1395 йили Хитойдан Фу-Ан бошчилигида юборилган элчилар ҳали ватанига қайтиб келмаган эди. Ундан ташқари, 1396 йили Ҳиротга элчилар юборилиши эҳтимолдан узоқ, зеро мазкур шаҳар ўша кезларда тузукроқ бир муҳим сиёсий мавқега эга эмасди. Боз устига, худди ўша йили Чэнь-Чэн Хитойнинг шимоли-ғарбий чегарасига қоровул жойлар ташкил қилиш учун хизмат сафарига юборилгани Хитой олимлари тадқиқотларида таъкидланган⁷⁹ ва бу ҳақда юқорида айтилди.

Хитой манбаларида ёзилишича Чэнь-Чэн жами уч марта Темурийлар давлатига элчи бўлиб келган: 1414–1415; 1416–1418; 1420⁸⁰.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври ёзма манбалари-

⁷⁷ Каримова Н. *Взаимоотношения*. 114–119 бетлар; Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С.54–61.

⁷⁸ Ян Фусюэ. *Чэнь Чэн шилляоды синьфасянь*. – С.22; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.117.

⁷⁹ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.114.

⁸⁰ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.117–118.

да Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар тарқоқ шаклда учрайди ва ҳудудий жиҳатдан ҳам бир хил эмас.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”си 1404 йил ва Ҳофизи Абрунинг “Зайл” (Шомий асарига “Илова” асари 1405 йил, аниқроғи, Амир Темурнинг Ўтрорда вафотигача етказилган. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида бутун Марказий Осиёга тегишли тарихий воқеалар келтирилган бўлса-да, бироқ унда воқеалар баёни Халил Султоннинг тахтга келиши кечинмалари билан тугайди.

Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида Мирзо Шоҳрух салтанати тарихи 833/1430 йилгача баён қилинган. Унинг ўзига хос афзаллиги – Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси келтирилганидир ва қисман, Марказий Осиёнинг шарқий қисмлар тарихий географиясига оид айрим маълумотлар ҳам акс этган. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида Марказий Осиё тарихи 1470 йилгача ёзилган бўлишига қарамай, уларнинг аксари қисми Хуросонга ҳамда Эронзамин ва ундан шимолий ва ғарбий ўлкалар тарихига тегишлидир.

Тарихий-географик мазмундаги асарларни олиб қарайдиган бўлсак, Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Хуросон ва Самарқанд шаҳри ва вилояти, унга қўшни Бухоро ва Кеш вилоятлари, “Бобурнома”да Фарғона водийси, Самарқанд шаҳри ва вилояти, ҳозирги Афғонистон ҳудудида Кобул ва Ғазни вилоятлари, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистон бўйича тарихий-географик мазмундаги маълумотлар батафсилроқ берилган.

Клавихонинг “Кундалиги”да Мовароуннахрнинг шаҳарлари, қисман табиати ва ҳўжалиги тўғрисида маълумот акс этган.

Демак, тарихий география соҳасидаги изланишлар учун Темурийлар даври ёзма манбаларининг ҳар бири маълум бир аҳамият касб этади. Тарихий мазмундаги асарлардан фойдаланганда географик маълумотларни матндан топиб бир жойга жамлагандан кейингина таҳлил учун имконият туғилади.

II БОБ

ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ ВА ЭТНИК-ХУДУДИЙ ҲОЛАТИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ ИНЪБИКОСИ

Марказий Осиёнинг Амир Темур салтанатидаги маъмурий-худудий бўлиниши ҳақида ёзма маълумотлар

Мовароуннаҳр ва Хуросон қадимдан тарихий ўлкалар сифатида шаклланган ҳудудлар бўлиб, Жайхун (Амударё) улар ўрта-сида табиий ва маъмурий чегара вазифасини ўтаган.

Ўтган икки ярим минг йиллик даврда, тарихий воқеликлар таъсирида, бу ўлкалар тарихий-географик жиҳатдан бир неча марта ягона сиёсий тузилма – у ёки бу давлат таркибида бўлиб келган. Бунини Аҳамонийлар давлати, Сосонийлар давлати, Араб халифалиги, Сомонийлар давлати, Ануштагинлар – Хоразмшоҳлар давлати, Мўғуллар давлати, Амир Темур ва Темурийлар давлати мисолларида кўриш мумкин.

Чиғатой улуси. Амир Темур салтанатида Марказий Осиёнинг маъмурий бошқарув тизимида Чиғатой улусида мавжуд Чингизхон авлодидан хон бўлиши анъанаси сақланган эди. Ўша давр асосий тарихий манбалари сўзни Чиғатой улусининг сиёсий-маъмурий ҳолатидан бошлайдилар ва бу ҳақда анча муфассал маълумот Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида берилган.

Марказий Осиё маъмурий-худудий ҳолатига бевосита дахлдор маълумотлар мазкур асарнинг “Муқаддима”сида “Чингизхон наслидан Турон мамлакатларида ҳукмронлик қилган хонлар ҳақида сўз” деб аталган сарлавҳа остида берилган ва Чингизхон томонидан иккинчи ўғли Чиғатойга белгиланган жойлар 2 хил ном билан аталган: 1) “Туронзамин мамлакати”, 2) Чиғатой улуси⁸¹; унинг ғарбий чегараси Жайхун (Амударё)гача ва шарқда

⁸¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 746-75а варақлар.

Ноймонгача (тахминан Олтой ўлкасидан жанубдаги ерлар). Улус пойтахти дастлабки пайтда Бешбалиғда⁸² бўлган.

“Чиғатой улуси” деган ном “Тарихи Рашидий” асарида ҳам бор ва “Чиғатойхон юрти”, “Чиғатойхон улуси” шаклларда қайд этилган. Унда Чингизхон ўз подшоҳлигини 4 қисм (улус)га бўлиб, ҳар бир қисмини бир ўғлига – Дашти Ҳазар ва (Дашти) Қипчоқни – Жўчига; Мўғулистон, Қорахитой, Туркистон, Мовароуннахрни – Чиғатойга; Хитойни – Тўлига; Қорақурум ва Қалмоқдан иборат ўз юртини – Угэдэйга бергани айтилган⁸³.

“Чингизхон [ўз подшоҳлиги ерларидан] Туронзамин мамлакатини [ғарбда] Турон билан Эрон ўртасида [чегара] Жайхунгача, суюкли фарзанди [Чиғатой]га атади ҳамда уни, унга ажратиб берилган мамлакат ва сипоҳ билан биргалиқда, ўз амакиваччаси Қорачор-нўёнга топширди... Чиғатойхон салтанат тахтининг қароргоҳи Бешбалиғ эди; “балиғ” деб шаҳарни айтадилар⁸⁴

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида берилган маълумотга кўра, Чиғатой улусида хонлик тахтида ўтирган шахслар жами ўттиз биттани ташкил этган.

Чиғатойхон 638 йил зулқадда (1241 й., май-июн)да вафот этади ва улусни бошқариш унинг авлодлари – Қара Ҳулагу, Ёсун-Мункэ, Олқу, Муборақшоҳ, Буроқхон измида бўлади. Вақт жиҳатдан бу XIII асрнинг ўрталарига, аниқроғи, Чиғатойхон вафоти (1241 йилдан то Буроқхоннинг ўлими (1270 й.)гача бўлган оралиққа тўғри келади.

Мазкур даврда Чиғатой улусининг маъмурий-худудий ҳолатида содир бўлган муҳим воқеаларидан бири, улус пойтахтининг Бешбалиғдан Олмалиғга кўчирилганидир. “Муқаддима”да Чиғатой авлодидан Олқў 658 йил охирларида (1260 й.) Олмалиғда тахтга ўтирди, дейилган⁸⁵. “Муқаддима”да ёзилишича, ҳижрий 662 (милодий 1263–1264) йили Чиғатой авлодидан Муборақшоҳ ибн Қара Ҳулагу тахтни эгаллайди. Тадқиқот-

⁸² Бешбалиғ Шарқий Туркистонда Турфон шаҳридан шарқроқда жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, XIV асргача шаҳар мавқеини сақлаб келган.

⁸³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.366.

⁸⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 746-варақ.

⁸⁵ Олмалиғ – Или водийсида жойлашган, ҳозирги вақтда унинг ўрнида шу номдаги қишлоқ бор, Гулжа шаҳридан шимоли-ғарбда.

ларда Муборакшоҳ Оҳангаронда тахтга ўтиргани ва Чиғатой улуси ҳукмдорларидан биринчи бўлиб исломни қабул қилгани айтилган.

663 йил бошларида (1265 йил) мўғуллар давлатининг катта кенгаши қарори билан Чиғатой улуси тахтига Буроқхон тайинланади. Буроқхон ҳукмдорлиги (1265–1270) ҳам Мовароуннаҳрда кечган. У Бухоро шаҳрини ўзига пойтахт қилиб белгилади.

Маълум бўладики, XIII аср 60-йилларида Чиғатой улусининг маъмурий-худудий ҳолатида жиддий ўзгариш юз берган ва бошқарув маркази улуснинг ғарбий қисмига кўчган. Муборакшоҳ Оҳангаронда ва Буроқхон Бухорода туриб юрт сўраганлар. Бошқача қилиб айтганда, Чиғатой улуси ғарбий қисмининг сиёсий мавқеи кучайиб боргани кузатилади. Бу даврда Марказий Осиё маъмурий-худудий ҳолатида кечган иккинчи муҳим ўзгариш, “Муқаддима”да ёзилишича, Чиғатой авлодлари билан Чингизхоннинг бошқа ўғли Ўктой-қоон авлоди ўртасида тахт учун кураш авж олади, 668 йил охирларида (1270 йил) Муборакшоҳ ўлдирилади ва Чиғатой улусида ҳукмронлик тахтига Ўктой-қоон авлодлари келади. Лекин кўп ўтмай, Чиғатой авлодлари яна ҳукмронликни қўлга оладилар ва бошқарув Буроқхон авлодларига ўтади; Тўқатемурхон, Дувочечанхон, Кўнжакхон, Талийқўхон, Эсан-Буғо, Кебекхон, Илчигдай, Ўқрохон, Тармаширинхон, Бўрон, Жингшухон, Йисун Темурхон, Муҳаммад, Қозон Султон бирин-кетин тахтни эгаллаб улусни бошқарганлари ҳақида “Муқаддима”да батафсил ёзилган. Бу вақт жиҳатдан XIII асрнинг охиригича икки ўн йиллиги ва XIV асрнинг 1347 йилигача бўлган оралиқни ўз ичига олади.

Бу даврда Чиғатой улуси маъмурий-худудий ҳолатида анчагина ўзгаришлар бўлди. Жумладан, “Муқаддима”да Кўнжакхон Дувохон ўғли ўз ҳукмдорлиги даврида Чиғатой улусидан шарқда жойлашган Ўктой-қоон авлодларига тегишли ерларни ўз тасарруфига киритгани айтилган. Натижада Чиғатой улуси шарқ томонга анча кенгайди. Бу ҳақда “Муқаддима”да: “У (яъни Кўнжакхон) салтанат тахтига ўрнашгандан сўнг, кўрдикки... Ўктой-қоон авлодлари салтанат ишини олиб бориш ва мамлакатни бошқаришни эплай олмаяптилар. [Шу сабабдан], уларнинг эл

ва улусига илтифот соясини солди ва ўз қўл остига олиб, Чиғатой улусига киритди,⁸⁶ – деб ёзилган.

“Муқаддима”да Чиғатой улусининг маъмурий-худудий ҳолати билан боғлиқ кейинги муҳим воқеа вақт жиҳатдан XIV асрнинг биринчи чорагига тўғри келади ва унда Мовароуннахрнинг улусда сиёсий мавқеи кучайгани кузатилади.

Чиғатой улусининг хони Кепекхон (1318–1325) Мовароуннахрда, аниқроғи, қадимий Нахшабдан 8 км жануби-шарқда ўзига янги қароргоҳ қўрғон қурган: “Мўғуллар қўрғонни “қарши” дейдилар”⁸⁷, – деб ёзади Али Яздий.

Кепекхондан кейин Чиғатой улуси тахтига келган Тармаширинхон (ваф. 1328 й.) ҳам Қарши шаҳрида яшаган, эл сўраган. Демак, Кепекхон ва Тармаширинхон салтанатида Қарши шаҳри Чиғатой улусининг сиёсий-маъмурий маркази бўлган. Бу даврда улус худуди Амударёдан жануб томонга кенгайгани кузатилади.

XIV асрнинг 1328–1332 йилларида маъмурий бошқарув маркази яна улуснинг шарқий қисмига кўчади ва “Муқаддима”да Чиғатой авлодидан Бўрон, Жингшухон, Ёйсун Темурхон, Муҳаммад тахтни эгаллаганлари айтилган.

Бу даврда улус маъмурий-худудий ҳолатида юз берган воқеа сифатида бошқарув қисқа муддат Ўқтойхон авлодига ўтганидир. Бу ҳақда “Муқаддима”да шундай ёзилган:

“Ўқтойхон наслидан бўлмиш Али Султон [Чиғатой улусига] Ёйсун-Темурхон устига юриш қилди, ноҳақлик ва зўравонлик билан хонлик тахтига ўтирди; хон хазинасини талон-торож қилди ҳамда Туманохон муҳри босилган [кейинчалик], уни Чингизхон ва Қарачор-нўён янгилаб, имзо чеккан, Қабулхон ва Қочули аҳдномасини йўқ қилиб юборди”⁸⁸.

Ундан кейин Қозон Султонхон (1332–1346) Чиғатой улуси ҳукмдори бўлади. У 1332–1347 йилларда Қарши шаҳрини пойтахт қилган ва бу ҳақда “Зафарнома”нинг асосий қисмида маълумот бор⁸⁹.

⁸⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 796-варақ.

⁸⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 114а-варақ.

⁸⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 81а-варақ.

⁸⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 916-варақ.

Мўғулистон. XIV аср ўрталарига келиб Мовароуннахрда хукмронлик амирлар қўлига ўтади ва Чигатой улуси маъмурий-худудий жихатдан иккига бўлинади. Темурийлар даври ёзма манбаларида улуснинг шарқий қисми – Мўғулистон, ғарбий қисми – Мовароуннахр номлари билан тилга олинган. Мовароуннахрда хукмронликни қўлга киритган амирлар анъанани бузмай хонлик тахтига Чингизхон авлодидан хон тайинладилар.

Чигатой улусининг ғарбий қисмида ҳокимиятни биринчи бўлиб амир Қазаған (1347–1357) эгаллади. Амир Қазаған ҳокимият учун курашиб Қозон Султонхонни ўлдиради ва тахтни эгаллайди; унинг даврида пойтахт Соли-Саройда эди.

Амир Қазаған (1346–1357) ҳукмдор бўлгач, хонлик тахтига, аввалида Донишмандча ўғлонни (1348–1357) ўтказди. Амир Қазаған салтанати чегараларини кенгайтириб, Хуросонни ҳам забт этишга муваффақ бўлди. “У қиш чоғи Соли-Саройда яшарди, баҳорда Қоранавар гулзорига қўнарди, ёзда ва кузда эса Мункда яшамоқ байроғини тикарди”, – деб ёзади Шарафуддин Али Яздий⁹⁰. Демак, амир Қазағаннинг салтанат қароргоҳи Мовароуннахрнинг жанубий ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолӣ қисмига тўғри келади.

Амир Қазаған ўлимидан сўнг ўғли амирзода Абдуллоҳ тахтни эгаллайди ва давлати пойтахтини Самарқандга кўчиради. У отаси тайинлаган хон – Баёнқулихонни ўлдириб, ўрнига Темуршоҳ ўғлонни (1357–1358) хонлик тахтига кўтаради. Бу ўзбошимчиликдан норози бўлган бошқа амирлар, жумладан, амир Баён сулдуз билан амир Ҳожи Барлос Самарқандга юриш қилиб, амирзода Абдуллоҳни ва у тайинлаган хонни ҳайдаб юборадилар. Мовароуннахрда ички феодал тарқоқлик авжига чиқади. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да бу ҳолатни куйидагича шарҳлаган:

“Амирлар ва нўёнлардан ҳар бири ўзи [бошқариб] турган жойда ҳийла-найранг билан якка ҳокимлик қилмоқ байроғини тикди. Қўл остида одами бор бўлган ҳар кимсанинг хаёл қуши калласи ошёнасида сарварлик ва мағрурлик тухумини қўйди. Кимнинг бир оз кучи бўлса, орзу бургути салтанат савдоси ҳавосида қанот қоқарди.

⁹⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 94-а варақ.

Илгаридан ҳазрат Соҳибқирон ва амир Ҳожи Барлоснинг ота-боболарига тегишли бўлган Кеш шаҳри ва унинг ён-атрофлари ҳозир ҳам уларнинг қўл остида эди. Хўжандни амир Боязид жалойир бошқарарди. Баъзи вилоятлар Амир Ҳусайн ибн Мусло ибн амир Қазаған ихтиёрида бўлиб, у қўшин ва аркони давлат билан отасининг ўрнига даъвогарлик қиларди. Балхда Улжой-Буғо сулдуз ўз аймағи билан ҳукмронликдан сўз қотарди. Шибирғонда Муҳаммад-хожа апарди, ноймон ўмоқидан шу йўсинда иш тутган эди. Бадахшон шоҳлари ўз тоғларида бировга бош эгмасдилар. Кайхусрав ва Улжойту апарди ҳам Хатлон ва Арҳанг вилоятларида худди шу йўлни тутганлар. Қадимий юрти Самарқанд навоҳийсидаги Сарипул ва Тонкант бўлган амир Хизр ясавурийларни йиғиб, ҳеч кимсани писанд қилмасди. Бу турли-туман тоифалар ўртасида анча уруш-жанжаллар бўлиб ўтди, кўп одамлар нобуд бўлди”⁹¹.

Мазкур маълумотлар XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳр маъмурий жиҳатдан кичик-кичик ҳокимликларга бўлиниб кетганлигини англатади. Шу кезларда Чиғатой улусининг шарқий қисми – Мўғулистон тахтини эгаллаб турган Туғлуқ Темурхон мавжуд вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга қўшин тортиб уни забт этди ва собиқ Чиғатой улуси худудини тиклашга муваффақ бўлди.

Амир Темур 1360 йилдан бошлаб мустақиллик учун кураш олиб борган ва ундан сўнг ҳокимиятга келиб, буюк давлат барпо этган йилларда ҳам бошқарув тизимида илгаридан мавжуд анъанани бузмади. У қўл остидаги элатларнинг аксарияти хонга эътиқоди кучлилигини эътиборга олиб, Чингизхон авлодидан хон тайинлаш удумини давом эттирди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида берилган маълумотга кўра, Чиғатой улусида Чингизхон авлодидан хонлик тахтида ўтирган шахслардан охириги тўрттаси Амир Темур даврига тўғри келди. Улардан биринчиси **Кобулшоҳ Рўжи** бўлиб, бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” да қуйидагича маълумот беради:

“Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ўзаро кенгашиб, Чиғатойхон наслидан бирор кишини хон қилиб кўтармоқни маъқул деб топди-

⁹¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 946-95а варақлар

лар. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида, (ҳижрий) етти юз олтмиш бешинчи (милодий 1363–1364) йили барча амирлару нўёнларни йиғиб қурултой туздилар. Унда ҳаётнинг турли ўзгаришлари заҳмати ваҳимасидан фақирлик қўрғонида дарвишлик кийимига кириб олган Дурчи ибн Элжикди ибн Дувоҳон ўғли Кобулшоҳ-ўғлонни ул либосдан чиқариб олмақни ва иқболи қоматини хонликнинг қўркам хилъати ила безамоқни маъқул қўрдилар.

Улар биргалашиб, Кобулшоҳ-ўғлонни салтанат тахтига ўтказдилар ҳамда турк султонлари удумидаги одатга қўра, унга аёқ тутиб:

Барча мағрурлару, соҳибихтиёр,

*Узлуксиз тиз чўкдилар тўққиз бор*⁹².

Кейинги хон – **Одилсултон** бўлиб, уни Амир Хусайн хонлик тахтига қўтарган эди. Амир Темур 1370 йили Балхга Амир Хусайн устига юриш қилганида **Сююргатмиш-ўғлонни** хон деб эълон қилди ва Балхни эгаллагач, Одилсултонни қатл эттирди; Сююргатмишхон вафот этгач (1388 йил), унинг ўғли **Султон Маҳмудни** хонлик тахтига тайинлади.

Амир Темур буюк салтанат тузгач, уни ҳудудий-маъмурий идора қилишда **сююргол** тизимидан кенг фойдаланди. Шу аснода у энг йирик ҳудудларни ўғилларига ёки невараларига бўлиб берганди: Хуросонни дастлаб Мироншоҳга⁹³, сўнгра Мирзо Шоҳрухга, ҳозирги Афғонистон ҳудуди ва Ҳиндистонни тўнғич ўғли Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга, Эронзамин ва унга ёндош мамлакатларни аввал Мироншоҳга, сўнгра унинг ўғли Мирзо Умарга⁹⁴. Мазкур ҳудудда, шунингдек, Мироншоҳнинг Хонзодадан туғилган ўғли Халил Султонга, Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Искандар, Пирмуҳаммад ва Мирзо Рустамга ҳам мулклар белгиланган эди.

Айни пайтда, Амир Темур ўзи эгаллаган мамлакатларнинг айримларини бошқаришни ўша жойнинг ўз ҳукмдорларига қолдирганди. Дашти Қипчоқ ва Жўчи улуси (Олтин Ўрда)ни Жўчихон авлодига, Рум мамлакатини Йилдирим Боязид авлодига,

⁹² Яздий. *Зафарнома* (1972). 1096 varaқ.

⁹³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1646 varaқ.

⁹⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 449a varaқ.

Миср мамлакатини эса Миср султониغا бошқаришга қолдирди. Мозандарон вилоятларини ҳам ўз ҳокимларига қолдирди⁹⁵.

Марказий Осиёдаги ерлардан (йирик маъмурий бўлиниш бўйича) Мовароуннаҳр бевосита Амир Темурнинг ўз ҳукми доирасида бўлган. Амир Темур Мовароуннаҳрдан шарқдаги ўлкаларни неваралари Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилди, Андигон ва унинг атроф ерларини Мирзо Умаршайхга мулк (*иқтৌ хосса* – махсус ҳадя) қилиб белгилади⁹⁶.

Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисми, яъни Хуросон, юқорида таъкидланганидек, дастлаб, Мироншоҳга, сўнгра Мирзо Шоҳрухга суюрғол қилиб белгиланди. Марказ – Ҳирот шаҳри бўлган. Марказий Осиёнинг жанубий қисми – Афғонистон ҳудуди дастлаб, Амир Жокуга берилган. Яздий “Зафарнома”да: “Амир Жокуни Қундуз, Бағлон, Кобул ва ўша атрофларни бошқаришга тайинлади”⁹⁷, – деб ёзган. Кейинроқ бу жойларни то Синд (Ҳинд) дарёсигача Амир Темур невараси Мирзо Пирмуҳаммад ибн Мирзо Жаҳонгирга берди⁹⁸. Ҳиндистон забт этилгач, уни ҳам мазкур шаҳзода ҳукмига киритди⁹⁹. Марказ Қандаҳор шаҳри бўлган.

Марказий Осиёнинг шарқий қисми – Мўғулистонни Хизрхожагон (ваф. 1400 й.) бошқарган. XIV–XV асрлар тарихий воқеалари баёнида Яздий “Зафарнома” асарида “Мўғулистон” деганда Чиғатой улусининг шарқий қисми назарда тутилган. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида мазкур Мўғулистонни шундай чегаралаган: “Ҳозирги вақтда Мўғулистон ҳудуди шарқда – Қалмоқ ери, яъни Барскўл, Эмил, Иртиш; шимолда – Кўкча-Тенгиз (Балхаш кўли), Булмиш, Қоратол; ғарбда – Туркистон, Тошкент; жанубда – Фарғона, Кошғар, Чолиш, Турфон билан чегарадош бўлган жойдан иборатдир”¹⁰⁰.

Кўриниб турибдики, Мирзо Ҳайдар ҳозирги Шарқий Туркистон ҳудудини Мўғулистонга киритмаган ва уни “Манглай Субе” деб атаган.

⁹⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 445а varaқ.

⁹⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 405а varaқ.

⁹⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 147а varaқ.

⁹⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 224а varaқ.

⁹⁹ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи сағдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 67-б.

¹⁰⁰ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.26.

Мазкур асарда Манглай Субе вилоятининг чегаралари ва шаҳарлари ҳақида ҳам маълумот бор: “Унинг шарқий (чегараси) – Кусон ва Бўрлукур; ғарбий (чегараси) – Самгар ва Чақишмон, улар Фарғона вилояти билан чегарадош; шимолий (чегараси) – Иссиққўл; жанубий (чегараси) – Барсхон ва Сариф-Уйғур. Асосий шаҳарлари: Кошғар, Хўтан, Ёрканд (Ёркант), Кошон, Ахсикат, Андижон, Оқсу, Отбоши, Кусон. Вилоят маркази – Оқсу шаҳри-дир; вилоятнинг бошқарув жойи – дуғлат амирининг қароргоҳи ҳам ўша ерда”¹⁰¹.

Темурийлар даври аксари ёзма манбаларида Мўғулистоннинг чегаралари Мирзо Ҳайдар ёзганидан бир оз фарқ қилади: 1) Мўғулистоннинг ғарбий чегараси Еттисувдан, аниқроғи, Ашпара шаҳридан ўтган (бу шаҳарнинг қўрғони Амир Темур фармони асосида барпо этилган); 2) Фарғона водийсидаги Ахсикат ва Андижон шаҳарлари ҳам Мўғулистон таркибига кирмаган, улар Мовароуннаҳрга тегишли бўлган. Тошкент шаҳри ва вилояти фақат 1485–1503 йилларда (то Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар) Мўғулистон таркибига кирган.

XIV аср иккинчи ярмида Мўғулистонда амир Қамариддин тахт талашиб, Туғлуқ Темурхон авлодини қириб ташлайди ва шу йўл билан ҳокимиятга келади. Туғлуқ Темурхоннинг битта ўғли – Хизрхожа омон қолади. Уни амир Худойдод яширинча дастлаб Бадахшон томонга, сўнгра Хўтан тоғларига юборади ва Амир Қамариддин ўлимидан сўнг олиб келиб, Мўғулистонда хонлик тахтига ўтқазади. Хизрхожахон то умрининг охиригача (1400) ушбу мамлакатни бошқарди.

Мўғулистоннинг XIV–XV асрлардаги ҳукмдорлари рўйхати куйидагича: Туғлуқ Темурхон (1347–1362); Илёсхожа ибн Туғлуқ Темурхон (1362–1363); Қамариддин-дуғлат аймағидан (1363–1389); Хизрхожа ибн Туғлуқ Темурхон (1389–1400)¹⁰².

Амир Темур 1404 йил кузида Кониғилдаги катта тўйда, у Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни Мирзо Шоҳрухнинг ўғиллари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилади ва бу ҳақда махсус ёрлик имзолайди: “Тошкент, Сайрам, Янги,

¹⁰¹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.26.

¹⁰² Акимовский О.Ф. *Хронология правителей*. – С.156–165.

Ашпара ва Жата вилоятини то Хитойгача амирзода Улуғбекка белгилади; Андигон, Ахсикат, Тароз, Кошғар, Хўтанни барча тобеъ ва ёндош [ерлари] билан бирга амирзода Иброҳим Султонга [бўлсин, деб] буюрди. Бу ҳақда ярлиғ ёздириб, уни ол тамға билан муҳрлади”¹⁰³, – деб ёзади Али Яздий.

Марказий Осиёнинг шимолий қисми – ҳозирги Қозоғистон ҳудуди Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Дашти Қипчоқ (баъзан қисқа шаклда “Дашт”) номи билан тилга олинган. Маркази – Сиғноқ шаҳри бўлган. Амир Темур 1377 йили бу жойларни Тўхтамишхонга берганди, кейинчалик у ерга ўз амирларидан ҳоким тайинлади.

Хоразм бу даврда маъмурий-худудий жиҳатдан Мовароуннаҳр таркибидаги вилоят мақомида бўлган.

Ўз вақтида Чингизхон бутун империясини ўғилларига тақсимлаб, Марказий Осиёнинг катта қисмини Чиғатойга, Хоразмни эса Жўчига тегишли этгани маълум. Айни пайтда у Хоразмнинг жануби-шарқий қисми, у ердаги Кот ва Хива шаҳарларини Чиғатойга берганди.

XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм янги мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди. Бироқ унинг ҳукмдорлари Олтин Ўрда хонлари билан қариндошлик иплари воситасида боғланган эдилар. Бу бевосита Хоразм волийси, кўзга кўринган амирлардан Нонгадой (ёки Тангадой) фаолияти билан боғлиқ. Муиниддин Натанзий ва Низомиддин Шомий уни Хоразм ҳокими дейишган, Шарафуддин Али Яздий эса, мазкур шахсни кўнғирот қабиласи етакчиси бўлган, – деб ёзади (*волийи Хоразм писари Тангадой, ки умоқаш кунғирот буд*¹⁰⁴). Демак, XIV аср 2-ярмида Хоразмда *кўнғиротлар* вакили ҳокимиятни бошқаргани маълум бўлади.

Кўнғиротларнинг дастлабки жойлашган жойи Марказий Осиёнинг шарқий қисмида Новар мавзеи бўлган¹⁰⁵. Мўғуллар давлати ташкил топганда, кўнғиротлар Жўчи улуси таркибига

¹⁰³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 466а varaқ. Бу ерда Тароз ҳам Улуғбекка тегишли бўлган, чунки Янги ва Тароз айнан бир аҳоли масканига тегишли номлардир. (Бу ҳақда яна қ.: Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди*. С.458; Ҳасанов Ҳ. *Ўрта Осиё жой номлари*. 12-14-беллар).

¹⁰⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а varaқ.

¹⁰⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 286 varaқ.

кирди ва Хоразм ҳукмдорлари (Хусайн Сўфи, Юсуф Сўфи, Сулаймон Сўфи) қўнғиротлардан эди. Амир Темурнинг Хоразмга бешинчи юришида Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи қочиби Тўхтамиш ҳузурига боргани ва Қундузчадаги жангда унинг лашкар амирларидан бўлгани маълум¹⁰⁶.

Хусайн Сўфи Олтин Ўрдада тахт учун кураш натижасида вужудга келган сиёсий заифлик чоғида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди ва XIV асрнинг 60-йилларида Хоразмда сўфийлар сулоласига асос солди, ўз номидан танга ҳам зарб этди. Сўнгра у Чиғатой улусидаги тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам ўз мулкига қўшиб олди¹⁰⁷. Темурийлар даври манбаларида у Хоразм ҳокими (*волий*) деб қайд этилган.

Ундан кейинги воқеалардан Хоразмнинг Амир Темур давлатига киритилгани ва XV аср давомида мазкур вилоят Темурийлар давлати таркибида бўлганини кўрамиз.

Амир Темур ҳокимиятга келгач, илгари Чиғатой улусига тегишли саналган Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилди ва бу ҳақда маълум қилиш учун Алқа тавочини Хоразмга Хусайн Сўфи қошига элчи қилиб жўнатди¹⁰⁸.

Хусайн Сўфи элчиларга қўполлик билан: “Бу вилоятни мен қилич воситасида қўлга киритганман ва уни қилич билан олишга тўғри келади”¹⁰⁹, – деб жавоб қилди. Шундан сўнг Амир Темур 1372 йили Хоразмга юриш қилиб, тўла ғалаба қозонади. Хусайн Сўфи бу мағлубиятдан ғам-андухга ботиб вафот этади ва Хоразм тахтини унинг укаси Юсуф Сўфи (1372–1380) эгаллайди.

Юсуф Сўфи ҳам мавжуд вазиятда Амир Темурга тенг кела олмаслигига кўзи этади ва тобелик изҳор этиб, сулҳ тузади. Овоқ Сўфийнинг биродари бўлмиш Нангадойнинг ўғлининг Ўзбекхоннинг Шакарбек исмли қизидан бир қизи бор эди, Савинбек исмли, у Хонзода исми билан машхур эди (*бародари Овоқ Сўфий писари Нангадойро аз Шакарбек духтари Ўзбак духтаре буда, Са-*

¹⁰⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 218а варақ.

¹⁰⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а варақ; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 142-б.

¹⁰⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а варақ.

¹⁰⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а варақ.

винбек нома, ба Хонзода машхур¹¹⁰). Амир Темурнинг таклифига кўра, ушбу сулҳни қон-қариндошлик иплари билан боғлаш мақсадида Юсуф Сўфи ўз саройидан Ўзбекхоннинг невараси Хонзодани Амир Темурнинг ўғли Мирзо Жаҳонгирга беради.

Лекин ушбу тадбирдан кейин ҳам муносабатлар етарлича яхшиланмаганини кўрамиз. Амир Темур 1376 йили Ўрусхон билан урушмоқчи бўлиб Ўтрорда турганида, Хоразм волийси Юсуф Сўфининг қўшинлари Бухоро атрофларига чопқин қилиб, аҳолини талайдилар. Эҳтимол, Хоразм волийси бу ҳаракати билан Амир Темурни Ўрусхон билан жанг қилмоқдан чалғитмоқчи бўлгандир, буниси номаълум. Боз устига, Юсуф Сўфи юқоридаги воқеа сабабини билиш учун Амир Темур юборган элчини қамаб қўйганди. Соҳибқирон иккинчи марта элчи юборди ва элчи дахлсиз шахс эканлигини, уни қамаб бўлмаслигини таъкидлаб, элчини озод қилишни талаб этади. Юсуф Сўфи иккинчи элчини ҳам қаматади ва бу ҳолат Амир Темурнинг 1379 йили Хоразмга навбатдаги юриш қилишига сабаб бўлади. Бу унинг тўртинчи юриши эди. Хоразм пойтахти уч ой давомида қамал қилинди, охири Юсуф Сўфи ғам-андухга ботиб оламдан кўз юмди.

Тўртинчи юришдан кейин ҳам Амир Темур давлати билан Хоразм ўртасида мавжуд муносабатлар ишончли эмасди. Юсуф Сўфидан сўнг Хоразм волийси бўлган Сулаймон Сўфи тез орада Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб, унга тобеъ бўлди ва унинг номи билан танга зарб этди.

Амир Темур уч йиллик ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразмдаги чингизий кучлар бирлашиб, Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Ғанимлар қишлоқларни талаб, Самарқанд ва Бухорони қамал қилдилар, Қарши шаҳри ва Занжирсаройга ўт қўйдилар ва Амударёгача жойларни чопқин қилишди.

Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрда иттифоқликда катта кучга айланганини Амир Темур яхши англаб етганди ва зудликда Мовароуннаҳрга қайтиб, кескин чоралар кўришга киришди. У 1388 йили дастлаб Хоразм томон юрди. Ушбу бешинчи юришда Хоразм пойтахти хароб қилиниб, аҳолисининг бир қисми Са-

¹¹⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а varaқ.

марқандга кўчирилди. Лекин кўп ўтмай, аниқроғи, 1391 йили Соҳибқирон Хоразмни янгидан обод этмоққа фармон беради.

Мусака то бу вилоятни Олтин Ўрда саркардаси Идику босиб олгунгача (1406 йил боши) ҳоким сифатида бошқарди.

Демак, Амир Темур Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолатида мавжуд анъанавийликка эътибор қаратган ҳолда, ўз даври сиёсий талабларидан келиб чиқиб янги ўзгаришлар қилган. Улар Марказий Осиёнинг Амир Темур давлати таркибидаги мустақил сиёсий-маъмурий картасини ўзида акс этади.

XV асрда Марказий Осиё маъмурий-худудий картасидаги ўзгаришлар

XV асрнинг биринчи ярмидаги маъмурий-худудий ҳолат

Амир Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда мураккаб сиёсий жараёнлар кечди. Гап шундаки, Амир Темур Хитойга юриши чоғида Ўтрор шаҳрида турганида, вафоти олдидан салтанатни бошқаришни неварасига, яъни Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга васият қилганди¹¹¹. Пирмуҳаммад бу пайт ўзига тегишли мулк маркази бўлмиш Қандаҳорда эди ва белгиланган суюрғол худуд – Афғонистон ва Ҳиндистон ерларини бошқарарди.

Айни пайтда тахтга кимни қўйиш борасида амирлар ва аркони давлат ўртасида турли фикрлар билдирилди (Пирмуҳаммаднинг келишини кутиш, Мирзо Шоҳрухни Ҳиротдан чақириш ва ҳ.к.). Мовароуннаҳрда Амир Темур авлодидан ёши энг каттаси Мироншоҳнинг ўғли **Халил Султон** (21 ёшда) бўлган.

Амир Темурнинг Хитойга юриши чоғида Халил Султон лашкарнинг Тошкент вилоятидаги қисмини бошқарарди. Ушбу оғир қайғули воқеадан сўнг барча амирзодалар пойтахт Самарқанд томон ошиқдилар.

Бироқ пойтахтга Соҳибқирон томондан, ўз вақтида волий қилиб қолдирилган амир хожа Юсуф ва амир Арғуншоҳ дарво-

¹¹¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 472а varaқ.

заларни мустаҳкам ёпиб олиб, амирзодаларни шаҳарга киритмадилар, унинг сабабини эса, хат йўллаб маълум қилдилар. Мактубда, жумладан, шундай сўзлар битилганди: “Дуо ва саломдан сўнг етиб маълум бўлсинки, шаҳар дарвозасини сизларга очмаганлигимиз сабаби кудурат ёки душманлик фикри билан эмас. Мақсадимиз ҳазрат Соҳибқирон сўзига амал қилишдир ва уни ўзгартиришни ҳеч қачон раво кўрмайдурмиз... Ул ҳазратнинг валиаҳди амирзода Пирмуҳаммад келгач, васиятга кўра, [тож-тахтни] унга топшиурмиз”¹¹².

Бироқ салтанатнинг эътиборли амирлари ҳамда аркони давлат вақтинча Халил Султонни олий ҳукмдор деб тан олдилар ва Амир Темурнинг васиятига ҳам амал қилиб, Муҳаммад Султоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни, ёши кичик (9 ёш) бўлишига қарамай, хон этиб тайинладилар¹¹³, унинг номи ни фармонлар ва ҳукмларга босардилар. Айтиш лозимки, Амир Темур салтанатида хон сайлаш удуми мавжуд бўлиб, охирги хон – Султон Маҳмудхон Рум юришида вафот этгач, бошқа ҳеч ким бу олий мансабга тайинланмаганди ва Муҳаммад Жаҳонгир мисолида мазкур удумнинг қайта тикланганини кўрамиз. Яна бир муҳим томони, хон одатда Чингизхон авлодидан тайинланарди. Бу ерда эса истисно ҳолати кузатилади ва Амир Темур авлодларидан хон сайланган. Шу йўсинда 807 йил 16 рамазон (1405 йил 18 март)да Халил Султон Самарқанд тахтини эгаллайди ва ўз номида танга зарб қилиб, исмини хутбага қўшиб ўқитади.

Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон эса Бухорога бориб, ўша ерда паноҳ топадилар. Улар, ҳар эҳтимолга қарши, шаҳар дарвозалари ва деворларини мустаҳкамлаб, ўзларини ҳимоя қилиш тадбирларини кўрадилар.

Халил Султон номигагина Муҳаммад Жаҳонгирни Темурийлар тахтига номзод қилиб, у ҳали ёш, яъни эндигина тўққиз ёшга тўлгани эътиборидан, ҳокимиятни бошқаришни тўла ўз қўлига олади.

Мирзо Шоҳрух бу ҳийлани Соҳибқирон васиятига хилоф деб билиб, Халил Султон қошига элчи юборади ва бўйсуннишни талаб

¹¹² Яздий. *Зафарнома* (1972). 485а varaқ.

¹¹³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 486а varaқ. (“ба исми хоний номзад карданд” – хонлиги тайинладилар).

қилади; ўзи ҳам кетма-кет Мовароуннаҳр сари черик тортади. Ҳарбий тўқнашувда ожиз келишига кўзи етган Халил Султон жавоб элчиси орқали қуйидаги арзни етказади: “Мен онҳазрат (Шоҳрух) нинг бандаси, давлатхоҳи ва инисимен; аммо ҳазратимизнинг элу улуслари Хуросондадир; албатта, у мамлакатни ташлаб келмасалар керак ва бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилиятлироқ бўла олиши мумкин?!. Агар илтимосимни қабул қилиб, яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юборамен ҳамда ҳар нимагаки ишорат қилсалар, бажо келтирамен”¹¹⁴.

Шундан сўнг бу низо сулҳ билан тугаб, Мирзо Шоҳрух 808 (1405–1406) йили ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрдан ўз мулкига – Хуросонга чақиртириб олади.

Халил Султон ҳукмронлигида Мовароуннаҳр мустақил давлат мақомида бўлган ва Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” ва Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарларида унинг мулки сифатида қайд этилган¹¹⁵.

Хуросонда ҳукмронлик тахтида ўтирган Мирзо Шоҳрух ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрдан чақириб олгач, дастлаб унга Андхўй билан Шибирғонни идора қилишни буюради. Лекин кўп ўтмай, 809 (1406–1407) йили Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур вилоятларини топшириб, унинг тасарруфидаги ерлар кўламини анча кенгайтиради¹¹⁶. Айни пайтда, ундан ғарбда жойлашган Деҳистон ва Астро-бодни ўз ичига олган Мозандарон вилоятини Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга суюрғол қилади.

Шу йилнинг ўзидаёқ Мирзо Умар ўз мавқеини кучайтириб Хуросонни босиб олишни мўлжаллай бошлагач, Шоҳрух унинг устига юриш қилади. Мирзо Умар жангга кирмай қочади, лекин Мурғоб водийсида амир Мизроб навкарлари билан бўлган

¹¹⁴ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 51-б.

¹¹⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 53-б.

¹¹⁶ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 105, 108–113-бетлар.

тўқнашувда ярадор бўлиб оламдан кўз юмади (1407). Шундан сўнг Мирзо Шоҳрух фармони билан Мирзо Умарнинг суюрғоли ҳам Улуғбекка қўшиб берилади: “Он ҳазрат Мирзо Улуғбекни ян-гидан Хуросон ҳам Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилди”, – деб ёзади бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий¹¹⁷.

Кейинги икки йил ичида кечган сиёсий воқеалар – амир Худойдод Хусайнийнинг Самарқандни эгаллаши, Мирзо Шоҳрухнинг Мовароуннаҳрга юриши, Худойдоднинг Самарқандни ташлаб кетиши, Шоҳрухнинг Самарқандга кириб келиши, амир Худойдоднинг ўлими воқеаларидан иборат ва унинг тафсилоти қуйидагича:

Худойдод Хусайний Хўжанд сувидан ўтиб Самарқанд яқинида Шероз қишлоғида Халил Султон билан жанг қилиб, уни енгади ва банди қилади. Шундан сўнг, у Самарқандни забт этиб Мирзо Халил номидан ҳукмлар битиб эълон қила бошлайди.

Ўз навбатида, Мирзо Шоҳрух бу воқеани Темурийлар салтанатига нисбатан тажовуз деб билиб, қўшин тортиб Мовароуннаҳрни эгаллайди.

Амир Худойдод бир қанча темурий шаҳзодалар – Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Аҳмад Мирак (1388–1425) ва Мирзо Сейди Аҳмадни (1391–1429) ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлганда, улар Шоҳрух ҳузурига кетадилар.

Амир Худойдод бу муваффақиятсизликдан сўнг Мўғулистондан паноҳ излайди. Лекин у Тошкент атрофларида қолиб, шу ерда ёрдам кутади. Унинг ўғли Оллоҳдод Шоҳрухияни эгаллаган эди. Мирзо Шоҳрух Мўғулистонга юриш бошлайди. Амир Худойдод Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхондан кўмак сўрайди. Муҳаммадхон ўз биродари Шамъи Жаҳон подшоҳни (чунки илгарироқ хонлик тахтини у эгаллаган эди; 802–810) амир Худойдоднинг илтимосига биноан мададга юборади¹¹⁸. Шамъи Жаҳон Тошкент атрофида амир Худойдод билан учрашади, лекин ёрдам бериш ўрнига уни ҳалок қилади.

¹¹⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 111-б.

¹¹⁸ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 142-б.

Амир Худойдод билан боғлиқ ушбу воқеалар, асосан, Тошкент вилоятида содир бўлган ва унда Шоҳрухия, Ҷратепа, Ҷтрор каби шаҳарлар тилга олинган.

Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўғли Мирзо Улуғбек ихтиёрига топширди. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда: “Ҳазрат хоқони саид (Шоҳрух) Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, руҳ роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга бағишлади”¹¹⁹, – деб ёзган. Бу вақтда Улуғбек 15 ёшда эди. Шу боис, Мирзо Шоҳрух отасининг энг садоқатли амирларидан бўлмиш амир Шоҳмаликни унга ҳомий этиб тайинлайди. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “... у вилоятнинг ҳал қилиш ва ман этиш жиловию йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёрини адолатликда пешқадам бўлган олижаноб амир – амир Ғиёсиддин Шоҳмаликнинг тўғри раъйи ва зийрак фикрига топширди, у ўзининг ўтқир билимича нимани муносиб кўрса (шу билан) мамлакат ишларини тартибга солишга киришсин, деб унинг донолиги ва соф билимига эътимод қўйди”¹²⁰.

Тарихий воқеалар баёнидан маълум бўладики, Мирзо Шоҳрухнинг бу фармони билан, биринчидан, Амир Темурнинг илгарироқ, Улуғбекка қилган суюрғоли ҳақидаги сўзларига амал қилинган бўлса, иккинчидан, ундан фарқли томони, Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятлари ҳам унга қўшимча қилинган. Яъни Улуғбекка суюрғол қилинган ерлар доираси олдингига нисбатан кенгайган. Чунки Амир Темур ўз вақтида Ахсикатдан то Хўтангача бўлган жойларни Мирзо Шоҳрухнинг иккинчи ўғли Иброҳим Султонга белгилаган эди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари Мирзо Улуғбек ҳукми доирасига кирмасди. “Матла ас-саъдайн”да қайд этилишича, Мирзо Шоҳрух Ҳисори Шодмонни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол қилади ва бу шаҳзодани кейинчалик ўзига нева-

¹¹⁹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 145-146-бетлар.

¹²⁰ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 162-163-бетлар.

ра куёв қилиб олади. Иброҳим Султонга эса Балх ва Тохаристон вилояти ҳукумати Кобул ва Бадахшон чегарасигача белгилаб беради¹²¹.

Халил Султон ўз вақтида содир бўлган амир Худойдод воқеасидан сўнг Мирзо Шоҳрух ҳузурига келади. Шоҳрух уни ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетади ва маълум вақтдан сўнг собиқан унинг марҳум отаси мирзо Мироншоҳ девонига тааллуқли бўлган Ироқи Ажам ва Озарбайжонга юборади (17 зулқаъда 812/13 март 1410) ва ул жойларни Қора Юсуф туркмандан қайтариб олиш учун ўн минг суворий ажратади¹²². Халил Султон бу вазифани удалай олмайди ва дастлаб Рай вилоятида, сўнгра Исфаҳонда, охирда яна Райда қисқа муддат яшаб, 16 ражаб 814 (3 ноябрь 1411) йилда вафот этади¹²³.

Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳрни Улуғбекка суюрғол қилишдан олдинроқ амир Худойдод Хусайний воқеаларида “садоқат изҳор этиб жонбозлик кўрсатган мирзо Амирак Аҳмад ибн Мирзо Умаршайхга лутф кўрсатиб, Ўзжанд мамлакатини унга суюрғол қилиб беришни лозим топган эди”¹²⁴, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий. Шоҳрух бу фармонни Мўғулистонга юриш чоғида (Ўратепада) чиқарган бўлиши керак. Чунки “Матлаи ас-саъдайн”да бу ҳақда Шоҳрух Мовароуннаҳр юришидан Ҳиротга қайтиб келишидан олдинги воқеалар баёнида айтилган. Демак, бу юришда Улуғбек қатнашмаган, Хуросонда қолганга ўхшайди. Лекин умумий ҳокимлик Мирзо Улуғбекка тегишли бўлганлиги сабабли Амирак Аҳмад унга бўйсунарди; 817 (1414–1415) йили Улуғбек уни бир иш юзасидан Самарқандга чақиртирганида у келмайди. Шунда Улуғбек унинг устига кўшин юборади, улар Аҳси ва Андижон қўрғонларини эгаллайдилар. Бу Улуғбекнинг мустақил ҳоким сифатида биринчи ҳарбий тадбири эди. Амирак

¹²¹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 163–164-бетлар.

¹²² Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 169-б.

¹²³ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 212-б.

¹²⁴ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 142-б.

Аҳмад Мўғулистондан ёрдам олиб жанг қилади, лекин ғалабага эриша олмайди; мўғуллар қўлга киритган ўлжа билан чекланиб қайтиб кетадилар. Мирзо Амирак Аҳмад Кошғарга қочиб кетади. Шохрух унга юпанч хати юбориб, Ҳиротга чақиртириб олади, лекин фитна уюштириш пайида эканлиги аниқлангач, 819 (1416) йили уни мамлакатдан чиқариб, Маккага (сургун) қилишга фармон беради¹²⁵. Амирак Аҳмад Хуросонга кетишда Кошғарда Шайх Али Тағойни ўз ноиб қилиб қолдирган эди; у Улуғбекдан узр сўраб, Кошғарни топширди. Улуғбек, ўз навбатида, Сиддиқ ва Али Такритларни Кошғарга ноиб этиб тайинлади.

Мўғулистон. Бу даврда, умуман XV аср охиригача, Мўғулистонда хонлик тахтини Хизрхожахон авлодлари эгаллаб турган: Шамъи Жаҳон ибн Хизрхожа (1400–1407); Муҳаммадхон ибн Хизрхожа (1407–1415); Вайс (Увайс) ибн Шерали-ўғлон ибн Хизрхожа (биринчи марта 1418–1421); Шермуҳаммад ибн Муҳаммадхон (1421–1424); Вайс (Увайс) ибн Шерали-ўғлон (иккинчи марта 1424–1428); Эсан Буғо ибн Вайс (Увайс)хон (1429–1461)¹²⁶. Булардан энг узоқ вақт ҳукмронлик тахтини эгаллаб тургани Эсан Буғохон бўлди ва унинг авлодлари XV аср иккинчи ярмида ҳам Мўғулистонни бошқарганлар.

Таъкидлаш жоизки, XV аср биринчи ярми учун Мўғулистондаги маъмурий-худудий ҳолат ҳақида манбаларда маълумот жуда оз. Чунончи, Хизрхожахон ҳукмдорлигида Мўғулистон Амир Темур давлатига тобе бўлгани ва бу ҳолат XV аср биринчи чорагида, яъни Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек бошқарувида ҳам сақлангани, шунингдек, Хизрхожахон Турфон ва Қорахожа томонга юришлар қилиб давлати худудини қисман кенгайтиришга эришгани айтилган.

Шу даврда ҳукмронлик қилган **Вайсхон** (ёки Увайсхон) ўз ҳукмдорлигида қалмоқлар билан муваффақиятсиз жанглар олиб борган, дуғлатлар амири Сайид Алига, садоқатли хизмати, жумладан, қалмоқлар билан жангда хонни қутқариб қолгани учун 5 та аймоқ берган: Туркат, Хибат-Ширанут, Ўзбак аймоғи

¹²⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 332–333-бетлар.

¹²⁶ Акимешкин О.Ф. *Хронология правителей*. – С.156–165.

(Хўтанда), Доруға (Хўтанда), Куку (Хўтанда)¹²⁷. Вайсхон Самарқанддан Мирзо Улуғбек Мўғулистонга ҳайдаб юборган сохта хон – Сотуқхон билан тўқнашувда тасодифан ҳалок бўлади. Сотуқхон Кошғарга борганида амир Худойдоднинг невараси Қоракул Аҳмад уни ўлдиради.

Эсан Буғохон. Унинг тахтни эгаллашида дуғлат амири Мир Сайид Али кўп ёрдам қилди, унга Манглай Субенинг асосий шаҳарларидан бўлмиш Оқсуни берди ва бу жой Мўғулистоннинг пойтахтига айланди (855/1451). Эсан Буғохон умрининг охиригача шу ерда туриб давлатни бошқарди¹²⁸. Шу йилларда дуғлатларнинг мавқеи янада ортди, Мир Сайид Али Кошғарни темурийлардан (Улуғбекдан) қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Эсан Буғохон Темурийлар давлатида Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг вужудга келган маъмурий беқарорликдан фойдаланиб, Сайрам, Туркистон ва Тошкентга чопқинлар қилиб, талон-торож қилган; Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Кандибодомгача жойларни талаган, Андижонни олиб, элини қул қилган. Султон Абусаид мирзо ҳокимиятга келганда юриш қилиб, мўғулларни Янги (Тароз) ва Ашпарагача қувлаб борди, Эсан Буғохон лашкари дош бера олмай қочиб қолди¹²⁹.

Бадахшон вилояти Мироншоҳнинг ўғли амир Ийжил (1387–1415) ихтиёрига берилган бўлса-да, у мухторият ҳуқуқига эга эди ва ўз шоҳлари томонидан бошқариларди; бевосита Ҳиротга бўйсунарди.

Хоразм. XV асрнинг биринчи ярмида Хоразмнинг маъмурий-худудий ҳолатига дахлдор воқеалардан бири Олтин Ўрданинг лашкарбошиси (*амир ул-умаро*) амир **Идику**нинг Дашти Қипчоқдан Хоразмга бостириб кирганидир. Тадқиқотларда Идику келиб чиқиши манғит қабиласидан бўлиб, 1396–1411 йилларда Олтин Ўрда хонлигида унинг ва қариндош-уруғларининг обрў-эътибори ҳамда сиёсий таъсири жуда юқори бўлганлиги қайд этилган¹³⁰. Идику Хоразмда Олтин Ўрданинг вакилини ҳоким қилиб қолдирди.

¹²⁷ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.91–93.

¹²⁸ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.103–105.

¹²⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 39-б.; Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.104–105.

¹³⁰ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 37-б.

“Амир Идику саккиз юз саккизинчи йил ражаб ойида (1405. XII – 1406. I) Хоразмни эгаллади ҳамда бу ерга **амир Анкони** ҳоким қилиб қолдириб, ўзи Дашт (Дашти Қипчоқ – *О.Б.*) томонга жўнади”¹³¹, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий.

Шундан сўнг Хоразм етти йил (1406–1413) Олтин Ўрда ҳукми доирасида бўлди ва шу вақт давомида Хоразмни дастлаб амир Идику тайинлаган ҳокимлар амир Анко ва Бағалжа, сўнгра амир Идикунинг ўзи, у Дашти Қипчоққа қайтгач, ўғли Муборакшоҳ бошқардилар.

Хоразмда амир Идикунинг ўғли **Муборакшоҳ** ҳоким бўлиб турганида Темурийлар ҳукмдори Мирзо Шоҳрух бу вилоятни эгаллаш учун лашкар жўнатади, бироқ бу юриш муваффақиятсиз якун топади. Мирзо Шоҳрух машҳур саркардалар Сайид Али тархон ва амир Шоҳмалик бошчилигида янгидан Хоразмга лашкар сафарбар қилади. Катта лашкар келаётгани овозасидан саросимага тушган Муборакшоҳ Дашти Қипчоққа отаси Идикунинг олдига қочиб кетади. Хоразм 1413 йил бошларида Мирзо Шоҳрух ҳукмига ўтади ва у мазкур вилоятни **амир Шоҳмалик**ка бутунлай (*дарбаста*) суюрғол қилади. Амир Шоҳмалик то вафотига (ваф. 1426) қадар Хоразм ҳокими бўлди. Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, унинг ҳукмдорлиги йилларида Хоразм барча хавфлардан холи ва обод масканга айланган.

“Ҳазрат хоқони саид ҳам унга (амир Шоҳмаликка – *О.Б.*) нисбатан шундай бир меҳрибонлик кўргазар эдики, [ҳатто] Хоразм вилоятини унга *дарбаста суюрғол* қилиб тайинлади ва у Хоразм мулкида осойишта ҳаётни шу даражага етказдики, дунё саркашлари ҳам Ўзбек вилоятларию Дашти Қипчоқ мутақаббирларини эл қилиб итоатга келтирди”¹³², – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда. Амир Шоҳмаликнинг вафотидан (1426 й.) сўнг ўрнига ўғли **Иброҳим Султон** Хоразм ҳокими этиб тайинланди¹³³.

¹³¹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 231-б.

¹³² Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 477-б.

¹³³ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 478-б.

Хоразмнинг маъмурий-худудий ҳолати билан боғлиқ кейинги воқеа **Абулхайрхоннинг** (1428–1468) юришидир. Дашти Қипчоқда узоқ муддатли ўзаро қабилавий урушлардан сўнг кўпчилик қабилаларнинг хайрихоҳлиги билан 1428 йили Абулхайрхон хонлик тахтини эгаллади ва шу асосда Кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топди, пойтахти Ғарбий Сибирдаги Тура шаҳри эди. Мазкур шаҳар то 1446 йилгача, яъни пойтахт Сирдарёнинг қуйи ҳавзасига Сиғноқ шаҳрига кўчирилгунгача давлат пойтахти мавқеини сақлади. Абулхайрхон тез орада давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириб, унинг худудини анча кенгайтиришга муваффақ бўлди ва Хоразмга ҳам чопқинлар қилди. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида Дашти Қипчоқ томондан икки марта чопқин бўлгани ҳақида ёзади. Биринчи марта 834 (1430–1431) йил¹³⁴ ва иккинчи марта 839 (1435–1436) йил воқеалари баёнида¹³⁵. Айрим тадқиқотларда ҳам Абулхайрхон Хоразмга икки марта юриш қилгани (1433 ва 1435) айтилган¹³⁶.

Бизнингча, бу ерда Абдураззоқ Самарқандий асарида битта чопқин ҳақида икки марта ёзилган кўринади. Чунки воқелик баёни жуда ўхшаш. Ундан ташқари Мирзо Шоҳрух салтанати даврида ёзилган солномалардан яна бири – Фасих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий” асарида 839 (1435–1436) йил воқеалари баёнида¹³⁷ ва “Тарихи Абулхайрхоний”да (йили қайд этилмаган)¹³⁸ ҳам Абулхайрхоннинг фақат бир марта Хоразмга лашкар тортгани ҳақида ёзилган. Манбалардаги маълумотлар таҳлилидан Абулхайрхон Хоразмга фақат бир марта 839 (1435–1436) йили юриш қилган, деган хулоса келиб чиқади.

Абулхайрхон 1446 йили Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбекларнинг катта ҳарбий қудратга эга хонларидан Мустафо-

¹³⁴ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 14–15 бетлар

¹³⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 59–60 бетлар.

¹³⁶ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 99-б.

¹³⁷ Фасих Хавафи. *Мужмал-и Фасихи*. – С. 213

¹³⁸ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 41–42 бетлар.

хонни жангда мағлуб қилди ва **Мустафохон** ўз элати билан Хоразмдан ғарбга Манғишлоқ томонга қочиб кетди¹³⁹.

Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси кичик ҳокимликдан иборат бўлиб, Халил Султон ҳукмронлигида Ўтрорда Шайх Нуриддин қипчоқ қисқа муддат (814/1411–1412 йили Шохрухнинг саркардаси амир Шохмалик томонидан ўлдирилгунига қадар) ҳоким эди¹⁴⁰.

Бу жойлар Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда ҳокимиятга келганда унинг тасарруфига ўтди. Кейинчалик Кўчманчи ўзбекларнинг таъсири кучайиб, 1425 йили Буроқ-ўғлон билан Улуғбек кўшинлари ўртасида тўқнашув юз берди ва унда темурийлар лашкари мағлуб бўлди; фақат Мирзо Шохрух катта лашкар билан йўлга отлангандан кейингина Кўчманчи ўзбеклар вақтинча Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидан Дашти Қипчоқнинг ички қисмига чекиндилар.

XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхон ўз давлати чегараларини жануб томонга кенгайтирди ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги Сиғноқ шаҳри 1446–1468 йиллар давомида ушбу давлатнинг пойтахти эди.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги маъмурий-худудий ҳолат

Мовароуннаҳрда Мирзо Шохрухнинг вафоти (1447), сўнгра Улуғбекнинг ўлдирилиши (1449) воқеаларидан сўнг Улуғбек авлодлари қисқа муддат ичида тож-тахт талашиб ўтиб кетдилар. Ундан кейин ҳукмронлик тахтини Мироншоҳ авлодлари эгаллади: Султон Абусаид (1451–1469); Султон Аҳмад (1469–1494); Султон Маҳмуд (1494–1498); Бойсунғур (1495–1499); Умаршайх (1469–1494, Фарғона ҳокими); Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1494–1500, Фарғона ҳокими, қисқа муддат Самарқандни ҳам эгаллаган).

¹³⁹ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 99-б. Мустафохон 50-йиллардан яна Абулхайрхонга тобеликни тан олган ва 1457 йили қалмоқлар билан жангда Абулхайрхон томонида бўлгани маълум.

¹⁴⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.90

XV асрнинг 50-йилларида маълум вақт Мовароуннаҳр ва Хуросон сиёсий жиҳатдан бўлинди: Темурийлардан Султон Абусаид б. Мироншоҳ Мовароуннаҳрни ва Абулқосим Бобур б. Бойсунғур б. Шоҳрух Хуросонни бошқарардилар; улар орасида адоват ҳукм сурарди, ҳатто 1454 й. Абулқосим Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Самарқандни қамал қилгани ва Хожа Аҳрорнинг (1404–1490) тадбири орқали сулҳ тузилгани ҳам маълум¹⁴¹.

Абулқосим Бобур вафоти (1457 й.)дан сўнг Султон Абусаид Хуросонни эгаллади, Эронзаминни ҳам ўз тасарруфига киритди; узоқ йиллар (28 йил) тақдир тақозоси билан Шерозда яшаб турган Юнусхонни келтириб¹⁴², Мўғулистонга хон қилиб жўнатди. Мазкур тадбир Темурийлар ва Мўғулистон ҳукмдорлари ўртасида қариндошлик ришталари янгилашиши ва мустақамлашувига олиб келиши билан бир қаторда Марказий Осиё маъмурий-ҳудудий ҳолатида ҳам маълум из қолдирди.

Абусаид Ғарбий Эронга юриши пайтида вафот этгач (1468), Мовароуннаҳр ва Хуросон узил-кесил иккита сиёсий-маъмурий бирликка бўлиниб кетди.

Мовароуннаҳр, то бу ерда Шайбонийлар салтанати ўрнатилгунгача (1500 й.) Султон Абусаид авлодлари ҳукмида бўлган. Учта ўғилдан бири – Султон Аҳмаднинг қароргоҳи пойтахт Самарқандда жойлашган ва у бош ҳукмдор эди; Умаршайх Фарғонани бошқарарди, Султон Маҳмуд эса, Ҳисор, Кундуз ва Бадахшонни ўз тасарруфида сақларди¹⁴³. Султон Аҳмад салтанат тахтини анча узоқ – чорак аср бошқарган бўлишига қарамай, ички тарқоқлик жуда кучли бўлган ва ака-укалар ҳар бири ўзини мустақил ҳукмдор ҳисоблаган, ҳатто баъзи кичикроқ ҳокимлар ҳам марказий ҳокимиятни унчалик менсимасдилар, ўзларини мустақил деб билардилар. Марказий Осиёнинг шарқий қисми Мўғулистонда хонлик тахти Эсан Буғохон авлодлари қўлида бўлган.

Марказий Осиёнинг XV аср 2-ярмидаги маъмурий-ҳудудий ҳолатига оид маълумотлар, ўша давр ёзма манбаларидан қис-

¹⁴¹ Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар 353–368-бетлар.

¹⁴² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.100, 108–109.

¹⁴³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). С.117.

ман “Бобурнома” да мавжуд. Унда Мовароуннаҳрнинг чегаралари қуйидагича кўрсатилган: шарқи – Фарғона ва Кошғар, ғарби – Бухоро ва Хоразм, шимоли – Тошканд ва Шоҳрухия, жануби – Балх ва Термиз¹⁴⁴.

Бу даврда Мовароуннаҳрда Абдуллатиф мирзо, Абдулло мирзо (Улуғбекнинг куёви) ибн Султон Иброҳим, Султон Абусаид мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Бойсунғур мирзо, Бобур мирзо ҳукмдор бўлганлар. Мовароуннаҳрнинг Султон Абусаид мирзо авлодлари ҳукмронлиги давридаги маъмурий-худудий ҳолати қуйидагича кечган:

Султон Аҳмад мирзо (855/1451 – 899/1494) – Султон Абусаид мирзонинг тўнғич ўғли; отаси унга Самарқанд билан Бухорони берганди. Маълум вақт Тошкент, Шоҳрухия, Сайрам, Хўжанд, Ўратепа ҳам унга қараган¹⁴⁵. Касалга чалиниб 43 ёшида бевақт вафот этган. “Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўтқариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа [Аҳрор] жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди”¹⁴⁶, – деб ёзади Бобур унинг ҳукмронлиги ҳақида.

Султон Маҳмуд мирзо (857/1453 – 900/1495) – Абусаид мирзонинг учинчи ўғли. Отаси дастлаб унга Астрободни берган, бироқ Хуросондан кетгач, Самарқандга, акаси Султон Аҳмад мирзо ҳузурига келади; у ердан Хусравшоҳ уни Ҳисорга олиб боради¹⁴⁷. Мовароуннаҳрнинг жанубий худудлари – Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хатлон ва Афғонистон худудида Кундуз ва Бадахшон то Ҳиндукуш тоғларигача унинг тасарруфида бўлган. Султон Аҳмад мирзо вафотидан (899/1493 й.) сўнг тахтни эгаллаб, унинг мулкини ҳам қўшиб олди. Бироқ мамлакатни бошқара олмади ва Самарқанд тахтида 5–6 ой турди холос. Ҳаётлик чоғида бир ўғли – Султон Масъуд мирзога Ҳисорни ва иккинчи ўғли – Бойсунғур мирзога Бухорони берганди.

¹⁴⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

¹⁴⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 38-б.

¹⁴⁶ Бобур. *Бобурнома* (2002). 47-б.

¹⁴⁷ Хусравшоҳ – туркистонлик қипчоқ, Султон Абусаиднинг номдор амирларидан саналган ва Жайхун (Амударё)дан то Ҳиндукуш тоғларигача оралик (Бадахшондан ташқари) унинг измида бўлган.

Бойсунғур мирзо Самарқанд тахтини эгаллади. У Самарқанд, Бухоро ва Ҳисорни бошқарди.

Умаршайх мирзо (855/1451 – 900/1494) Султон Абусаид мирзонинг энг кичик ўғли; отаси унга аввал Кобулни берган, сўнгра Андижон вилоятини белгилади. “Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзога бериб, Бобои Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатдин Дараи Газдин ёндуруб, Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра, ул муносабат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзога Фарғона вилоятини бергандур, Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди”¹⁴⁸, – деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Султон Аҳмад мирзо Мовароуннаҳрда ҳокимиятга келгач, Тошкент, Сайрам, Ўратепа ва Усрушанани ҳам унга берди. Кейинчалик Тошкент ва Сайрам унинг бошқарувидан чиқди.

Умаршайх мирзо Фарғона вилояти ҳокими бўлган. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳи – Сирдарё бўйида жойлашган Аҳси кўрғони саналган. Умаршайх мирзо 1494 йили Аҳси кўрғони тепасидан йиқилиб ҳалок бўлади. Бу воқеани эшитиб, Самарқанддан Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад мирзо Қува томондан Андижонга, катта тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкентдан чиқиб Аҳсига, Кошғар ҳокими Абубакр дуғлат Ўзгандга хужум қиладилар. Умаршайх мирзонинг аскарлари мардоналик намойиш этадилар ва Андижон тахтига унинг ўғли Заҳириддин Бобурни ўтқазिशга муваффақ бўладилар.

Заҳириддин Бобур бу пайтда 12 ёшда эди ва унинг Марказий Осиё маъмурий-худудий ҳолати билан боғлиқ фаолиятини икки қисмга ажратиш мумкин; биринчиси – 1494–1504 ва 1511–1512 йилларда Мовароуннаҳр худудидаги ҳарбий ҳаракатлари, иккинчиси – 1504 йилдан Кобулда давлат тузгани. Бу воқеалар “Бобурнома”дан ташқари, яна Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида ҳам берилган.

Заҳириддин Бобур темурийлар салтанатини эгаллаш мақсадида 1495–1496 йилларда икки марта Самарқандга муваффақиятсиз юриш қилади. Сўнгра яна Андижондан юриш қилиб, етти

¹⁴⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 37-б.

ойлик қамалдан сўнг 903 йил рабиулаввал ойининг охири (1497 йил, ноябр)да Самарқандни эгаллайди.

Унинг ушбу юришда Самарқанд яқинидаги ҳарбий ҳаракати қуйидагича бўлган: Шероз қўрғони – Обёр қўрғони – Қорабулоқ – Ём – Хонюрти – Ургут қўрғони – Кўлба ўланги – Хожа Дийдор қўрғони олдидаги ўланг – Самарқанд. Бироқ у Самарқандни юз кун идора этди холос. Узун Ҳасан ва Танбал ўзларига Жаҳонгир мирзони қўшиб олиб, Андижонни қамал қиладилар ва Бобур Самарқандни тарк этишга мажбур бўлади. Жаҳонгир мирзо билан талашиб, икки йилдан сўнг (1498 й.) Андижонни қайта қўлга киритади. Сулҳ тузиб, Хўжанд суви (Сирдарё)нинг Ахси томондаги вилоятларини укасига қолдиради. Шу тарзда Умаршайх мирзога тегишли мулк иккита маъмурий бўлакка бўлинади.

Айни пайтда 1500 йили Бухоро, Қоракўл ва Самарқанд Шайбонийхон ихтиёрига ўтади. Бобур 240 киши билан Самарқандга юриш қилиб, халқ хайрихоҳлиги билан шаҳарни эгаллайди, атроф вилоятлар (Қарши, Ғузор) ҳам Бобур ҳукмига ўтади.

Заҳириддин Бобурнинг Самарқандни тарк этгани ва қайтиб олганидаги ҳарбий ҳаракатлари қуйидагича бўлган (905/1499–1500 – 906/1500–1501 йиллар): Самарқанд – Кеш – Чилту ўланги (Чағониён) – Комруд водийси – Саратоқ довони – Фон, у ерда тоғлар орасида қўл бор (Искандарқўл) – Киштут қўрғони, вайрона эди – Кўҳак дарёси – Ёрий – Шунқорхона тоғлари – Ёрйалоқ – Исфидук қўрғони, Ёрйалоққа қарашли қишлоқ – Хонюрти (кеч куз) – Работи хожа – Ёрйалоқ – Исфидук қўрғони – Васманд қўрғони – Пули Мағок – Ғори Ошиқон – Феруза дарвозаси – шаҳарликлар кўмагида Самарқандни олади; Хузор, Қарши ва Қоракўлни ҳам шайбонийлардан озод қилади.

Бобур 1501 йили Шайбонийхон билан жангда енгилади, тўрт ой Самарқандда қамалда қолади ва ноилож 907 (1501–1502) йили шаҳарни тарк этади; унинг кейинги борган жойлари қуйидагича:

Самарқанд – Шайхзода дарвозаси – Хожа Дийдор – Қарбуг пуштасининг шимоли – Худак кентининг оёғи – Илонўтти – Халилия – Дизақ – Пишоғар – Даҳкат – Тошканд.

1501–1504 йилларда Бобур Тошкентдан Андижонга йўл олади, тоғалари ёрдамида укаси Жаҳонгир мирзо ва Султон Аҳмад

Танбалга қарши жанглар қилиб, Андижонни эгаллаб, у ерда тўрт ой туради; 1503 йил июнь-июлда Андижондан чиқиб, Мовароуннахрни тарк этишга мажбур бўлади. “Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шохрухияни олған маҳалда, ушбу Сўх била Хушёр кўхпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб, Кобул азимати қилдим”¹⁴⁹, – деб ёзади Бобур бу ҳақда. Мовароуннахрда маъмурий-худудий бошқарув Шайбонийларга ўтади.

Заҳириддин Бобур 200–300 навкар билан тоғлар орқали Ҳисор водийсига ўтиб, у ердан Афғонистон худудига кетади. Унинг босиб ўтган йўли қуйидаги жойлар орқали бўлган: Андижон – Сўх – Илоқ (Ҳисор водийси) – Хожа Имод (Ҳисор яқинида) – Қабодиён – Аёж (Айваж) – Аму суви (Амударё) – Термизнинг тўғрисиғача – Коҳмард; Ажар қўрғони – Кобул.

Бобур мирзо Кобул ва Ғазнини эгаллаб, ўша ерда мустақил давлат тузади; “(909 йил) рабиулаввал ойининг охирида (1503 йил 22. IX) Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежангу жидол муяссар ва мусаххар қилдим”¹⁵⁰, – деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Бобур 913/1507–1508 йили ўзини подшоҳ деб эълон қилади. “Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар”¹⁵¹, – деб ёзган эди у мазкур маъмурий бошқарувдаги ўзгариш ҳақида.

Заҳириддин Бобурнинг иккинчи марта Мовароуннахрда ҳукмронлиги фақат бир йил давом этган. Бунда у Эрон ҳукмдори шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, унинг ёрдамида 917 (1511) йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида Самарқандни эгаллайди¹⁵², – деб ёзади Бобур. Мирзо Ҳайдар бу санани аниқроқ берган: 917 йил, ражаб (1511 йил, сентябрь), 8 ой ҳукмронлик қилган¹⁵³. Бироқ 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ шай-

¹⁴⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-б.

¹⁵⁰ Бобур. *Бобурнома* (2002). 107-б.

¹⁵¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 160-б.

¹⁵² Бобур. *Бобурнома* (2002). 135-б.

¹⁵³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.334–335.

бонийлардан енгиледи ва Ҳисор томон чекинади. Ҷша йилнинг кузида Ғузур ва Қаршини эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади.

Демак, Бобур 1497–1512 йиллар оралиғида уч марта пойтахт Самарқандни эгаллашга эришган, қисқа муддатларда Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган.

“Бобурнома”дан Мовароуннаҳрдаги айрим вилоятлар маъмурий мақоми хусусида ҳам маълумот олиш мумкин. Асардаги услубга кўра, йиллар тартибида дастлаб **Фарғона вилояти** келади. Маъмурий-худудий жиҳатдан мазкур вилоят бевосита Бобурнинг ўзига тегишли бўлгани сабабли кенгроқ тавсифланган, бироқ унда аниқ бир услуб кузатилмайди.

Унинг чегаралари кўрсатилган: шарқда – Кошғар, ғарбда – Самарқанд, жанубда – Бадахшондаги тоғлар, шимолда – Олмолик, Олмоту, Янги шаҳарлари (“Бобурнома”да кейинги учала шаҳар мўғул истилоси даврида хароб этилгани таъкидланган). Демак, “Бобурнома”да қайд этилган Фарғона вилояти таркибига Фарғона водийси ва унга ёндош анчагина жойлар киритилган. Водийнинг тоғлар билан ўралгани, ғарб томони очиқлиги, уни шарқдан ғарбга дарё – Сайхун дарёси (Сирдарё) кесиб ўтиши айтилган.

Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг географик ўрни эса, унинг маъмурий ҳолатига асосланиб, асосан, пойтахт Андижонга нисбатан кўрсатилган ва баъзида масофа ҳам берилган. “Марғинон – Андижоннинг ғарбидадур, Андижондан етти йиғоч йўлдуру”¹⁵⁴. Андижоннинг ўзи эса, ўртада жойлашган, дейилади. Айрим шаҳарлар табиий-географик услубда, яъни рельефга нисбатан ҳам ифодаланган. “Исфара – кўҳпоя (тоғ олди)да воқе бўлубтур”¹⁵⁵.

Мўғулистон. Бу даврда Марказий Осиёнинг шарқий қисми Мўғулистонда хонлик тахти, дастлаб Эсан Буғохон, сўнгра унинг авлодлари қўлида эди: Дўстмуҳаммад Эсан Буғохон ўғли (1461–1468; Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти);

¹⁵⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-6.

¹⁵⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-6.

Юнусхон Вайсхон ўғли (1458–1469; Ғарбий Мўғулистон); Кебек-Султон Дўстмуҳаммад ўғли (1468–1473; Турфон вилояти); Султон Маҳмуд Юнусхон ўғли (1487–1508; Ғарбий Мўғулистон); Султон Аҳмад (Алачакхон) Юнусхон ўғли (1485–1504, Марказий ва Шарқий Мўғулистон)¹⁵⁶.

Вайсхоннинг иккита ўғли – каттаси Юнусхон, кичиги Эсан Буғохон (ваф. 866/1461–1462) ўртасида тахт учун кураш бориб, Эсан Буғохон ғолиб келади. Эсан Буғохон вафотидан сўнг ўғли Дўстмуҳаммадхон (ваф. 873/1468–1469) тахтни эгаллайди¹⁵⁷.

Дўстмуҳаммадхон (ваф. 873/1468–1469) нисбатан қисқа муддат, аниқроғи, етти йил Мўғулистонда хонлик тахтида ўтирди. Бир марта Кошғар ва Ёркандга юриш қилган, бироқ ғалаба қозонмаган¹⁵⁸.

Сўнгра Мўғулистонда хонлик тахтини **Юнусхон** эгаллади. Маълумки, Юнусхон (818/1415–1416 – 892/1486–1487)¹⁵⁹ ўз вақтида, юқорида қайд этилганидек, Мўғулистонда ҳокимиятдан маҳрум бўлгач, Мовароуннаҳрга Мирзо Улуғбек ҳузурига боради. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Улуғбек Юнусхонни Ҳиротга жўнатади, сўнгра уни Шерозга юборадилар. Бу воқеа 832/1428–1429 йили юз берган. Юнусхон Шерозда машхур тарихчи Шарафуддин Али Яздийдан таълим олади¹⁶⁰.

Султон Абусаид ҳокимиятга келгач, Юнусхонни Шероздан келтириб, Мўғулистонга хон этиб тайинлайди ва Андижон яқинидаги Еттикандни унга мулк қилиб белгилайди; бу вақтда Юнусхон 41 ёшда (860/1455–1456) эди. Эсан Буғохон билан Мир Сайид Али биргаликда Юнусхонга қарши чиқадилар ва у енгилиб Мовароуннаҳрга қайтади¹⁶¹.

Юнусхон Султон Абусаид ёрдамида иккинчи марта Мўғулистонга келади ва ҳокимиятни эгаллаб, Дўстмуҳаммадхон вафотидан сўнг 873/1468–1469 йили Оқсуни ўз қароргоҳи қилади.

¹⁵⁶ Акимускин О. Ф. *Хронология правителей*. – С.156–165.

¹⁵⁷ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.111

¹⁵⁸ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.111.

¹⁵⁹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.142. Шу асарнинг бошқа жойида туғилган йили 819/1416–1417 йил кўрсатилган (С.108)

¹⁶⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.99; 109

¹⁶¹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.110

Бироқ унинг улуси бўлмиш мўғулларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига мослаша олмаганликлари сабабли у Мўғулистонга кетишга мажбур бўлади¹⁶².

Мўғулистонда Или дарёси бўйида Қалмоқдан кўчиб келган қалмоқлар билан жангда Юнусхон бошчилигидаги кўпгина мўғул амирлари ҳалок бўлди. Юнусхон 877/1472–1473 йили мўғул улусини олиб Туркистонга кетди, Сайхун бўйига, Қоратўқай деган жойда қишлади; у ерда ўзбеклар билан тўқнашиб ғалаба қозонди. Юнусхон баҳорда Тошкентга келди ва бир йилдан сўнг (қалмоқлар кетгач) яна Мўғулистонга қайтди.

Юнусхон Темурийлар хонадони билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамлади ва уч қизини Султон Абусаиднинг уч ўғлига берди: катта қизи Меҳрнигор хонимни – Султон Аҳмад мирзога, ундан кичикроқ қизи Қутлуғнигор хонимни 880/1475–1476 йили – Умаршайх мирзога (бу никоҳдан Заҳириддин Бобур туғилди), Султон Нигор хонимни – Султон Маҳмуд мирзога (899/1493–1494)¹⁶³. Бу тадбир кейинчалик Марказий Осиё маъмурий-худудий ҳолатида ҳам маълум даражада ўз аксини топди.

Юнусхон куёви Умаршайх мирзо таклифи билан бир оз вақт Ахсида турди, сўнгра Андижонга келиб қишлади. Қўл остидаги мўғулларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига эътирозлари кучайгани сабабли улардан аксарият қисмини ўғли Султон Маҳмудхон бошчилигида Мўғулистонга жўнатди. Умаршайх Юнусхонни Тошкентга чақириб, унга Сайрамни беради. Шаҳар ва вилоятда яшашдан бош тортган мўғуллар Султон Аҳмадхонни олиб Мўғулистонга кетадилар. Умуман олганда, Юнусхоннинг ўғиллари, асосан, Мўғулистонда яшаб мўғул улусини бошқарганлар.

Султон Маҳмудхон отаси Юнусхоннинг вафотидан сўнг Мўғулистонда хон бўлади (892/1486–1487). У ҳокимиятга келгач, Кошғар, Турфон, Чалиш, Оқсу, Уч вилоятларини укаси Алачакхон (Султон Аҳмадхон)га беради, ўзи эса Мўғулистонга кетади¹⁶⁴. Сўнгра отаси билан бирга Тошкентга келади. У Шоҳибекка (Шайбонийхон) Бухоро ва Самарқандни эгаллашида ёрдам беради.

¹⁶² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.107–111; 115.

¹⁶³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.120; 186.

¹⁶⁴ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.200.

Кейинчалик Шоҳибекхон Тошкент вилоятига юриш қилиб Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон ва унинг укаси Султон Аҳмадхоннинг бирлашган лашкарини тор-мор қилади, хонларни асир олади, сўнгра уларни озод қилади ва улар Мўғулистонга кетадилар. Маълум вақтдан сўнг Султон Маҳмудхон қайтиб келади, бироқ Шоҳибекхон шафқат қилмайди, уни ва оила аъзоларини, жумладан, олти ўғлини қўшиб қатл эттиради¹⁶⁵.

Султон Аҳмадхон (ваф. 909/1503–1504, 39 ёшда)¹⁶⁶ – 909/1503–1504 йили Мўғулистонни бошқаришни 16 яшар ўғли Мансурхонга топширади ва у пойтахт Оқсуда ҳукмдор бўлиб қолади. Султон Аҳмадхоннинг ўзи эса, акаси Султон Маҳмудхонга хизмат қилиш учун Мўғулистонга кетади, сўнгра Тошкентга келади. Султон Аҳмадхон 25 йил давомида Оқсуни пойтахт қилган.

Манглай Субе. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарининг Марказий Осийе маъмурий-ҳудудий ҳолати бўйича муҳим томони, унда Мўғулистон (шу жумладан, Манглай Субе – Шарқий Туркистон)га оид маълумотлар берилганидир ва уларнинг аксари қисми ўша давр бошқа манбаларида учрамайди. Умуман олганда, “Тарихи Рашидий”да тарихий география нуқтаи назаридан кўпроқ маъмурий-ҳудудий маълумот акс этган, дейиш мумкин.

“Тарихи Рашидий”да Манглай Субенинг маъмурий-ҳудудий ҳолатига оид маълумотлар қисман Чингизхон даврига тегишли ва бу ўлканинг номи “Манглай Субе” шаклида ёзилиши ҳам шу манбада берилган. Мазкур вилоят Шош, Чалиш, Иссиққўл, Сарик-Уйғур ерлари билан тўрт томондан чегараланади¹⁶⁷. Ўлканинг маъмурий бошқаруви дўғлатларга, аниқроғи, мазкур қабиланинг XIV аср охири – XV аср бошида яшаган вакили амир Худойдод аждодларига Чингизхон томонидан иқтоъ қилиб берилгани таъкидланган.

Кошғар 14 йил Улуғбек тасарруфида бўлган ва у мазкур вилоятни бошқаришга ўша ўлкада эътиборли уруғ-қабиллага мансуб шахслардан тайинлаган.

¹⁶⁵ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.148-149; 200-201.

¹⁶⁶ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.152-153.

¹⁶⁷ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.366. Бу ерда Шош, яъни Тошкент вилоятининг Манглай Субега чегарадош дейилгани хато.

Сўнгра уни яна дуғлатлар эгаллади; уч йилда уч марта юриш қилиб Мир Сайид Али олди ва 24 йил (1433–1457) давомида бошқарди (амир Худойдод топшириғи асосида). Оқсу, Кусан, Бай ҳам унинг оға-инилари қўлида бўлган. Демак, маълум вақт Манглай Субени тўла Мир Сайид Али ва унинг яқинлари бошқаргани маълум бўлади ва унинг маъмурий маркази Кошғар шаҳри эди. Мир Сайид Али Кошғарда вафот этган ва шу ерда дафн этилган. Унинг қabri устига қурилган мақбарада вафоти йили – 862 (1457–1458) йил ёзиб қўйилган¹⁶⁸.

Шунга қарамасдан, Манглай Субе мухторият ҳуқуқида бўлган ва маъмурий жиҳатдан Мўғулистон хонига бўйсунган ва Мўғулистон хони Эсан Буғохоннинг қароргоҳи ҳам Манглай Субенинг асосий шаҳри саналмиш Оқсуда жойлашганди.

Ундан кейин ҳокимиятга келган авлодлари даврида Мўғулистон хони Дўст Муҳаммадхон билан бир оз нифоқ вужудга келган бўлса-да, лекин бу туб ўзгаришга олиб келмади.

XV асрнинг сўнги чорагида Кошғар Мир Сайид Алининг катта ўғли Сансиз Мирзо қўлига ўтади ва у етти йил ҳокимлик қилиб, оламдан кўз юмади (вафоти 869/1464–1465)¹⁶⁹.

Юнусхон даврида Кошғарда 869 (1464–1465) – 885 (1480–1481) йиллар давомида Мир Сайид Алининг кичик ўғли Муҳаммад Ҳайдар (“Тарихи Рашидий” асари муаллифининг бобоси) ҳоким бўлган. “Тарихи Рашидий” асарида Муҳаммад Ҳайдар Кошғарда жами 24 йил ҳукмронлик қилгани ва шунинг 16 йили мустақил ҳукмдор бўлгани қайд этилган¹⁷⁰. Кошғар бу даврда Манглай Субенинг бош шаҳрига айланган.

Манглай Субенинг маъмурий-ҳудудий ҳолатидаги кейинги муҳим воқелик Сансиз Мирзонинг тўнғич ўғли Абубакр мирзо ҳукмдорлиги билан боғлиқ. У дастлаб Ёркандни, кейинчалик эса Хўтанни ҳам ўз мулки қилиб олишга эришди, кудрати ошиб Муҳаммад Ҳайдар мирзога қарши чиқишга азм қилди, Кошғарга чопқинлар ясади. Муҳаммад Ҳайдар мирзо аввалида ўзи, сўнгра Юнусхон билан биргаликда Абубакр мирзо устига лашқар тортиб боргани ҳам мағлубият билан яқун топди. Уларнинг 885

¹⁶⁸ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.111.

¹⁶⁹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.112.

¹⁷⁰ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.123.

(1480–1481) йили катта лашкар билан янгидан Ёркендга юриши ҳам муваффақиятсизликка учради. Абубакр мирзо Кошғарни эгаллаб, жами 48 йил бу вилоятни мустақил бошқарди¹⁷¹. Абубакр мирзонинг ҳукмронлиги Мўғулистон хони Султон Саидхоннинг 920 (1514) йили Кошғарга, ундан Ёркандга юриши ва мазкур жойларни эгаллаши воқеаларида яқун топади¹⁷².

Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида **Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқ**нинг маъмурий-худудий ҳолати билан боғлиқ баъзи муҳим маълумотлар ҳам акс этган. Улардан бири темурий шаҳзода Умаршайх мирзонинг Фарғона вилоятини бошқарувига дахлдор воқеалардан иборат.

Умаршайх мирзо Самарқанд томондан Султон Аҳмад мирзонинг бостириб келишидан хавфсираб қайнотаси Юнусхонни ёрдамга чақириб олади ва унга Ўш вилоятини беради. Юнусхон ёзда Мўғулистонга қайтиб, мазкур вилоятни бошқаришни Муҳаммад Ҳайдар мирзога қолдиради. Умаршайх мирзо бундан норози бўлиб Ўшни қайтариб олади ва у ерга ўз доруғасини тайинлайди¹⁷³.

Умаршайх қайнотаси Юнусхонни Самарқандга юриш қилишга ва Султон Аҳмад мирзодан ҳокимиятни олишни тарғиб қилади, бироқ Юнусхон бунга кўнмайди.

Кейинги муҳим маълумот **Тошкент шаҳри ва вилоятининг** маъмурий-худудий ҳолатига тегишли бўлиб, воқеалар ривожини Шоҳрухияда тузилган сулҳ тафсилоти билан боғлиқ. Унда ёзилишича, 890/1485 йили Темурий шаҳзодалар – Андижондан Умаршайх мирзо ва Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо, шунингдек, Мўғулистон хони Юнусхон Тошкентдан йўлга чиқиб, Шоҳрухияга келадилар. Улардан ҳар бири Шоҳрухияни эгаллашни мақсад қилган эди. Темурийлар салтанати маънавий ҳамда сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Хожа Аҳрор валий Самарқанддан етиб келиб, учала ҳукмдорни ўз ҳузурига чорлайди ва томонларни яраштиришга эришади; 890/1485 йили Шоҳрухияда тузилган ушбу сулҳ шартига кўра, Тошкент вилояти Юнусхонга берилади.

¹⁷¹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.126–132; 329.

¹⁷² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.402–412

¹⁷³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.137–139

Мазкур воқеа мавлоно сайид Муҳаммад Қозининг (ваф. 922/1516) “Силсилат ул-орифин” асарида батафсил ёритилган, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар¹⁷⁴. Бу воқеа Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарида ҳам қайд этилган.

Тошкент вилояти 890/1485 йили Шохрухияда тузилган сулҳдан¹⁷⁵ бошлаб, дастлаб Юнусхон, вафотидан (892/1486–1487) кейин эса, ўғли Султон Маҳмудхон ҳукмида бўлган ва маъмурий-худудий жиҳатдан Мўғулистон таркибига кирган. Бошқача қилиб айтганда, Тошкент шаҳри қисқа муддат, аниқроғи, 890/1485 – 908/1502–1503 йиллар оралиғида, Мўғулистон хонининг қароргоҳи шу ерда бўлгани сабабли Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди¹⁷⁶.

Юнусхон вафотидан сўнг 893/1487–1488 йили Умаршайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзо Тошкент вилоятини қайтариб олиш учун қўшин тортадилар. Умаршайх қўшини Тошкент вилоятидаги Уштур қўрғонини эгаллайди. Султон Маҳмудхон лашкар тортиб, қаттиқ жангдан сўнг қўрғонни қайтариб олади¹⁷⁷.

1487 йили Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо ҳам Тошкентга юриш қилади. Шоҳибек (Шайбоний) унинг лашкарида эди. Иккала томон жангга киришганда Шоҳибек (Шайбоний) сотқинлик қилиб, ўз қўшини билан Султон Маҳмудхон томонга ўтади. Натижада Султон Аҳмад мирзо енгилиб, Самарқандга қайтади ва унинг Тошкент вилоятини қайтариб олиш учун ҳаракати амалга ошмайди¹⁷⁸.

Хўжанд. Фарғона, Хўжанд, Ўратепа Умаршайхга қараган “Хўжанд мухтасар ередур, юз-икки юз навкарлик кишининг авқоти ташвиш била ўтар”¹⁷⁹, – деб ёзади Бобур.

Ўратепа. Султон Абусаидга қараган, унинг ўлимидан сўнг ўғли Султон Аҳмад мирзо ҳукмида бўлган. Султон Аҳмад мирзо Тошкентга юриш қилиб Чир суви бўйида, Султон Маҳмудхон лашкаридан мағлуб бўлади. Шундан сўнг Ўратепа Умаршайх мирзо

¹⁷⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.139–140.

¹⁷⁵ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.141.

¹⁷⁶ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.377.

¹⁷⁷ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.143.

¹⁷⁸ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.143–144.

¹⁷⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 67-б.

ихтиёрига ўтади. Бироқ Умаршайх мирзо вафоти йили у яна Султон Аҳмад мирзо қўлига ўтади. Аниқроғи, шу йили – 899 йили Султон Аҳмад Андижонга юриши чоғида Ўратепани олган. Қайтишда Ўратепага қарашли Оқсу деган жойда вафот этади (899/1493 й.).

Тошкентни эгаллаб турган Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон қўшинлари 900 йил қишда (1494 йил декабрь – 1495 йил январь) Ўратепани эгаллайди ва уни куёви Муҳаммад Ҳусайн (тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг отаси)га беради. Мазкур шаҳар 900–908 (1494/1495 – 1502/1503) йиллар орасида унинг ҳукмида бўлган ва у яқин-атроф ерларни ҳам ўз мулкига қўшиб олди¹⁸⁰.

Ўратепага қарашли **Даҳкат қишлоғи** ҳақида Бобур шундай ёзади: “Даҳкат Ўратепанинг кўҳпоя (тоғ олди) кентларидиндур, улуғ тоғнинг тубида тушубтур, бу тоғдин ўтгач Масчо бўлур. Эли агарчи сорт ва деҳнишиндур, вале атрокдек гала ва рамалиқ эллардур. Даҳкатнинг кўйини қирқ минг ченарлар эди”¹⁸¹.

“Бобурнома”да ёзилганлардан маълум бўладики, Султон Абусаид ўлимидан сўнг Хўжанд, Ўратепа, Исфара ва Шоҳрухиянинг сиёсий-маъмурий ҳолати муаммоли бўлган, бир қўлдан бошқа қўлга ўтиб турган.

Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси. Султон Маҳмудхон ўз ҳукмдорлиги пайтида юриш қилиб, Туркистон шаҳрини эгаллагач, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси ҳам унинг тасарруфига ўтди. У мазкур жойларнинг маъмурий-худудий бошқарувини Шоҳибекхон (Шайбонийхон)га (Уштур қўрғонидаги жангда Султон Аҳмад мирзони тарк этиб, унинг томонига ўтганини ҳисобга олиб) берди¹⁸², унга Бухоро ҳамда Самарқандни олишида ҳам қўмаклашди.

Умуман олганда, Юнусхон, айниқса, унинг ўғли Султон Маҳмудхон ҳукмдорлигида Мўғулистоннинг худуди ғарбга томон кенгайди. XV аср охирларида Мўғулистон хонларининг Дашти Қипчоқ ўзбекларига ёрдам бериши эса, уларнинг ўзи учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Чунки бунинг натижасида Тошкент вилояти маъмурий-худудий жиҳатдан Шайбонийларга ўтиб, Мўғулистон давлатининг чегараси ғарбий йўналишда қисқарди.

¹⁸⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.146.

¹⁸¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 87-б.

¹⁸² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.142

Дашти Қипчоқда Абулхайрхон билан Гирайхон ва Жонибек султон ўртасида низо келиб чиқади. Улар енгилиб, Мўғулистон томонга бош олиб кетадилар. Мўғулистон хони Эсан Буғохон уларга Мўғулистоннинг шимоли-ғарбий қисмидан жой ажратади¹⁸³. Гирайхондан сўнг ўғли Бурундукхон ўз элатига хон бўлади. Қосимхон (ваф. 924/1518) уни ҳайдаб, ўзи тахтга ўтиради. Кейинроқ у Дашти Қипчоқни тўла эгаллайди ва шу асосда **Қозоқ хонлиги** ташкил топган эди. Бу ҳақдаги воқеалар баёни Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида бошқа манбаларга қараганда аниқроқ ва батафсилроқ берилган. Умуман олганда, Эсан Буғохоннинг хайрихоҳлиги билан Ғарбий Мўғулистонда Қозоқ давлатининг ташкил топиши, ўша даврнинг энг муҳим маъмурий-худудий ўзгариши бўлди.

Бадахшон. “Тарихи Рашидий” асарида Бадахшоннинг бир қисми – Танги-Болодан то Сариф-Чўпонгача жойларни Мирзо Абу-бакр эгаллагани айтилган. Мирзо Абу-бакр Бадахшонга қўшин жўнатиб, ҳазораларнинг катта қисмини бўйсундирди. Бу худудда Бадахшоннинг баланд тоғ қисмидаги Сариф-Чўпон, Ғунд, Парвоз, Сарх, Ясар, Шивайи Шуғнон номли жойлари санаб ўтилган. Бадахшон аҳолиси, Мўғулистон хонлари билан қариндошлашгани сабабли ўзларини Мўғулистон хонларига яқин тутганлар.

Хоразм. Бу даврда Хоразмнинг бошқарув тизимидаги маъмурий-худудий ўзгаришлар Султон Абусаид ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

XV асрнинг ўрталарида Мустафоҳон Хоразмнинг жануби-ғарбий қисмини босиб олди ва пойтахт Урганчдан 60 км ғарбда Вазир шаҳрини барпо этди. Урганчни босиб олиб, аҳолисининг бир қисмини Вазирга кўчирди¹⁸⁴. Мустафоҳон Хоразмда 1460–1461 йилгача ҳукмронлик қилди, яъни Хоразмнинг ғарбий қисми бир муддат Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари тасарруфига ўтди.

Сўнгра бу ерда ҳокимиятни кўнғирот сўфийлари ўз қўлига олди. Вазир шаҳрини Мустафоҳон хизматида бўлган амирлар-

¹⁸³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.348

¹⁸⁴ Вазир шаҳрида 1558 йили инглиз сайёҳи Антоний Женкинсон бўлган ва бу ҳақда қисқа ахборот қолдирган. Сайёҳ ёзганларига кўра, бу жой XVI аср ўрталарида ҳам обод кўрғон бўлган (Ахмедов Б.А. *Историко-географическая литература*. – С. 196.

дан Муҳаммад Сўфининг ўғли **Усмон қўнғирот** эгаллади. Бу сўфийлар сулоласининг орадан деярли бир аср ўтгандан кейин иккинчи марта Хоразмда ҳукмронлик тахтига келиши эди. Мустафоҳон яна Манғишлоққа қайтди. Ушбу воқеа XV асрнинг ўрталарида Хоразмнинг ғарбий қисмидаги бошқарув тизимида Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан Хоразмдаги қўнғирот сўфийлари маълум муддат иттифоқликда фаолият олиб борганлар, дейиш учун асос бўла олади.

Хоразм темурий шаҳзода Султон Ҳусайн мирзо, яъни Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) учун ҳам ҳарбий ҳаракатларга қулай жой бўлган. Султон Ҳусайн 1459 йил кузида Султон Абусаидга бўйсуннишдан бош товлаб, Мозандаронда ҳокимият учун курашга отланади. Бироқ биринчи тўқнашувдаёқ мағлубиятга учраб, Каспий денгизининг Ағрича қўлтиғи томон чекинади ва у ердан 1460 й. бошида Хоразм томонга кетишга мажбур бўлади¹⁸⁵. Султон Ҳусайн Хоразмнинг чекка қисмларидан, асосан, **Адоқ** деган жойдан паноҳ топади ва ўзининг кейинги чиқишларини, кўпинча, ўша ердан амалга оширган. “Султон Ҳусайн Хоразм вилоятининг атроф чеккаларида кун ўтказар эди”¹⁸⁶, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда.

Мустафоҳон ҳокимиятдан кетгач, Султон Ҳусайн икки марта Вазир шаҳрига бостириб келиб, иккинчисида шаҳарни эгаллайди. 1461 йилги чиқишида Мозандаронни олиб, Ҳирот шаҳрини қамал қилишга журъат этди¹⁸⁷. У Хоразмда ўз мавқеини мустаҳкамлашга киришди ва 1462 йили Урганч ва Хивани эгаллаб, темурийларнинг Хоразмдаги ҳокими **Қутлуғ Дарवेशни** ҳокимиятдан четлатди, Урганчни ўзининг бош қароргоҳига айлантирди¹⁸⁸.

“Матлаи саъдайн”да 1463 й. бошларида Султон Ҳусайн Хоразм томондан чиқиб, Нисога чопқин ясаб қайтиб кетгани¹⁸⁹,

¹⁸⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 494–495-бетлар.

¹⁸⁶ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 548-б.

¹⁸⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 513–518; 519–520-бетлар.

¹⁸⁸ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 116-б.

¹⁸⁹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 536–537 бетлар.

1464 йили Ёзар, Насо, Абивард, Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Туршиз, Тун вилоятларига кириб келиб, Султон Абусаид юборган лашкарни жангда мағлуб қилиб қайтиб кетгани қайд этилган¹⁹⁰. Ушбу воқеадан кейин Темурийлар давлатининг ҳукмдори Султон Абусаид жиддий чора қўришга мажбур бўлади ва 1465 й. қишда Хоразмга Султон Ҳусайн устига Сепоя мавзеига лашкар жўнатади. Султон Ҳусайн жангга кирмай Дашти Қипчоқ томонларга чекинади¹⁹¹. Султон Абусаид Хоразмни бошқариш учун ерга **Нурсайдбекни** тайинлайди¹⁹².

У қулай фурсатни кутиб, 872 (1467–1468) й. Дашти Қипчоқдан янги куч билан Хоразмга бостириб киради ва ушбу чопқинида Султон Абусаиднинг у ердаги лашкарини бир ҳамладаёқ тўзитиб юборган ва Хоразмнинг чекка қисмларини талон-торож қилган¹⁹³, 1468 й. кузида эса, янгидан ҳужум қилиб, Хоразмдан ўтиб, Насо ва Абивардгача бостириб келган¹⁹⁴.

Султон Ҳусайн мирзо ҳукмдорлик тахтида ўтирган йилларда Хоразм маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибида бўлган. Бироқ 1480 йили Хоразмнинг ғарбий қисмидаги бир нечта шаҳарларни (Тирсак, Булумсоз, Вазир, Адоқ) Шайбонийхон эгаллаган ва маълум вақт шу вилоятда бўлган. Сўнгра у Султон Аҳмад мирзонинг таклифи билан Мовароуннаҳрга қайтади ва унинг 1487 йили Самарқанддан Тошкентга юришида қатнашгани маълум.

Темурийлар давлатида Султон Ҳусайн мирзо ҳукмдорлиги даврида, Хоразмнинг ҳоқими Жўчи улуси вакили амир Нонгадойнинг авлодидан бўлмиш **Чин Сўфи** эди ва у 1505 йилгача, то бу ўлкани Шайбонийхон босиб олгунгача бошқарган¹⁹⁵.

Кичик маъмурий ўзгаришлар. “Бобурнома” да қайд этилишича, Султон Абусаид мирзо салтанатида Жонибек дўлдой Са-

¹⁹⁰ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 548–550-бетлар.

¹⁹¹ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 553-б.

¹⁹² Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 116–117-бетлар.

¹⁹³ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 574-б.

¹⁹⁴ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 601-б.

¹⁹⁵ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 118-б.

марқанд шаҳри, Аҳмад Ҳожибек Ҳирот шаҳри, Муҳаммад Мазид тархон Туркистон, Султон Ҳусайн арғун Қорақўл ҳокими этиб тайинланган эди.

Фарғона водийсида Заҳириддин Бобур тахтга келгач, айрим ички маъмурий ўзгаришлар қилади ва мардлик намойиш этган баъзи бекларни тақдирлайди; Умаршайх мирзо бекларидан Ҳасан Яъқубни Андижон, Қосим қавчинни Ўш, Узун Ҳасанни Ахси, Али Дўст тағойни Марғинон шаҳарларига ҳоким этиб тайинлайди. Қанбар Али ҳам Бобурнинг бекларидан саналган ва унинг вилояти Хўжанд эди, Бобур Андижонни олгач, Исфара ва Кандибодомни ҳам унга берди.

Бироқ бунга ўхшаш майда маъмурий ўзгаришлар билан мамлакат сиёсий мавқеи яхшиланмади ва XV аср охирларига келиб, Темурийлар давлати ички тарқоқлик туфайли ташқи ҳужумларга дош беролмай таназзулга учради, оқибатда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шайбонийлар салтанати ўрнатилди.

Юқорида келтирилган таҳлилдан хулоса қилганда, Амир Темур вафотидан сўнг, дастлабки юзага келган маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар – Халил Султоннинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятга келиши, Муҳаммад Жаҳонгирнинг хон этиб тайинланиши, марказий ҳокимиятнинг ўта заифлашуви ва Хоразмнинг Дашти Қипчоқ таркибига ўтганлиги билан белгиланади.

Маълум бўладики, Мирзо Шоҳрух маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимида отаси Амир Темур давридаги анъанани давом эттирган ва ўз давлатида темурийзодаларга илгари уларнинг оталарига тегишли бўлган жойлардан мулклар ажратишга ҳаракат қилган. Чунончи, ҳозирги Афғонистон ҳудудида Пир Али Тоз бош кўтариб мирзо Пирмуҳаммад ибн мирзо Жаҳонгирни ўлдиргач, Мирзо Шоҳрух уни йўқ қилади ва 812 (1409–1410) йили Пирмуҳаммаднинг мулкани унинг ўғли мирзо Қайдуга суюрғол қилади. Балх ва Тохаристон вилоятини Кобул ва Бадахшон чегарасигача ўз ўғли Иброҳим Султон бошқарувига беради¹⁹⁶.

Айни пайтда, йирикроқ суюрғоллар таркибида кичикроқ суюрғоллар ҳам ажратилган ва уларни бошқариш ҳукмдор то-

¹⁹⁶ Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 164–165-бетлар.

монидан ишончли амирларга топширилган. Масалан, Хутталон ҳокими – амир Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуд, Соли-Сарой ҳокими – амир Улжойтунинг ўғли Хожа Али, Хоразмнинг ҳокими – амир Шоҳмалик ва ҳ.к. Мирзо Шоҳрух, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатларини Улуғбекка суюрғол қилганда, унинг таркибидаги Ўзжанд вилоятини Амирак Аҳмад ибн Мирзо Умаршайх ва Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгир ибн Муҳаммад Султон тасарруфига берган эди. Айтиш жоизки, бундай суюрғоллар анъанаси ҳам Амир Темур салтанатида бор эди. Умуман олганда, Темурийлар даврида суюрғолларнинг ҳудудий кўлами бир оз кичрайгани кузатилади.

Мирзо Шоҳрух салтанатида Хоразмнинг бошқарув тизимида, Абулхайрхоннинг чопқини воқеасидан ташқари, бошқа ўзгариш бўлгани йўқ ва бу ерда ҳокимиятни темурийлар вакили эгаллаб турган. Асосий маъмурий ўзгаришлар ундан кейинги йилларга, аниқроғи, Султон Абусаид мирзо ҳукмронлиги даврига тўғри келади ва бу вақтда Хоразмнинг ғарбий қисмидаги бошқарув темурийлар тасарруфидан чиққан эди. Бўлиб ўтган воқеалар XV асрнинг 60-йилларида Хоразмнинг бошқарув тизимида Дашти Қипчоқ ўзбеклари, маҳаллий қўнғирот сўфийлари вакиллари ва темурийларнинг иштироки бўлганлигини англатади.

Темурийлар давлатида Султон Ҳусайн мирзо ҳукмдорлиги даврида, Хоразмнинг ҳокими Жўчи улуси вакили амир Нонгадойнинг авлодидан бўлмиш Чин Сўфи эди ва у 1505 йилгача, то бу ўлкани Шайбонийхон босиб олгунгача турган¹⁹⁷. Бошқача қилиб айтганда, қўнғирот сўфийлари авлоди вакили темурийлар ҳукмдорлиги остида мамлакатни бошқарган.

Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё аҳолисининг этник-ҳудудий ҳолати

Амир Темур салтанатидаги этник-ҳудудий ҳолат

Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё аҳолисининг умумий сони ёки унинг алоҳида қисмлари бўйича қанча аҳолиси бўлганлиги ҳақида маълумот қайд этилмаган. Бироқ тарихий воқеалар баёнидан этник гуруҳларнинг номлари, ҳудудий

¹⁹⁷ Аҳмедов Б. *Ўзбек улуси*. 118-б.

жойлашуви, миграцияси, у ёки бу тарихий кечинмадаги мавқеи кабилар хусусида қисман тасаввур олиш мумкин. Шу сабабдан ҳозирги таҳлил ҳам Марказий Осиёнинг, асосан, XIV–XV асрлардаги тарихий география аспектидаги этник тарихига тегишли бўлади.

Чунончи, тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида этник гуруҳлар (уруғ, қабила, аймоқ) номлари бир қисми алоҳида эслатилса, яна бир қисм шахс исмлари таркибида тилга олинган. Апарди, арлот, араб, авғон, барлос, баҳрин, бўрулдой, бовуржи, билкут, гуржи, дўғлот, жалойир, жата, мангкут (манғит), макрит, мўғул, ноймон, нукуз, нукударий, сулдуз, санжарий, туркман, тойхоний, уйғур, форс, хитой, чиғатой, ясаурий, ўзбек, ўйрот, қавчин, қипчоқ, қўнғирот кабилар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, этносларнинг Амир Темур давлати маъмурий-худудий ҳолатидаги мавқеи ҳам алоҳида таъкидланган эмас ва бу ҳақда умумий тасаввур олиш учун манбаларда учрайдиган тарқоқ маълумотларни йиғиб, сўнгра таҳлил қилиш лозим бўлади. Кўп ҳолларда бирор этник гуруҳ вакилининг сиёсий мавқеини ўрганиб хулоса қилиш орқали муаммонинг ечими топилиши ҳам мумкин. Масалан, жалойирларда – Боязид жалойир, Баҳром жалойир, амир Мусо ва б.; апарди қабиласида – Зиндахашм; сулдуз уруғида – Баён сулдуз ва унинг ўғли Шайх Муҳаммад, Пир Али сулдуз ва б.; ясаурийларда – Хизр Ясаурий (амир), Ҳожи Маҳмудшоҳ ясаурий, Сулаймон Ясаурий (амир); арлот уруғида – Пиримшоҳ арлот (амир), амир Муайяд арлот ва б. Бу шахслардан баъзилари амир – лашкарбоши унвонига эга бўлиб, муайян худудда ўзи мансуб уруғ-қабила ёки элатни бошқарган. Бундай мансабга тегишли шахсни баъзан Амир Темурнинг ўзи тайинлаганини ҳам кўрамиз (масалан: жалойирларга – Баҳром жалойир, сулдуз уруғига – Оқтемур баҳодир). Амир Темур Балхда Амир Ҳусайн устидан ғалаба қилгандан сўнг, Кешга қайтиб (1370 й.), ўз девонига мансаблар белгилагани ва унинг ҳарбий ҳаракатларида жонбозлик кўрсатган айрим уруғ вакиллари лашкарбоши мансабига тайинлагани маълум (масалан, Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясаурий)¹⁹⁸.

¹⁹⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1156-варак.

Аксари ҳолларда у ёки бу уруғ-қабиланинг ҳолати, уларни бошқариб турган ҳукмдорнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, зеро уруғ-қабилла ўз бошлиғининг истагига бўйсунган. Чунончи, жалойир уруғининг бошлиқлари Боязид жалойир ва Баҳром жалойир Амир Темурга қарши чиққанлари сабабли мазкур уруғ тарқатиб юборилган эди. Қуйида Марказий Осиё аҳолисининг Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида қайд этилган этник таркибига оид маълумотларга тўхталамиз (этнослар номлари алифбо тартибда берилди).

Авғонлар¹⁹⁹. Яздий “Зафарнома” асарида XIV–XV асрларда ҳозирги Афғонистоннинг жанубий чеккаси, Ҳиндистон билан чегарадош қисмида яшовчи қабилла назарда тутилган. Амир Темур Сеистонга юришида авғон қабилаларини ҳам бўйсундиради²⁰⁰. Улар кўпроқ савдо йўлларида қароқчилик билан шуғулланганлар ва Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришининг асосий сабаби ҳам ана шу савдо йўлларини қароқчилардан тозалаш бўлган²⁰¹. У асосий савдо йўлида бир нечта кўрғон қурдириб, уларда савдо йўлини кўриқлаш учун ўз аскарларидан тайинлайди.

Апарди. Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида *сулдуз, бурулдой, тойхон* ва *апарди* қабилалари яшаган (апарди уруғи Шибирғон вилоятида яшаган)²⁰². XIV аср ўрталарида (40-йилларида) *арлот* ва *апарди* амирлари билан Ҳирот волийси ўртасида низо ва жанг-жадаллар бўлиб турарди²⁰³. Ҳирот волийси Малик Ҳусайн уларни бўйсундиришга уринган. Мазкур қабилалар амир Қазағанга мурожаат қилиб, уни Ҳиротга Малик Ҳусайн устига юриш қилдиришга муваффақ бўлганлар. Амир Темур 1370 й. Балхга Амир Ҳусайн устига юриш қилганида, Зиндахашм *апарди* лашқари билан етиб келиб қўшилди²⁰⁴.

Бироқ Амир Темур 771/1370 йили Шаҳрисабзда қурултой чақирганда Зиндахашм Амир Мусонинг иғвосига учиб, келишдан бош тортди. Амир Темур элчи юборди, иш бермади. Амир

¹⁹⁹ Яздий “Зафарнома”сида қабилла номи “авғон” шаклида ёзилган.

²⁰⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 173а варақ.

²⁰¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 342а – 343б варақлар.

²⁰² Яздий. *Зафарнома* (1972). 142а варақ.

²⁰³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 92б варақ.

²⁰⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 137б варақ.

Темур Зиндахашм устига Шибурғонга лашкар тортиб борди. Зиндахашм Сафид-диз қалъасига бекиниб олди, бироқ енгилишини аниқ билгач, бўйсунушга ваъда берди. Амир Темур қайтиб келгач, у яна сўзида турмади ва бўйсунушдан бош тортди. Амир Темур Амир Жокуни лашкар билан жўнатди, улар Шибурғон кўрғонини қамал қилдилар. Зиндахашм таслим бўлди. Амир Темур Шаҳрисабзда уни яхши қабул қилди²⁰⁵.

Амир Темур Жатага юриш қилган чоғида Зиндахашмни, унга суиқасд уюштирмоқчи бўлган гуруҳга қўшилгани учун, зиндонга ташлашга буюради ва унинг мулки бўлмиш Шибурғон вилояти ҳокимлигини Оқбуғонинг ўғли Баён Темурга беради²⁰⁶.

Амир Темурнинг салтанати кучайгач, *апарди* уруғи унинг таркибий қисмига бирлашди ва унинг айрим вакиллари кейинги тарихий кечинмаларда ҳам тилга олинади. Масалан, Малик апарди Амир Темур лашкарида амир бўлган ва Мўғулистон, Эронзамин ва етти йиллик юришларида қатнашган²⁰⁷.

Арканут – Яздий “Зафарнома” асарида ёзилишича, Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга бостириб келганда, *кераит*, *арканут* ва *қанғли* уруғларига мансуб лашкарбошилар лашкарнинг олд қисмида бўлганлар. Демак, мазкур қабилалар XIV аср ўрталарида Мўғулистонда яшаган. Мирзо Ҳайдар яна *арканут* уруғи Туғлуқ Темурхон хузурида унга энг яқин туриб, барча мурожаатларни бевосита етказиш ҳуқуқига эга бўлганлигини ҳам айтган²⁰⁸.

Арлот – Яздий “Зафарнома” асарида ёзилишича, Афғонистоннинг Хуросон вилоятида яшаган туркий уруғ. “Тарихи Рашидий” га кўра, *арлотлар* Чиғатой улусининг шарқий ва ғарбий қисмларида яшаб, XIV–XV асрларда анча кучли сиёсий мавқега эга бўлган. Улар дастлаб Чиғатой улусини бошқарган амир Қазағанга, сўнгра Амир Темурга хайрихоҳ бўлганлар.

Арлот уруғи вакиллари Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши ва ундан кейинги юришлари – Хоразм, Мўғулистон, Дашти

²⁰⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1426, 1436 varaқ.

²⁰⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1456 varaқ.

²⁰⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 207, 239, 354a varaқлар.

²⁰⁸ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.84

Қипчоқ, беш йиллик ва етти йиллик юришларида қатнашганлар (Пиримшоҳ, Туркан, Тиланжи, Пирҳожӣ, Давлатхожа, Сайид Али Шакий, Муҳаммад, Муайяд ва б.). Баъзилари яхши хизматлари туфайли анчагина юқори даражага ҳам эришганлар (амир Пиримшоҳ арлот; хусусан, амир Муайяд арлот); Пирҳожӣ арлот – Амир Темурнинг Мўғулистонга қилган энг катта бешинчи юриши чоғида жасорат намоийш этган.

Амир Темурнинг арлот уруғи билан қариндошлик ришта-си ҳам бор эди, аниқроғи, Амир Муайяд арлот Амир Темурнинг куёви бўлади, яъни синглиси Ширинбека-оғонинг эри²⁰⁹.

Арлотларнинг баъзи вакиллари Амир Темурга қарши чиққани ҳам маълум. Чунончи, Туркан арлот Амир Темурга суиқасд қилмоқчи бўлган²¹⁰.

Барлослар. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида барлослар ҳақида маълумот дастлаб асарнинг “Муқаддима” қисмида учрайди. Унда ёзилишича, туркий хонлардан подшоҳ Кубулхон ҳукмронлиги чоғида Қочулининг ўғли Эрдамчи лашкарбоши этиб тайинланиб, унга “барлос” деган лақаб берилади ва уни Эрдамчи барлос деб атайдилар. Чингизхон сиёсий майдонга чиқиш учун кураш олиб боргани ҳақидаги воқеалар баёнида эса, барлослар уни қўллаб-қувватлаганини кўрамыз.

“Зафарнома”нинг асосий қисмида, яъни Амир Темур салтанати тарихи баёнида барлослар ҳақида ҳам баъзи маълумотлар олиш мумкин.

Амир Темур ўз ҳукмронлигида барлосларга алоҳида эътибор берган, ўғиллари ёки невараларига бирор юртни суюрғол қилганда, у ерга, энг ишончли кишилари сифатида барлослардан (иложи борича қариндошларидан) қўшиб юборган. Амир Темур лашкарида анчагина туманлар (ўн мингликлар) саркардалари барлослардан қўйилган ва уларга “амир” унвони берилган: Абусаид барлос, Пир Ҳусайн барлос, Тугал барлос, Жакуй барлос, Рустам Тағай-буғо барлос, Сулаймон барлос, Шайх Али барлос, Мазид барлос ва б. Амир Темур юришларида жуда фаол қатнашгани учун Жоку барлос лашкар амири унво-

²⁰⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 118а – 118б varaқлар.

²¹⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 28а varaқ.

ни билан тақдирланган, Рустам Тағай-буғо барлос юришларда лашкарнинг қўл ва чап қанот қисмларида лашкар амири бўлган.

Амир Темур барлослардан маъмурий мансабларга тайинланганлари ҳам бўлган. Тағай-буғо барлос Бухорони, Додмалик барлос Ҳисори Шодмонни, Гиёсиддин барлоснинг ўғли Кирмонни бошқаргани маълум.

Амир Темур вафотидан сўнг барлослар Мирзо Шоҳрухни қўллаб-қувватладилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, барлослар Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилиш учун кураш олиб борганда, унинг барча юришларида ва ниҳоят, вафотидан кейин унинг авлодларига тўла садоқатда бўлганлар.

Баҳрин – Амир Темур даврида *баҳрин* қавми Мўғулистонда ва Дашти Қипчоқда яшаган. Амир Темурга қарши жанг қилган қабилалардан. Чунончи, Яғлобий баҳрин Кундузчадаги ва Дарбанддаги жанглarda Тўхтамишхоннинг донгдор амирларидан бири сифатида эслатилади²¹¹.

Мирзо Ҳайдарнинг таъкидлашича, Амир Темур даврида Мовароуннаҳрга ҳужум қилган Мўғулистон лашкари таркибида баҳрин қабиласи ҳам қатнашган²¹².

Бўрулдой (уларнинг бошлиғи Бўрулдой исмли шахс бўлган) – ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида Кундуз ва ўша атрофларда яшаган. Бўрулдойлар ҳақида маълумот XIV аср 60-йиллар воқеалари, Амир Темурнинг Хоразмга, Ҳиндистонга ва етти йиллик юришлари тарихи тафсилотларида учрайди. Шимолий Афғонистонда Кундуз атрофларида яшаган. Амир Темур Хоразм ва Дашти Қипчоққа юриш бошлаганда мазкур қабилла Жунайд бўрулдой бошчилигида исён кўтариб, бу юришда қатнашишдан бош тортади. Улар Амир Темур юборган қўшинлар томонидан таъқиб остига олиниб, мол-мулклари талон-торож қилинади ва озгина омон қолганлари Жунайд бўрулдой бошчилигида Ҳиндукуш доvonидан ошиб Кобулга кетадилар, бироқ у ердан ҳам таъқиб қилинганча, Ҳиндистонга қочиб кета-

²¹¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2706 – 2756 варақлар.

²¹² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 46

дилар. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши чоғида Пирмуҳаммад, Мўлтонга юришида, ўша ердан Жунайидни Соҳибқирон хузурига олиб келиб, гуноҳини кечиришни сўрайди. Амир Темур уни калтаклатиб, жазолагандан кейингина кечиради²¹³.

Дуғлатлар. Яздий “Зафарнома” асарида дуғлат аймақидан амир Довуд дуғлат XIV аср 60-йиллар воқеалари баёнида Амир Темурнинг опаси Қутлуқ Туркон оғога уйлангани айtilган ва унинг мўғулларга қарши дастлабки курашларида ҳам қатнашган, энг ишончли амирлардан бўлган. Амир Темур 775/1374 йили уни бошқа қариндошларига қўшиб, Хоразмга Хонзодани ўғли Мирзо Жаҳонгирга сўраб совчиликка юборгани ҳам маълум²¹⁴. Амир Довуд 776/1375 йили Амир Темурнинг Мўғулистонга учинчи юришида ҳам қатнашган. Шундан келиб чиқиб, дуғлатлардан бир гуруҳи XIV асрда Мовароуннаҳрда ҳам яшаган дейиш мумкин.

Лекин аслида дуғлатлар Мўғулистонда яшаб келган асосий эътиборли этник гуруҳлардан саналади ва уларнинг бошлиғи амир Қамариддин Мўғулистонда Чингизхон авлодига мансуб хонларни йўқотиб ҳукмронликни ўз қўлига олгани маълум. Амир Темур бир неча марта Мўғулистонга амир Қамариддин устига лашкар тортади ва охири уни тор-мор қилиб, ўрнига Чингизхон авлодидан Хизрхожахонни тахтга ўтказди.

Жалойирлар. Теурийлар даври манбаларида бу ҳақда маълумот дастлаб Али Яздий “Зафарнома”сининг “Муқаддима” қисмида берилган. Унда ёзилишича, Қайдухон замонида Дуралгин наслдан бўлган жалойирлар кўпайиб кетган ва улар Керулен дарёси бўйида 70 курун келиб жойлашганлар; ҳар бир курун 1000 оила. Чингизхон ўз салтанатини тузаётганда кўп жанг-жадаллар қилиб, тарқоқ қабилаларни (жомуқа, тойжиют, кўнғирот, жалойир, сухибек) бирлаштиргани айtilган.

Кейинги маълумот Амир Темур салтанати даврига тегишли ва 1360–1377 йиллар воқеалари баёнида тилга олинган. XIV асрнинг 60-йилларида жалойирлар Мовароуннаҳрда Хўжанд атро-

²¹³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1966, 1976 варақлар. Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.46

²¹⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 149а варақ.

фида яшаган ва алоҳида мингликни ташкил қилган. Улардан баъзилари, масалан, Баҳром жалойир дастлабки пайтларда Амир Темурга садоқат билан хизмат қилган, у билан Сеистондаги жангларда қатнашган. Амир Темурнинг ишончли саркардаси бўлган, Амир Темур у билан муҳим давлат ишларини маслаҳатлашган.

Амир Темур жалойирлар билан қариндош ҳам тутинганди, аниқроғи, Боязид жалойир қизи Орзу Маликнинг амир Мусо билан никоҳидан туғилган қиз – Туман-оғога уйланганди.

Жалойирларнинг бошқа бир қисми (Боязид жалойир ва унинг ўғиллари) эса Амир Темурга қарши эдилар. Улар Амир Мусо ва Боязид жалойирнинг ўғли Али Дарвешинг иғвосига учиб бош кўтаргани ҳам маълум. Амир Темур бунга чора кўриб Баҳром жалойир, Амир Жоку, Аббос баҳодирни лашкар билан Хўжандга юборади ва жалойир элини бўйсундиришни буюради. Фитна бостирилади. Амир Темур Боязид жалойирнинг икки ўғли – Али Дарвеш ва Муҳаммад Дарвешни, унга суиқасд қилиш нияти борлигини билиб қолади ва қатл қилишга буюради (ўз вақтида Боязид Жалойир ҳам Амир Темурга суиқасд қилмоқчи бўлганди)²¹⁵.

Айтиш жоизки, Баҳром жалойир ҳам кейинчалик Амир Темурнинг Жатага юришларида унинг буйруғидан бош тортган ҳоллари бўлган. Шунга қарамасдан, Амир Темур жалойир элини бошқаришни Баҳром жалойирга, унинг вафотидан кейин эса, ўғли Одилшоҳ жалойирга беради. Бироқ кўп ўтмай Одилшоҳ жалойир Амир Темурга хиёнат қилади, яъни 777/1375–1376 йили Амир Темурнинг Хоразмга юриши пайтида, Сори Буғо Одилшоҳ жалойир ва Андижоннинг доруғаси Ҳамадий биргаликда жалойир ва қипчоқларни йиғиб Самарқандга чопқин ясадилар. Амир Темур юришни қолдириб шошилинч чора кўргач, улар енгилиб Дашти Қипчоққа қочдилар.

Амир Темурнинг 777/1375–1376 йили Жатага учинчи юриши чоғида Одилшоҳ жалойир бир гуруҳ одамлари билан Қорачуқ тоғлари (Қоратов)да юргани ҳақида хабар келади. Амир Темур қўшин жўнатади ва улар Одилшоҳ жалойирни тутиб ўлдирадилар²¹⁶.

²¹⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1536-варақ.

²¹⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 157а-варақ.

Бу ҳолат 777/1375–1376 йили жалойир элининг тарқати-либ, амирларга бўлиб берилиши (репартация)га сабаб бўлди²¹⁷. Мовароуннаҳрда жалойирлар тарқатиб юборилгач, улар ўзининг этник-сиёсий мавқеини йўқотди.

Жата. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида “жата” сўзи икки хил маънони англатиб келган: биринчиси – географик ном, яъни “Жата” мамлакат номи сифатида “Мўғулистон” топонимининг синонимидир; иккинчиси – этник тушунча, яъни халқ номи, аниқроғи, Мўғулистонда яшовчи уруғ-қабилалар. “Зафарнома”да иккала топоним бирдай ишлатилаверган (“Жата” нисбатан кўпроқ учрайди);

Айни пайтда, “жата” этнос номи шаклида “мўғул” этноси номига синоним бўлиб келганлигига қарамай, “Зафарнома”да Мўғулистон халқи, асосан, “жата” деб аталган; баъзи ҳоллардагина “мўғул” атамаси қўлланган.

“Жата” (“мўғул”)нинг жойлашган ери деб, Мўғулистон худуди кўрсатилган.

Макрит – бу ҳақда дастлаб Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида XIII асргача Мўғулистонда кечган тарихий воқеалар баёнида эслатилган ва улар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган (жумладан, Чингизхонга қарши жанг қилган). Кейинчалик улар Чингизхон лашкари таркибида бўлган.

Макрит қабиласи XIV асрда Мўғулистонда Отбоши атрофларида яшаган ва Амир Темурга хайрихоҳлик билдирган. Унинг лашкари таркибида макрит қавмидан тоғли жойлардаги қалъаларни эгаллашга мўлжалланган махсус гуруҳ бор эди. Чунончи, макритлар Амир Темурнинг Олтин Ўрдага юришида Шимолий Кавказдаги тоғ бағрида жойлашган қалъаларни эгаллашда фаол қатнашгани ва унинг етти йиллик юриши чоғида макрит қавмидан Бикижак Гуржистон худудидаги тоғ қояларида жойлашган қалъаларни эгаллашда катта жасорат намойиш этгани маълум²¹⁸.

Манқитлар (манқитлар). Яздий “Зафарнома” асарида XIII асрда Ғозонхон салтанатида Эронда Қутлуқшоҳ манқит амир

²¹⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 153б варақ.

²¹⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 279а–279б, 437б варақлар.

бўлгани²¹⁹ ва XIV аср охирида Дашти Қипчоқда манғитлардан Капак манқит Ўрусхон номидан Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келгани²²⁰ қайд этилган. Демак, XIV аср иккинчи ярмида манғитлар Дашти Қипчоқда яшаган уруғ-қабилла саналади.

Мўғуллар. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида мўғуллар хусусида, асосан, асарнинг “Муқаддима” қисми, яъни Чингизхон ва Чиғатой улуси тарихи воқеаларида сўз боради.

“Зафарнома”нинг асосий қисмида “мўғул” этник атама унча кўп учрамайди ва асосан, йирик этник тушунча – халқ тушунчасида ифодаланган. Улар “мўғул тилида”, “мўғул лашкари”, “мўғул одати”, “мўғул гўзаллари”, “мўғул куйи” каби иборалар шаклида берилган²²¹. “Мўғул” умумлашма этник атама саналган ва у бир қанча уруғ-қабилалар консолидациясини англатган. Таъкидлаш жоизки, XIV аср бошларида ёзилган Рашидаддиннинг “Жомеъ ат-таворих” асарида ҳам мазкур ҳолат кузатилади ва унда ўзларини “мўғул” атовчи бир қанча уруғ-қабилалар санаб ўтилган.

Найманлар (ноймонлар). Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида найманларнинг Чингизхонга қарши жанглари олиб боргани, кейинчалик Кушлук лашкарига қўшилиб курашни давом этгани ҳақида ёзилган. Чингизхон уларни таъқиб остига олиб, қирғин қилган.

“Зафарнома”нинг асосий матнида ноймонлар қайд этилмаган, бироқ Оқбуго баҳодир ноймон 1362–1383 йиллардаги воқеалар баёнида Амир Темур лашкарида ҳарбий саркарда лавозимида бўлгани маълум. Шундан келиб чиқиб, ноймонларнинг кичикроқ бир гуруҳи Мовароуннаҳрда ҳам яшаган, дейиш мумкин.

Сулдузлар. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида акс этган тарихий воқеалар баёнида сулдузлар XIV асрда Чағониён, Ҳисор водийси ва Шимолий Афғонистонда Балх вилоятида яшаганлиги қайд этилган.

Ҳисори Шодмондаги сулдузларнинг амири Баён сулдуз, Чигатой улусининг ғарбий қисмида эътиборли амирлардан бўлган ва амир Қазағаннинг Ҳиротга юришида қатнашган.

²¹⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 70, 123 varaқлар.

²²⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1536, 158а varaқлар.

²²¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1136, 127а, 211а, 238а, 354а, 462б varaқлар.

Амир Қазағаннинг ўлимидан сўнг унинг ўғли амирзода Абдуллоҳ Чигатой улуси ғарбий қисмида ҳукмронликни эгаллади ва Самарқандни ўзига пойтахт қилди; сохта хон – Баёнқулихонни ўзи билан олиб кетди. Ўша йили у Баёнқулихонни ўлдириб, ўрнига Йисун Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ-ўғлонни хонлик тахтига ўтказди. Бундан норози бўлган Баён сулдуз лашкар йиғиб, Ҳисори Шодмондан Самарқандга юриш қилди. Унга Ҳожи барлос ҳам қўшилди. Улар амир Абдуллоҳни қувладилар²²².

Маълум бўладигани, Мовароуннаҳрда якка ҳокимликнинг тушаши ва феодал тарқоқлик авжига чиқиши қисман сулдуз уруғининг йирик вакили – Баён сулдуз фаолияти билан боғлиқ.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга иккинчи марта юриш қилганида Баён сулдуз унга хайрихоҳлик билдирган бўлса-да, бироқ хон – Темуршоҳ ўғлонни ўлдиргани учун уни кечирмади ва ўлимга ҳукм қилди. Кейинчалик бу воқеа сулдузларнинг муғулларга қарши курашда Амир Темур атрофига жипслашишига сабаб бўлди.

Амир Темурнинг 1370 йили Балхга Амир Ҳусайн устига юришида, унинг лашкарида Чағониён ва Ҳисор водийсида яшовчи сулдуз қабилаларидан ҳам қўшин бор эди.

Амир Темур сулдузлар билан **қариндош**лашган томони ҳам бўлган, яъни Баён сулдузнинг қизи Улус-оғони ўз ҳарамига олган (у аввал Амир Ҳусайн никоҳида бўлган)²²³. Баъзида бунинг акси, яъни сулдузларнинг Амир Темурга қарши бўлиб қолган ҳоллари ҳам бор. Шайх Муҳаммад сулдуз – амир Баён сулдузнинг ўғли, отасини Туғлуқ Темурхон ўлдиргач, унинг ўрнини эгаллаб, Ҳисори Шодмонда сулдуз қабиласини бошқарган. Шайх Муҳаммад сулдуз, дастлаб Амир Темурга садоқатли бўлган, бироқ кейинчалик унга суиқасд уюштиришда айбланиб ўлдирилган²²⁴, сулдуз тумани элатини бошқариш эса Оқтемур баҳодирга топширилган²²⁵. Амир Темур Дашти Қипчоққа юриши чоғида Оқтемур баҳодирнинг ўғли Шайх Темур мазкур юришда сулдуз ҳазоралари (мингликлари)ни бошқаргани маълум²²⁶.

²²² Яздий. *Зафарнома* (1972). 92б, 95а варақлар.

²²³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 139а варақ.

²²⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 153аб варақ.

²²⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 211б варақ.

²²⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 211б варақ.

Тожиклар. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида “тожиклар” араб алифбосида икки хил – кўпроқ *тозик*, баъзан *тожик* шаклларда ёзилган ва унда Мовароуннахр, Афғонистон худуди ҳамда Хуросонда яшовчи форсийзабон аҳоли назарда тутилган. “Тожик” этник тушунча сифатида асарнинг “Муқаддима” қисмида ҳам, асосий қисмда ҳам бор.

Мовароуннахр аҳолиси ҳақида сўз борганда, кўпинча, “*турку тожик*” ибораси ишлатилган ва бундан ўша даврда мазкур худудда иккала халқ аралаш яшагани тушунилади. Чунончи, Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳимоясига 110 000 киши – 60 000 туркий қавмлардан ва 50 000 тожиклардан қолдирган экан²²⁷.

Асардаги тарихий воқеалар баёнида тожиклар кўпроқ Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, Бадахшон вилоятларида, Бойсун худудида яшагани маълум бўлади. Масалан, Амир Темур беш йиллик юришга кетаётиб, Бухорога етганда касал бўлиб қолади. Уни даволашга *турку тожик* табибларини йиғдилар, – деб ёзади Яздий. Амир Темур лашкарида *турку тожиклар* хизмат қилгани бир неча марта қайд этилган²²⁸.

Турк. Яздий “Зафарнома” асарида “Муқаддима”да туркий қавмлар Одам-атодан тарқалгани, уларнинг дастлабкиси Турк-Ёфас ибн Нуҳ экани, барча туркий султонлар Бўзунжархондан бошланиши, турк қавмининг уруғ-қабилаларга бўлиниши (жумладан, *хитой турклари*, *қарлуғ турклари*, *қанғли турклари* деган иборалар бор), Ўғузхон туркий қавмларга ном бергани хусусида айтилган.

“Муқаддима”да, шунингдек, Қорахонийлар, Қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари ҳукмронлигида туркий элатлар ана шу сулолалар таркибида асосий ўринда тургани, барча сиёсий ўзгаришларда қатнашгани қайд этилган. Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкарининг аксари қисмини туркий қавмлар ташкил қилган. Чингизхон билан Хоразмшоҳ жангларида турклар мўғулларга қарши жанг қилгани айтилса-да, аслида туркий халқлар бир-бири билан урушган, дейиш мумкин. Чунки Чингизхон лашкари ҳам туркий элатлардан тузилган эди.

²²⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 426-варақ.

²²⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 342б, 362б, 479а-варақлар.

“Зафарнома”нинг асосий қисмида “турк” атамаси бир неча маънони англатади: умуман, туркий халқлар; Амир Темур лашкари; Чигатой улуси лашкари; Миср подшоҳи лашкари; туркий усулдаги мусиқа; туркий халқлар удуми.

Туркманлар. Яздий “Зафарнома”сида тарихий воқеалар баёнидан туркманларнинг ҳозирги Туркменистонда (улар *салжуқий туркманлар* дейилган) ҳамда Кичик Осиё ярим оролининг шарқий қисмида (улар *оқ кўйлиқ ёки оқ қуюнли ва қора кўйлиқ ёки қора қуюнли* дейилган) яшагани маълум бўлади²²⁹.

“Муқаддима”да Чингизхон лашкари ҳозирги Туркменистон ва унга ёндош ҳудудлар – Марв, Нишопур ва бошқа жойларда юз минглаб туркманларни қиргани ҳақида ёзилган. Султон Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши жанг қилганда, унинг лашкарида туркманлар ҳам бор эди²³⁰.

Амир Темур ўз вақтида Илёсхожахон хизматидан кетиб, Қорақум чўлида сарсон бўлиб юрганида Ҳожи Муҳаммад бошчилигидаги бир гуруҳ туркманлар унга ёрдам бергани маълум.

Айни пайтда, Бухоро вилоятининг жанубий-ғарбий чеккаларида ҳам туркманлар яшаган ва Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи уларнинг устига чопқин ясагани, бу ҳол Амир Темурнинг Хоразмга тўртинчи юришига сабаб бўлгани²³¹ ҳақида маълумот бор.

Амир Темур лашкарида туркманлардан эътиборли амирлар ҳам бўлган. Жумладан, Амир Арғуншоҳ туркманга Хитойга юриш пайтида Самарқандни бошқариш ишониб топширилганди²³².

Уйғурлар. Мазкур этник атама кўпроқ Яздий “Зафарнома”-сининг “Муқаддима” қисмида, асосан, Чингизхон тарихи воқеалари баёнида қайд этилган. Унда ёзилишича, Ўғузхон туркий қабилаларга ном берганда, улардан бирини “уйғур” деб атаган ва унинг маъноси “қўшилмоқ” дир. Чунки бу қабила уруш пайтида Ўғузхон томонга қўшилиб, унга ёрдам берган экан²³³.

²²⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 251а varaқ.

²⁸⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 516, 566 varaқлар.

²³¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 162а varaқ.

²³² Яздий. *Зафарнома* (1972). 480б varaқ.

²³³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 19а varaқ.

“Муқаддима”да ёзилишича, Чингизхон ҳокимиятга келиш даврида қабилаларни бирлаштириш учун олиб борган жанглarda уйғурлар, турк ва тотор қабилалари билан бирлашиб, дастлаб унга қарши жанг қилган. Уйғурларнинг ҳокими Идиқут уйғур бўлиб, у Бешбалиғни пойтахт қилган ва Чингизхоннинг салоҳияти ортгач, унга бўйсунган²³⁴. Лекин кейинчалик ҳам уйғурлар Чингизхон ҳокимиятига қаршилик кўрсатган пайтлар бўлган ва Чингизхон бунинг учун уйғур амирларидан бир нечтасини қатл қилдиргани маълум. “Муқаддима”да мўғуллар Чингизхон буйруғи билан ёзув маданиятини уйғурлардан ўргангани ва унинг давлати қонунлари – Ёсоси ҳам уйғур ёзувида ёзилгани ҳақида маълумот бор²³⁵.

Чингизхон Хоразмшоҳлар устидан ғалаба қилгач, Мовароуннаҳр, Хоразмнинг бир қисми, Уйғур диёри, Кошғар, Бадахшон ва Ғазнаинни то Синд дарёсигача бошқаришни ўғли Чиғатойга топширади²³⁶.

Амир Темур салтанатида уйғурлар унга хайрихоҳ бўлганини кўрамиз ва улардан бир қисми (яшаш жойи аниқ кўрсатилмаган) Мовароуннаҳрда ҳам яшаган бўлиши керак. Чунки XIV асрнинг 60-йиллар воқеаларида, Амир Темур мўғулларга қарши кураш олиб борганда, Давлатшоҳ бахши уйғур унинг номдор амирларидан бўлган. Амир Темур ҳокимиятга келганда Давлатшоҳни девон мири – девонбоши мансабига тайинлайди²³⁷. Худди шу даврда Тармочуқ уйғур ҳам унинг саркардаларидан бири сифатида қайд этилган²³⁸.

“Зафарнома”да, шунингдек, Амир Темур юришлари тарихини туркий тилда ёзиб борувчилар уйғур бахшилари, – деб тилга олинган²³⁹.

Форс. Яздий “Зафарнома” асарида “форс” сўзи этник атама сифатида уч хил маънода келган: 1) форс – умуман, форсий тилда сўзлашувчилар; 2) форслар – Эроннинг Форс вилояти аҳолиси; 3) Эрондаги форсий тилда сўзлашувчи аҳоли.

²³⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 21а, 32аб varaқлар.

²³⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 33а varaқ.

²³⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 62а varaқ.

²³⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 141б varaқ.

²³⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 299а varaқ.

²³⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 90б varaқ.

Хитойлар. Яздий “Зафарнома” асарида мазкур этник атама жуда кам эслатилган ва унда Буюк Хитой деворидан жанубда яшовчи халқ назарда тутилган. Қадимда баъзи туркий элатлар, жумладан, жалойирларнинг хитойлар билан урушлар қилгани эслатиб ўтилган²⁴⁰.

Ясаурийлар. Яздий “Зафарнома”сида уларнинг асл юрти Самарқанд атрофидаги Сарипул ва Тоткант дейилган²⁴¹, бошлиғи амир Хизр Ясаурийнинг фаолиятида оғмачилик кузатилади ва у вазиятга қараб, гоҳ Туғлуқ Темур томонида бўлса, баъзида Амир Темур билан иттифоқлашган ёки Боязид жалойирга қўшилган. Фақат унинг вафоти (1365 й.)дан кейин ясаурийлар Ҳожи Маҳмудшоҳ бошчилигида тўла-тўқис Амир Темурга бўйсундилар.

Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясаурий Амир Темурга садоқат билан хизмат қилди ва жанглarda жасорат намойиш этган. Амир Темур ҳам унинг хизматларини юқори тақдирлаб, Балх юришидан қайтиб, Кешда мансаблар улашганда, уни лашкарбоши этиб тайинлайди²⁴², улар билан **қариндошлик** риштаси боғлайди ва Илёс Ясаурийнинг қизи Бахт Малик-оғони ўғли Мирзо Жаҳонгирга олиб беради ҳамда бу никоҳдан Мирзо Пирмуҳаммад дунёга келгани ва Амир Темур ўлими олдидан уни тахт вориси деб васият қилгани маълум²⁴³. Кейинчалик Ҳожи Маҳмудшоҳнинг ўғли Пир Али ҳам Амир Темур хизматида бўлган.

Ўзбеклар. Этник тушунча сифатида Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида, унинг “Муқаддима” ва Амир Темур салтанати тарихи қисмларида тилга олинган ва “Дашти Қипчоқ ҳамда Олтин Ўрдада яшовчи “ўзбек” уруғ-қабилалари билан боғлиқ. “Ўзбек” этник атама сифатида ва шахс исми таркибида учрайди. “Муқаддима”да “ўзбек” деганда Олтин Ўрда ўзбеклари назарда тутилган ва Эронда Абусаид Баҳодурхон (ваф. 736/1335 й.) билан Олтин Ўрда ўртасидаги сиёсий воқеалар тарихи баёнида қайд этилган.

Асарнинг Амир Темур салтанати тарихи қисмида 1360–1370 йиллар воқеалари баёнидан бошлаб “ўзбек” сўзи учрайди. Чу-

²⁴⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 236 varaқ.

²⁴¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 95a varaқ.

²⁴² Яздий. *Зафарнома* (1972). 1156, 1416 varaқлар.

²⁴³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2566 varaқ.

нончи, Амир Темур 767 /1365 йили Қарши қўрғонини эгаллаганда, у ердаги жангларда бир ўзбек йигити Амир Мусо лашкари таркибида бўлганлиги айtilган²⁴⁴. Амир Темурнинг 785/1383 йили Сеистонни забт этганда, у ерда бош қўтарган афгонларга қарши олиб борган жангларида, унинг қўшинида Бахтхожа ўзбек исмли шахс хизмат қилгани эслатилади.

Ушбу мисоллардан маълум бўладики, Дашти Қипчоқ ўзбекларидан айримлари XIV аср ўрталарида ҳам Мовароуннаҳрда яшаган.

Амир Темур давлатининг Дашти Қипчоқ билан муносабатлари фаоллашиб борган сари (Ўрусхон устига, сўнгра Тўхтамишхон устига юришлар), у ерлардан Мовароуннаҳрга олиб келинган ўзбекларнинг сони ҳам ортиб борган. Уларнинг орасида Амир Темур лашкарларида хизмат қилган Идику ўзбек, Идиберди бахши ўзбек, Оқберди ўзбек исмли саркардалар бўлган. Айниқса, Амир Темурнинг Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон устига юриш қилиб ғалаба қозонганда, у ердан анчагина ўзбек қабила-ларини Мовароуннаҳрга кўчириб келди.

Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтганда, Кобул яқинидаги Нағар қалъасини обод қилади ва унга Дашти Қипчоқдан кўчириб келтирилган 400 та ўзбекни, уларнинг бошлиғи Ёруғ-Ўғлон бошчилигида қўриқлашга қолдиргани айtilган²⁴⁵.

Ўйротлар (бошқача аталиши қалмоқлар). Бу ҳақда дастлабки маълумотлар Яздий “Зафарнома”сининг “Муқаддима” қисмида берилган. Унда ёзилишича, ўйротлар бошқа қабила-лар билан бирлашиб, Чингизхонга қарши жанг қилади, бироқ мағлуб бўлади. Шунингдек, Чингизхон Кушлук устига юриш қилганда ҳам ўйротлар унга қўшилиб, Чингизхонга қарши жанг қилган, лекин мағлуб бўлган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ўйрот қавмидан Амир Арғунга (ваф. 639/1241–1242) Хуросонни бошқариш топширилади ва у ўша ерда ўн тўрт йил ҳукмронлик қилган (вафотигача). Мунку-қоон тахтга ўтиргач, 648/1250–1251 йили Хулагухонни Эронни эгаллаб, бошқаришга тайинлади ва унинг лашкарида бир гу-

²⁴⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1196-варақ.

²⁴⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 344а-варақ.

руҳ ўйротлар ҳам бор эди. Абусаид вафотидан (736/1335) сўнг ўйротлар Хуросон ва Эронда сезиларли сиёсий кучга айланди.

XIV аср 40-йилларида ўйротлар кўпроқ Ироқ, Эрон Озарбайжони ва ҳозирги Туркия ҳудудидаги Диёрбакр атрофларида яшаган. Ардабилнинг ҳокими Шайх Али ўйрот исми шаҳс бўлган ва у Амир Темурнинг беш йиллик юриши пайтида унга жангсиз бўйсунган. Амир Темур Диёрбакрга юриш қилганда, у ердаги Киркух қалъаси аҳолиси жангсиз бўйсунди ва ушбу вилоятдаги амирлардан бўлмиш Қизил Мирали ўйрот, бошқа амирлар ҳамда вилоят ҳокими ҳам тобелик изҳор қиладилар²⁴⁶.

Қавчинлар. Мазкур этник гуруҳ ҳақида Яздий “Зафарнома”сининг “Муқаддима” қисмида Чингизхоннинг Хитойга юриши воқеаларидан бошлаб маълумот бор. Улардан Барта қавчин Чингизхон тарихида унинг энг эътиборли хотини сифатида келтирилган. Кейинчалик тўрт улусни бошқарган тўрт ўғли (Жўчи, Чиғатой, Ўктой, Тўли) ҳам ана шу хотинидан туғилган. Демак, бу уруғ Чингизхон давридаёқ энг олий эътиборда турган.

Амир Темур салтанатида ҳам барлослардан сўнг қавчинлар энг фаол қавм саналган.

Али Яздий “Зафарнома”сининг асосий қисмида “қавчин” уруғига тегишли шахслар исмлари жуда кўп эслатилган: Итилмиш қавчин (амир), Идрис қавчин, Ардашер қавчин, Баён қавчин, Бердибек қавчин, Бектемир қавчин, Пир Ҳусайн қавчин, Тилик қавчин, Тамука қавчин, Тўпалоқ қавчин, Тўрамалик қавчин, Туғлуқ Темур қавчин, Тийлак қавчин, Жанги қавчин, Ҳусайн қавчин, Ҳусайн Малик қавчин, Хизр қавчин, Хожашайх қавчин, Дурпай қавчин, Лолам қавчин, Муҳаммад қавчин, Мурод қавчин, Нений қавчин.

Қавчинларнинг турад жойи Темурийлар даври манбаларида аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, бироқ тарихий кечинмалар баёнидан, улар кўпроқ ҳозирги Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида яшаган, дейиш мумкин. Уларнинг айрим вакиллари Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга 2-юриши, Амир Темурнинг Жунқурбоний қўлида маҳбус бўлгани, Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда мўғулларга қарши жанги, Самарқанднинг пойтахт қилиниши, Хуросонга 1-юриш, 3, 5, ва 7 йиллик юришлар, Амир

²⁴⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2476, 252а варақлар.

Темур вафотидан сўнг кечган воқеалар баёнида қайд этилган. Энг кўп Итилмиш қавчин, ундан сўнг Тамука қавчин ва Баён қавчин номи тилга олинади. Яъни қавчин уруғига мансуб шахслар исмлари XIV асрнинг 2-ярми тарихий воқеаларидан бошлаб, то Амир Темур вафотидан кейинги кечинмаларгача эслатилган.

Қавчинлар Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилиш учун кураш олиб борган XIV аср 60-йилларидаёқ унга ёрдам бергани маълум. Масалан, 762/1361 йил воқеалари баёнида Амир Темур Бухоро вилоятига келганда, Тамука қавчин уни катта хайрихоҳлик билан кутиб олади. Амир Темур 1370 йили Балх юришидан ғалаба билан қайтгач юришда фидойилик кўрсатганлардан бир нечтасини, жумладан, қавчинлардан Алқа қавчин, Ардашер қавчин, Тамука қавчиннинг биродари Қимори Иноқни лашкар амири деган унвон билан тақдирлайди.

Тамука қавчиннинг биродари Қиморийни Амир Темур 782/1380 йили Мироншоҳга Хуросонни бошқаришни топширганда, унга қўшиб бир қанча амирларни, шу жумладан, қавчинлардан ҳам кўчириб юборгани маълум.

Жанги қавчиннинг ўғли Мусака қавчинга Амир Темур 793/1394–1395 йили Хоразмни қайта обод қилишни топширган.

Қавчинлар Амир Темур лашкарида Боязид билан бўлган жангда фаол иштирок этганлар. Улардан Итилмиш қавчин ва Баён қавчин Амир Темур салтанатида лашкар амири мансабида хизмат қилганлар. Итилмиш қавчин Тўхтамишхоннинг Бухорога чопқини пайтида шаҳар мудофаасини яхши ташкил қилгани, Амир Темурнинг ғарбий мамлакатларга юришларида жасорат кўрсатгани учун Амир Темур беш йиллик юриши даврида Авник қалъасини бошқаришни унга топширди.

Қора Юсуф туркман Авник қалъасини эгаллаб, Итилмишни банди қилади ва Миср подшоҳига жўнатади. Амир Темур бир неча марта Мисрга элчи йўллаб, Итилмишни озод қилишни қаттиқ талаб қилади ва ниҳоят, Боязид устидан қозонилган ғалабадан сўнг юборилган элчиликда Миср подшоҳи тобелик билдиради ва Итилмишни озод қилади. Амир Темур вафотидан кейин ҳам Итилмиш қавчин унинг васиятига содиқ қолди ва Халил Султонга хизмат қилишдан бош тортди.

Али қавчин етти йиллик юришда Боязид билан жангда ва Амир Темур вафотидан сўнг унинг жасадини Ўтрордан Самарқандга олиб келишда қатнашган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асаридаги тарихий кечинмалар баёнида қавчинлар Амир Темур вафотидан сўнг Мирзо Шоҳрух, Мирзо Пирмуҳаммад авлодлари, Мирзо Улуғбек хизматида бўлганлари ҳақида маълумотлар бор.

Қиёт – Яздий “Зафарнома” асарида “Муқаддима” ва асосий қисмларида қадимги туркий султонлар қиёт қавмига мансублиги айtilган. Уларнинг саркардалари Амир Темур лашкарида ҳам (Бурҳон-ўғлон)²⁴⁷ Тўхтамиш лашкарида ҳам (Ўрусчуқ қиёт)²⁴⁸ бўлган. Доимий яшаш жойи кўрсатилмаган.

Қипчоқлар. Яздий “Зафарнома”сида дастлаб “Муқаддима” қисмида қипчоқлар ҳақида маълумот бор. Ўғузхон туркий қавмларга ном берганда, улардан бирини “қипчоқ” атагани, ўрта асрларда эса, Чингизхон ва авлодлари ҳукмдорлигида, мўғуллар Дашти Қипчоққа юриш қилиб, Волга бўйида кўплаб қипчоқларни қирғин қилгани айtilган²⁴⁹.

Қипчоқларнинг XIV аср иккинчи ярмидаги тарихий-географик ва сиёсий ҳолати турлича, баъзан эса зиддиятлидир; Дашти Қипчоқдаги қипчоқлар сиёсий жиҳатдан Олтин Ўрдага тобе бўлган. Мовароунаҳрдаги қипчоқлар Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида ва Фарғона водийсида яшаган, сиёсий воқеаларда уларнинг оғмачилик ҳаракати кузатилади. Чунончи, “Лой жанги”да қипчоқлар Сори Буғо бошчилигида Амир Темур лашкари таркибида жанг қилган бўлсалар, бироқ Амир Темур 777/1376 йили Хоразмга юриши пайтида Сори Буғо етакчилигида қипчоқлар ва Одилшоҳ бошчилигида жалойирлар биргаликда Самарқандга ҳужум қилдилар. Амир Темур юришни қолдириб қайтади, душман дастлаб Дашти Қипчоққа, сўнгра Мўғулистонга қочади²⁵⁰.

Ундан сўнг 793/1391 йили Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан жангида Усмон баҳодир бошчилигида қипчоқ қўшини ҳам

²⁴⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 300а varaқ.

²⁴⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 218а varaқ.

²⁴⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 19аб, 60аб, 60а varaқлар.

²⁵⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 111а, 154б varaқлар.

қатнашган. Бир пайтнинг ўзида, шунингдек, Тўхтамишхон лашкари таркибида ҳам Дашти Қипчоқ қипчоқлари бўлган²⁵¹.

Яздий “Зафарнома”сида Амир Темур салтанатида бир мунча кўзга ташланган шахслар жумласидан қипчоқ уруғи вакиллари-дан Аббос баҳодир қипчоқ ва Ҳинду Қарқара қипчоқ эслатилган, холос. Уларнинг иккаласи ҳам Амир Темурнинг то 1370 йилгача фаолиятида унга кўмаклашганлари қайд этилган.

Кўнғиротлар. Яздий “Зафарнома” асарида “Муқаддима” ва асосий қисмида қадимги туркий уруғлардан бири сифатида тилга олинган. Чингизхон Марказий Осиёдаги қабилаларни ўзига бўйсундириш учун жанг-жадаллар олиб борган пайтда, кўнғирот уруғи унга жангсиз қўшилган.

Кўнғиротларнинг дастлабки жойлашган жойи Марказий Осиёнинг шарқий қисмида Новар мавзеи кўрсатилган²⁵². Мўғуллар давлати ташкил топганда, кўнғиротлар Жўчи улуси таркибида бўлганлар ва Хоразм ҳукмдорлари кўнғиротлардан бўлган (Ҳусайн Сўфи, Юсуф Сўфи, Сулаймон Сўфи). Тўхтамишхон лашкари таркибида Алибек кўнғирот ва Наврўз кўнғирот исми саркардалар бор эди²⁵³.

Амир Темурнинг Хоразмга бешинчи юришида Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи қочиб Тўхтамиш ҳузурига боргани ва Қундузчадаги жангда унинг лашкар амирларидан бўлгани маълум²⁵⁴.

Этносларнинг ҳудудий жойлашуви. Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома” асарида этнослар ҳақида турли манбаларга таяниб ёзилганлар қадимдан то XIV аср ўрталаригача бўлган даврга оид (асарнинг “Муқаддима” қисмида) ва Амир Темур салтанати тарихи акс этган асосий қисм – “Зафарнома”дан ўрин олган маълумотларни ўз ичига олади. Табиийки, Амир Темур салтанати тарихида берилган этник маълумотлар Марказий Осиёнинг бевосита ўша даврдаги этник ҳолатини акс эттиради ва этносларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

²⁵¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 198а, 219а варақлар.

²⁵² Яздий. *Зафарнома* (1972). 286 варақ.

²⁵³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 183аб, 218а варақлар.

²⁵⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 218а варақ.

Барлослар – уларнинг катта қисми Мўғулистоннинг жануби (Манглай Субе)да – Оқсу билан Кошғар оралиғида, Мовароуннаҳрда – Қашқадарё вилояти, қисман Самарқанд вилоятида; *жалойирлар* – Хўжанд вилоятида, кейинчалик қабила бошлиғи Боязид жалойирнинг гуноҳи учун Амир Темур уларни тарқатиб юборди; *сулдузлар* – Чағониён ва Ҳисор вилоятларида; *тожиклар* – Мовароуннаҳрнинг турли қисмларида; *қипчоқлар* – Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида ва Фарғона водийсида; *ясавурийлар* – Самарқанд вилоятида жойлашган; Хоразмни *қўнғиротлар* вакили бошқарарди.

Шимолий Афғонистоннинг Балх вилоятида – *сулдуз*, Шибиргон вилоятида – *апарди*, Қундуз ва Бағлон ҳудудида *бўрулдой* ва *тойхон* уруғ-аймоқлари, Афғонистоннинг жанубий қисмида *авғон* қабилалари ўрнашган эди.

Салжуқий туркманлар – ҳозирги Туркменистон, Бухоро вилоятининг жануби-ғарбий қисми ва Шимолий Афғонистонда тарқалган эди.

Шунингдек, *манғит*, *ўзбек*, *қиёт* ва *қўнғирот* уруғларининг аксари қисми Дашти Қипчоқда яшаган.

Марказий Осиёнинг шарқий қисмида, яъни Мўғулистонда *дуғлат*, *кераит*, *арканут*, *макрит*, *қангли*, *бахрин*, *бўлағожи*, *уйғур* элатлари қайд этилган.

Аҳоли миграцияси. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”-сининг “Муқаддима” қисмида қадимда ва Чингизхон замонида ҳозирги Монголия ва унга ёндош ғарбий вилоятларда туркий элатларнинг жалойир, макрит, найман, уйғур, ўйрот (қалмоқ), қавчин, қиёт, қипчоқ, қўнғирот уруғ-қабилалари яшагани қайд этилган. “Зафарнома”нинг асосий қисмида берилган тарихий кечинмалардан мазкур қабилалар турли сиёсий жараёнлар таъсирида ғарбий ўлкаларга тарқалгани маълум бўлади.

Амир Темур салтанатида ҳам аҳолининг ўзига хос миграцияси, яъни бир жойдан бошқа жойга кўчирилиши ҳам бўлган. Аҳолининг эркин миграцияси ҳақида маълумот жуда оз, лекин мажбурий миграциянинг бир неча турларини кўриш мумкин ва улар яхлит ҳолда сиёсий миграцияни ташкил қилади.

1. XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда кечган сиёсий воқеаларда жалойирлар бошлиқлари Амир Темурга қарши

чиққанлиги сабабли улар бошқа амирларга тақсимланиб, яшаб турган жойи Хўжанд вилоятидан тарқатиб юборилади.

Шунга ўхшаш, Афғонистон ҳудудида яшовчи *бўрулдой* элати ҳам бош кўтаргани учун қаттиқ таъқиб қилинади ва улардан озгина қисми Ҳиндистонга кўчиб жон сақлаб қолади.

Ўша даврдаги миграцияда кўпроқ четдан Марказий Осиёга, аниқроғи, Мовароуннаҳрга аҳоли кўчириб келингани кузатилади. Муҳим томони, Мовароуннаҳрга аҳолининг келиши бемалол бўлган бир вақтда, бу ердан чиқиб кетиш олий ҳукмдор Амир Темурнинг бевосита рухсати билангина мумкин эди.

Клавихо бу ҳақда шундай ёзади: “Дарё (Амударё)дан ўтишда эса қайиқлар хизмат қилади ва одамларни бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа қайиқларда олиб ўтадилар. Бирор кишига, ҳатто қўшни мамлакатлардан бўлган тақдирда ҳам Самаркандт подшоҳлигига дарё орқали бир қирғоқдан бошқа қирғоққа ўтишга рухсат этилмаган; фақат махсус ёрлиқ олгандан кейингина қарерга бориши ҳақида ёрлиғи бўлгандагина (Жайхундан) ўтиши мумкин. Бошқа жойлардан Самаркандт подшоҳлигига ўтиш учун эса, ҳеч қандай ёрлиқ талаб этилмайди”²⁵⁵.

2. Миграция жараёни айрим ижтимоий табақаларга тегишли ҳоллар ҳам бўлган ва уларнинг кўчирилишига мисол қилиб, Амир Темурнинг фармонига кўра, сайидларнинг Мозандарондан кўчирилиб, бир қисмини Хоразмга ва яна бир қисмини Тошкентга юборилганини кўрсатиш мумкин²⁵⁶.

3. У ёки бу этник гуруҳларнинг Мовароуннаҳрга кўчириб келингани ҳам маълум. Дашти Қипчоқдан бир қанча ўзбек уруғ-қабилаларининг кўчириб олиб келингани ҳақида Шарофуддин Али Яздий “Зафарнома”да: “Одатда бир мамлакат забт этилганда, у ердаги бойликлар олиб кетиларди. Дашти Қипчоқ юришида эса, бойлик, уй-жой ва ундаги аҳоли олиб кетилди”²⁵⁷, – деб ёзган эди. Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтганда, ... Савдо йўлларини кўриқлаш учун ана шу Дашти Қипчоқдан келтирилган қабилалардан қўйганди²⁵⁸.

²⁵⁵ Клавихонинг Самарқандга саёҳати (2004). 6-б.

²⁵⁶ Яздий. Зафарнома (1972). 229а варақ.

²⁵⁷ Яздий. Зафарнома (1972). 223а варақ.

²⁵⁸ Яздий. Зафарнома (1972). 344а варақ.

Ҳозирги фанда Дашти Қипчоқдан ўзбек уруғларининг Мовароуннаҳрга келишини XVI асрда, аниқроғи, Шайбонийхон даврида бўлган, дейилади. Аслида, бир қанча ўзбек уруғлари анча илгари, яъни XIV асрда Амир Темур томонидан олиб келингани ўша давр тарихий манбаларида қайд этилган.

Амир Темур буйруғи билан Рум (Туркия) худудидан *қораторлар*нинг ёппасига уй-жойи, чорва моллари билан Марказий Осиёга кўчирилгани ва Еттисувга жойлаштирилгани ҳам ўша даврнинг муҳим миграцион воқеаларидан биридир.

Амир Темурнинг Мўғулистонга юришлари пайтида ҳам анчагина аҳоли мазкур ўлкадан Мовароуннаҳрга кўчирилгани ҳақида манбаларда қайд этилган.

4. Аҳолининг Амир Темур буйруғи билан Мовароуннаҳрга мажбурий кўчириш ҳолларидан бири забт қилинган мамлакатлардан турли касб эгалари ва илм аҳлининг олиб келинганидир. Улар, асосан, Самарқанд, Кеш ва Бухоро шаҳарлари ҳамда вилоятларига жойлаштирилган, катта бунёдкорлик ишларига жалб қилинган.

5. Айтиш жоизки, Амир Темур фармонига кўра, нафақат хориждан Мовароуннаҳрга, балки бу ердан салтанатнинг бошқа қисмларига аҳолини кўчириш ҳоллари ҳам кузатилади. Гап шундаки, Амир Темур ўғиллари, набиралари ёки фидойилик намойиш этган айрим саркардаларига бирор худудни суюрғол қилганида ҳар бирига маълум миқдорда кўшин ажратиб, уларни оиласи билан Мовароуннаҳрдан кўчириб, ўша юртга жўнатган.

XV асрдаги этник-худудий ҳолат

XV аср Марказий Осиёдаги этник-худудий ҳолат бўйича маълумотлар ўша даврнинг асосий манбалари – “Матлаи саъдайн” (бевосита Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб маълумотлар 1430–1470 йиллар оралиғига тўғри келади), “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”да нисбатан кўпроқ учрайди. Тарихий-географик жиҳатдан қараганда, мазкур манбаларда аҳолининг этник таркиби, этносларнинг худудий жойлашуви, аҳоли миграцияси, аҳолининг турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти кабилар ҳақида маълумот акс этган бўлса-да, бироқ улар

алоҳида ажратилмаган ва турли тарихий воқеалар баёнида тарқоқ ҳолда келади. Шу сабабдан аҳоли тавсифида аниқ тизим ва изчиллик кузатилмайди.

Аҳолининг этник таркиби. XV асрда Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнларда анча фаол бўлган айрим этнослар ҳақида маълумот нисбатан кўпроқ ва аксинча, баъзи этнослар ҳақида қисқа эслатма берилган ҳолос. Аҳолининг этник таркиби алоҳида қайд этилмаган ва этнослар одатда тарихий воқеалар баёнида эслатилади. Чунончи, Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида 1454 йили Ҳиротдан Абулқосим Бобур лашкар тортиб Самарқандни қамал қилганида Султон Абусаид, Хожа Аҳрор Валийнинг маслаҳати билан шаҳарни мудофаа қилишга киришади, шаҳар деворининг ҳар бир кунгираси олдида уч киши – битта турк ва иккита тозик (тожик)дан иборат қоровул тайинлайди²⁵⁹. Бундан XV аср ўртасида Самарқанд аҳолиси таркиби туркий элатлар ва тожиклардан иборат бўлганлиги маълум бўлади (мўғуллар босқини пайтида ҳам шаҳарни турку тожиклар биргаликда мудофаа қилгани ҳақида юқорида айтилди).

“Матлаи саъдайн”да Марказий Осиё ҳудудида арлот, арғун, афғон, барлос, жата, жонқурбоний, манқут (манғит), мўғул, нукудар, сулдуз, тозик (тожик), турк, туркман, уйғур, ўзбек, қозоқ, қаратотор, қавчин, ҳазора яшагани қайд этилган. Бир гуруҳ этнослар яшаш жойи билан боғлаб берилган: бадахшонлик, самарқандлик, сеистонлик, увбаҳлик, хоразмлик, хуросонлик.

Этнослар, кўпинча, шахс исмлари таркибида келади. Масалан, “Бобурнома”да: Мазидбек қавчин, Қанбар Али мўғул, Або-бакр дуғлат ва ҳ.к. Шахс исмлари таркибида *арғун, барлос, туркман, мўғул* этнослари энг кўп учрайди.

“Тарихи Рашидий”да Марказий Осиё ҳудуди бўйича жами 41 та этник гуруҳ (уруғ-қабила) тилга олинган: арлот, бадахшонлик, барки, барлос, баҳрин (барин), бекжак (бекчик), булдай, дуғлат, дулпа, духтуй, жалоир, жете, жўчи, итаржи (итарчи), калучи, кунжи, макрит, манғит, мўғул, найман, сариғ-уйғур, тангут, тотор, тожик, туркман, турк, уйғур, чиғатой, чағирак, чурос, чигил, ўзбек,

²⁵⁹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 353–356-бетлар.

ўрдубеги, қавчин, қалмоқ, қарлик, қирғиз, қозоқ, ҳазора, ҳинду. Ҳизга хос томони, асарда Мўғулистон бўйича этник маълумотларнинг кўплигидир ва ана шу жиҳатдан айрим уруғ-қабилалар фақат шу манбада учрайди: бадахшонлик, барки, бежжак, дула, духтуй, жўчилар, итаржи, кунжи, сариғ-уйғур, тангут, тотор, чағирак, чигил, чурос, ўрдубеги, қалмоқ, қарлик, қирғиз.

Асарда эслатилган уруғ-қабилалардан айримлари ҳақида ёзилганлар XIV–XV асрлардан олдинги даврларга тегишли ва уларни ажратиш учун матн мазмунини синчиклаб ўрганиш лозим бўлади.

Қуйида Марказий Осиё бўйича Темурийлар даври манбаларида қайд этилган этнослар ҳақидаги маълумотлар тарихий-географик аспектда таҳлил қилинди.

Арлот – “Матлаи саъдайн”да ёзилишича мазкур этнос Мурғоб дарёсининг ўрта ҳавзасида яшаган: “У вилоят арлот амирлари эл ва улусининг юртидир”²⁶⁰. Ёдгоршоҳ арлот (ваф.841/1437) Шоҳрух лашкарида амир бўлган ва унинг юришларида қатнашган; давлатнинг муҳим топшириқларини бажариш унга топширилган. Арлотлар подшоҳ хонадони билан куда-анда бўлганлар; Мирзо Бойсунғурнинг ўғли Мирзо Алоуддавла Ёдгоршоҳ арлотнинг қизига уйланган эди²⁶¹.

Арлотлар XV асрда темурийларга хайрихоҳ бўлган. Султон Абусаид Ироқ томонга юриши чоғида ўғли Султон Валадни арлот амирларига топшириб кетади²⁶².

Ҳусайн Бойқаро ҳам арлотлар орасида катта обрўга эга эди ва шунга жавобан, у арлот амирларини олий девонда мансабларга тайинлади, уларга суюрғоллар белгилади²⁶³.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича, арлотлар Чиғатой улусининг шарқий ва ғарбий қисмларида яшаган ва XIV–XV асрларда анча кучли сиёсий мавқега эга бўлган. XV аср охири чора-

²⁶⁰ Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 334-б.

²⁶¹ Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 121, 124, 182, 298, 309, 334-бетлар; иккинчи ва учинчи қисмлар. 28-б.

²⁶² Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 640-б.

²⁶³ Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 656-б.

гида Мўғулистонда Султон Аҳмадхон ибн Юнусхон бир қанча уруғларнинг амирларини, жумладан, арлот амирларини ҳам бўйсундирди. Ундан сўнг, ўғли Мансурхон ҳокимиятга келганда, арлотлар, бир нечта қабилалар билан бирга хонга қарши исён кўтаради ва шу сабабдан, хон уларнинг катта обрў-эътиборли вакилларини ҳокимиятдан четлатади²⁶⁴.

Арғунлар. “Матлаи саъдайн”да Султон Абусаиднинг сиёсий фаолияти муносабати билан эслатилади ва уларнинг яшаш жойи Бухоро вилоятининг Амударёга яқин жойларида кўрсатилган. Султон Абусаид арғунлардан айримларини садоқатли хизмати учун амирлик мансаби билан ҳам тақдирлаган. Жумладан, Абулқосим Бобур Самарқандни қамал қилганида, шаҳар ҳимоячилари қаторида амир Ўрус арғун исмли шахс ҳам бор эди²⁶⁵.

“Бобурнома”да эслатилган, яшаш жойи Хуросонда ва Балх вилояти худудида қайд этилган. Арғунлар XV аср 2-ярмида Мовароуннахр ва Хуросонда кечган сиёсий воқеаларда қатнашган; Зомин яқинида бир гуруҳ арғунлар Шайх Камол арғун ва Неъмат арғун бошчилигида Султон Аҳмад мирзога қарши жанг қилиб енгилади. Хуросондаги арғунлар Султон Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлганлар.

Афғонлар – “Матлаи саъдайн”да “ҳазоранинг афғон жамоати” деб тилга олинган²⁶⁶ ва уларнинг яшаш жойи ҳозирги Афғонистоннинг марказий ва жанубий қисмида кўрсатилган. Афғонлар яшаган жойлар маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибига кирган бўлишига қарамай, бу жамоа марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка ва олий девонга мол (солиқ) тўла-масликка ҳаракат қилган²⁶⁷.

“Бобурнома”да ёзилишича, афғонлар ҳозирги Афғонистоннинг жанубида яшовчи қабилалар бўлиб, улар карвон йўлларида қароқчилик билан шуғулланганлар. Афғон қабилаларининг

²⁶⁴ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.148, 422.

²⁶⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 364-б.

²⁶⁶ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 334-б.

²⁶⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). 334; II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 334, 636-бетлар.

йўлтўсарлиги ўз вақтида Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриш сабабларидан бири бўлганлиги ҳақида илгарироқ айтиб ўтилди.

Бадахшон аҳолиси. “Матлаи саъдайн”да бадахшонликлар деб тилга олинган. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, Бадахшонда **ҳазоралар** бош кўтариб, ўзбекларга бўйсунмаган, жанг қилиб ғалаба қилганлар.

Бадахшон аҳолиси, Мўғулистон хонлари билан қариндошлагани сабабли ўзларини Мўғулистон хонларига яқин тутганлар ва ўзбеклар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун Султон Саидхонга мурожаат қилганлар. Султон Саидхон 936 (1529) й. Бадахшонга йўл олди.

Барки – “Тарихи Рашидий”да қайд этилган. Мўғулистонда яшаган, хонга садоқат билан хизмат қилган қабилалардан бири. Уларга Мир Қақа, сўнгра унинг ўғли Мир Қамбар бошчилик қилган. Мир Қамбар ўз қабиласи билан Султон Саидхон хизматида бўлган; бу қабиладан баъзилар Султон Саидхон билан бирга Кобулга ҳам борганлар, у ердан қайтгач, Андижондан шайбониларни ҳайдашда жангларда қатнашганлар²⁶⁸.

Барлослар. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асаридаги маълумотларга кўра, барлослар Мирзо Шоҳрух даврида салтанатнинг турли вилоятларида бошқарув тизимида юқори мансабларни (амир ул-умаро, улус амири, девон амири) эгаллаганлар, масъул лавозимларда (подшоҳ саройида муҳрдор, молия ва девон котиби, ҳарбий вазифалар) ишлаганлар, унинг юришларида фаол қатнашганлар. Масалан: Шайх Луқмон барлос (ваф.841/1437) улуғ амирлардан бўлган, подшоҳ саройида амир ул-умаро мансабини эгаллаган, Мирзо Шоҳрухга қариндошлиги ҳам бор эди, вафотидан кейин ўғли Пир Луқмон амир ул-умаро мансабига тайинланди. У ҳарбий юришларда ва вилоятларда подшоҳлик номидан солиқлар йиғишда қатнашган. Шоҳрух шунингдек, Султоншоҳ барлосни ҳам девон амири ва Жаҳоншоҳ барлосни улус амири этиб белгилади. Амир Идику барлос ва вафотидан сўнг ўғли Султон Увайс Кермон ҳокими бўлганлар. Пир Ҳусайн барлос Исфаҳонда, Тукал барлос Шерозда, Нуширвон барлос Бадахшонда темурий шахзодалар хизматида бўлганлар.

²⁶⁸ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.379.

Барлослар “Бобурнома”да ёзилишича, асосан, темурий шаҳзодалардан Султон Маҳмуд мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Бобур хизматида бўлганлар. Шаҳзодалар бир-бирларига қарши жанг қилган пайтларда, уларнинг хизматидаги барлослар ҳам ўз ҳукмдори томонида туриб қатнашган. Масалан: XV аср 2-ярмида барлослардан Самарқанд шаҳри улуғлари қаторида вакиллар бор эди, жумладан, Абдулло барлос ва Маҳмуд барлос Султон Маҳмуд мирзонинг навкарларидан эди. Бурундуқ барлос – Султон Ҳусайн (Бойқаро) хизматида бўлган. Ғури барлос ва Қутлуғ Муҳаммад барлос – Бобурнинг навкарларидан. Ҳасан барлос, аксинча, Хисравшоҳга хизмат қилиб, Бобурга қарши жанг қилган.

“Тарихи Рашидий”да барлослар Чиғатой улусининг шарқий ва ғарбий қисмларида яшаган уруғ-қабилла сифатида эслатилади. Чиғатой улусининг шарқий қисмида яшовчи барлосларни Мирзо Ҳайдар “Мўғулистон барлослари” дейди ва асарда, асосан, Мўғулистондаги барлослар ҳақида маълумот берилган²⁶⁹.

Мирзо Улуғбек 14 йил Кошғарни ўз ҳукмида сақлаб турганида, Кошғарга ҳоким қилиб жўнатган учта ҳокимнинг учинчиси Мовароуннаҳр барлосларидан Пирмуҳаммад барлос эди. Мир Сайид Али Кошғарни эгаллаб, Пирмуҳаммад барлосни қатл этди²⁷⁰.

Султон Али барлос, унинг отаси Шоҳ Ҳусайн барлос Мўғулистонда яшовчи барлослардан бўлган. Шоҳ Ҳусайн барлос оиласи, жумладан, кичик ёшдаги ўғли Али барлос билан Мўғулистондаги энг ҳурматли оқсоқол амир Худойдодни ва унинг оиласи (хотини)ни Мақкага кузатиб борган; амир Худойдод ҳаждан қайтишда Мадинада вафот этади ва уни халифа Усмон қабри ёнига дафн қиладилар.

Орадан бир кун ўтиб хотини ҳам вафот қилади, уни ҳам эрининг ёнига дафн этишади. Шоҳ Ҳусайн қайтиб, анча муддат Ироқда яшайди, сўнгра Хуросонга келиб, шу ерда қолади. Унинг ўғли Султон Али барлос Хуросонда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигида ҳаёт бўлган, Мирзо Ҳайдарнинг отаси уни кўрган²⁷¹.

²⁶⁹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.263, 379.

²⁷⁰ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.102.

²⁷¹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.96.

Барлосларнинг оқсоқоллари – Али Мирак мирзо, Қақабек, Қорабош мирзо, Сайид Али оға, Оллоҳқули кўкалдош, Абдулазиз мирзо ва б. Мўғулистонда жуда ҳурмат қилишган ва кўпинча улардан маслаҳатлар сўрашган; баъзилари сиёсий ҳаётга ҳам аралашган. Мўғулистонда барлослар орасида энг қария ва оқсоқоллардан бири, қабила бошлиғи Али Мирак ибн Дарвеш Хусайн барлос эди, унинг анчагина ҳарбий салоҳияти ва ўз навкарлари бор эди. Бу шахс тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг катта тоғаси (тоғасининг тоғаси) бўлади²⁷². Демак, тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг шажараси она томондан барлосларга ва ота томондан дуғлатларга уланади. Яъни, барлослар Мўғулистонда энг обрўли қабила саналмиш дуғлатлар билан қуда-анда бўлган ва қариндошлик ришталари билан боғланган эдилар.

Барлосларнинг **қариндошлик** ришталари Бадахшон мисолида ҳам кузатилади. Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммад олтига қизидан иккитасини барлосларга (учинчи қизини Иброҳим барлосга ва олтинчи қизини Шайх Абдуллоҳ барлосга) турмушга берганди. Унинг тўртинчи қизи Юнусхонга узатилган.

XVI аср бошларида Мўғулистонда барлосларнинг сиёсий фаоллиги анча кучайди ва улар Мўғулистон хони хузурида ҳам эътиборда бўлганлар. Султон Саидхон (туғ. 892/1484 – ваф. 939/1533) ўғли Абдурашидга (хукмронлик йиллари: 940/1533 – 967/1559–1560) Мир Ғурий барлосни отабеги қилиб тайинлаган. Заҳриддин Бобур Мовароуннаҳрни, аниқроғи, 2-мартда Андижонни шайбонийлардан олишида Амир Ғурий барлос фаол қатнашади ва хон уни ўғли Абдурашид тарбияси учун отабеги этиб тайинлайди; кейинчалик уни Ахсига ҳоким қилади. Амир Ғурий барлоснинг вафотидан кейин унинг амакиси Али Мирак барлос Абдурашидга отабеги этиб белгиланган²⁷³. Али Мирак барлос вафот этгач, унинг ўрнида ўғли Муҳаммад барлос Мўғулистонда Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон салтанатида лашкарнинг бош қўмондони, яъни амир ул-умаро ва унинг барча ишларида энг ишончли кишиси эди²⁷⁴. Мир Қамбар Али мирка барлос Сул-

²⁷² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.379.

²⁷³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.172–173, 319, 324, 354.

²⁷⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.172–173, 174, 181, 346–347, 355.

тон Саидхоннинг Ёркендга юриши чоғида Янги Ҳисорга хужумда қатнашган²⁷⁵. Барлослар Темурийлар салтанатида Хуросонда ҳам обрў-эътиборда эди. Мир Муҳаммад Бурундуқ барлос Ҳусайн Бойқаро саройида энг ёши улуғ эътиборли амирлардан бўлган²⁷⁶

Бекжак (бекчик) – Иссиққўл атрофларида яшаган, XV аср 2-ярмида уларни Мир Пир Ҳақберди, вафотидан сўнг жияни Мир Иброҳим (у Юнусхонга қўшилди) бошқарди. Шунингдек, Султон Али мирзо, Ёдгор мирзо (икки марта ҳаж зиёратига бориб келган) ҳам шу қабиланинг машҳурларидан эди²⁷⁷. Назар мирзо, Мирзо Муҳаммад ҳам бекжак қабиласига мансуб бўлишган, лашкар қисмларини бошқарганлар, ўзларининг бир неча юз хос навкарлари бўлган бекжак ва чурос қабилалари ўртасида сиёсий устунлик борасида мунтазам тортишувлар бўлиб турган.

Бекжак қабиласидан мўғул амирлари орасида энг машҳури Мир Айюб бўлган (онаси Термиз сайидларидан), Султон Саидхон ҳукмдорлигида 12 йил давомида барча сиёсий воқеаларда у етакчи мавқени эгаллаган²⁷⁸.

Баҳрин (барин) – Мўғулистонда яшаган қабила. Умуман, баҳрин қабиласи Мўғулистондаги сиёсий воқеаларда анча фаол бўлган ва “Тарихи Рашидий” асарида Йарқа баҳодир, Тумачи, Шаъбон баҳодир, Тўхтақули баҳодир, Узунсоқол, Тўхтабаҳодир баҳрин қабиласининг бошлиқларидан эканлиги таъкидланган²⁷⁹ Мазкур қабиладан айрим вакиллар Мўғулистон хонларига хизмат қилгани ҳам маълум. Жумладан, Увайсхон хизматида – Жокир, Юнусхон хизматида – Иразан, Султон Саидхон хизматида – Хожа Али баҳодир исмли шахслар бўлган²⁸⁰. Мўғулистонда ҳокимият учун кураш пайтида Иразан баҳрин Юнусхон ва унга тобе қабилаларни олиб Самарқандга Мирзо Улуғбек ҳузурига келади Бир гуруҳ баҳрин амирлари Эсан Буғохондан аразлаб қалмоқлар юртига кетиб қолган пайти ҳам бўлган²⁸¹.

²⁷⁵ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.390.

²⁷⁶ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.265.

²⁷⁷ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.109–110.

²⁷⁸ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 379–380.

²⁷⁹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.381–382.

²⁸⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.98–99, 107–108, 226.

²⁸¹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.104.

Булғачи. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, бу қабила дастлаб Олтой билан ҳозирги Монголия чегарасида яшаган, сўнгра қирғизлар таркибига сингиб кетган²⁸². XV аср ўрталарида Мўғулистондаги сиёсий нотинчликлар пайтида *калучи*, *булғачи* ва яна баъзи бир қабилалар Эсан Буғохондан аразлаб Мўғулистондан кўчиб Абулхайрхон ҳузурига Ўзбекистонга (Сирдарёнинг куйи ҳавзаси назарда тутилган) кетадилар²⁸³.

Дуғлатлар. XV асрда дуғлатлар Кошғар ва Хўтанни бошқарган, жумладан, Абубакр дуғлат Кошғар ва Хўтан ҳокими эди. Бу даврда дуғлатларнинг мавқеи баланд бўлган. Юнусхоннинг қизи Хубнигор хонимни Муҳаммад Хусайн дуғлатга берганлар. Мазкур никоҳдан туғилган қизга кейинчалик Кошғар ҳокими Султон Саидхон уйланган эди, ўғли – тарихчи Мирзо Ҳайдар эди. Муҳаммад Хусайн дуғлатни Шайбонийхон қатл эттиради.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича, Чингизхон даврида дуғлатлардан дастлаб амир Байдаган келиб Манглай Субега ўрнашган, лекин қаердан келгани айтилмаган. Чингизхон салтанатини 4 улусга бўлганда Манглай Субе, яъни дуғлатлар жойи Чиғатойхонга тегишли бўлди²⁸⁴ ва дуғлатлар учун мазкур ўлкани бошқариш ҳуқуқи сақланиб қолди. Дуғлатлар қабиласини Амир Худойдод бошқарганда Кошғар, Ёрканд, Оқсу, Хўтанни ўз укаларига бўлиб берди ва шундан сўнг дуғлатлар сиёсий ҳокимиятда кучайиб, Манглай Субе узоқ вақт дуғлатлар мулки бўлиб қолди. Умуман олганда, Мўғулистондаги қабилалар ичида дуғлатлар юқори мавқени эгаллаган. Уларнинг машҳурлари: Сайид Муҳаммад мирзо (Мирзо Ҳайдарнинг аждоди) Қорақулоқ мирзо, Шоҳ Назар мирзо, Мирзо Али Тағай, Мирзо Ҳайдар; ҳар бирининг ўз навкарлари бўлган²⁸⁵.

Мир Сайид Али Кошғарда ҳукмронлик қилиб турганида сиёсий мавқеи кучайди, Оқсуни Эсан Буғохонга берди. Мирзо Абубакр Хўтанни эгаллади ва қаттиққўллик билан давлатни бошқарди. Эсан Буғохон ҳукмдорлигида Мўғулистон амирларидан

²⁸² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.625. Прим. 8.

²⁸³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.104.

²⁸⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.366.

²⁸⁵ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.378.

Мир Каримберди дуғлат Мўғулистон билан Андижон чегарасида Олабуға деган жойда кўрғон қурди, унинг харобалари Мирзо Ҳайдар даврида ҳам бор эди.

Мўғулистонда дуғлатлар **хон билан ҳам қариндошлашган** эди. Султон Маҳмудхон битта қизини дуғлатлардан Муҳаммад Амин мирзо ибн амир Жабборбердига бериб, уни *улусбеги* унвони билан тақдирлади.

Дуғлат амирлари Султон Саидхон наздида ҳам яхши эътиборда бўлган ва баъзилари (Шоҳ Назар мирзо, Мирзо Али, Қутлуғ Мирак мирзо) хонни Кобулга ва у ердан қайтишда Андижонга кузатиб боргани маълум²⁸⁶. Дуғлатлардан Улуғбек хизматида ҳам бўлган. Мир Султон Малик дуладой (дуғлат)ни Улуғбек Кошғарни бошқаришга юборган.

Духтуй – Мўғулистондаги қабила; улар сиёсий устунлик учун мантазам *барлослар* билан курашиб келганлар²⁸⁷.

Жете (Жата) – “Матлаи саъдайн” да Мўғулистон аҳолиси шундай аталган. “Тарихи Рашидий” асарида учта этник атама – “мўғул”, “жете”, “қаравунос” атамалари аниқ изоҳлаб берилган. Унда Чингизхон салтанатидаги тўрт улус тўртта уруғ сифатида қайд этилган; шундан биттаси – мўғуллардир. Ўз навбатида мўғуллар икки қисм – *мўғуллар* ва *чиғатойларга* бўлинган ва улар бир-бирини менсимай таҳқирлаган: чиғатойлар мўғулларни “жете”, мўғуллар эса чиғатойларни “қаравунос” деган. Ҳозир, яъни шайбонийлар даврида чиғатойлар қолмаган, фақат уларнинг ҳукмдорлари – Бобур подшоҳ фарзандлари қолган холос, чиғатойларнинг ўрнига турли қавмлар ўрнашди, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар²⁸⁸.

Итаржи (итарчи) – Мўғулистондаги қабилалардан бири, сиёсий воқеаларда анча фаол қатнашган, бошлиғи Бешка мирзо. Хизрхон (Хизрхожахон)ни Кошғардан (Бадахшонга) кузатиб бориш учун 12 кишини тайинладилар. Кейинчалик уларнинг ҳаммаси амир унвонига сазовор бўлишди. Улардан бири *итаржи* қабиласидан эди. Улардан амир Аҳмад Сайрамнинг ҳокими бўлган²⁸⁹.

²⁸⁶ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.324.

²⁸⁷ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.378–379.

²⁸⁸ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.184.

²⁸⁹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.81, 210, 379–380.

Калучи – “Тарихи Рашидий” да ёзилишича, бу қабила дастлаб Олтой билан ҳозирги Монғолия чегарасида яшаган экан, сўнгра қирғизлар таркибига сингиб кетган²⁹⁰, Мўғулистондаги энг кўп сонли қабила сифатида қайд этилган.

Ўз вақтида Эсан Буғохон Мўғулистондаги баъзи қабилаларга тазйиқ ўтказганда *чурас* ва *барин* қабилалари бошлиқлари бир қисм улусини олиб Қалмоққа, *калучи*, *булгачи* ва б. қабилалар эса, Абулхайрхон қошига Ўзбекистонга, яъни Сирдарёнинг куйи ҳавзасидаги ерларга кетиб қолгани ҳам айтилган²⁹¹.

Султон Аҳмадхон хукмронлигида ҳам *калучи* қабиласи хонга суиқасд қилишда айбланиб таъқиб остига олинади. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, икки йил давомида *калучи* қабиласи хон буйруғи билан таъқиб қилинган, ўлдирилган ва бир қисмигина қалмоқлар юртига қочиб жон сақлаган²⁹².

Кунжи – XV асрда Мўғулистонда яшаган қабила, обрўли амирлари бор эди; улар хонга садоқатли бўлишган. Юнусхон Мўғулистонга келиб хонлик тахтини эгаллаганида *кунжи* амирлари унга бўйсунди. Улардан бир қисми Кобулда Бобур хизматида ҳам бор эди ва у Мовароуннаҳрга юриши пайтида Султон Саидхонни Андижонга жўнатади, унга турли қабилалардан, шу жумладан, *кунжи* амирларидан ҳам бир нечтасини кўшиб юборади²⁹³.

Макритлар – Мўғулистонда яшаган, Чингизхон давридан сиёсий воқеаларда қатнашган. “Тарихи Рашидий”да XV–XVI аср бошларида Мўғулистондаги қабилалардан бири сифатида қайд этилган, ўз амирлари бор эди.

Манғитлар – “Матлаи саъдайн” да Дашти Қипчоқда яшовчи элат сифатида эслатилади. XV аср иккинчи ярмида Дашти Қипчоқда яшаган ва улардан айримлари Шайбонийхонга қарши чиққани ҳам кузатилади²⁹⁴.

“Тарихи Рашидий”даги тафсилотларга кўра, кейинчалик Дашти Қипчоқда манғитлар кучайиб кетади ва XVI аср 20-йилларидан кейин манғитлар таъқиби туфайли 200 000 кишидан

²⁹⁰ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.81, 210, 379–380.

²⁹¹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.103–105.

²⁹² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.150.

²⁹³ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.81, 104–105, 109, 324.

²⁹⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.59.

иборат *Ўзбек-қозоқлар* Тоҳирхон бошчилигида дастлаб Ғарбий Мўғулистонга, кейинроқ эса, унинг шарқий қисмига (Хос ва Кунқошга) кетадилар²⁹⁵. Султон Саидхон томонидан Мўғулистонни бошқариб туришга тайинланган ўғли Рашид Султон, ўзбек-қозоқларга қарши тура олмай у ердан Кошғарга қайтишга мажбур бўлади.

Мўғуллар. Чингизхон истилосидан сўнг Чигатой улусининг шарқий қисмидан иборат ҳудуд – Мўғулистонда илгаридан яшаб келган туркий қабилалар XIV аср ўрталаридан бошлаб ягона этник консолидацияни ташкил қилиб, ўша давр ёзма манбаларида “мўғул”лар – Мўғулистон аҳолиси деган атама таркибига киририлган “Матлаи саъдайн”да 870 (1465–1466) йил воқеалари баёнида Султон Абусаид ҳукмдорлигида “Мўғулистон мўғуллари” ибораси ўрнига “Қалмоқ мўғуллари” ибораси ҳам ишлатилган²⁹⁶.

Мўғулистон мўғуллари ҳақида маълумотлар Темурийлар тарихига оид кейинги манбалар – “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”да анча аниқ акс этган.

Султон Абусаид ўз ҳукмдорлиги даврида Мўғулистон хонлари билан қариндошлик ришталарини мустақамлади ва шу асосда икки давлат ўртасида қон-қардошлик муносабатлари ўрнатилди. Унинг хизматида Мўғулистон мўғулларидан ҳам бор эди ва бу анъана Заҳририддин Бобур даврида давом этди. Масалан, Қанбар Али мўғул ва Тўлун Хожа мўғул Бобур хизматида бўлган.

Бобурнинг Самарқандга биринчи юришида (902/1496–1497), унинг лашкари таркибида мўғуллар ҳам бор эди, бироқ улар хиёнат қилиб, вилоят аҳолисини талаганлари учун, Бобур уларни жазолайди. Мўғуллар Самарқандни ташлаб, Андижон ва Ахсига кетади. Мўғулистондан Фарғона водийсига келиб, Бобурнинг онасининг хизматида (у Мўғулистон хони Юнусхоннинг қизи бўлгани сабабли) бир гуруҳ мўғуллар хос кўриқчи вази-фасини ўтаган. “Менинг онам қошида минг беш юз, икки мингга ёвуқ мўғул улусидин бор эди. Яна Ҳисордин Ҳамза Султон ва

²⁹⁵ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.472.

²⁹⁶ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 84, 96 бетлар.

Маҳди Султон ва Муҳаммад дуғлат алар била ушмунча чоғлик мўғул келиб эди”²⁹⁷, – деб ёзади Бобур.

“Бобурнома”да мўғул черики, Мўғулбек (шахс исми), мўғул беклари, мўғуллар, мўғул улуси (Мўғулистондаги туркий қабиалар), мўғул дастури (мўғул одати), мўғулча (мўғул тилида), мўғул орасида (мўғуллар одамага кўра) “тўққуз қатла юкунуб” (тўққуз маротаба таъзим қилиб) каби сўз ва иборалар учрайди.

Мирзо Ҳайдар XVI аср биринчи ярмида Мўғулистоннинг асосий аҳолиси сифатида ўзбеклар (Дашти Қипчоқ ўзбеклари) ва қирғизларни кўрсатади ва мўғуллар бу пайтда фақат Турфон билан Кошғар оралиғида ўттиз мингтача қолган, дейди: “... қирғизлар аслида мўғул қабиласига мансуб”²⁹⁸, – деб таъкидлаган жойи ҳам бор. Умуман олганда, Мирзо Ҳайдар Мўғулистон аҳолисини – мўғуллар, Дашти Қипчоқ аҳолисини – ўзбеклар ва Мовароуннаҳр аҳолисини – чиғатойлар деб номлаган. Яъни, аҳолининг этник номи учун жойнинг маъмурий мақоми асос қилиб олинган. Лекин Мирзо Ҳайдар баъзида мўғулларни икки гуруҳга ажратади: мўғуллар ва чиғатойлар, яъни чиғатойларни ҳам мўғулларга киритади. Айни пайтда, у мўғуллар билан чиғатойлар ўртасида душманлик борлиги, улар бир-бирларини камситиб, чиғатойлар мўғулларни “жете” ва мўғуллар чиғатойларни “қаравунос” атаганларини ҳам эслатиб ўтади.²⁹⁹

“Тарихи Рашидий”га кўра, Мўғулистондаги барча қабилалар Чингизхон авлодига мансуб ҳукмдор – хонга бўйсунганлар ва буни Туғлуқ Темурхон, кейинроқ Хизрхожахон ва унинг авлодлари салтанати мисолларида яққол кўриш мумкин. Ҳатто Султон Абусаид ушбу ҳолатдан фойдаланиб, Юнусхонни хон қилиб жўнатгани ва шу йўл билан Мўғулистон томондан бўлиб турадиган чопқинлар хавфининг олдини олишга эришгани ҳам маълум.

Мўғулистонда ҳар бир қабила-уруғнинг ўз сардорлари (амир-бек) бўлиб, улар ўз бошлиқларига бўйсунганлар. Шу сабабдан уруғ-қабила бекларининг сиёсий мавқеи кучли эди. Қабила беклари Мўғулистон хони Эсан Буғохонга қарши бош

²⁹⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 69-б.

²⁹⁸ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.184.

²⁹⁹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.184.

кўтарган пайти ҳам бўлган ва у Оқсуга қочган (Мир Сайид Али олиб кетган). Беклар ўз қабиласини олиб бошқа жойларга аразлаб кетган ҳоллар учрайди.

Дуғлатлардан саналмиш Мирзо Абубакр Кошғар, Ёрканд ва Хўтанни бошқариш билан бир қаторда, Оқсу ва Учни ҳам эгаллаган эди. Ёрканд шахрини ўз салтанатининг пойтахтига айлантирганди.

XVI аср бошларида Мирзо Абубакр чопқинлар ясаб, Ўш, Маду ва Ўзгандни эгаллади. Мўғулистонга бостириб кириб, у ердаги мўғуллар ва қирғизларни талади ва улар турли томонга, бир қисм мўғуллар Чалиш ва Турфонга қочиб кетдилар.

Шоҳибекхон (Шайбонийхон) мўғул хонларини асир олди, сўнгра уларни озод қилди³⁰⁰, бироқ Султон Маҳмудхон яна қайтиб келганда, Шоҳибекхон шафқат қилмайди, уни ва оила аъзоларини ўлимга ҳукм қилади ва бу ҳақда юқорида айтилди.

Шайбонийхон асир олинган мўғуллар – 30 000 аскарни ўз тасарруфида олиб қолди. Уларнинг ичидан ишончсиз деб топган амирларни ўлдирди, қолганларини ўзи билан Хоразм юришига олиб кетди³⁰¹. Шайбонийхон қўл остидаги аксари мўғулларни Хуросонга жўнатди³⁰², яъни ўз юртидан узоқроққа ва унинг ўлимидан сўнг мазкур 30 000 мўғул турли томонга тарқаб кетди ва кўпчилиги аста-секин Мўғулистонга қайтдилар. Жумладан, 20 000 мўғул (Хуросондан кўчиб) Қундузга кетди, улардан бир қисми Султон Саидхон ҳукмида эди. Шайбонийлардан Жонибек султон ўз ихтиёридаги мўғулларга Мўғулистонга қайтишга рухсат берди.

Султон Саидхон даврида Мўғулистонни ўзбеклар ва қирғизлар эгаллади. Мўғуллар ҳозир энг кам сонли халқ бўлиб, Турфон ва Кошғарда – 30 000 тача киши қолган. Мўғуллар исломни қабул қилди, қирғизлар қабул қилмади ва мўғуллардан ажралди, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар. Бир қисм мўғуллар Кошғар ва Ёрканд вилоятларида ҳам яшаган.

Захириддин Бобур иккинчи марта Мовароуннаҳрни эгаллаганда, Султон Саидхон Андижонда ўрнашди ва ўша ердаги

³⁰⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.197.

³⁰¹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.267.

³⁰² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.312.

мўғулларни бирлаштирди. Султон Саидхон Кошғарга юриш қилганда лашкарининг асосий қисмини ана шу мўғуллар ташкил қилган. Бироқ мўғуллар Кошғарда қолишни истамасдилар ва Султон Саидхон уларнинг катта қисмини ўғли Рашидхон бошчилигида Мўғулистонга жўнатди.

Султон Саидхон Мўғулистонга юриш қилганда у ердаги қирғизлар ўзбекларга кўшилди. Хон кўрқиб, мўғулларни олиб Кошғарга қайтди.

Рашидхон ўз ҳукмронлиги даврида (1533 йилдан кейин) ўзбеклар устидан ғалаба қилган.

Хуросондаги мўғулларнинг ҳам бир қисми Кобулга Бобур хузурига борган бўлиб, улар Мирзо Ҳайдарнинг ва отасининг мулозимлари эди. Улар Бобур ихтиёрида ўзбеклар (шайбонийлар) га қарши жанг қилдилар. Бобур Ғиждувонда енгилиб Ҳисорга чекинганда, бу мўғуллар Бобурга қарши исён кўтардилар. Кейинчалик улар турли томонга тарқаб кетди, бир қисми ўзбекларга бўйсунди. Натижада Ҳисорни ўзбеклар эгаллади.

Бобур Ҳиндистонга борганда у билан бирга қўл остидаги баъзи мўғуллар ҳам борган. Бу мўғулларнинг авлодлари бобурийларга хизмат қилган. Хумоюн подшоҳ Бенгалияни эгаллаганда, у ерга Жаҳонгиркули ибн Иброҳим бекжак мўғулни ҳоким қилиб қолдиргани маълум³⁰³.

Никудар – “Матлаи саъдайн” да XV аср ўрталарида Сеистонда яшовчи эл ва улус³⁰⁴ дейилган.

Сорт – “Бобурнома” да Марғинон, Исфара, Даҳқат (Ўратепага қарашли кент)нинг аҳолиси *сорт (сарт)лардир*, дейилган. “Даҳқатнинг эли агарчи **сорт** ва **деҳнишиндур**, вале **атроқдек** гала ва рамалиқ эллардур”³⁰⁵ (*мазмун*: Даҳқат қишлоғининг аҳолиси гарчи ўтроқ ҳаёт кечирувчи *сортлар* тоифасига кирса-да, бироқ улар *туркий* элатлар каби яйлов чорвачилиги билан ҳам шуғулланадилар), – деб ёзади Бобур. Демак, “Бобурнома” да “сорт” деганда, кўпинча, ўтроқ аҳоли, аниқроғи, форсийзабон эл

³⁰³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.589.

³⁰⁴ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 384-б.

³⁰⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 87-б.

(тожиклар) назарда тутилган. Мазкур асарда Кобул вилоятининг баъзи шаҳар ва кентларида ҳам *сорт* ва *деҳнишин* аҳоли яшайди, дейилган ва улар ўтроқ аҳоли сифатида таърифланган³⁰⁶.

Тожик – “Матлаи саъдайн”да икки хил шаклда ёзилган: тожик (тожик), Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолиси назарда тутилган³⁰⁷. Самарқанд аҳолиси *турк ва тозик* деб қайд этилган (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди).

“Бобурнома”да *тожиклар* ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмидаги этнос сифатида тилга олинган. “Кобул вилоятининг баъзи кентларида тожиклардур”; “Нижровда тожиклар кентига тушулди”³⁰⁸. Мазкур этнос “Тарихи Рашидий”да Мовароуннаҳрнинг турли қисмларида яшовчи аҳоли сифатида тилга олинади. XIV аср ўрталарида Мўғулистонда исломнинг кенг тарқалишига тожик шайх Жамолиддин, айниқса, унинг ўғли Аршададдин кўп ҳаракат қилгани, XV аср охири – XVI аср бошида Самарқанд атрофида яшовчи тожиклардан баъзилари Бобур билан Кобулга келгани ҳам айтилган. Кобулда Бобур хизматидаги баъзи амирлар исён кўтарганда, уларнинг ичида тожик амирларидан мавлоно Бобо Башоғири (Самарқанднинг Пишағар қишлоғи жамоасига мансуб), унинг укаси Бобо шайх ҳам бўлган. Бобур мавлоно Бобони жуда ҳурмат қилган ва Мовароуннаҳрни эгаллаганда Самарқанд, Ўратепа ва Куҳистоннинг тўртдан бир қисмини бошқаришни унга топширган, дейилади³⁰⁹.

Тукалий – “Матлаи саъдайн”да туркман уруғи сифатида ёдга олинган, ҳозирги Туркменистон худудида яшаган қавм кўзда тутилади.

Турк – этник атама, туркий элатлар. Темурийлар даври манбаларида шарқда Хитойдан ғарбда Кичик Осиёгача яшовчи туркий тилда сўзловчи аҳоли назарда тутилган. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн”да Улуғбек билан Самарқанддан Ҳиротга келган туркий қавмларни, уларни хуросонлик туркий элатлардан фарқлаш учун, “самарқандлик турклар”, деб таъкид-

³⁰⁶ Бобур. *Бобурнома* (2002). 109-б.

³⁰⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 266, 268, 355-бетлар.

³⁰⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 109, 181 бетлар.

³⁰⁹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 453-454.

лайди³¹⁰. “Матлаи саъдайнда” шунингдек, “турк ва тозик” ибораси пойтахт шаҳарлар Самарқанд ва Ҳирот аҳолиси учун қўлланган.

Заҳириддин Бобур Андижон шаҳри аҳолисининг этник таркиби хусусида сўз юритиб, унда аҳолининг аксарият қисмини туркий қавмлар ташкил қилишини таъкидлаган. “[Андижоннинг] эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирий (Ҳирот) да нашъу намо топибдур, бу тил биладур”³¹¹. Бобур ёзганларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, XV асрга келиб, Темурийлар салтанатидаги иқтисодий ва маданий юксалиш туфайли Хуросон ва Мовароуннаҳрда чиғатой туркий шева адабий тил мақомини олган. “Тарихи Рашидий”да *турк* деганда умуман туркий тилда сўзлашувчилар тушунилади³¹².

Туркманлар – бу ҳақда “Бобурнома”даги маълумотлар XV асрнинг иккинчи ярмига тегишли ва Марказий Осиё ҳудудида туркманларнинг икки хил тоифаси қайд этилган: 1) санжарий туркманлар, 2) қорақўйли туркманлар.

Санжарий туркманлар – Марказий Осиёда яшаган туркманлар. Улар Шимолий Афғонистон ҳудудида алоҳида мингликни ташкил қилган ва “Бобурнома”да *туркман ҳазораси* деб тилга олинган.

Қорақўйли туркманлар – Ироқдан Хуросонга кўчиб келган туркманлар. XV аср иккинчи ярмида Темурийлар қорақўйли туркманлар билан қариндошлашган жойи ҳам бўлган. Султон Абу-саид мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд мирзо қорақўйли-бахорлу аймағидан Али Шукурбекнинг қизи Пашабегимга уйланган эди.

“Тарихи Рашидий”да *туркманлар* ҳақида ёзилганлар XVI аср бошига тўғри келади ва Шоҳ Исмоил аскарларидан иборат қизилбошлар назарда тутилган. Бу ҳақда маълумот Шайбонийхоннинг ўлдирилиши, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизилбошлар ёрдамида Мовароуннаҳрга юришлари ҳамда Шоҳ Исмоил аскарларининг Қандаҳорни эгаллагани воқеаларида учрайди³¹³.

³¹⁰ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 268 бет.

³¹¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 34–35 бетлар.

³¹² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 373.

³¹³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.312–313, 316, 323, 334, 336, 356, 504–505.

Тўқачи – “Бобурнома” да Самарқанд вилоятида яшовчи элат сифатида қайд этилган.

Уйғурлар – “Матлаи саъдайн” да “уйғур хати” деган ибора учрайди. Аниқроғи уйғур ёзуви XV асрда Марказий Осиёда туркий матнларни тузишда расмий ёзув сифатида қўлланилган. Чунончи Хитой подшоҳининг Ҳиротга Темурийлар саройига йўллаган мактуби тўрт тилда – хитой, араб, форс ва туркий тилда уйғур ёзувида битилган эди³¹⁴.

“Бобурнома” да уйғурлардан баъзилари Темурийлар саройида ҳам хизмат қилгани айтилган. Абдулкарим уйғур Султон Аҳмад мирзо саройида эшик оға бўлган³¹⁵. “Тарихи Рашидий” да “Хуросон уйғурлари”, деган ибора бор, бироқ улар қачон кўчиб боргани номаълум. “Хожа Сафи Али девоннинг машхур аъёнларидан бўлиб, Хуросон уйғурларидан эди³¹⁶, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар. Демак, уйғурлар XV аср иккинчи ярмида тарқоқ ҳолда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам яшаган, дейиш мумкин.

Чағираклар – Кошғар билан Андижон оралиғида жойлашган тоғли, чорвачилик билан шуғулланувчи қабила. Кошғар, Ёрқанд ва Ҳўтаннинг ҳукмдори Мирзо Абубақр таъқибига учраган.

Чиғатойлар. “Тарихи Рашидий” да “чиғатойлар” деган сўз анча кенг мазмунга эга: Чиғатойхон наслига мансуб ҳукмдорлар, хонлар; Мовароуннаҳр аҳолиси; “чиғатой хонлари” – Мўғулистон хонлари; Чиғатой улусидаги кўчманчи аҳоли; Хуросоннинг кўчманчи аҳолиси (Чиғатой улуси маъмурий бирлик сифатида мавжуд пайтда кўчиб келганлар); Афғонистонда Бобур лашкари (Мовароуннаҳрдан Бобур билан бирга ва ундан сўнг келганлар).

Маълум бўладики, Мирзо Ҳайдар “улус” деганда бирор худуддаги этник кансолидацияни назарда тутади ҳамда бу ўринда мўғул ва чиғатой улусларини фарқ қилади. Чунончи: мўғул улуси – Мўғулистон аҳолиси; чиғатой улуси – Мовароуннаҳр ва Хуросондаги кўчманчи аҳоли. Шунингдек: мўғуллар – Мўғулистонда яшовчи аҳоли; ўзбеклар – Дашти Қипчоқ аҳолиси; чиғатойлар – Мовароуннаҳр аҳолиси;

³¹⁴ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 221,386-бетлар.

³¹⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 46-б.

³¹⁶ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.385

Чурос – Мўғулистондаги эътиборли қабилалардан бири, тахминан Марказий Мўғулистонда яшаган. Эсан Бугохондан Мўғулистондаги қабилалар аразлаб, турли томонга тарқаб кетганда, *чурос* ва *барин* (*бахрин*) қабилалари амирлари ўз эли билан қалмоқлар ерига Эсан Тайши қошига кетади. Кошғарда *дуғлат* амирлари билан чурос амирлари қариндошлашган эди.

Ўзбеклар – “Матлаи саъдайн”да Дашти Қипчоқ аҳолиси шундай аталган ва Дашти Қипчоқ топоними “Ўзбек вилояти” ва “Ўзбек мамлакати” номлари билан ҳам эслатилади. “Ўзбек” атамаси исм таркибида (Абулхайрхон ўзбак) ҳам келади³¹⁷.

“Бобурнома”да мазкур этнос “ўзбак” ёки “ўзбаклар” шаклларда келади ва Дашти Қипчоқдаги туркий қабилалар ёки Шайбонийхон аскарлари англанади (*Самарқандни ўзбак олгач* ёки *Самарқандни Шайбонихон лашкари олгач*, деган жумлалар учрайди).

XV аср 2-ярмидан (Султон Абусаид ҳукмронлиги давридан бошлаб) Дашти Қипчоқ ўзбеклари Темурийлар салтанатидаги сиёсий воқеаларга араллашиб келганлар. “Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон неча йил эрдиким, Шайбонийхондин айрилиб келиб, [Ҳисорда] Султон Маҳмуд мирзо мулозаматида эдилар”³¹⁸, – деб ёзади Бобур. Бу воқеа XV аср 90-йилларига тўғри келади.

“Бобурнома”да “ўзбек” атамаси жой номи маъносида ҳам келади ва Дашти Қипчоқ ушбу атама воситасида *Ўзбек улуси* деб аталган (масалан: “...Ўзбак улусига кетган эди” – Дашти Қипчоққа кетган; “ўзбак илигига тушди” – Дашти Қипчоқдаги ўзбеклар қўлига тушди).

“Тарихи Рашидий”да XV аср 2-ярмидан “ўзбеклар” этник атама сифатида келади ва “ўзбек улуси” деган ибора ишлатилган. Аниқроғи, шу даврда Дашти Қипчоқдаги қабилалар умумий ном билан “ўзбеклар” ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси (баъзан бутун Дашти Қипчоқ) “Ўзбекистон” деб тилга олинади. Абулхайрхон Дашти Қипчоқ қабилаларини бирлаштириб давлат тузди ва “Тарихи Рашидий”да бу давлат “Ўзбек улуси” деб эслатилган³¹⁹.

³¹⁷ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 372, 554-бетлар.

³¹⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 52-б.

³¹⁹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.106.

Ўзбек улуси Абулхайрхон даврида кучайди, унинг вафотидан сўнг ички низолар авж олиши натижасида тарқалиб кетди.

Шу даврда Абулхайрхондан аразлаб Ғарбий Мўғулистонга кетган Гирайхон ва Жонибек у ерда ўз тўпини ташкил қилади. Абулхайрхон вафотидан сўнг Дашти Қипчоқ қабилалари Жонибек атрофига жипслашадилар ва уларга нисбатан Мирзо Хайдар “Ўзбек-қозоқ”³²⁰ ёки “қозоқ”³²¹ атамаларини қўллаган.

XV аср 2-ярмида ўзбек-қозоқлар анча фаоллашиб, Мўғулистонда кечган сиёсий воқеаларда иштирок этади. Чунончи, Юнусхоннинг катта ўғли Султон Маҳмудхон Туркистонни эгаллаб, уни Шоҳибекхонга берганда, ўзбек-қозоқлар бунга қарши чиқиб, икки марта жанг бўлади ва уларда ўзбек-қозоқлар устун келади. Бундан Юнусхоннинг кичик ўғли Султон Аҳмадхон ғазабланиб, 3 марта ўзбек-қозоқлар билан жанг қилади ва ғалаба қозонади. Бироқ ундан сўнг, яъни Мўғулистон хони Мансурхон даврида, ўзбек-қозоқлар анча кучайган эди ва Мўғулистоннинг Ариш деган жойида икки ўртада юз берган жангда ўзбек-қозоқлар ғолиб чиқди.

XVI асрнинг 20-йилларидан Дашти Қипчоқда *манғитлар* кучайди ва 200 000 кишини ташкил этган ўзбек-қозоқларни Мўғулистонга сиқиб чиқарди. Ўзбек-қозоқ хони Тоҳирхон ҳам манғитлар таъқиби сабабли Мўғулистонга кетди. Натижада ўзбек-қозоқлар Мўғулистонда катта кучга айланди ва бу ўлкани бошқариб турган Рашид Султон Кошғарга қайтишга мажбур бўлди. Мазкур воқеалар натижасида Мўғулистонни ўзаро иттифоқлашган ўзбеклар билан қирғизлар эгаллади ва Мўғулистондан 30 минг мўғул Турфон ва Кошғарга кўчиб кетди.

Шайбонийхон Самарқандни олгач, ўзбек қабилалари унинг атрофига йиғила бошладилар. XV аср охири – XVI аср боши Мовароуннаҳр воқеалари баёнида “Тарихи Рашидий”да “Ўзбек” деганда Шайбоний қабилалар назарда тутилган.

Ўрдубеги – Мўғулистондаги мўғул уруғларидан бири; ўзларининг сардорлари бор эди.

³²⁰ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.106, 147, 150, 157, 165, 175, 180, 417.

³²¹ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.348.

Қавчинлар. Қавчин бекларидан айримлари Бобурга хайрихоҳ бўлган. Масалан, Қосимбек қавчин Андижонда қўшин бекларидан эди ва Бобурга яхши хизмат қилган; Ўш вилояти Қосим қавчинга берилган эди. Мирзошоҳ қавчин ва Муҳаммадқули қавчин Бобур Самарқандни биринчи марта қамал қилганда, унинг лашкари таркибида жанг қилган. Лекин қавчинларнинг ҳаммаси ҳам Бобурга хайрихоҳ эди, деб бўлмайди. Масалан, Кули Муҳаммад қавчин – Султон Аҳмад мирзо амирларидан саналарди.

“Тарихи Рашидий” бўйича *қавчинлар* Манглай Субеда Кошғар ва Хўтан вилоятларида яшаган, маъмурий ҳолатига кўра дуғлат амирларига бўйсунган аскарлар саналган³²².

Қалмоқлар – “Тарихи Рашидий”да Қалмоқ жой номи Турфондан шарқда жойлашган мамлакат сифатида қайд этилган ва номи, асосан, “Қалмоқлар ери” шаклида ёзилган. Қоракурум ва Қалмоқ Чингизхоннинг юрти сифатида тилга олинган³²³. XIV–XVI аср бошларида қалмоқлар билан Мўғулистон ўртасида кўпроқ сиёсий ва қисман маданий-маънавий муносабатлар кузатилади.

XIV аср 40-йилларида Манглай Субедан дуғлат амир Булажи қалмоқлар еридан Туғлуқ Темурхонни топиб келиб (онаси Мўғулистондан Қалмоққа кетиб, уни ўша ерда туққан эди), Оқсуда тахтга ўтқазган ва Мўғулистон хони деб эълон қилган³²⁴. XV аср давомида кўп ҳолларда Мўғулистон хонлари (Увайсхон, Султон Аҳмадхон, Мансурхон, Рашид Султон) қалмоқлар юртига чопқинлар ясаганлар.

Увайсхоннинг қалмоқлар юртига чопқинлари одатда муваффақиятсиз тугаган ва охири у асир олиниб, қалмоқ хони Эсан Тайши Увайсхоннинг синглиси Махтум хонимга уйланиши эвазига озод қилинади. Увайсхон, ўз навбатида, қалмоқ хони Эсан Тайшига ислом динини қабул қилдиради. Шу йўсинда қалмоқлар билан Мўғулистон хонлари ўртасида қариндошлик риштаси шаклланади.

Мазкур никоҳдан икки ўғил ва бир қиз дунёга келади; онаси уларни мусулмон қилади ва қизини Манглай Субе амирлари-

³²² Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.373.

³²³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.366.

³²⁴ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.83.

дан Мир Каримберди дуғлатга узатади. Ўғиллари – Иброҳим ва Илёс билан Эсан Тайшининг қалмоқ хотинидан туғилган ўғли Амасанжи жанжаллашиб қолишади, Амасанжи 300 минг киши билан қочиб Мўғулистонга кетади ва бир йилдан кўп вақт ўша ерда бўлиб, яна ўз юртига қайтади.

Иброҳим ва Илёс билан қалмоқлар хони ўртасида низо чиқиб, иккаласи қирқ минг кишилиқ улусини олиб Хитойга кетиб қолади. Бу воқеа 910 (1504–1505) йилгача юз берган³²⁵.

Қаратотор – юқорида Амир Темур буйруғи билан Рум (Туркия) худудидан қаратоторларнинг Марказий Осиёга кўчирилгани ҳақида айтилди. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн”да уларни туркманларнинг бир уруғи сифатида эслатиб ўтади ва қаратоторларнинг Амир Темур вафотидан кейинги аҳволи ҳақида баъзи тафсилотларни келтиради. Унинг ёзишича, Халил Султоннинг Самарқандда ҳукмронлиги пайтида қаратоторларнинг бир қисми Мовароуннаҳрдан қочиб, Хоразм орқали Мозандаронга боради³²⁶, лекин Мирзо Шоҳрух юборган қўшин йўлни тўсиб, уларни банди қилиб Ҳиротга олиб келади³²⁷. Мазкур қавмнинг кейинги тарихи маълум эмас.

Қарлиқлар. “Тарихи Рашидий”даги маълумотларга кўра, қарлиқ қабиласи Кошғар вилоятида яшаган ва уларнинг Жон Ҳасан исмли бошлиғи Мирзо Абубакрнинг ишончли амирларидан эди³²⁸.

Қипчоқлар. “Бобурнома”да қипчоқларнинг яшаш жойи Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси Туркистон атрофлари кўрсатилган. XV аср иккинчи ярмида Туркистон қипчоқларидан Хисравшоҳ Султон Маҳмуд мирзо ибн Абусаид хизматида бўлгани, катта мавқега эришгани, кейинчалик катта мулкка эга бўлгани маълум. “Аму дарёсидин Ҳиндукуш тоғигача вилоят, ғайри Бадахшон, тамом мунга тааллуқ эди”³²⁹, – деб ёзади Бобур.

³²⁵ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.115.

³²⁶ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 85-86, 231-232-бетлар.

³²⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 86 бет.

³²⁸ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.397.

³²⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 49-б.

Қирғизлар – бу ҳақда маълумот “Тарихи Рашидий” да берилган. Унда қирғизларнинг яшаш жойи Марказий Мўғулистон дейилган ва улар нисбатан мухторият ҳуқуқида эди, сиёсий куч сифатида майдонга чиқиши XVI аср 1-ярмига тўғри келади; XVI аср бошида Мўғулистон хонларига бўйсунган ва Султон Халил Мўғулистонда қирғизларнинг хон авлодига мансуб ҳукмдори бўлган. XVI аср 10-йилларидан бошлаб Мўғулистонда қирғизлар ҳукмронлиги кучайди, улар у ердаги мўғулларни таъқиб қила бошладилар. “Тарихи Рашидий” да қирғизлар этник жиҳатдан мўғул консолидациясига киритилган. “Аслида қирғизлар ҳам мўғул қабиласига мансуб, улар кейинчалик Мўғулистон хонларига қарши чиқиб, ажралиб кетди”³³⁰, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар. Шу сабабдан бўлса керак, Мирзо Абубакр салтанати кучайганда Мўғулистонга чопқинлар ясаб, қирғизларни қаттиқ таъқиб қилди ва улар қочиб Чалишга Мансурхон қошига кетдилар³³¹.

XVI аср бошларида қирғизларни Муҳаммад қирғиз бошқарган, у Султон Саидхонга Кошғарни олишда ёрдам беради. Хон ўз навбатида Муҳаммад Қирғизни, қирғизлар ўртасидаги обрўсини эътиборга олиб, ўғли Рашид Султонни Мўғулистонга ҳоким тайинлаганда, унга ёрдамчи қилади. Кейинчалик Дашти Қипчоқдан ўзбек-қозоқларнинг Мўғулистонга кириб келиши натижасида, қирғизларнинг аксарияти уларга қўшилди ва мўғуллар жанубий ўлка – Манглай Субега кетишга мажбур бўлди.

Қозоқлар – Темурийлар даври манбаларида XIV асрдан бошлаб тилга олинган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асирида Амир Темурнинг 1376 йили Мўғулистонга тўртинчи юриши вақтида Андижоннинг жанубидаги тоғли ҳудудларда яшовчи этник гуруҳ номи – қозоқ минглиги (*ҳазораи қозоқ*) шаклида ва кейинроқ, 1395 йили Олтин Ўрдага Тўхтамишхон устига юриши воқеалари баёнида эса, шахс исмида ифодаланган жой номи (Чўтир-қозоқ вилояти) сифатида эслатилади³³².

“Матлаи саъдайн” да бу атама *қозоқ-ўзбеклар* шаклида учрайди ва Дашти Қипчоқ аҳолиси назарда тутилган. Дашти Қип-

³³⁰ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.160-162.

³³¹ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.330.

³³² Шарафуддин Али Яздий. *Зафарнома*. 155а, 281а варақлар.

чоқ ўзбекларининг бир қисми Каспий денгизи бўйларида эркин (“қозоқ”) бўлиб юрган ва ўз ҳукуматига ҳам бўйсунмаган. Улар Темурийлар давлатининг Журжон ва Астробод вилоятларига чопқинлар қилиб турганлар ва Шохрух уларга қарши қиш фаслида Журжон вилоятида махсус қўшин ушлаб турган³³³.

“Бобурнома”да қозоқлар ҳақида сўз юритилиб, XVI асрда Қосимхон салтанати чоғида уларнинг салоҳияти ортгани айтилган ва улар “улус” атамаси билан “қазоқ улуси” деб тилга олинган³³⁴.

“Тарихи Рашидий” бўйича Дашти Қипчоқда Абулхайрхондан аразлаган жўчи султонлари Жонибекхон ва Гирайхон улусига Эсан Буғохон Мўғулистоннинг ғарбидаги Қўзибоши деган ердан жой берган ва уларни Мўғулистонда ўзбек-қозоқлар ва қозоқлар деган номлар билан атаганлар. Вақт жиҳатдан бу воқеа XV асрнинг 50-йилларига тўғри келади.

XV асрнинг 2-ярмида мўғуллар билан қозоқлар аҳил яшаган³³⁵ ва Мўғулистон хонлари Қозоқ султонлари билан **қариндошлашгани** ҳам кузатилади. Юнусхоннинг темурийлардан Султон Маҳмуд мирзога узатилган қизи Султон Нигор хонимни, эрининг вафотидан сўнг қозоқ хони Жонибекхоннинг ўғилларидан, дастлаб Адик султон, унинг ўлиmidан сўнг эса, Қосимхон ўз никоҳига олганди³³⁶. XVI аср 20-йилларидан кейин манғитлар таъқиби натижасида қозоқ-ўзбеклар Мўғулистонга кўчди.

Ҳазоралар. Темурийлар даври манбаларида икки хил маънони англатади: 1) лашкар таркибидаги минглик; 2) элат номи. Аниқроғи, лашкар минглиги кейинчалик маълум бир жойда ўрнашиб элатга айланган. Юқорида қайд этилган Амир Темур даврида Андижон вилояти атрофларида яшаган қозоқ минглиги (*ҳазораи қазоқ*) бунга мисол бўла олади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида ҳазоралар ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида яшаган элат сифатида тилга олинган. Улар кўпинча марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка интилган бўлса-да, лекин XV асрнинг би-

³³³ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 210-бет.

³³⁴ Заҳириддин Бобур. *Бобурнома*. 40-б.

³³⁵ Мирза Мухаммад Хайдар. *Тарих-и Рашиди*. С. 105-106, 348 – 349.

³³⁶ Мирза Мухаммад Хайдар. *Тарих-и Рашиди*. С. 348 – 349.

ринчи ярмида Мирзо Шоҳрух девонига мол (солиқ) тўлаганлар; мазкур қавм “ҳазораи Оқо” деган ном билан шуҳрат қозонган, яйлов чорвачилиги билан шуғулланган. Мирзо Шоҳрух вафотидан сўнг ҳазоралар маълум вақт мустақил бўлиб, ўзларидан маъмурий мансаб – “малик” (вазир, амир) тайинлаганлари маълум. Ҳазоралар кўпинча карвон йўлларида йўлтўсарлик қилишган. Султон Абусаид лашкар жўнатиб, ҳазораларни бўйсундирган.

“Бобурнома”да ҳам ҳазоралар Афғонистоннинг жанубий қисмидаги этнос сифатида қайд этилган. Бобур Кобулда ҳукмронлик қилиб турганда, *ҳазоралар* йўлтўсарлик ва қароқчилик билан шуғулланганлар. Бобур уларнинг устига кўшин тортади ва кўпларини мағлуб қилади. “Бобурнома”да мазкур қабила *туркман ҳазораси* дейилган³³⁷. “Тарихи Рашидий”да Андижон яқинидаги тоғларда *қозоқлар ҳазораси* ва қабила номи сифатида Юқори Бадахшондаги *ҳазоралар* эслатилган.

Мўғулистондаги ички ва ташқи сиёсий жараёнлар қисман **аҳоли миграциясига** ҳам сабабчи бўлганини кўрамиз. Аҳоли кўчиши одатда мажбурий ва вақтинча бўлган. Юқоридаги ми-солда XVI аср бошида қалмоқлар 300 минг киши, ўз юртларидаги ички низо туфайли, вақтинча Мўғулистонга кўчиб келганлар.

Эсан Буғохон ҳукмдорлигида Мўғулистондаги ички низо туфайли *чурос* ва *барин* (*бахрин*) қабилалари бошлиқлари бир қисм улусини олиб Қалмоққа кўчиб кетган.

Юнусхон Или дарёси бўйида қалмоқлар билан тўқнаш келиб, жангда енгиледи ва ўзининг эл-улуси билан вақтинча Сайхун (Сирдарё)нинг қуйи қисмига кетишга мажбур бўлади³³⁸.

Султон Аҳмадхон ҳукмронлигида ҳам калучи қабиласи (хонга) суиқасд қилишда айбланиб таъқиб остига олинади ва улар Қалмоққа қочишга мажбур бўлади.

³³⁷ Заҳириддин Бобур. *Бобурнома*, 126-б.

³³⁸ Мирза Мухаммад Хайдар. *Тарих-и Рашиди*. – С. 116

III БОБ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ТАБИАТИ ВА ХЎЖАЛИГИ

Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги табиати ҳақида ёзма маълумотлар

Ободончилик – табиат ва жамият ўртасидаги муносабат билан боғлиқ фаолият маҳсулидир. Табиат эса, ўз навбатида, рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан таркиб топган географик тушунчалар мажмуасидан иборат. Ҳозирги даврда ер шари табиатининг, умуман, ёки айрим ўлкалар миқёсида тарихан ўрганилиши қатор зарур вазифалар – табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликларни аниқ белгилаш ва турли экологик муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Ҳозирги кунга келиб, мавжуд экологик муаммолар, Марказий Осиё табиатини ҳар томонлама тадқиқ этиш жаҳон миқёсидаги биринчи галдаги вазифалар қаторига кўчди (масалан, Орол денгизининг тақдири).

Ер шари табиатини жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ўрганишда ёзма мероснинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, унда табиатнинг турли қирраларига дахлдор маълумотлар қайд этилган, жумладан, Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё табиати ва унда жамиятнинг тутган ўрни ҳақида анчагина қимматли маълумотлар бор. Бу маълумотларни тарихий-географик талаб асосида жамлаш, маълум тартиб ва услубда тадқиқ этиш натижасида ўлка табиатининг бугунги ҳолатини кўрсатиш, жамият фаолиятига баҳо бериш ва тегишли хулосалар чиқариш учун имкон туғилади. Шу боис, ушбу бобда дастлаб Темурийлар даври ёзма манбаларидаги Марказий Осиё табиати ҳақида берилган маълумотларга тўхталиб, сўнгра кишиларнинг хўжалик фаолияти хусусида фикр юритилди.

Денгизлар, кўллар, дарёлар

Каспий денгизи. Темурийлар даври ёзма манбаларида ички сув ҳавзаси шаклида, асосан, Хазар денгизи номи билан тилга олинган. Шу билан бирга, унинг Обискун денгизи, Гургон денгизи, Дарбанд денгизи, Гилон денгизи каби номлар билан аталиши ҳам қайд этилган.

Орол денгизи. Ҳозирги вақтда Орол денгизи масаласи жаҳон миқёсидаги катта экологик муаммога айланганлиги сабабли у ҳақдаги ёзма маълумотларга бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Орол денгизига бағишланган ҳозирги замон илмий тадқиқотлари XIX асрдан бошланган ва шу кунгача давом этиб келмоқда. Ёзма манбаларга асосланган асосий тадқиқотлардан голланд олими де Гуге, рус олимлари В. В. Бартольд ва Л. С. Берг асарларини кўрсатиш мумкин³³⁹.

Юнон олимлари Александр Македонскийнинг юришлари муносабати билангина Марказий Осиё, жумладан, Каспий денгизи ҳақида бирмунча аниқ маълумотларга эга бўлдилар. Кўпчилик юнон олимлари Каспий денгизини дунё океанининг қўлтиғи, деб билганлар. Лекин Геродот бу денгизни дунё океани билан туташмаган берк ҳавза, – деб тўғри тасаввур этган. Шунингдек, атроф тоғлардан қандайдир Ак номли дарё оқиб чиқиши ва бу сув оқиб ўтган водий хоразмликларга тегишли эканлигини ҳам ёзган; бироқ унинг бирор жойга қуйилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Дарёнинг Хоразм ўлкасида эканлиги эътиборга олинса, у ҳолда Геродот Амударё ҳақида ёзган, – деб фараз қилиш мумкин, холос. Милоднинг бошларида яшаб ижод этган машҳур юнон олими Клавдий Птолемей эса, ўзининг “География” номли асарида, дунё ўлкалари қаторида, Марказий Осиё картасини ҳам тузган. Птолемей картасида Амударё (Окс) ва Сирдарё (Яксарт) Каспий денгизига бориб қуйилади. Фақат милоднинг IV асрига келибгина, рим олими Аммиан Марцеллин Сўғд тоғларида иккита – Араксат ва Дима дарёлари оқиб чиқи-

339 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море.* – С.15–96; Бартольд В.В. *Хафиз-и Аbru.* – С.74–98; Берг Л.С. *Аральское море.*

ши, уларда кемалар қатнай олиши ва улар текисликда қуйи ҳавзасида катта Окс ботқоқлигини ҳосил қилиши ҳақида хабар беради. Марцеллин ёзганларини Орол денгизи ҳақида ғарб мамлакатларида келтирилган биринчи ёзма маълумот деса бўлади.

Милоднинг 568 йили Византия подшоҳи ҳузуридан Турк хоқонлигига Земарх бошчилигида элчи юборилади. Элчилар қайтишда Орол денгизи бўйидан юриб ўтган, деган тахмин мавжуд. Чунки бу элчилик ҳақида ёзган Менандр Протектор элчиларнинг Оих дарёсидан ўтганлиги, сўнгра бир катта кўлнинг қумли қирғоқлари ёқалаб Ик (Эмба) дарёсига, сўнгра даиҳ (Ўйиқ, Урал) дарёсига етиб келганлигини ёзган³⁴⁰.

Хитой манбаларида Марказий Осиё, жумладан, Орол денгизи ҳақида маълумотлар ҳам анча қадимги даврга оид бўлиб, улар Буюк Ипак йўли очилиши билан боғлиқдир. Милоддан аввал 138–126 йилларда Хитой сайёҳи Чжан Цянь Марказий Осиёга саёҳат қилиб, Фарғона водийси ва Суғдиёнадан ўтиб Балхгача борган, у ўз саёҳатномасида Фарғона водийсидан шимоли-ғарбда Кангюй ўлкаси, ундан шимоли-ғарбда Яньцай ўлкаси борлиги ва у катта бир кўл соҳилида жойлашганлигини қайд этган. Чжань Цянь бу кўлни “Шимолий денгиз” деб атаган. Милоднинг бошларида ҳам хитойлар Орол денгизига борган, деган тахминлар бор. Кейинроқ, VI аср Хитой манбаларида Сирдарё ва Амударё – Уху номлари билан тилга олинган.

Қадимги Хитой манбаларида Орол денгизи ҳақида узил-кесил маълумот берилмаган бўлса-да, бироқ унинг мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтилган.

Араб халифалиги ташкил топгач, шарқда Марказий Осиёдан то ғарбда Испаниягача бўлган мамлакатлар ягона сиёсий бирлик таркибига кирди ва унинг пойтахти Бағдод шаҳри эди. Савдо-сотиқ ривожланди. Бағдод шаҳри нафақат сиёсий, балки маданий марказга ҳам айланиб, унда илм-фан юксалишига катта эътибор берилди; турли мамлакатлардан олимлар йиғилиб Академия ташкил топди. Бу Академияда Марказий Осиёлик олимлар жуда фаол иштирок этдилар. Мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатларининг кенгайиб бориши натижасида ге-

340 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море.* – С.37.

ографик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж ортди. Бағдод олимлари ичида энг машхурларидан бири хоразмлик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (IX аср) ҳам ижод қиларди. У географияга оид “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати китоби”) номли асари билан (IX асрнинг биринчи ярмида ёзилган) Шарқда география фанига асос солди. Бу асардан Марказий Осиёга оид анчагина қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ал-Хоразмий келтирган маълумотларга кўра, Амударё (Наҳри Балх) ва Сирдарё (Узун дарё) бир кўлга қуйилади; Каспий денгизи эса ўзи яхлит, алоҳида берилган. Кўл (яъни Орол денгизи) чекка нуқталарининг координаталари ҳам берилган: узунлиги $86^{\circ} 30' - 90^{\circ}$, кенлиги $30^{\circ} 10' - 42^{\circ}$. Бу кўрсаткичлар Орол денгизи учун берилган биринчи картографик маълумотдир³⁴¹.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, хоразмлик олимнинг ушбу маълумоти Орол денгизининг тарихини мусулмон манбалари асосида кенг ёритган олимлар – де Гуге томонидан ҳам, академик В.В.Бартольд томонидан ҳам эслатилмаган. Улар Орол денгизи ҳақидаги дастлабки маълумот ал-Хоразмийдан кейин ижод этган эронлик географ олим Ибн Хурдодбеҳ (820–913), сўнгра бирмунча батафсил араб географ олими Ибн Руста (X аср) қаламига мансубдир, – деб билганлар³⁴².

Ибн Хурдодбеҳ “Ал-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) асарида Амударё Қурдар кўлига (Орол денгизи; Қурдар – Орол денгизи бўйидаги шаҳар) қуйилади, – деб ёзган.

Ибн Рустанинг таъкидлашича, Амударё Хоразм (Кот) шаҳридан 4 фарсаҳ масофа оқиб ўтгач кўл, қамишзорлар, ботқоқликлар ва ўтлоқлар ҳосил қилади, сўнгра дарё ғарбга бурилиб Журжония ёнидан ўтади. Ундан қуйироқда дарёнинг чап ёнидан бир тармоқ ажралади ва Варагдехгача боради. Бу қишлоқ Журжониядан 4 фарсаҳ масофада бўлиб, у ерда Сиёҳкўҳ тоғлари бор. Варагдехдан қуйироқда дарё бир қанча кўллар ҳосил қилган ва уларни Холижон атайдилар. Бу дарё айланаси 80 фарсаҳ келадиган бир кўлга қуйилади; унинг ғарбий қирғоғи бўйлаб Сиёҳкўҳ тоғлари ястанган, шарқда – қалин бутазор, ши-

341 Ҳасанов Х., Бўриев О. *Ал-Хоразмий географияси*. 58-б.

342 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С.40.

мол томон Қарят-ул-ҳадиса (Янгикент, Жанкент – Сирдарёнинг қўйи ҳавзасида, X аср) шаҳри жойлашган³⁴³.

Араб географ олими ал-Яъқубий (IX аср) шунингдек, Ибн ал-Фақиҳнинг (IX – X асрлар) ёзишларига кўра, Амударё Каспий денгизига қўйилган.

Абу Зайд Балхий, ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқалларнинг қаламига мансуб “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли асарда (X аср) ёзилишича, Жайхун суви Хоразм кўлига (Орол денгизига) қўйилади, у ерда балиқчилар яшайди. Ул жойни Холижон атайдилар, ғузлар юртига яқиндир. Жайхун дарёси қўйилиш еридан то Шош дарёси (Сирдарё) қўйилган жойгача бўлган масофа ўн кунлик йўлдир (Истахрий асарида 4 кунлик йўл). Бу кўлнинг айланаси 103 фарсах, суви шўр, сув сатҳи ўзгармасдан доим бир хил туради.

В.В.Бартольд ушбу маълумотга асосланиб, Орол денгизининг X асрдаги сув сатҳи билан XX асрдаги сув сатҳи бир хил бўлган, деган хулосага келган³⁴⁴.

X асрда ёзилган, муаллифи номаълум “Худуд-ул-олам” (“Оламнинг чегаралари”) номли форсча географик асарда ҳам Орол денгизи ҳақида хабар бор. Унда ёзилишича, Хоразм денгизи (Орол денгизи) Хоразм (Гурганж) шаҳридан қирқ фарсанг шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, унинг атрофи ғузлар еридир. Денгизнинг айланаси уч юз фарсанг. Жайхун (Амударё) ва Ўзганд дарёси (Сирдарё) Хоразм денгизига қўйилади³⁴⁵.

Араб географ олими ал-Муқаддасий (X аср) шундай ёзади: “Журжония (Хоразмнинг) Хуросон томондаги қисмининг пойтахти бўлиб, Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган, атрофини сув босган, сувни ёғочлар билан тўсдилар, дарё шарқ томонга бурилди. Ундан шаҳарга сув келтириш учун ариқлар қазидилар”³⁴⁶.

Ибн Руста билан Истахрий ва Ибн Ҳавқал маълумотларида фарқ бор. Истахрий ва Ибн Ҳавқал Амударёнинг Орол денгизига қўйилиш ерини Холижонда деб билсалар, Ибн Руста маълумотига кўра у Сарикамиш кўлига тўғри келади. Агар Истахрийнинг,

343 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море.* – С.40-41.

344 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море.* – С.42.

345 *Худуд ул-олам* (Мовароуннаҳр тавсифи). 6-9-беллар.

346 Ал-Муқаддасий. *Аҳсан ат-тақосим.* Лейден 1967 (араб тилида). 288-б.; Бартольд В.В. *Хафиз-и Аbru.* – С. 43.

Курдар илгари дарёнинг асосий тармоғи бўлган деганини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда Амударё X асрдан анча илгари шимолга бурилгани ва Орол денгизига куйилгани маълум бўлади. “Хоразм денгизи” деганда ўша пайтларда фақат Орол денгизини тушунганлар.

Гардизий (XI аср) ҳам, печенег, (бажанак)лар томонга кетишда ўнг томонда Хоразм кўли жойлашган, – деб таъкидлайди. Агар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарида Орол ҳақида дастлабки картографик маълумот берилган бўлса, иккинчи бир машҳур олим Абу Райҳон Беруний (973–1048) Амударё ва Орол денгизининг узоқ тарихига ҳамда ўз даври учун батафсил илмий хулоса беради. Жумладан, Берунийнинг “Геодезия” асарида шундай маълумотлар келтирилган: “Суткент – Хасарт дарёси бўйидаги шаҳар. Бу дарё Туркистон вилоятида. Шош водийсида энг машҳур дарёлардандир... Қарят ал-ҳадиса – Хасарт дарёсининг қуйилиш ерида Хоразм кўли ёнида Ғузлар вилоятидадир.

Жайхун ўзани, яъни Балх дарёси (сувини) кўл орқали ўтиб, Болхон деган шаҳар орқали Хазар денгизига қуяр эди... Батлимус “Жуғрофия” китобида Жайхуннинг қуядиган жойи Иркония, яъни Журжон денгизи деб ёзган. Биз билан Батлимус орасида 800 йил... Ўша вақтда Жайхун шу ерлардан ўтган; ҳозир бу ерлар чўлга айланиб қолган ва Замм (Карки) билан Омуйя (Чоржўй) ўртасидаги жойдан (қайрилиб) шу ерларда шаҳар ҳам қишлоқларни то Болхонгача суғорган. Кейин Журжон билан Хазар ўртасида денгизга қуйилган.

Иттифоқо у (Жайхун) тўсилиб қолди, унинг суви ўз ерларининг чеккаларига бурилиб кетди... Кейин ўзан яна тўсилиб қолган. Сув Хоразм билан Журжон орасида жойлашган чўлдаги Маздубаст деб аталадиган дарё ўзанидан ўтиб, чапда бажанаклар ерига бурилган (оқиб борган). Узоқ вақтгача (бу ўзан суви) кўп жойларни обод қилди, бироқ (у жойлар) яна хароб бўлди.

Ундан кейин сувнинг ҳаммаси Хоразм томонга йўналган. Илгари у сувнинг оқоваларигина (қолдиқларигина) ўша Хоразм томонга ҳозирда Хоразм (гил тупроқли) текислигининг олдидаги катта тошлар уйилган жой ораларидан сингиб ўтарди. Кейин сув (қоя тошларни) ёриб, у ерни сув босди ва ўша ердан бошлаб

уни кўлга айлантирди... Сўнг кўл (ёйилиб) узоқлашиб бориб, олдида (кўндаланг ётган) тўсиқ тоғ (тепаликка) тарқалди, ундан ошиб ўтолмай, шимол томонга ҳозирда туркманлар яшаб турган тарафга бурилиб кетган. Бу кўл билан Маздубаст водийсидаги кўл оралиғи узоқ эмас. У кўл (Сариқамиш) шўрхок ва ботқоқ лойликка айланган. Ундан кечиб ўтиб бўлмайди; туркийча “Хиз тенгизи”, яъни “Қиз денгизи” деб аталади³⁴⁷.

Абу Райҳон Беруний асаридан келтирилган маълумотларда қадимги геологик даврда Амударё Замм (Карки) ёнидан Қорақум орали Каспий денгизига оққанлиги, кейинчалик у шимолга бурилганлиги ва у ерда бир қисми Қиз денгизи (Сариқамиш) томонга, яна бир қисми Хоразм денгизига (Орол денгизига) оққанлиги; шунингдек Сариқамиш саёз балчиқ кўлдан иборат бўлганлиги маълум бўлади. Ваҳоланки, В. В. Бартольд ўзининг Орол денгизига бағишланган жиддий тадқиқотида Беруний асарларида Орол денгизи ҳақида ҳам, Амударёнинг қуйи қисми борасида ҳам бирор-бир янгилик айтилмаган, деган хулосага келган эди³⁴⁸. Беруний келтирган маълумотларнинг бир қисми Муқаддасий асарида (986 йили ёзилган) ҳам бор, лекин бу хабарлар оғзаки маълумотларга асосланганлиги муаллифнинг ўзи томонидан қайд этилган. Муқаддасий, қадимда Амударёнинг асосий тармоғи Нисо шаҳри яқинида жойлашган Балхан шаҳригача етиб борган, кейинроқ дарё Хоразм томонга буриб юборилган ва уни қайтариш иложи бўлмаган; Хоразм эли дарёдан ариқлар чиқариб ул жойларни обод қилганлар; Балхан эса хароб бўлган; Нисо ва Абиварддаги аҳоли менга Балханга бориб-келишлари ҳақида айтдилар, – деб ёзади³⁴⁹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳаллий халқда Амударёнинг анча қадимда Балхан томонга оққанлиги ҳақида ривоят мавжуд бўлган. Демак, Ўзбой Х асрдан анча илгари қуруқ ўзан бўлган.

Масъудий (X аср) ўз асарида, Амударё Журжония шаҳри яқинида Журжония кўлига оқиб келиши, бу жуда катта кўл бўлган-

347 Ҳасанов Ҳ. *Сайёҳ олимлар*. 98–100-бетлар.

348 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С. 48.

349 Ал-Муқаддасий. *Аҳсан ат-тақосим*. 185-б.; Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С. 45.

лиги ҳамда ундан дарёлар оқиб чиқиб Хазар (Каспий) денгизига қуйилганлиги, Шош дарёси ҳам шу қўлга қуйилиши ҳақида ёзади.

Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон (XIII аср) ўзининг “Жаҳоннома” асарида Орол денгизини Жанд ва Хоразм денгизи, – деб атайди ва унинг айланаси 100 фарсанг, диаметри 32 фарсанг, суви шўр, Хоразм дарёси (Амударё) ва Чоч дарёси (Сирдарё) шу қўлга қуйилади, – деб ёзган³⁵⁰.

Мўғулларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши ва 1221 йил Хоразмнинг пойтахти Гурганжни хароб этиши билан боғлиқ тарихий воқеалар Орол денгизига ҳам дахлдордир. IX–XII асрлардаги ёзма маълумотларда Амударёнинг асосий қисми Орол денгизига оқиши билан бир қаторда, унинг бир тармоғи Хоразм пойтахти Гурганжни сув билан таъминлагани, шунингдек, ўша йўналишда суғориш мақсадларида ишлатилиб, ортиқча сув Сарикамиш ботиғига бориб тушгани ва у ерда қўл ҳосил қилгани қайд этилган.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг (XIII аср) “Тарих ал-комил” асарида хабар берилишича, мўғуллар Гурганжни қамал қилганларида бош тўғонни бузиб ташлаганлар. Натижада, сув катта оқим билан Гурганж томон оқиб, шаҳар сув остида қолиб хароб бўлган. Катта миқдордаги сув оқиб Сарикамиш ботиғига бориб тушган. Маълум вақтдан сўнг Гурганж шаҳри тикланиб, Урганч номини олди ва у иккита тармоқ оралиғида жойлашган эди; асосий тармоқ Урганчнинг жанубидан оқиб ўтарди³⁵¹.

Мўғуллар истилоси даври (1221) дан бошлаб Хоразм ҳақида ёзма маълумот кам. Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвиний (XIV аср) “Нузҳат ал-қулуб” (1339 йилда ёзилган) асарида Амударё (Жайхун)нинг баъзи тармоқлари Орол денгизига (Хоразм қўлига) бориб қуйилганини, лекин дарёнинг бош тармоғи Хоразмдан оқиб ўтиши, Хулм (туркийда Гёрлади) остонасидан сўнг Каспий (Хазар) денгизига қуйилиши ҳамда бу жойни Холижон аташларини қайд этган³⁵². Ҳамдаллоҳ Қазвиний, шунингдек, Сирдарё (Сайхун) ҳам гоҳ Каспий (Абискун) денгизига, гоҳ Орол денгизи

350 Наджиб Бакрон. *Джаханнама*. Л. 6а.

351 Бартольд В.В. *Аму-Дарья*. – С.323.

352 Қазвиний. *Нузҳат ал-қулуб*. (1893). 213-б.; Қазвиний. *Нузҳат ал-қулуб*. (1915). 214-б.

(Хоразм кўли)га қуйилади, – деб ёзади³⁵³. Келтирилган маълумотдан, ўша пайтда Ўзбойдан сув оққан, дейиш мумкин.

XIV асрда араб сайёҳи Ибн Баттута ўз саёҳатида Сарой шаҳридан ўтиб, 1338 йили Хоразмда бўлганлиги ҳам маълум. Бу саёҳатчи Орол ҳақида ҳеч нарса ёзмаган бўлсада, бироқ “Хоразм (Гурганж шаҳри) ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади”, – деб қайд этади³⁵⁴.

Темур ва Темурийлар давридаги манбаларда ҳам ушбу мавзуга оид озми-кўпми маълумотлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришлари ҳикоясида Ўзбой эслатилмаган бўлса-да, лекин Заҳириддин Маръаший 1392 йили Темур фармони билан Мозандарондан у ердаги ҳақимлар ва сайидлар Каспий денгизи орқали кемаларда Хоразмга юборилганлигини эслатиб ўтган³⁵⁵.

XV асрда ёзилган манбалар ичида шу даврда ижод этган тарихчи Ҳофиз Абурунинг (вафоти 1430) “География” ва “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар сараси”) асарида Марказий Осиёнинг сувлари ҳақида айрим маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Абуру “География” асарида Орол денгизини Жайхун кўли дейди, шунингдек, манбаларда бу кўлнинг Хоразм денгизи аталганини, унинг даврида Балх дарёси (Амударё) ва Хўжанд дарёси (Сирдарё) ўз сувини Хазар (Каспий) денгизига элтиши сабабли, кўлнинг суви қуриб қолганини ёзади. Бу фикр Балх дарёси (Амударё) ҳақида ёзганида ҳам (1417) бор; унда, бу дарё ўз ўзанини ўзгартириб, янги ўзан билан чўл орқали Хазар денгизига оқаётганлиги ва Гёрлади (бошқа номи Ағрича) деган жойга қуйилиши қайд этилган³⁵⁶. Ҳофиз Абуру ёзганларида Амударёнинг қадимги ўзани – Ўзбой назарда тутилган. Тарихчининг “Зубдат ат-таворих” номли асарида XIV аср охирига мансуб тарихий кечинмалар баёнида Амударё сувининг бир қисми пойтахт Хоразм (Гурганж; Урганч) – ҳозирги Кўҳна Урганч шаҳри томон оққанлиги ва бу тармоқ Гурлан суви (Оби Гурлан) дейилгани ҳақида

353 Қазвиний. *Нузҳат ал-қулуб*. (1915). 217-б.

354 Иброҳимов Н. *Ибн Баттута*. 58-б.

355 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С. 63–64.

356 Ҳофиз Абуру. *География*. 34б варақ.

хабар берилади³⁵⁷. Амударёнинг Орол денгизига йўналган ўзанидан эса, дарё сувининг озроқ қисми оққан, Низомиддин Шомий уни Эски Ўкуз деб тилга олган³⁵⁸.

XV аср бошида Мовароуннаҳрда бўлган муаллифлардан Испания элчиси Клавихо (1404) ва тарихчи Ибн Арабшоҳ Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишини қайд этганлар; Клавихо бу дарёнинг қуйилиши жойини “Боку денгизи”, Ибн Арабшоҳ эса, “Қулзум денгизи” деб ёзганлар³⁵⁹.

Уқорида келтирилган ёзма маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида Амударё сувининг асосий қисми Гурлан суви номи билан Урганж (Кўҳна Урганч) орқали Сарикамиш ботиғига оқиб, унда кўл ҳосил қилганлиги ва у ердан Ўзбойга ўтиб Каспий денгизига бориб қуйилгани маълум бўлади.

Хондамирнинг ёзишича, 1460 йили Хусайн Бойқаро Астро-боддан Хоразмга қочган пайтда Ўзбой орқали Афричадан то Адоққача келган ва 7 кун деганда Амударёга етган, сўнгра қайиқларда дарёдан ўтиб Хоразмга борган экан³⁶⁰.

Орол денгизи ҳақида бевосита бўлмаса-да, бароқ Сирдарёнинг қуйи қисми тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам маълумот бор: “Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир, шарқ ва шимолий тарафдан келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сари оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафиданким, ҳоло Шохрухияга машҳурдир, ўтуб яна шимолга майл қилиб, Туркистон сари борур. Туркистондан хейли қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёга қотилмас”³⁶¹.

XVI аср Хоразм тарихига оид маълумотлар, асосан, Абулғози Баҳодирхоннинг (1603–1664 йиллар) “Шажарайи Тарокима” асарида берилган. У ўзидан олдинги давр учун маълумотни оғ-

357 Ҳофизи Абру. *Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий*. Бодлеян кутубхонаси (Оксфорд) қўлёзмаси, № 161 (форс тилида). 1466, 2226–223а варақлар.

358 Шомий. *Зафарнома*. 109-б.

359 Клавихо. *Дневник*. – С. 99; Ибн Арабшоҳ. *Ажойиб ал-мақдур*. (I) 151, 153 бетлар.

360 Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр*. (1954). 244–246 бетлар.

361 *Древний Отрар*. – С. 5.

заки хабардан олганини ва ёзма манбалар йўқлигини айтган. Унинг Ўзбой ҳақида ёзганлари XVI асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Жумладан, Амударёнинг Урганч (Кўҳна Урганч) дан қуйидаги қисми учун шундай ёзилган:

“Ул вақтда (XVI аср бошларида) Урганчдин Абулхон (Балхан) бормоқ бу овулдин ул овулга боргантек эрди. Анинг учун Аму суви Урганчнинг қалъасининг тубиндин ўтуб Абулхон (Балхан) тоғининг кун туғишина бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин ўргулиб, кун ботишга бориб, андин ўтуб Ўғурча бориб Мозандарон (Каспий) тенгизина қуяр эрди. Тақи ул ким Аму дарёсининг икки тарафи то Ўғурча борғунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахтистон эрди. Баланд ерларга чақир (чиғир) қуралар эрди. Молли халқ кўкавун ва чибин вақтинда бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетарлар эрди. Чибин ётқондин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди”³⁶².

1558 йил Хоразмга инглиз сайёҳи ва элчиси Антоний Женкинсон келиб кетди ва ўз саёҳатномасида бу ҳақда баъзи хабарлар қолдирди. Женкинсоннинг ёзишича, у пайтда Амударё суви Урганч атрофида кўп миқдорда суғоришга сарфланган, Сариқамиш кўлига оз қисми келиб қуйилган. Ўзбойдан Каспийга бу даврда сув оқмаган. Амударё сувининг асосий қисми Адоқ тармоғи (ҳозирги Амударё) орқали Хитой (Орол) денгизига қуйилган. Женкинсоннинг, агар дарё суви шу зайлда суғоришга кўп сарфланаверса, тез орада бу ерлар чўлга айланиб қолади, дегани амалга ошди³⁶³. Бу ҳақда Абулғози, ўзи туғилишидан (1603 йилдан) 30 йил муқаддам, Аму дарёси Қора-айғир тўқайдан йўл очиб Сир (Орол) денгизига оқа бошлагани; шу сабабдан Урганч атрофлари деярли чўлга айланганини ёзади: “Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, Хост кинорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир тенгизина қўйған экандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлибти. Раъият чўл ҳам бўлса ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин

362 Абулғозий. *Шажарайи турк*. 126-б.

363 Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – С. 85.

экиб ўлтуруб, экинни олғондин Урганч борурлар эркандур”³⁶⁴. Демак, бу ҳодиса 1573 йил, яъни Антоний Женкинсон саёҳатидан 15 йил кейин юз берган.

1625 йил Урганч ўзбеклари сув йўқлигидан тарқалиб кетди Бухорога, қозоқларга, манғитларга³⁶⁵. Кейинчалик, 200 ўзбек оиласи Бухородан қайтиб Оролга, яъни Амударёнинг денгизга қуйилиш жойи – дельтасига ўрнашдилар.

Юқорида келтирилган ёзма манбалар маълумотларидан ташқари, ушбу мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳам Ўзбойдан сув оқими бўлганлигини тасдиқлайди, лекин бу фикрларда озми-кўпми фарқлар бор. Айрим тадқиқотчилар Ўзбойдан фақат қисқа муддат сув оққан десалар³⁶⁶, бошқа бир олимлар, Амударёнинг суви бир вақтнинг ўзида ҳам Орол денгизига, ҳам Сариқамишга оққан деб хулоса қиладилар³⁶⁷. Шунингдек, Ўзбойдан XIV–XV асрлар давомида сув оққан³⁶⁸ ёки XIV аср охири XV аср бошларида Амударё бутунлай бурилиб Ўзбойдан оққан (64) деган фикрлар ҳам бор. Мавжуд илмий хулосаларда ёзма маълумотлар эътиборга олинishi билан бир қаторда, археологик ва палеогеографик тадқиқотлар натижаларига ҳам таянилган.

Ёзма маълумотлардан бир қанча хулосалар келиб чиқади:

– Марказий Осиёнинг сув ҳавзалари ҳақидаги ёзма маълумотлардан даврга қараб турли мақсадлар мавжуд бўлганлиги кўринади. Чунончи, юнонларда Каспий денгизининг дунё океанига қўшилганлик масаласи; Араб халифалиги даврида халифаликнинг ўз ҳудудидаги ва бошқа ўлкалар билан савдо-сотиқни ривожлантириш учун аниқ географик билимларга эга бўлиш; Хитойларда ғарбий ўлкалар билан савдони кенгайтириш ва Шимолий денгиз (Шимолий Муз океани) ҳақида маълумотга эга бўлиш; Россияда Каспий орқали сув йўли билан Ҳиндистонга чиқиш.

364 Абулғозий. *Шажарайи турк*. 167-б.

365 Абулғозий. *Шажарайи турк*. 173–174-бетлар.

366 Толстов С.П. и др. *История Сарыкамышского озера*; Толстов С.П. *По древним дельтам*.

367 Гулямов Я.Г. *История орошения Хорезма*.

368 Юсупов Х. *Обводнение Узбоя*. – С.51–50; Юсупов Х. *Древности Узбоя*.

– Ёзма маълумотлар шуни кўрсатдики, ал-Хоразмийдан бошлаб мусулмон олимлари Орол денгизи ҳақида анча аниқ маълумот бериб борганлар.

– Мўғуллар истилосигача бўлган манбалар хабарлари бўйича, Амударё сувининг бир қисми Орол денгизига ва бир қисми Хоразмни сув билан таъминлаб, ортгани Сарикамиш ботиғига бориб тўпланган, лекин сув сатҳи Ўзбойга тушадиган даражача кўтарилмаган. Сув махсус қурилган тўғон орқали тартибга солиб турилган.

– Мўғуллар истилоси даврида тўғон буздирилди. Гурганж ва унинг атрофидаги суғориладиган ерлар хароб бўлди. Амударёдан кўп миқдорда сув Сарикамишга йўналиб, у ерда тўпланиб, сув сатҳи кўтарилиб борди. Натижада, XIV асрга келиб Сарикамишдан Ўзбойга сув тушиб, ундан эса Каспий денгизига бориб қуйила бошлади.

– XVI аср ўрталаридан бошлаб Амударё суви, асосан, Орол денгизига оқадиган бўлди. Бу даврда сув оқими Урганч (Кўҳна Урганч) шаҳри томон борган сари камайиб борди ва бу шаҳар сувсиз қолиб хароб бўла бошлади. XVII асрда Хива шаҳри Хоразмнинг пойтахти бўлди.

– Узоқ тарихий давр мобайнида Орол денгизи ҳам, Сарикамиш кўли ҳам мавжуд бўлган. Лекин уларда сув сатҳи Амударё оқимининг ўзгаришига қараб кўпайиб, озайиб турган.

Амударё. Темурийлар даври манбаларида, асосан, Жайхун номи билан, баъзи ҳолларда Омуя дарёси шаклида қайд этилган. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида дарёнинг бошланишидан то қуйилишигача умумий тавсифи берилган. Яъни Бадахшон тоғларидан бошланиши, унга бешта йирик ирмоқ келиб қўшилиши, қайси вилоятлардан ва шаҳарлар ёнидан оқиб ўтиши, дарёнинг қуйи қисми тавсифида эса янги ўзан (Ўзбой) орқали Хазар (Каспий) денгизига қуйилиши ҳақида ёзилган. Амударёнинг XIV–XV асрларда Каспий денгизига қуйилганлиги ҳақида юқорида, Орол денгизи тавсифида шарҳ бериб ўтилди.

Сирдарё. Темурийлар даври ёзма манбаларида Сайхун дарёси ва Хўжанд дарёси номлари билан қайд этилган. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида бу дарё Туркистон тоғларидан бошланиши,

Хуршоб (ҳозирги номи Куршоб) ва Ўш (ҳозирги Оқбура) номли ирмоқлари борлиги, сўнгра бутун оқими бўйлаб тавсифи, қўйи қисмида эса, Хоразм чўлидан оқиб ўтиб Амударёга қўшилиши, ундан Хазар денгизига қўйилиши ҳақида ёзилган. Ҳозирги олимлардан Л.С.Берг ва С.П.Толстов, палеогеографик ва археологик тадқиқотларга асосланиб, Сирдарё ўзининг эски ўзани Жанадарё орқали Амударёга оққанлиги эҳтимоли мавжудлигини айтган бўлсалар-да, бироқ у ҳолатда ҳам барибир Орол денгизига қўйилган бўларди, – деб хулоса қилишган³⁶⁹. Демак, Сирдарё ўша даврда Орол денгизига қўйилган. Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида, шунингдек, ўша даврнинг бошқа тарихий манбаларида Сирдарёнинг Оҳангарон ва Парак (Чирчиқ) ирмоқлари ҳам тилга олинган ва дарёдан ўтиш жойлари асосий карвон йўлларида, яъни Чинос (Чиноз) ва Шоҳрухия ёнида бўлган.

Зарафшон дарёси. Темурийлар даври ёзма манбаларида Кўҳак суви (Оби Кўҳак) номи билан қайд этилган. Ҳофиз Абрунинг “География” асарида дарёнинг ўрта ва қўйи оқими, яъни Самарқанд шаҳри ёнидан то қўйилишигача бўлган қисми ҳақида маълумот берилган; суви суғоришда кенг фойдаланиши ва тошиб оққан чоғларида Жайхун дарёси (Амударё) гача бориб етиши таъкидлаб ўтилган.

Мурғоб дарёси. Бу дарё ҳақида анча муфассал маълумот Ҳофиз Абру “География”сининг Хуросон тавсифи қисмидан ўрин олган. Унда Мурғоб дарёси Бомиён тоғларининг Санжоб дарасида бошланиб, Ғарчистон (банди Туркистон ва Сафидкўҳ тизмалари) ҳамда Жарравон (Ҳисор тизмаси) ораларидан оқиб ўтади; сўнгра Бодғис (Бодхиз) ва Мурғоб булук (туман)лари худудидан оқиб текисликка, яъни Марв булукига етади ва охири чўлда қумлар орасида тугайди.

Амир Темур даврида ҳам, сўнгра Мирзо Шоҳрух салтанатида ҳам Мурғоб дарёси сувидан суғоришда кенг фойдаланилган, янги ариқлар қизилиб экинзорлар, боғ-роғлар барпо этилган. Мирзо Шоҳрух 1409 йили Марв шаҳрини қайта бунёд этишга киришади.

Қашқадарё. Бу дарё XV аср манбаларида ўрта оқимида Кеш суви (Оби Кеш) ва қўйи қисмида Қарши суви номлари билан

³⁶⁹ Толстов С.П. *По древним дельтам; Берг Л.С. Аральское море; Берг Л.С. Низовья Амударьи.*

тилга олинган. Унинг сувидан Кеш туманида суғоришда кенг фойдаланганлар. Шу сабабдан бўлса керак, қурғоқчилик йилларида дарё суви ёз ойларида Қаршигача етиб бормаган ва у ерда боғларни суғоришда қудуқ сувидан фойдаланганлар.

Чағониён (Сурхон) дарёси. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида “Чағониён” дарёси (руди Чағониён) номи билан тилга олинган ва Термиз атрофларида дарё сувидан суғоришда фойдаланилиши таъкидлаб ўтилган.

У ёки бу тарихий воқеа баёнида айрим қўл, дарё ва сойларнинг фақат номи тилга олинган: Ём суви (Самарқанд вилоятида), Парак (Чирчиқ), Чу (Чуй), Жорун (Чарин), Вахш, Хуршоб (Куршоб), Ош (Оқбура), Исиқўл (Иссиққўл).

Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари – Амударё ва Сирдарёдаги гузарлар ҳақида ҳам маълумот қайд этилган. Гузарлар карвон йўлларида жойлашган бўлиб, айниқса, халқаро савдо мунтазамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутарди. Ана шундай гузарларда сув бўйида аҳоли масканлари ҳам вужудга келган ва улар одамларни, от-уловларни, юкларни кемаларда ё солларда сувдан олиб ўтиш, уларнинг қисқа ҳордиқ олиши учун бошлана ва зарур хизматларни ташкил этиш билан шуғулланардилар. Жумладан, Термиз жанубий йўналишда ва Келиф ғарбий савдо йўлидаги Амударё кечувида жойлашган эди. Амир Темур даврида Термиз гузари, XV асрда эса Келиф ва Карки гузарлари ҳам аҳамиятга молик бўлган. Илгариги даврларда Термиз билан бир қаторда Омuya (ҳозирги Чоржўй) даги кечув ҳам Мовароуннаҳр билан Хуросонни боғлаб турган асосий гузар ҳисобланган.

Сирдарё бўйида савдо йўлларида жойлашган асосий гузарлар Чиноз (Чинос) ва Шоҳрухия (қадимги Банокат) шаҳарлари ёнида эди. XV асрда кўпроқ Чиноз гузари машҳур бўлган.

Ҳар бир гузар ўша ерда жойлашган аҳоли маскани номи билан аталган. Дарёдан ўтиш учун қайиқлар, соллар ва понтон кўприклардан³⁷⁰ фойдаланганлар. Амир Темур юришларида понтон кўприклар ва соллар ясаш кенг расм бўлган эди.

³⁷⁰ Понтон кўприклар – таги ясси қайиқлардан улаб ясалган муваққат кўприклар.

Соҳибқирон 1389 йили февраль ойида Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон устига юриши чоғида қўшинлари билан Сирдарёдан кўприклар боғлаб ўтган эди. Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Жаҳонгир хазрат Соҳибқирон: “Амирзода Умаршайх, амир ҳожи Сайфиддин ва Ийку-Темурлар бориб Хўжанд суви (Сирдарё)га кемалардан ва сол боғлаб кўприк қурсинлар”, – деб фармон берди. Улар буйруққа мувофиқ зудлик билан жўнаб кетдилар ва бир неча жойда кўприк тайёрлаб, бу ҳақда хазрат Соҳибқиронга хабар қилдилар. Он хазрат етти юз тўқсон биринчи йил раббуулаввалда (1389 йил, февраль), яъни илон йилининг бошида у ердан отланиб, улуғ тангрининг омонлиги ва қўллови кафолатида равона бўлди”³⁷¹. Гузарларда истиқомат қилувчилар кўпинча турли солиқлардан ҳам озод қилинган.

Кечиклар (гузарлар) номларидан “Бобурнома”да Амударё бўйлаб юқоридан қуйилиш томонга қараб *Тўқўзўлум, Убож (Уёж), Термиз, Карки, Чоржў* гузарлари ҳамда Сирдарёнинг юқори ҳавзасида *Ясси кечит гузари* номлари эслатилган. *Убож (Уёж)* – Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидаги кечув (гузар); XIV–XV асрларда Амударёнинг юқори оқимидаги асосий кечув саналган. Ҳозирги вақтда у ерда дарёнинг ўнг соҳилида Айваж аҳоли пункти бор. Бу кечув орқали Заҳириддин Бобур ҳам ўтган.

Темурийлар даври ёзма манбалари маълумотларига асосланиб Марказий Осиё сувлари, умуман, табиати ва ҳўжалиги ҳолатига назар солсак, унинг **иқлими** ҳозиргига нисбатан бир оз серёғин бўлган кўринади. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин: Зарафшоннинг суви тошиб оққан йилларда Амударёгача етиб борган. Темурийлар даврида Зарафшон водийсида суғорма деҳқончилик нисбатан кенг ривожланган, янги ерлар ўзлаштирилган, боғ-роғлар барпо этилган, қишлоқлар ва шаҳарлар сони ҳам, аҳолининг умумий сони ҳам кўп (ҳам ободончилик, ҳам миграция ҳисобига) эди; Мурғоб дарёси водийсида кенг миқёсда суғориш тизими барпо этилиб, катта ободончилик ишлари йўлга қўйилган; ҳозирги Туркменистоннинг жанубий қисмидаги сув тармоқлари XV асрда бугунгига нисбатан анча узоқроққа оққан, яъни 40–50 км. шимолроққа етиб борган;

³⁷¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 199а varaқ.

умуман олганда, дарёлар серсув бўлган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сидан бир мисол: “ҳазрат (Соҳибқирон Омуя дарёсидан) кечув жойини қидириб, синчковлик билан ҳар томонга назар солиб чиқиб Бўрдолиғ этагидан ўтиш жойини ихтиёр этди. Амирларга тўрт юз отлиқ билан дарёнинг қуйи томонига юришни буюрди, ўзи эса икки юз киши билан чошгоҳда сувга кириб, кеч пешинда у томондан сузиб чиқдилар”³⁷².

Иқлимдаги нисбий намгарчилик ўсимлик дунёсига ҳам таъсир этган ва ўт-ўланлар қалин ўсишга, ҳайвонот оламининг бойлигига ва турлари кўплигига имконият яратган. Ёзма манбаларда Амир Темурнинг Марв атрофларида, Кеш суви (Қашқадарё) ва Зарафшон дарёси этакларида, Сирдарё соҳилларида, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида қишлаб ов билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

“Қишлов жойи ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олганларидан сўнг, Кайхусрав Ўтрорга кетди; ҳазрат Соҳибқирон эса, олти юзта сара сипоҳ билан қайтиб, қишни саодат ва иқбол ила Тошкентда ўтказди; Фирдавсий “Шоҳнома”да бу шаҳарни “какликлар жаннати” (*биҳишти кабк*) деб атаган³⁷³ (60, 128 а-варақ).

“Онҳазрат (Амир Темур) тангри иноятига йўлдош бўлиб эсон-омон, саодат билан (Жата юришидан) салтанат тахтининг қароргоҳига етиб келди (1375 йил). Аскарларни дам олишга руҳсат этди. Ўзи эса, Қарши (шаҳри)дан икки манзил ғарбда жойлашган Занжирсаройга бориб тушиб, ўша ерда қишлоқ қилди”.

“Қиш [фасли] етиб келгач (1389–1390 йиллар), жаҳонгир Соҳибқирон Бухоро томон йўл олиб, Кўли Фаркатийда қишлоқ қилди. У ерда кўралар қилиб қасрлар ясаиб, уйлар қурдилар. Ул мавзеда кўллар кўп ва турли хил қушлар, айниқса, қув, уни форс тилида арж³⁷⁴ дейдилар, жуда кўп. Бу жой қўшломиши³⁷⁵ ва қуш ови учун бағоят муносиб эрур. Шу сабабдан, ўша кўллар ўртаси-

372 Яздий. *Зафарнома* (1972). 1226-варақ.

373 Яздий. *Зафарнома* (1972). 128а-варақ.

374 Арж – патлари ўта юмшоқ қуш: унинг патларидан ёстиқ қиладилар; туркийда уни “қу” дейишади. Айни пайтда каркидонни ҳам “арж” атайдилар.

375 Қўшломиши – матн мазмунидан: “қўшламоқ” ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб дам олмоқ.

да халифалик буюрилган тахт жаҳонгир Соҳибқирон шукуҳидан зийнат топган эди. Ҳумо савлатли анқо овловчи ходимлар солларни тайёрлаб, кўлларга (овга) чиқардилар. Улар шовқин-сурон кўтариб табл ва ноғораларни чалиб қушларни то [улар] бошқа кўлга етиб олгунча учириб ҳайдардилар. [У ерда эса], – қушчилар [овчи] қушларни учирар эдилар; тез ҳамла ўткир тумшукли шунқор ва калхат фалаксуръат қирғий қанот қоқиб қув ва қарқара каби катта-катта қушларни қаҳр-ғазаб билан ҳаводан пастга улоқтирар эди; чир бадал жасра ва баландпарвоз бургут панадан турна ва ғозга ажал етказувчи чангалини ёзиб, уларнинг қони билан ёкутранг қилар эди. Қушчиларнинг шовқин-сурони қувга, – ўз жонингиз ғамин енг, – деган [сўзлар] мазмунини эшиттирарди. Бироқ туғрулнинг ҳалокатли ҳамласидан омон қолмас эди. Ноғора овози қушларни яна кўрқитиб қочирарди.

(Назм)

*Қисқа бир фурсатда шунчалик кўп қуш
Овланар эдики, тавсифлаб бўлмас³⁷⁶.*

Иқлим, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳолатини қиёслаганда Темурийлар давридан то ҳозиргача ўтган вақт ичида ўлка табиатида айниқса, ўсимлик ва ҳайвонот оламида анчагина ўзгариш бўлганлигини ва бунда инсон фаолияти (антропоген омил) асосий ўрин тутганини кўрамыз. Марказий Осиёнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси илгари анча бой бўлган.

Тоғлар. Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўрта Осиё тоғлари ҳақида маълумот нисбатан кам. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида тоғлар, ҳозирги фанда мавжуд услубда йирик тизмалар тарзида тавсифланган. Ана шундай йирик тизмалардан бири Чин (Хитой) худудидан бошланиб, ғарбда давом этиши, Фарғона ва Усрушана худудидан, сўнгра Кеш ва Самарқанд Ғарчистони номи билан аталган. Марказий Осиёнинг жанубида эса Бадахшон тоғлари (Кўҳистони Бадахшон), унинг ғарбдаги давоми эса, турли қисмида турлича – Панжоб, Бомиёни Балх, Ғазна тоғлари номлари билан тавсифланган. Сирдарёнинг юқори ҳавзасида Туркистон тоғлари, Самарқанд яқинида ҳозирги

376 Яздий. *Зафарнома* (1972). 2056–206а varaқлар.

Нурота тоғлари (номи кўрсатилмаган) ва Бухоро тоғлари борлиги ҳам қайд этилган.

Юқорида кўрсатилган тоғлар номларини ҳозирги картага қўйиб қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда қуйидагича бўлади: Туркистон тоғлари – Марказий Тяньшань ва Олой тизмалари; Кўҳистони Бадахшон – Помир; Самарқанд Ғарчистони – Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг ғарбий қисми; Олақасроқ тоғлари – Зарафшон тизмасининг ғарбий бир бўлаги; Бухоро тоғлари – Оқтош тоғлари.

Марказий Осий тоғларида турли фойдали қазилмалар ҳам бўлган ва бу ҳақда X–XII асрлар ёзма манбаларида ҳам, XV аср манбаларида ҳам маълумотлар бор. Ўлка ҳудудида олтин, қумуш, мис, қалайи, темир, тошқўмир, нефть каби маъданлар мавжудлиги ёзилган. Кеш яқинидаги тоғлардан қизил туз қазиб олинган ва кундалик эҳтиёжда ишлатилган, Ўзганд яқинидан нашатир олинган.

“Бобурнома” да Мовароуннаҳр тавсифида табиий объектлардан тоғ, дара, доvon (кўтал), тепалик (пушта), яйлов (яйлоқ), водий (жулга), кўриқ (кўруқ), текислик (туз), дашт, ўланг, дарё (сув, руд), кечув (гузар) номлари берилган. Тоғ номларига Алай (тоғи), Еттикент тоғлари, Олатоғ, Митуғил тоғи, Масчо (матнда Масчо) кўҳистони, Фалғар кўҳистони, Сира тоғи, Шовдор тоғи, Шунқорхона тоғи, Кўҳитан киради. Мовароуннаҳр ҳудудида яна Комруд дараси, Абон кўтали, Итмак добони, Кандирлик добони, Пуштаи Кўҳак, Қорбуғ (Қорпук) пуштаси, Бўрка яйлоқи, Оққачғай (Оққапчиғай), Оҳангарон жулгаси, Бўдана кўруғи, Оқар тузи, Ҳодарвеш, Кониғил ўланги, Қулба ўланги, Кўли Мағок ўланги, Пуштаи Айш, Хонюрти ўланги қайд этилган. Юқорида ёзилганлардан “Бобурнома” да ҳудудий жиҳатдан Мовароуннаҳр бўйича, асосан, ҳозирги Олой тоғ тизмасининг айрим қисмлари ва қисман Тяньшань тизмасининг ғарбий чеккаси қамраб олингани маълум бўлади.

Самарқанд шаҳри ва атрофининг табиати ҳақида. Темурийлар даври манбаларида Самарқанд вилоятининг табиати – тоғу текисликлари, иқлими ва сув тармоқлари хусусида ҳам маълумотлар бор. Ҳофизи Аbru Самарқанд ёнидан ўтган **тоғлар**

(Туркистон тизмаси)нинг Кеш билан Самарқанд оралиғидаги қисми Олақасроқ аталиб, шу ерда тугашини ва тизманинг Самарқанд яқинидаги қисми шаҳар номи билан Самарқанд Ғарчистони деб аталишини қайд этган. Заҳириддин Бобур эса, уни Самарқанд вилоятида шу томонда жойлашган туман номи билан Шовдор тоғи деган³⁷⁷.

Шу билан бирга Самарқандда кучсизроқ **зилзила** бўлиб туриши ва шу сабабдан, аҳоли уйларни синчли қилиб қуришларини ҳам ёзади. Самарқанд яқинидаги тепалик – Пуштаи Кўҳак ҳам машҳур жой саналган ва ўша давр манбаларида кўп эслатилган. Самарқанднинг иқлими хусусида эса, Заҳириддин Бобур киш анчагина совуқ келишини айтади³⁷⁸.

Самарқанд вилоятида, шаҳарнинг яқин-атрофларидан бошлаб талайгина ўланглар – майсалар билан қопланган ялангликлар (даштлар) бўлган ва “Бобурнома”да бешта ўлангнинг тавсифи берилган.

Биринчи навбатда *Конибил ўланги* қайд этилади ва у Самарқанд шаҳридан шимоли-шарқ томонда, бир шаръий фарсанг (6–7 км.) масофада жойлашган, дейилган. “Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти *Кони обгир* экандур, вале тарихларда тамом Конибил битирлар, хейле яхши ўлангдур”, – деб ёзади Бобур³⁷⁹.

Конибил ўланги Афросиёб тепалигининг шимоли-шарқий томонида, Сиёб (Обираҳмат) ариғининг иккала қисми бўйлаб ястанган эди. Амир Темур етти йиллик юришдан қайтгач, Конибил ўлангида катта тўй беради ва бу ҳақда ўша давр манбаларида батафсил ёзилган³⁸⁰.

“У жойнинг ҳавоси мушқдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу (жойлар) жаннат бўстонида бир қитъа... қушларининг (ёқимли) сайрашлари торга жўр бўлган най (садоси) дан ҳам қулоққа ёқимлироқ”³⁸¹, – деб ёзган эди ўз вақтида араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ.

377 Бобур. *Бобурнома* (2002). 56-б.

378 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

379 Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.

380 Шомий. *Зафарнома*. 392–395-бетлар; Яздий. *Зафарнома* (1972). 4586–4596-варақлар; Бўриев О. *Клавихо “Кундалиги”да Мовароуннаҳр тавсифи*. 47–63-бетлар.

381 Ибн Арабшоҳ. *Амир Темур тарихи*. (I), 305-б.

Заҳириддин Бобур ҳам Самарқанд султонлари ҳар йили Конибил ўлангига келиб бир-икки ой дам олишларини айтади.

Конибилдан юқорироқда, Самарқанддан бир йиғоч йўл (тахм. 6–7 км) жануби-шарқда *Хонюрти ўланги* жойлашган бўлиб, Сиёб ариғи уни кесиб ўтиб, сўнгра Конибилга борган. Дилкушо боғи билан Самарқанд шаҳри оралиғида эса *Бўдана қўруғи ўланги*, Самарқанд шаҳридан икки фарсанг (тахминан 12–13 км.) шимоли-ғарбда *Қўли Мағок ўланги* жойлашганди. “Бир ёнида бир улуғ қўл воқе бўлубтур, бу жиҳаттин Қўли Мағок ўланги дерлар”, – деб ёзади Бобур. *Қулба ўланги*, нисбатан кичикроқ, шимолда Қулба кенти ва Кўҳак дарёси, жанубда Боғи Майдон ва шарқда Пуштаи Кўҳак билан чегараланган эди³⁸².

Оқар сувлар Самарқанд шаҳри ва вилоятининг хўжалик тараққиётида энг муҳим ўринда туради. Асосий сув тармоғи Зарафшон дарёси бўлиб, Ҳофизи Абру “География”сида Оби Кўҳак (Кўҳак суви) номи билан қайд этилган, унинг ўрта ва қуйи оқими, яъни Самарқанд шаҳридан то қуйилишигача бўлган қисми ҳақида маълумот берилган; суви суғоришда кенг фойдаланиши ва тошиб оққан йилларда Жайхун (Амударё) гача бориб етиши таъкидлаб ўтилган. Самарқанд шаҳрида эса, оқар сув бемалол эканлиги, маҳаллалар, бозорлар, кўчалар ва аксар хонадонларда оқар сувлар борлиги, ҳовлиларнинг бирортаси ҳовузсиз эмаслигини ёзади. Вилоят доирасида эса, унинг шаҳарга яқин қисмида бешта ариқ (Бозор ариғи, Маздохин ариғи, Обираҳмат ариғи, Каранд ариғи, Анҳори жаид ариғи (Янги ариқ) ва етмиш икки қаря (қишлоқ) қайд этилган³⁸³.

“Бобурнома”да Дарғом ариғи ҳақида аниқ маълумотлар ёзилган: “Бу сувдин (Кўҳак дарёси – Зарафшон) бир улуғ руд айрибтурлар, балки дарёчадур, Дарғом суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар, Самарқанддин бир шаръий (тахм. 6–7 км) бўлғой ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу су била маъмурдур”³⁸⁴. Заҳириддин Бобур тавсифлаган мазкур сув тармоғи

382 Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

383 Ҳофизи Абру. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида). 166а varaқ.

384 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

ҳозир ҳам мавжуд ва номи ҳам сақланган. Суви суғоришда кенг фойдаланилади.

Клавихо ҳам : “шаҳар ва боғлар орқали жуда кўп ариқлар ўтказилган”, – деб ёзган³⁸⁵.

Заҳириддин Бобур Кўҳак тепалиги этагидан оқиб ўтган Сиёб ариғи номини туркийга ўгириб “Қорасув” (“Конигилнинг Қорасуви”) деб ёзган ва унинг яна бир номи Обираҳмат эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади³⁸⁶.

“Бобурнома”да **Фарғона водийсида** табиий объектлардан тоғ, дара, довон (кўтал), тепалик (пушта), яйлов (яйлоқ), водий (жулга), кўриқ (кўруқ), текислик (туз), дашт, ўланг, дарё (сув, руд), кечув (гузар) номлари берилган. Тоғ номларидан ҳозирги Олой тоғ тизмасининг айрим қисмлари ифодаланган (Алай, Еттикент тоғлари).

Сувлар ҳақида Сайхун (Сирдарё) билан бир қаторда, яна бир қанча кичикроқ сув тармоқлари номлари ҳам берилган: *Хўжанд суйи* – Сирдарё; *Андижон суйи* (*Андижон руди*) – кичик дарё, Темурийлар даврида дарё Ўш шаҳридан ўтиб Андижонгача оқиб келган. Ҳозирги номи Оқбура, Қирғизистон худудида; *Ахси суйи* – ҳозирги номи Косонсой.

Овчилик ҳақида: Андижон атрофларида “Ови қуши доғи кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур”. Бу борада Ахси атрофининг табиатини таърифлар экан: “Ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангал (тўқай, чангалзор) дур. Буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур”, – деб ёзган.

Дашти Қипчоқ ва Мўғулистоннинг табиати ҳақида Темурийлар даври манбаларидан дастлаб Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида, Амир Темурнинг Мўғулистонга юришлари баёни муносабати билан, XV аср биринчи чорагида Ғиёсддин Наққошнинг Хитой сафарномасида ва Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида, XV аср охири

385 Клавихо. *Дневник*. – С. 138.

386 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

учун Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида маълумотлар бор.

Марказий Осиёнинг шимолидаги кенг дашт (Дашти Қилчоқ), Қорачуқ тоғи (Қозоғистоннинг жанубидаги Қоратов), Сирдарёнинг куйи ҳавзасидаги тўқайзорлар – Қоратўқай;

Мўғулистонда: тоғлар (Жайтўба, Юмгал, Отбоши), даралар (Буғом, Тошработ); доvonлар (Барскун (Барсхон), Жавку, Иси (Яси ёки Язи), Сунгтош (Сангтош), Тошработ, Хажар, Чадиркўл (Чатиркўл), Яси (Язи), Қорақиз; яйловлар (Юлдуз, Кўзибоши), даштлар (Отакум); дарёлар – Айша-хотун, Арпа, Ёзи, Буғом, Жинуж, Ила (Или), Иртиш, Норин, Олабуға, Отбоши, Оққуёш, Тика, Тошработ, Чарин, Чалак, Чу (Чуй), Чулак, Юмгал (Жумгал) Қоратол, Қорақайин, Қўчқор; кўллар – Байкўл, Иссиқкўл, Кўкча-Тенгиз (Балхаш кўли), Сангкўл.

Манглай-Субе (Шарқий Туркистон)да: тоғлар – Арбат, Раскам, Тагдумбош; доvonлар – Сакри, Санжу, Шаҳноз; дашт – Арбат; водий – Калик-Каба, Сарифкўл, Тарим, Тиман; дарёлар – Ёрқанддарё, Карйа, Кусан – Тазгун, Оқсу, Ўрунқош, Хўтан, Қора-Тазгун, Қорақош; кўл – Барскўл (Баркўл).

Ғиёсиддин Наққош ўзининг Хитой сафари кундалигида элчилар Хитойга боришда Мўғулистон ҳудудида жойлашган тўрт минг метр баландликдаги Юлдуз тоғ яйловининг табиати ҳақида шундай ёзади:

“[Элчилар] йигирма олтинчи жумод ал-аввал (1420 йил 8 июн)да Юлдуз яйлови³⁸⁷ ва ўлкасига кирдилар, у ердан ўтиб Шер Баҳромнинг элига етдилар. Шер Баҳромнинг ўғли шу ерда эди. Офтоб саратон [буржи]да³⁸⁸ эканлигига қарамай сув икки энлик ях боғлар эди”³⁸⁹.

Марказий Осиёнинг жанубий қисми – ҳозирги Афғонистон, айниқса, Кобул вилоятининг табиати ва хўжалиги Заҳрирiddин Бобурнинг “Бобурнома” асарида анча кенг ёритилган; Кобул шаҳри ва вилоятининг рельефи, иқлими, сувлари, ўт-ўланлари,

387 **Юлдуз яйлови** – ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови, Тяньшань (Тангритоғ) даги Хайдик-гол дарёсининг юқори ҳавзасида.

388 **Саратон буржи** – июнь ойининг иккинчи ярми.

389 Ғиёсиддин Наққош. *Хитой сафари кундалиги*. 11-б.

мевалари, экинлари, ободончилиги ҳақида муҳим маълумотлар бор.

Тоғлар тавсифи анча муфассал; уларнинг номланиши, жойлашиши, баландлиги, доvon (кўтал)лари, йўллари, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами кабилар ҳақида ёзилган. “Бобурнома”да: Кобул вилояти атрофлари тоғлар билан ўралган. Ҳиндукуш тоғи уни Балх, Қундуз ва Бадахшон вилоятларидан ажратиб туради. Бу тоғдан ошиш учун еттита йўл бор ва уларда кўплаб доvonлар орқали ошиб ўтилади: Панжҳир (Панжшир)да – Жавак кўтали, Тўл, Бозорак; Парвон йўли – унда еттита доvon бор ва шу сабабдан Ҳафтбача деб номланган. Андаробдан келган икки йўл бирлашиб Ҳафтбача била Парвонға келади, жуда пурмашаққат йўл. Шибарту кўтали, Обдара. Хуросон томондан йўл Қандаҳор орқали келади, бу йўлда доvon йўқ. Ҳиндистон томондан Кобулга тўрт йўл бор: Ламғонот, Хайбар тоғларидаги доvonдан ўтилади; Бангаш; Нағар, Фармул, деган маълумотларни ўқиймиз.

Унинг ўт-ўланлари ва ҳайвонот олами ҳақида: “Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулгасининг бирдек бўлур ва ҳўб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни бутка ўти дерлар...

Яна бир Нижров ва Ламғонот ва Бажур ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва ханжаклиқ тоғлардур. Ўти бу тоғларнинг ўтидек эмастур, қалин бўлур ва баланд бўлур, вале бефойда ўттур. От била қўйға созвор эмастур. Агарчи ул тоғларча баланд эмастур, кўзга ҳақир кўрунур, вале ғариб берк тоғлардур, ҳамвор-ҳамвор пушталар кўрунур, вале тамом пуштаси ва тоғи йирик тошлиқ пушта ва тоғдур, ҳар ердин от била юруб бўлмас...

Ғарб тарафидаги тоғлар Дараи Зиндон ва Дараи Сўф ва Ғарзавон ва Ғаржистон тоғлари, бир йўсунлуқ тоғлардур. Ўтлоғи аксар жулгаларида бўлур, ул тоғлардек тоғи ва пуштаси якдаст ўт бўлмас, андоқ қалин йиғочи ва арчаси ҳам йўқтур, вале ўти отқа ва қўйға созвордур.

Бу тоғларнинг усти тамом от чопқудек ҳамвордур, экинлари тамом анда бўлур. Бу тоғларнинг кийиги қалин бўлур... Ёўр ва Ғазю ва Ҳазора тоғлари ҳам бу йўсунлуқ тоғлардур, ўтлоғи

жулғасида бўлур. Тоғларида йиғочи ҳам камдур. Арча йиғочи худ йўқтур, ўти отқа ва қўйға созвордур. Кийиги қалин бўлур...

Яна Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Кобулнинг агарчи қиш қори улуғ тушар, вале яхши ўтунлари бордур”³⁹⁰, – деб ёзилган.

“Бобурнома”да 911 (1505–1506) йил воқеалари баёнида Кобул вилоятида юз берган қаттиқ зилзила ҳам батафсил ёзилган: “Бу аснода андоқ **зилзила** бўлдиким, қўрғоннинг фасиллари ва боғларнинг томлари аксар йиқилиб, шаҳрда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остиға қолиб ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-сексон ўбдон кадхудолар том остиға қолиб ўлдилар. Памғон била Бектут орасида бир парча ерким арзи биргина тош отими бўлғай учуб, бир ўқ отими қуйи борди. Учқан ернинг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди. Истарғичтин Майдонғача тахминан олти-етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким, баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилган ерда баъзи ерда киши сиғар эди. Зилзила бўлгон замон жамиъ тоғларнинг бошидин гардлар кўпти.

Нурулло танбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созини илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдиким, созлар бир-бириға урундилар. Жаҳонгир мирзо тепада. Улуғбек мирзо (ибн Султон Абусаид) солгон иморатлардин бир болохонанинг айвонида эди, зилзила бўлғоч, ўзини ташлади, осиб итмади. Жаҳонгир мирзонинг ёвуқларидин бири ушбу болохонада экандур, болохона томи устиға йиқилибтур, тенгри сахлади, ҳеч ерига озоре етмади. Тепадаги уйлар аксар туп-туз бўлди. Ўшал кун ўтгуз уч қатла ер тебранди. Бир ойғача ҳар кеча-кундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди. Қўрғоннинг бурж ва борусини шикаст ва рихтини бекларга ва сипоҳиларга фармон бўлдиким, ислоҳ ва мараммат қилғайлар. Йигирма кун-бир ойда жид ва ихтимом била қўрғоннинг си нуқ-бузуғини буткариб қўпарилди”³⁹¹.

390 Бобур. *Бобурнома* (2002). 115-б.

391 Бобур. *Бобурнома* (2002). 216-б.

Кобул шаҳри қўрғонидан жанубда айланаси бир шаръий (фарсаҳ – тахминан 7 км) келадиган каттагина қўл ва унинг ён-атрофларида ўланг (майсазор) лар бўлган. “Атрофида хўб тўрт ўланг (шимоли-шарқда – Сўнаққўрғон ўланги, шимоли-ғарбда – Чолок ўланги, ғарбда – Деврин ўланги, шарқда – Сияҳсанг ўланги) воқиъ бўлубтур... Ўланглар сабзалиқ маҳалида бисёр яхши кўрунур”³⁹².

Иқлими хусусида: “Ёзлар Кобулда шимолий ели кам эсадур. Аркта шимол сари даричалиқ уйлар асру хушҳаводур... Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек, ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским, бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи қори аксар улуғ тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволиққа машхурдур, вале муфрит совуқлари бордур”³⁹³.

Ҳайвонот олами: “Бу (Нижров, Ламғонот, Бажур, Савод) тоғларда Ҳиндустон қушлари, Ҳиндустон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва луча ва маймун ва нилагов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлғон жониворлардин дағи ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлурким, Ҳиндустонда дағи андоқ жониворларни эшитилмайдур”³⁹⁴.

Овчилик. “Кобул вилояти тоғ ораларида воқиъ бўлубтур... Куз ва ёз фасларида қизил кийикким, орқорғалча бўлғай қишлоққа, яйлоққа ўтарда муайян тутқовуллари бордур, қушлиқ ва итлик йигитлар бориб, тутқовулни сахлаб, кийик олдурурлар. Хурд Кобул ва Сурхоб тарафи қулони ҳам бўлур. Оқ кийик худ асло йўқтур. Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлур. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам ерда бўлғай.

Ёзлар Кобул қушлоғи қалиндур. Аксар қушининг гузари Борон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлғай, бир улуғ Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқдур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар, агар ел бўлса ё Ҳиндукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас.

392 Бобур. *Бобурнома* (2002). 185–187 бетлар.

393 Бобур. *Бобурнома* (2002). 187-б.

394 Бобур. *Бобурнома* (2002). 200–201 бетлар.

Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул навоҳидағи эллар қалин қуш олурлар.

Борон ёқасида қишнинг охирларида ўрдак қалин келур, би-сёр семиз бўлур, андин сўнгра турна ва қарқара, улуғ қушлар қалин ва беҳад бўлур. Борон ёқасида турнаға таноб отиб, таноб била қалин тутарлар. Уқор ва қарқара ва қўтонни ҳам таноб била қалин тутарлар, бу навъ қуш тутмоқ ғайри муқаррардур.

Бу тариқ била Борон эли қалин уқор тутарлар. Соч ўтағаси уқордин бўлур. Ироқға ва Хуросонға Кобулдин бир матоэ ким борур, соч ўтағасидур. Яна жамъи сайёд қуллардур, икки юз-уч юз уйлук бўлғайлар. Темурбек авлодидин бириси бу қулларни Мўлтон навоҳисидин кўчуруб келгандур. Ишлари, кучлари қуш тутмоқтур. Қўллар ясаб, қалин милвоҳлар тикиб, қўл ўртасида тўр қўйиб, ҳар жинс қуш тутарлар...

Ушбу мавсумда Борон суйида балиғнинг гузари бўлур. Тўр била яна жаҳ боғлаб, қалин балиқ тутарлар. Яна куз маҳаллари-даким, қулон қуйруғи деган ўт чиқиб камолға етиб, гул қилиб, дона боғлар, бу қулон қуйруғидин ўн-ўн икки пуштвора, яна кўк шибоқдин йигирма-ўттуз пуштвора сув бошиға келтуруб янчиб, сувға солурлар, солғон замон-ўқ сувға кириб маст бўлғон балиқ-ни тута киришурлар³⁹⁵.

Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиёда ободончилик ва хўжалик ривожининг ёритилиши

XIV–XV асрларда Марказий Осиёда мавжуд сернам иқлим ша-роити, сув ресурсларининг кўплиги суғорма деҳқончилик ва обо-дончилик ривожини учун қулай имконият яратган. Шу сабабдан, Темурийлар салтанати тарихига оид асарлардаги географик маъ-лумотлар кўпроқ Марказий Осиёнинг хўжалик ривожини, айниқса, Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда ке-лади. Биринчи ўринда Амир Темур томонидан амалга оширилган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари туради ва улар жумласига шаҳарлар, қўрғонлар, карвонсаройлар, бозорлар, работлар, суғо-риш тармоқлари, экинзорлар, боғ-роғлар, масжидлар, хонақоҳлар,

395 Бобур. *Бобурнома* (2002). 201–203-бетлар.

айрим шахслар қабрлари устига мақбаралар барпо этилганини таъкидлаб ўтиш керак. Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тадбирлари ўз навбатида бошқаларни ҳам руҳлантирган ва улар бу хайрли ишларга ўз улушларини қўшганлар.

Бунёдкорлик ишлари Амир Темур ишлаб чиққан аниқ режа асосида олиб борилган ва улар учта асосий йўналишни ташкил қилган: 1) шаҳарсозлик, турли обидалар, ободончилик масканлари барпо этиш; 2) хунармандчилик ва халқаро савдо; 3) илм-фан ва маданият ривожини.

Темурийлар даврида Марказий Осиёдаги шаҳарларни уларнинг **катта-кичиклигига қараб** уч турга бўлиш мумкин: нисбатан йирик шаҳарлар, шаҳар-қўрғонлар, кичик шаҳарлар Мовароуннаҳрда: Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Хўжанд, Тошкент, Шоҳрухия, Ахсикат, Андигон, Ўзганд, Ўтрор, Термиз, Хоразм (Урганч), Ҳисори Шодмон; Хуросонда: Ҳирот, Балх, Марв; Шарқий Туркистонда: Оқсу, Кошғар, Ёркент, Хўтан, Турфон, Қумул ёзма манбаларда нисбатан йирик шаҳарлар сифатида қайд этилган. Айни пайтда бу шаҳарлар ҳам девор билан қўрғон қилиб ўралган бўлган. Оқсарой (Хатлон вилоятининг маркази), Чоғоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой, Карки, Хива (Хивак), Кот, Дизак, Ўратепа, Саброн, Сиғноқ, Сайром, Ашпара (Ошпара) кабилар манбаларда кўпроқ шаҳар-қўрғонлар сифатида тилга олинади. Айрим аҳоли масканлари номидан сўнг “ҳисор” (қўрғон) атамаси келади (Карки ҳисори, Кот қўрғони).

Булардан ташқари, нисбатан кичикроқ шаҳарлар ҳам бўлган ва улар учун “қасаба” атамаси ёки “кичик шаҳар”, “унча катта бўлмаган шаҳар” иборалари қўлланилган. Масалан, Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Бухоро вилоятидаги Кармина “қасаба” ва Дабусия “кичик шаҳар” деб ёзилган.

Шаҳарлар моҳиятига кўра яна маъмурий марказлар, халқаро савдо йўлларидаги шаҳарлар ва ҳарбий аҳамиятга молик шаҳар-қўрғонларга ажратилади.

Маъмурий марказлар. Бунга Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанд, унинг она шаҳри Кеш, Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳирот, Мўғулистоннинг пойтахти Оқсу, йирик маъмурий шаҳри Кошғар, Фарғона водийсининг маъмурий мар-

кази Андижон, Заҳириддин Бобур давлатининг Афғонистондаги пойтахти Кобул маъмурий марказлар мақомида бўлган.

Самарқанд. Самарқанднинг кўп асрлик тарихда шаҳар бўлиб шаклланиши, сиёсий, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланишида унинг қулай географик ўрни, табиати, хўжалик ривож учун шарт-шароити (серсув Зарафшон дарёсининг ўрта ҳавзасида жойлашганлиги, ободончилиги, боғ-роғлари, майсазорлари, экинзорлари ва ҳ.к.) асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Темурийлар даврида Самарқанд Марказий Осиёнинг энг машҳур шаҳри, йирик сиёсий-маъмурий, иқтисодий-маданий маркази, Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган. Кўп жиҳатдан Самарқанд қулай бўлганлиги сабабли, Амир Темур ушбу шаҳарни пойтахт учун танлаган.

Заҳириддин Бобур: “Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур³⁹⁶... “Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ўқ ихтиёр қилди”³⁹⁷, – деб ёзади.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахт қилгани, унда шаҳар девори, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон бергани, натижада, Самарқанд ўша даврда ободлиги, аҳолисининг кўплиги ва дунёнинг турли мамлакатларидан савдогарлар келувчи марказга айланганини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ўша давр тарихий манбаларида у дор ус-салтана (салтанат пойтахти) деб тилга олинган. Амир Темур бу шаҳар ўз вақтида Араб халифалигининг пойтахти бўлган машҳур Бағдод шаҳри ва унинг замонида шуҳрат қозонган Миср давлатининг пойтахти Қоҳира шаҳридан ҳар томонлама устун бўлишини хоҳлаган ва бунга эришган. Самарқанд шаҳрининг соҳибқирон Амир Темур давридаги ҳашамати тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида жуда аниқ ифодалаб берилган. У жумладан, шундай ёзади:

“Тез орада Самарқанд, ул динпарвар жаҳондорнинг ҳукмронлиги ва адолати бахтига, ўта ободлигидан, [унда] яшовчи аҳо-

396 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

397 Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

лининг кўплигидан дунёнинг яқин ва узоқ [ўлка] ларидан келиб-кетувчиларнинг серқатновлигидан шу даражага етдики, унинг овозасидан, – шуҳрати Миср (Қоҳира)ни ортда қолдирди, чунки сизлар (уни) сўрамай қўйдингиз, – дейилганидек, Миср рашк либосини Нил [дарёсига] отди; Бағдодни беҳиштнинг лақаби билан “Дор ус-Салом” атасалар ҳам ҳасад ва рашк [билан тўккан] кўз ёшидан чехрасида узлуксиз сел оқарди.

Самарқанднинг [ҳуснига] рашк қилганидан,

*Бағдод юзида кўз ёши Дажла бўлмиш*³⁹⁸.

Самарқанд Буюк Ипак йўлида жойлашган, халқаро савдо карвонлари келиб қўнадиган ва турли мамлакатларга мол тарқатиладиган марказ эди. Шу сабабдан, ўша давр ёзма манбаларида Самарқанд, жумладан, унинг табиати ва хўжалиги ҳақида бир мунча кенгроқ маълумот акс этган.

Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Амир Темури ва Улуғбек даврларида олиб борилган бунёдкорликлар сифатида Самарқанд шаҳри девори ва қалъаси, Жоме масжид биноси, мадрасалар, хонақоҳлар ва кўплаб боғлар барпо этилгани таъкидлаб ўтилган.

Самарқанд шаҳри қўрғони. Темурийлар даври тарихчиси Ҳофизи Абру “География” асарида Самарқанд ҳар доим Мовароуннахрнинг катта шаҳри саналгани, Афросиёб ўрнидаги қадимги Самарқанд шаҳрининг улуғвор қўрғони, устма-уст қурилган бир нечта боруси, чуқур хандақи бўлгани, улар барчаси Чингизхоннинг хуружи пайтида вайрон этилгани ва ҳозир, яъни Амир Темури даврида, мазкур қурилишлардан қалъа харобалари муаллиф даврида Боло-Ҳисор номи билан мавжудлигини ёзади³⁹⁹.

Амир Темури ўз салтанатининг дастлабки пайтидаёқ қисқа муддатда Афросиёбдан жануби-ғарброқда янги шаҳар деворини (шаҳрбанд) ва аркнинг қалъасини барпо этади. Руи Гонсалес де Клавихо “Самарқандга саёҳат кундалиги” да бутун Мовароуннахр худудини Самарқанд подшоҳлиги (Империи де Самаркан-

398 Яздий. *Зафарнома* (1972). 141а varaқ. Бу байтда Бағдод шаҳридан оқиб ўтувчи катта дарё – Дажла дарёси назарда тутилган.

399 Ҳофизи Абру. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).

де) деб атайди, шаҳарнинг ташқи ва ички тузилиши, пахса девор ва чуқур хандақ билан ўралганлигини таъкидлаган⁴⁰⁰.

Заҳириддин Бобур ҳам Самарқанд шаҳри қўрғони Мовароуннаҳрдаги энг катта қўрғон эканлигини ва унинг узунлигини ўлчатганда ўн минг олти юз қадам (тахм. 7,5 км) чиққанини айтади. “Қўрғонини, фасилнинг устидин бунурдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди”⁴⁰¹.

Демак, ўша давр манбаларида қадимги пойтахт ва XIV асрда Амир Темури томонидан яратилган янги қўрғон ҳақида маълумот қайд этилган.

Шаҳар ичи ва атрофидаги қурилишлар. Темурийлар даври манбаларида Самарқанд шаҳри ва вилояти хўжалиги тавсифида ўша вақтда кенг қўламда олиб борилган бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор берилган ва уларнинг бир қисми шакл жиҳатдан яхлит меъморий мажмуаларни ташкил қилади: Кўксарой, Жоме масжид, Гўри Амир (ҳозирги номи Амир Темури мақбараси), Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) меъморий мажмуаси, Улуғбек мадрасаси, Улуғбекнинг астрономик обсерваторияси. Темурийлар даврида иморатлар, айниқса, кўшклар, аксари икки (баъзан уч ёки тўрт) қаватли қилиб қурилгани сабабли, мавжуд синчли қилиб лойдан қуриш анъанасидан фарқли ўлароқ, пишиқ ғиштдан қурилганини Ҳофизи Абру алоҳида таъкидлайди.

Кўксарой – Амир Темури пойтахтининг маъмурий бинолари жойлашган қисми. Унда мустақкам девор билан ўралган тўрт қаватли арк (Арки олий), зарбхона (Дор ул-зарб – танга-пул чиқарадиган жой) ва бошқа маъмурий бинолар жойлашган. Мазкур мажмуа ўз даври манбаларида Кўксарой номи билан қайд этилган. “Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройға мавсум ва машхур ва бисёр олий имораттур”⁴⁰², – деган эди Заҳириддин Бобур.

Арк ичида ҳукмдор учун тахт қўйилган махсус қабулхона барпо этилган бўлиб, унинг номи “Бобурнома”да Бўстонсарой деб эслатилган⁴⁰³. Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда: “... ул мубо-

400 Клавихо. *Дневник*. – С. 138; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 40-б.

401 Бобур. *Бобурнома* (2002). 58–59-бетлар.

402 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

403 Бобур. *Бобурнома* (2002). 54-б.

рак шаҳарни давлат байроғининг марказига айлантириб, пойтахт қилди. Шаҳар қўрғонининг қалъасини қуришга, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон берди”⁴⁰⁴ – деб ёзади мазкур олий мажмуа ҳақида.

Жоме масжид. Ўз даври тарихчилари уни “Жоме масжид” деб қайд этганлар, халқ орасида “Бибахоним масжиди” деган ном билан танилган. Ҳофизи Абрунинг ёзишича, соҳибқирон Амир Темур Самарқандда қурдирган иморатлар ичида энг муҳташами саналган.

Бунёдкорликлар ҳақида ёзма манбаларда берилган маълумотлар бир-бирини тўлдиради. Масалан, “Жоме масжид” ҳақида ёзилганларни оладиган бўлсак, Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида мазкур масжид қурилиши Амир Темурнинг олий фармони билан якшанба куни, рамазон ойининг тўртида, тарих саккиз юз бирда (1399 йил 10 май) бошланган. Қурилиш ишига Озарбайжон, Фор, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан беш юз нафар сангтарош жалб этилган ва яна беш юз киши тоғларда тош кесиб⁴⁰⁵, бу тошлар Ҳиндистондан келтирилган 95 та бақувват филлар (занжир-пил) ёрдамида тоғдан Самарқандга ташилган, хўкизлар қўшилган аравалардан ҳам фойдаланилган, масжид учун ҳар бири узунлиги етти газ келадиган 480 та устун тоғдаги тошлардан йўниб келтирилган; масжид баландлиги полидан то томигача ўн газ, эшиги етти хил металл қоришмасидан (ҳафт жўш), меҳроби металлдан бўлган. Амир Темур масжид қурилишига шаҳзодалар ва амирлардан иш юритувчилар тайинлаган⁴⁰⁶.

Ҳофизи Абру бу ҳақда, тамоми рубъи маскунда унингдек иморатни кўрсата олмайдилар: масжиднинг пойдевори хоро тоши (гранит)дан, меҳроби пўлатдан эканлиги, унга ғаройиб шакллар, ажойиб нафисликлар, латиф ёзувлар ва нозик санъаткорликлар қилингани, тўрт рукнида тўртта минора қурилгани, саҳни ва томи ҳаммаси тошдан маҳорат билан ишланганини ёзади⁴⁰⁷.

404 Яздий. *Зафарнома* (1972). 141а varaқ.

405 Яздий. *Зафарнома* (1972). 346б – 347а varaқлар.

406 Яздий. *Зафарнома* (1972). 347а varaқ.

407 Ҳофизи Абру. *География*. Оксфорд Бодлеян кутубхонаси қўлёзмаси (Fraze,

Амир Темур аксари вақтини масжид қурилишига ажратган ва ўша яқин-атрофда жойлашган Хоним (Бибихоним) мадрасаси ва Туман-оғо хонақоҳида туриб, ишларни шахсан ўзи назорат қилган. Қурилиш ишлари Амир Темур етти йиллик юришда вақтида ҳам давом этган ва сафардан қайтгач, унинг кириш эшиги торроқ ва пastroқ қурилганини кўриб, буздириб, кенгроқ ва баландроқ қилиб қайта қурдирган. Клавиҳо ўз “Кундалиги”да масжиднинг мазкур қисми қайта қурилишини бевосита Амир Темурнинг ўзи мунтазам назорат қилгани ва қурувчиларни рағбатлантириб тургани ҳақида ёзади⁴⁰⁸.

Заҳириддин Бобур “Бобурнома” асарида Жоме масжиднинг мазкур пештоқига оид нодир маълумот ёзиб қолдирган: “[Темурбек Самарқанд шаҳрида] Оҳанин дарвозасига ёвуқ қалъанинг ичида бир Масжиди жумъа солибтур... Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни – Ва из ярфаъу Иброҳиму-л-қавоъида⁴⁰⁹(ни) – андоқ улуг хат бирла битибтурларким, бир қуруғ⁴¹⁰ ёвуқ ердин ўқуса бўлур”⁴¹¹.

Мазкур меъморий ёдгорликнинг бир қисми бизнинг давримизгача сақланган. Масжид ҳовлисининг саҳни 63,8x76,0 м бўлиб, тўрт томондан равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг бир-бири билан боғланган 6 та меъморий бўлақлари сақланиб қолган. Булар ҳовлининг тўрида меҳробли ва баланд пештоқли бино, икки ёнида унинг кичик нусхаси, пойида масжиднинг иккига бўлинган пештоқ ва шимоли-ғарб томонида минорадир. Илгари бу бўлақлар 3 қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли бостирма-айвонлар билан бирлашган ва улар тепасида гумбазчалар (400 та) бўлган. Устунлар 480 та (оралиғи

408 Клавиҳо. *Дневник*. – С. 138; *Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 41-б.

409 *Қуръони Карим*, 2-сура (Бақара сураси), 127-оятдан (ушбу оятнинг тўла матни таржимаси қуйидагича: Эсланг, Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уйнинг (Каъбанинг) пойдеворини кўтарганларида, (шундай дуо қилдилар): “Эй, Раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен Эшитувчи ва Донодирсан). Мазкур оятда Иброҳим ўз ўғли Иброҳим билан муқаддас масжид Каъба уйи пойдеворини кўтарганларида айтган сўзлари келтирилган. Амир Темур ҳам ўзи барпо этган Жоме масжид пештоқига ушбу сўзларни битмоқни лозим деб топган.

410... **қуруғ** (қўруғ) – узунлик ўлчов бирлиги (шаръий), тахминан 2 км.

411 Бобур. *Бобурнома*. 59-б.

3,5 м) бўлиб, тагкурсилли, танаси ўйма нақш, тепаси калла муқарнаслар билан безалган (улар тупроқ остига кўмилиб кетган, археологик қидирув ишлари натижасида устунлар, тагкурсилар ва майда косачалардан иборат муқарнасли устун қоши топилган). Ҳовли ўртасида мраммар тошдан ясалган улкан лавҳ (Куръон ўқиладиган махсус курси) бўлиб, у дастлаб асосий бино ичида турган (1875 йили, катта гумбазнинг қурилишидан хавфланиб, ҳовли ўртасига чиқариб кўйилган). 1868 йили подшо Россияси кўшинлари Самарқандни қамал қилганда. Жоме масжид тўп ўқидан вайрон бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Жоме масжидни тиклашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш” ҳақидаги қарор (1994 йил 29 декабрь)га биноан меъморий мажмуада таъмир ишлари олиб борилмоқда.

Амир Темур мақбараси (халқ орасида Гўри Амир деб аталади). Амир Темур томонидан етти йиллик юриши пайтида Рум диёрида вафот этган невараси Муҳаммад Султон қабри узра шаҳар девори ташқарисида барпо этилган ёдгорлик. Ушбу мажмуа дастлаб Муҳаммад Султон чорси ҳовлининг шарқий ва ғарбий томонларида қурдирган мадраса ва хонақоҳдан иборат бўлган. Муҳаммад Султоннинг жасади унинг ўзи қурдирган хонақоҳга дафн этилган эди⁴¹².

Амир Темур 1404 йили, етти йиллик юришдан қайтгандан сўнг янги мақбара қурдиради. “Фармонга мувофиқ [Муҳаммад Султон] хонақоҳи ҳовлиси саҳнининг жанубидаги супага улаб бир баланд гунбаз барпо этдилар... жасад учун битта сардоба ҳам яратдилар. Шаҳзоданинг тобутини... хонақоҳ гунбазидан ўша сардобага кўчирдилар”⁴¹³, – деб ёзади Шарафуддин Али Яздий.

Ўша кунларда Самарқандга Амир Темур ҳузурига келган Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо мақбара қисқа муддатда битказилганини таъкидлаб: “Шундай катта қурилиш ўн кун ичида ниҳоясига етгани кишини ҳайратга солади. Подшоҳ мана шу невараси [руҳи]га бағишлаб ўша кун ичида эҳсон берди,

412 Яздий. *Зафарнома* (1972). 4576 varaқ.

413 Яздий. *Зафарнома* (1972). 4576 varaқ.

унга жуда кўп халқ келган эди; уларнинг одатига кўра [дастур-хонга] кўплаб гўшт тортилади”⁴¹⁴, – деб ёзган.

Амир Темура мақбара атрофини кенгайтириб, кўкаламзорлаштирди: “[Мақбара] атрофидаги бир нечта уйни буздириб, [ўрнида] жаннат боғини эслатувчи бир боғча яратдилар”⁴¹⁵, – деб ёзади Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда.

Кейинчалик, аниқроғи, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида бу мақбарага баъзи ўзгартиришлар киритилди; бу ерга Амир Темурнинг жасади (Шарафуддин Али Яздий маълумотиغا кўра, у дастлаб Муҳаммад Султон хонақоҳига қўйилган бўлган⁴¹⁶), унинг пири Сайид Барака хоки, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳрух, набираси Улуғбек дафн этилди Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда қуйидагича хабар беради: “Унинг (Сайид Бараканинг) хокини Андхуддан кўчириб, Соҳибқирон бунёд этган гунбазга дафн қилдилар. Өнҳазрат (Амир Темура)ни, ўзининг васиятига кўра, унинг (Сайид Бараканинг) оёқ томонига қўйдилар. Амирзода Муҳаммад Султон [жасади]ни ҳам мазкур гунбазга кўчириб, онҳазрат (Амир Темура)нинг ёнига дафн этдилар”⁴¹⁷. Кейинги жумладан, мақбарага ўзгартириш киритилган пайтда Муҳаммад Султоннинг жасади вақтинча бошқа жойга олиб турилган кўринади.

Улуғбек мазкур мажмуада кейинги йилларда ҳам таъмир ишларини давом эттирган. Чунки унинг Амир Темура сағанасига кўк нефритдан қабртош ясатиб қўйдиргани Мўғулистонга юриши (1425 йил) билан боғлиқ ва мазкур тош Улуғбек топшириғи билан ўша йили Мўғулистондан олиб келинган.

Ҳозирги вақтда Гўри Амир мажмуасида фақат мақбара бинони сақланган холос. Археологик тадқиқотлар натижасида мақбара ҳовлисининг икки ёнидан Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилди.

Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) меъморий мажмуаси. Унда Амир Темура ва Темурийлар даврига оид бир қанча меъморий

414 Клавиho. *Дневник*. – С. 133-134.

415 Яздий. *Зафарнома* (1972). 4576-варақ.

416 Яздий. *Зафарнома* (1972). 4846-варақ.

417 Яздий. *Зафарнома* (1972). 4876-488а-варақлар. Бу маълумотнинг Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида келтирилгани ҳисобга олинса, мазкур ўзгартириш асар ёзиб тугалланган 1425 йилгача вақтга тўғри келади.

обидалар мавжуд. Улардан бири Туман оқа масжиди ва мақбараси бўлиб, масжиднинг жанубий эшиги устига мазкур иморат Амир Мусонинг қизи Туман оқа томонидан қурилгани ёзилган.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида соҳибқирон Амир Темур 779/1377 йили Амир Мусонинг қизи Туман оқани ўз никоҳига олганини ёзаркан, унинг учун Самарқанднинг ғарбида, ўн икки юлдуз (бурж) сонига мувофиқ, ўн иккита боғни битта қилиб (бир боғ) яратгани ва унда олий қаср барпо этиб, уни “Боғи Биҳишт” деб атагани ҳақида хабар беради⁴¹⁸.

Шоҳизинда меъморий мажмуасида шунингдек, Темурийлар хонадонига мансуб шахслар – Амир Темурнинг опаси Қутлуг Туркон оқа, синглиси Ширинбека оқа, малика Ўлжой Туркон оқа ва бошқа таниқли шахслар мақбаралари ўрин олган.

Мирзо Улуғбек бунёдкорлиги. Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини невараси Мирзо Улуғбек давом эттирди ва бу болада Темурийлар даври манбаларида маълумотлар бор. Улуғбек бобоси Амир Темур қурган баъзи иморатларни такомиллаштириш билан бирга (масалан Гўри Амир), Самарқанд шаҳри қалъаси ичида мадраса (Улуғбек мадрасаси), хонақоҳ, ёғоч ўймакорлиги ва нақшинкор қилиб қурилган масжид (Муқаттаъ масжиди), ўзига хос услубда бунёд этилган ҳаммом (Мирзо ҳаммоми номи билан машҳур бўлган) ва Пуштаи Кўҳакда расадхона, катта-кичик боғлар, кўшклар, турли иморатларни ўз ичига олган меъморий мажмуа, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар барпо этди.

Мирзо Улуғбек яратган иморатларнинг аксарияти илм-фан ва таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган эди. Улуғбек мадрасалар, хонақоҳлар, маъмурий бинолар, уй-жойлар барпо этиб, уларга вақфлар белгилаган. Мазкур иморатлар ул табаррук шаҳардаги истеъдод соҳиблари ва хизмат кўрсатган кишилар учундир⁴¹⁹, деб қайд этади Ҳофиз Аbru.

“Бобурнома”да Улуғбекнинг бунёдкорлиги ҳақида анча тафсилотлар берилган: “Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ

418 Яздий. *Зафарнома* (1972). 162а–162б варақлар.

419 Ҳофиз Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).

деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммомиға машхурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ деб аталади. Бу жиҳатдин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар⁴²⁰.

“Бобурнома”да Улуғбек обсерваторияси ҳақида ёзилганлардан у ерда илмий мажмуа – фанлар академияси ташкил этилгани маълум бўлади. “Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ошёнлиқдур. Улуғбек мирзо бу расад била “Зижи Курагоний”ни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар...”

Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боге солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна,сутунлари тамом тошдин... Бу имораттин Пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боқча солибтур, анда бир айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур⁴²¹.

Самарқанд шаҳри атрофидаги бунёдкорликлар. Амир Темур Самарқанд вилоятида кўплаб янги қўрғонлар ва қишлоқлар барпо этган. Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг “Кундалиги”да Самарқанддаги ободончиликлар ҳақида: “Шаҳардан кўра, унинг деворидан ташқарисида аҳоли кўпроқ. Шаҳар атрофидаги боғларда ҳашаматли саройлар қурилган, уларнинг бир қисми Амир Темурга тегишли; ундан ташқари, бу боғларда шаҳар зодагонларининг ҳам ўз кўшк-саройлари бор⁴²², – деган эди.

420 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59–60-бетлар.

421 Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.

422 Клавихо. *Дневник*. – С. 138; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 40–41 бетлар.

Бунёдкорлик ишлари шаҳар атрофи ва бутун вилоятни қамраб олган эди. “Самарқанд атрофида, ҳазрат Амир [Соҳибқирон] ва улуғ амирзода [Мирзо Улуғбек]нинг ободончилик ишлари туфайли қайси томондан юрилмасин, бир ойлик ёки икки ойлик (йўлда), мусофирлар тунда чўлда тунашга тўғри келадиган бирор жой қолмаган. [Ҳатто] улар отлик бўлсалар ҳам ҳаммалари учун тўрт фасл давомида бошпана ва сув тайёр туради”⁴²³, деб ёзади Ҳофизи Абру.

Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятига эргашиб бошқалар ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшганлар: “Кундалик эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз дин ва подшоҳларининг ҳурмати юзасидан амирлар, аркони давлат, оқолар ва фарзандлар он Ҳазратга эргашиб ҳар бири ул диёрда мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлардан иборат ўз биноларини қурдилар ҳамда улар учун обод ерлар ва кўчмас мулкларни вақф қилиб, олимлар, зоҳидлар ва обидларга маош белгиладилар”⁴²⁴. Демак, Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тадбирлари ўз навбатида бошқаларни ҳам руҳлантирган ва улар бу хайрли ишларга ўз улушларини қўшганлар.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ал-мақдур фий навоиб ат-Таймур” (қисқача “Амир Темур тарихи”) номли асарида “Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар (қўрғончалар) бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва пойтахт шаҳарлар номи билан атади”⁴²⁵, – деб ёзган эди.

Ҳофизи Абру “География” асарида Самарқанд вилояти таркибида Сўғд, Шовдор, Иштихон, Ёркат, Коранд, Ёряйлоқ, Дизақ, Шероз, Анҳори Жадид туманларини санаб, Кўҳак дарёси (ҳозирги Зарафшон дарёси) Самарқанд вилоятини сув билан таъминлаши, кўплаб янги суғориш тармоқлари яратилгани, шаҳар атрофининг ўзида 72 та қишлоқ борлиги ва улар бешта ариқ – Бозор, Маздохин, Обираҳмат Каранд, Анҳори Жадид ариқларидан сув ичиши-

423 Ҳофизи Абру. *География*. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155.

424 Ҳофизи Абру. *География*. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе (форс тилида).

425 Ибн Арабшоҳ. *Амир Темур тарихи*. II, 83-б.

ни ва Анҳори Жаид ариғи бевосита Амир Темури буйруғи билан қазилганини айтган. Самарқанд Сўғди ободлиги ва латофати билан бутун Шарқ мамлакатларида шухрат қозонган⁴²⁶, деб ёзади у.

“Бобурнома”да тарихий воқеалар баёнида бир қанча кўрғонлар номлари эслатилади: Шероз, Ургут, Хожа Дийдор, Ёр-яйлоқ, Васманд.

Самарқанд боғлари. Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган маълумотлардан Амир Темури ва унинг авлодлари боғлар барпо этишга катта эътибор қаратганлари маълум бўлади. Биринчи навбатда Самарқанд шаҳри яқин-атрофида яратилган ўндан ортиқ кўркем боғларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Самарқанднинг Темурийлар давридаги боғлари ҳозирги илмий тадқиқотларда ҳам ёритилган; жумладан: В.Л.Вяткин, В.В. Бартольд, А.Ю.Якубовский, У.А.Алимов ишларида (адабиётлар рўйхатига қаранг).

Манбаларда аввало боғларнинг кўплиги таъкидлаб ўтилган. “Шаҳар атрофида боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, у ерга етиб келган киши гўёки ўртасида шаҳар жойлашган баланд дарахтлар ўсиб ётган бир ўрмонга яқинлашгандай бўлади... Шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир икки лига (5–10 км) масофагача ястанган...”, – деб ёзади Клавиҳо⁴²⁷. Сайёҳ тасавурида шаҳар атрофида яратилган ҳар бир боғ, унинг таркибидаги ҳашаматли кўшқлар, ҳовузлар, фавворалар, ариқлар, хиёбонлар, турли мевали ва манзарали дарахтлар билан бирга ўзига хос архитектура ансамблини ташкил этган. Мазкур ҳолатни Ҳофизи Абури ҳам тасдиқлайди ва: “Бошқа олий иморатлар жумласидан шаҳар атрофида барпо этилган бир нечта катта боғлардурким, ҳар бир боғда шоҳона кўшқлар қурилган”, – деб ёзади.

Ибн Арабшоҳ ҳам боғлар ҳақида ўз фикрини билдирган: “Темури Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб,

⁴²⁶ Ҳофизи Абури. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).

⁴²⁷ Руи Гонсалес де Клавиҳо. *Дневник*. – С.138. *Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 40–41-бетлар.

баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди. Уларнинг ҳар қайсиси ғаробатли тартибда, кўркам ва ажиб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустаҳкам қилиб, нодир мевали кўчатлар билан уларни безади”⁴²⁸.

Боғлар кўп бўлишига қарамасдан, уларнинг манбаларда келтирилган умумий сони ва номлари бир хил эмас.

Низомиддин Шомий. Зафарнома (6 та боғ): Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Давлатобод, Жаҳоннамой (Қаротўпа), Нақши Жаҳон, Тахти Қорача. Низомиддин Шомий Қаротўпа боғини унда қурилган Жаҳоннамой кўшки номи билан атаган.

Клавихо. Кундалик. Клавихо ўз кундалигида жами 8 та боғ ҳақида сўз юритади ва шундан тўрттасининг номини келтиради: Талисия ёки Кальбет – Гулбоғ (Боғи Давлатобод); Диликаха – Боғи Дилкушо; Байгинар – Боғи Чинор; Багино – Боғи Нав. Кастилия элчилари тўртта боғда (Боғи Дилкушо, Боғи Биҳишт, Боғи Нав, Боғи Чинор) расмий меҳмон бўлганлар.

Ҳофизи Абру. “География” (8 та боғ): Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Бўлду, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Баланд, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон. Улардан охиригикитаси Улуғбек томонидан барпо этилган.

Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома” (11 та боғ). Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Давлатобод, [Боғи Нав], Боғи Қаротўпа, Нақши Жаҳон боғи, Боғи Тахти Қорача, Боғи Шимол, Боғи Биҳишт, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Баланд.

Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур (6 та боғ). Бўстону Эрам, Зийнат уд-Дунё, Жаннат ул-Фирдавс, Бўстон уш-Шимол, Жаннат ул-Улё, Тахти Қорача⁴²⁹.

Заҳириддин Бобур “Бобурнома”. Самарқандда (9 та боғ): Боғи Биҳишт, Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи Шимол, (Боғи) Нақши Жаҳон, боғча (Улуғбек боғи).

Демак, Самарқанд атрофида Амир Темур яратган боғларнинг умумий сони энг кўп (**11 та боғ**) Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаарида берилган. Уларнинг аталиши форсий

428 Ибн Арабшоҳ, *Амир Темур тарихи*. II. 82-б.

429 Ибн Арабшоҳ, *Амир Темур тарихи*. II. 82–83-бетлар.

манбаларда деярли бир хил. Бироқ Кастилия элчиси Клавихо боғ номларини ўз испан талаффузида ёзган бўлса, араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ арабчага таржима ва қисман ўзгартирилган шаклда беради. Улардан иккитасини тахмин қилиш мумкин: Бўстон уш-Шимол – Боғи Шимол ва Жаннат ул-Улё – Боғи Биҳишт.

Темурийлар даври манбаларидан боғларнинг **яратилиш вақти** ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур томонидан Самарқанд атрофида яратилган боғлардан дастлабкиси Боғи Биҳишт бўлиб, унинг қурилиши 779 (1377) йилга тўғри келади. Қолган боғлар ҳам ундан кейинги йилларда барпо этилган ва охириги боғ – Боғи Нав Амир Темурнинг етти йиллик юриши йилларида яратилган ва шу сабабдан “Боғи Нав” (Янги Боғ) деб ном олган. Клавихо унинг номини “Багино” шаклида беради, Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Шайбонийхон билан жанги олдидан бир неча кун Боғи Навда турганини айтади⁴³⁰. Шарафуддин Али Яздий унинг номини келтирмаган бўлса-да, бироқ қурилиши ҳақида анча муфассал ёзади⁴³¹.

Амир Темур Самарқанд атрофида боғ яратишда жойнинг географик ҳолатига, аввало оқар сувлардан фойдаланиш имкониятига алоҳида аҳамият берган. Боғларнинг аксарият қисми шаҳарнинг Кўҳак дарёси (Зарафшон) билан Сиёҳоб (Сиёб, Қорасув) ариғи оралиғидаги шимолий ва шимоли-шарқий қисмига, Кўҳак тепалиги яқин-атрофларига тўғри келади (Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Нақши Жаҳон, Улуғбек яратган Боғи Майдон ва боғча – Мирзо Улуғбек боғи).

Самарқанддан жанубий йўналишда Кеш (Шаҳрисабз)га боришда ҳозирги Тахти Қароча довонигача манбаларда учта боғ қайд этилган: Боғи Давлатобод, Боғи Қаротўпа, Боғи Тахти Қорача.

Амир Темур Самарқанд шаҳри теварак-атрофларида курдирган ҳашаматли боғларнинг географик ўрни ҳақида “Бобурнома”даги маълумотлар аниқлиги билан ажралиб туради: “Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарво-

430 Бобур. *Бобурнома* (2002). 82-б.

431 Яздий. *Зафарнома* (1972). 558а варақ.

засиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар⁴³².

Боғи Биҳишт. Самарқанд боғлари ичида вақт жиҳатдан биринчи қурилгани Боғи Биҳишт эди ва унинг яратилиши ҳақида Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади:

“Шу йили (1377 йил) ҳазрат Соҳибқирон амир Мусонинг пушти камаридан бўлган маҳди аъло Туман-оғони шариатга мувофиқ тўй-ҳашам қилиб ўз никоҳига олди.

Он ҳазратнинг муборак хоотири ҳурлар зотидан бўлган маляксимон маликанинг кўнглини хушлаш учун жаннат мисол бир бўстон барпо этилишини тақозо этди. Бу ҳақда тезда фармон берилди ва Самарқанднинг ғарбида юлдузлар уй (бурж) ларининг сонига мувофиқ ҳолда бир-бирига туташ ўн иккита боғдан иборат битта боғ яратдилар. Унда бир муҳташам кўшк ҳам қурдилар, яхшилаб безадилар ва номи ҳам ўзига мос қилиб қўйилди, яъни “Боғи Биҳишт” деб аталди⁴³³.

Соҳибқирон Боғи Биҳиштда катта зиёфат беради ва таклиф қилинган меҳмонлар ичида Клавихо ҳам бўлган. У мазкур боғ тўғрисида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган:

“Кейинги душанба, ўн бешинчи сентябрда (1404 й.) сеньор ўта кўркем бошқа бир боғга ўтди. Бу боғ жуда катта. Унда кўплаб мевали ва салқин соя берадиган дарахтлар ўсади. Унинг ўртасида ҳашаматли, чиройли бино қад кўтариб турарди, хочга ўхшатиб қурилган ва кўркем зийнатланган. Бинонинг ўзида учта айвон бор, энг каттаси арксимон қилиб қурилган ва унда сеньор (Темурбек) ўтиради; [бино] саҳни ва деворлар кошин кори қилинган⁴³⁴.

Бу боғнинг жуда баланд ва ҳашаматли дарвозаси бор, [пишиқ] ғиштдан қурилган ва турли нақшлар, лазур ва зарҳал билан зийнатланган. Ўша куни сеньор катта зиёфат уюштиришга ва унга элчилар, ўзининг кўплаб қариндошлари, эркак ва аёллар ҳамда бошқа меҳмонларни чорлашни буюрди. Бу боғ жуда

432 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

433 Яздий. *Зафарнома* (1972). 162аб varaқлар.

434 Клавихо. *Дневник*. – С.111–112; Клавихонинг Самарқандга саёҳати (2004).

катта, унда кўплаб мевали ва салқин соя берадиган дарахтлар ўсади; ёғоч тўсиқлар билан ажратилган, одамлар сайр қиладиган хиёбонлар ва йўлкалар бор.

Боғда жуда кўп чодирлар қурилган ва ранг-баранг гиламлар ҳамда каштали ипак матолардан⁴³⁵ соябонлар ўрнатилган⁴³⁶.

Мазкур боғнинг ўртасида ҳашаматли, чиройли бино қад кўтариб турарди, хочга ўхшатиб қурилган ва кўркам зийнатланган. Бинонинг ўзида учта айвон бўлиб, уларга сўри ва ўриндиқлар қўйиш мумкин; [бино] саҳни ва деворлар кошинкори қилинган. Кираверишда бу айвонлардан энг каттаси жойлашган ва унда олтин суви юритилган катта кумуш стол бўлиб, унинг баландлиги одам бўйи, эни – уч тирсак [узунлигича] келади, унинг олдида – ўрин, [устига] кимхоб ва турли ипак матолардан тайёрланган зардўзи тўшамчилар қават-қават қилиб солинган. Бу ерга сенъор (Темурбек) ўтирарди; деворларга пушти рангдаги ипак пардалар илинган. Бу пардалар олтин қопланган зумрад марварид ва бошқа (қимматбаҳо) тошлар ўрнатилган қадама безаклар билан зийнатланган. [Устидан] эни бир қарич чамасидаги ипак матолар тепадан пастга осилган, худди пардалар мисоли безатилган. Мазкур матолар учида ранг-баранг ипак попуқлар осилиб турарди; шабада эсганда улар ҳар томонга тебраниб турар ва жуда чиройли [манзара] ҳосил қиларди.

Арксимон қилиб қурилган бу айвонга кираверишдаги найзасимон тиргақлар ҳам худди шундай зийнатланган эди; уларга ерга-ча осилиб турган ипак арқонларга катта-катта попуқлар осилган.

Бошқа айвонлар ўзгача зеб берилган пардалар билан шинам қилинганди, ерда эса, гиламлар ва бўйралар солинганди. Бу уйнинг ўртасида, эшик олдида олтиндан ясалган, тўрт оёқли иккита стол турарди, стол ва унинг оёқлари яхлит бир бутун (қуйма). Уларнинг узунлиги беш қарич чамаси ва эни – уч [қарич]; устига еттита олтин қўза қўйилган, иккитасига ташқи томонига йирик марварид, зумрад ва фируза [тошлар] ўйиб ўрнатилган, ҳар бирининг жўмракчаси ёнига ёқут [ишланган]. Яна олти-та доирасимон олтин пиёлалар ҳам қўйилганди, улардан бири

435 ... каштали ипак мато – сўзана.

436 Клавихо. *Дневник*. – С.112; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 17-б.

ички томонидан йирик думалоқ ва нодир марварид билан зийнатланган, ўртасига эса, катталиги икки бармоқдай келадиган, чиройли рангда [товланувчи] ёқут ўрнатилган”⁴³⁷.

Боғи Дилкушо. Амир Темур 799 (1396) йил кузида Конибиланги чеккасида боғ қуришга буюради ва кишининг баҳри-дили очиладиган жой бўлганлиги учун уни “Боғи Дилкушо” деб атайдилар⁴³⁸. Боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар бир томонининг узунлиги 1500 шаръий газ (тахм. 1 км) ва марказида уч қисмдан иборат баланд гунбазли бир қаср қурилган эди⁴³⁹.

Амир Темур мазкур боғни ўша кезларда совчилар жўнатган Ҳизрхожахоннинг қизи Тугал хоним учун белгилаган эди. Боғ қурилиши тугагач, Соҳибқирон қишлоғи учун Тошкент вилоятига боради⁴⁴⁰. Ҳижрий 800 йил раби ул-аввал ойининг боши (1397 йил 22 ноябрь)да Тугал хоним Чинос қишлоғида қишлоғида турган Амир Темур ҳузурига етиб келади. Амир Темур ўша ерда катта тўй қилиб, уни ўз никоҳига олади⁴⁴¹.

Боғи Дилкушо ҳақида Заҳириддин Бобур муҳим маълумот келтиради: “Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар”⁴⁴².

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да Амир Темур етти йиллик юришдан қайтганда Боғи Дилкушода катта базм ташкил қилиб, Кастилия элчиларини қабул қилгани ҳақида хабар беради. Клавихо ҳам ушбу қабул тўғрисида жуда муфассал ёзган.

Боғи Шимол. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича, бу боғ Амир Темур томонидан Самарқанднинг шимолида яратилган бўлиб, шу сабабдан “Боғи Шимол” деб ном олган экан⁴⁴³. Бироқ ундаги иккита кўшк қурилишига кейин-

437 Клавихо. *Дневник*. – С.112; *Клавихонинг Самарқандга саёхати* (2004). 17–18-бетлар.

438 Яздий. *Зафарнома* (1972). 293б варақ.

439 Яздий. *Зафарнома* (1972). 294а варақ.

440 Яздий. *Зафарнома* (1972). 293б – 294а варақлар.

441 Яздий. *Зафарнома* (1972). 294б варақ.

442 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

443 Яздий. *Зафарнома* (1972). 289а варақ.

роқ, 799 йил жумода ал-охир (1397 йил март–апрель)да асос солинган. Боғдаги иккинчи кўшк Мироншоҳнинг қизи Бекаси Султонга аталгани, лойиҳаси турли мамлакатлардан келтирилган меъморлар томонидан чизилгани ва Соҳибқирон уни маъқуллагандан сўнг қуришга киришганлари айтилган⁴⁴⁴.

Ибн Арабшоҳ мазкур боғнинг номини арабчага таржима қилиб Бўстон уш-Шимол деган. Заҳириддин Бобур: “Яна Самарқанднинг қуйи ёнида (шимоли ва ғарбида) Боғи Шимол ва Боғи Биҳишттур”⁴⁴⁵, – деб ёзади боғнинг ўрни ҳақида. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да Боғи Шимолдан жанубда Боғи Нав жойлашганини ҳам таъкидлаб ўтади⁴⁴⁶.

Боғи Нав. Самарқанд шаҳри яқин-атрофида Соҳибқирон қурдирган боғлар ичида энг ҳашаматлиси охирги барпо этилгани Боғи Нав эди. Ундаги кўшк бошқа боғлардаги кўшклардан ўзининг катталиги билан ажралиб туришини Клавиҳо ҳам Шарафуддин Али Яздий ҳам таъкидлайдилар.

Боғи Нав тавсифи Яздий “Зафарнома” асарида батафсилроқ берилган. Унинг ёзишича, мазкур боғ Боғи Шимолнинг жанубида жойлашган ва тўрт томондаги деворлари ҳар бирининг узунлиги 1500 шаръий газ (тахм. 1 км) бўлиб, ўртасида ҳашаматли шоҳона қаср қад ростлаб турган. Ундаги кўшк мрамор тошлар, фавворалар, қошиқорилар билан ўта чиройли тарзда зийнатланган эди⁴⁴⁷. Унда хорижий, жумладан, Шом (Сурия) усталари қатнашганини ҳисобга олсак, қурилиш вақти Амир Темурнинг етти йиллик юришининг охирги йилларига тўғри келади.

Юқорида келтирилганидек, бир нечта боғ Кўҳак тепалиги атрофларида барпо этилган. Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек расадхонаси жойлашган жойни Самарқанднинг шимоли-шарқида (Самарқанднинг шимолида, шарқ томонга мойилроқ) деган⁴⁴⁸. Демак, Кўҳак тепалиги этагида ва яқинида жойлашган боғлар Самарқанд шаҳридан шимоли-шарқ томонда бўлади:

444 Яздий. *Зафарнома* (1972). 289аб varaқлар.

445 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

446 Яздий. *Зафарнома* (1972). 294б varaқ.

447 Яздий. *Зафарнома* (1972). 458а varaқ.

448 Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 376–381-бетлар.

Боғи Нақши Жаҳон. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ушбу номда иккита жой назарда тутилган: бири – Исфаҳон ёнида; Амир Темур беш йиллик юриши чоғида (1392–1396) Исфаҳон шаҳри ташқарисидаги Нақши Жаҳон деган мавзеда беш кун тўхтаган⁴⁴⁹; иккинчиси – Кўҳак тепалигининг этагида Амир Темур барпо этган боғ, Исфаҳонда бўлганидан эсдалик сифатида уни “Нақши Жаҳон” деб атаган. Боғнинг барпо этилиши Амир Темурнинг беш йиллик юришдан қайтгандан (1396 й.) кейинги вақтга тўғри келади.

Заҳириддин Бобур ушбу боғнинг номи, жойлашган жойи, XV асрнинг охиридаги ҳолати хусусида аниқ ёзган: “Темурбек... Пуштайи Кўҳакнинг доманасида Кониғилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат ҳам дерлар, бир боғ солибтур. Нақши Жаҳонга мавсум. Мен кўрган маҳалда (XIV аср охирида) бу боғ бузуллуб эди, оти беш қолмайдур эди”⁴⁵⁰.

Боғи Бўлду. Бу боғ номи Ҳофизи Абрунинг “География” асаридаги Самарқанд боғлари рўйхатида ва “Бобурнома”да қайд этилган. “(Темурбек) Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвукроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур”⁴⁵¹, – деб ёзади Бобур. Амир Темурнинг бу боғда бўлганлиги ҳақида маълумот йўқ.

Боғи Баланд (Боғи Буланд) – Темурийлар даври муаллифларидан Ҳофизи Абру ва Шарафуддин Али Яздий бу боғни Амир Темур яратган боғлардан бири сифатида эслатганлар, бироқ ўрни аниқ кўрсатилмаган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да Амир Темур юришлардан, жумладан, Ҳиндистон юришидан ва етти йиллик юришдан қайтганида Боғи Баландда ҳам бўлганини ёзган⁴⁵².

Боғи Чинор – Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да: “Амир Темур пешиндан сўнг Боғи Чинор ва Нақши Жаҳонга ташриф буюрди”⁴⁵³ – деб ёзган. “Бобурнома”да Нақши Жаҳон боғи Кўҳак те-

449 Яздий. *Зафарнома* (1972). 2406 varaқ.

450 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-6.

451 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-6.

452 Яздий. *Зафарнома* (1972). 2926, 4576 varaқлар.

453 Яздий. *Зафарнома* (1972). 346a varaқ.

палиги этагида Обираҳмат ариғи икки томонида деб ёзганидан Боғи Чинорнинг ўрни Кўҳак тепалиги яқинида бўлган, дейиш мумкин. Заҳириддин Бобурнинг: “Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чинордур, қалъага ёвуқтур”⁴⁵⁴, деб ёзган сўзлари ҳам бор.

Боғи амирзода Шоҳрух – унинг номини Ҳофизии Абру “География” асарида ва Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да эслатганлар. Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибқирон вафотидан сўнг, Алиободга келиб жойлашган унинг оила аъзолари азадорлик маросимини ўтказиш ниятида шаҳарга кирмоқчи бўлиб Чорраҳа дарвозасига келадилар. Бироқ уларни шаҳарга киритмайдилар ва улар тунни ана шу дарвоза яқинидаги Амирзода Шоҳрух боғида ўтказишга мажбур бўладилар.

Шаҳрисабздан Самарқандга келишда Тахти Қорача довонидан бошлаб Темурийлар даври ёзма манбаларида қуйидаги кетма-кетликда учта боғ – Боғи Тахти Қорача, Боғи Қаротўпа, Боғи Давлатобод эслатилган. Бу боғларда Амир Темур Ҳиндистонга юриши ва етти йиллик юриши чоғида боришда ва қайтишда тўхтаб ўтган.

Боғи Тахти Қорача – Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида мазкур номда иккита жой қайд этилган: бири – Шероз атрофида; Амир Темур уч йиллик юриши чоғида 1397 йил декабрда лашкар билан Форс мамлакатининг пойтахти Шерозга етиб боради ва шаҳар ташқарисидаги Тахти Қорача деган жойда тўхтайд⁴⁵⁵; иккинчиси – Самарқанддан Кешга борадиган йўлдаги тоғ ён бағрида (Шарафуддин Али Яздий ёзишича, у ердан Самарқандгача масофа етти фарсах (тахм. 45 км) келади) Амир Темур бир боғ яратишни ва боғ ичидаги баланд жойда бир кўшк қуришни буюради. Боғ ичидан ўтган сойдан шарқираб сув оқарди. Фармонга мувофиқ қурилиш якунига етгач, унга “Тахти Қорача” деган ном берилади (Шероз яқинидаги мавзе номига мослаб). Тарихий кечинмалар баёнига қўра, боғ қурилишининг вақти 1398 йил баҳорига тўғри келади⁴⁵⁶. Тахти Қорача боғидан довонгача ораликда Қутлуғ Юрт деган аҳоли маскани ҳам бўл-

454 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

455 Яздий. *Зафарнома* (1972). 191а варақ.

456 Яздий. *Зафарнома* (1972). 294б - 295б варақлар.

ган⁴⁵⁷. Ибн Арабшоҳ ҳам бу боғни эслатиб ўтган: “[Амир Темури] Самарқанд билан Кеш ўртасида бир бўстон барпо этиб, унда бир қаср қурдирди ва уни Тахти Қорача деб атади. Ҳикоя қиладиларки, қаср қурувчиларидан бировининг бияси йўқолиб, олти ой шу бўстонда ўтлаб юргандан кейин уни топиб олган”⁴⁵⁸.

Боғи Қаротўпа (Қоратепа боғи) – Амир Темури томонидан Шаҳрисабздан Самарқандга келишда Тахти Қорача боғидан кейин барпо этилган боғ; унда қурилган кўшк эса Темурийлар даври манбаларида “Кўшки Жаҳоннамой” деб аталган. Шарафуддин Али Яздий одатда иккала номни бирга (Боғи Қаротўпа – Кўшки Жаҳоннамой) келтиради⁴⁵⁹. Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида уни фақат Кўшки Жаҳоннамой деб қайд этган⁴⁶⁰. Қоратепа боғида Кастилия элчиси Клавихо ҳам бўлган, бироқ номи эслатмаган. “... ўттизинчи августда (1404 йил) улар (элчилар) сеньорга тегишли бир катта ҳашаматли уйда тушлик қилдилар. Бу уй текисликда дарё бўйида катта ажойиб бир боғнинг ўртасида жойлашган эди”⁴⁶¹, – деб ёзади Клавихо.

Қоратепа боғи тугаб кетган бўлса-да, лекин унинг номи ҳозиргача сақланган ва ҳозир у ерда Қоратепа аҳоли маскани бор.

Боғи Давлатобод – Амир Темури фармони билан Шаҳрисабз – Самарқанд йўналишида яратилган боғ. Унинг номи Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида Соҳибқироннинг Ҳиндистон юришидан қайтиши (1399 йил) воқеалари баёнида эслатилганидан келиб чиқиб⁴⁶², боғ анча илгари яратилган, дейиш мумкин. Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга келганида (1404 йил) Давлатобод боғи жуда ҳашаматли жой бўлган ва у ўз “Кундалиги” да бу ҳақда батафсил ёзган:

“Якшанба эрталаб, ўттиз биринчи августда (1404 йил) элчиларни пахса девор билан ўралган, бир лига⁴⁶³ масофага чўзилган [бир] боққа олиб келдилар. Унда турли мевали дарахтлар, жумла-

457 Яздий. *Зафарнома* (1972). 346а varaқ.

458 Ибн Арабшоҳ. *Амир Темури тарихи*. II. 82–83 бетлар.

459 Яздий. *Зафарнома* (1972). 346а, 350б, 456б varaқлар.

460 Шомий. *Зафарнома*. 210-б.

461 Клавихо. *Дневник*. – С.106; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 10-б.

462 Шомий. *Зафарнома*. 275-б.

463 Лига – қадимги испан узунлик ўлчов бирлиги, 5572 м.

дан, цитронлар ва лимонлар ўсарди; олтита катта ҳовуз бор эди; ўртада боғнинг бошидан охиригача шарқираб ариқ оқиб турарди.

Ҳовузлар орасидан кенг хиёбонлар қилинган, уларнинг икки томонида виқор билан бўй чўзиб турган улкан дарахтлар соя солиб турарди. Мазкур хиёбонлардан бутун боғ бўйлаб катта-кичик йўлкалар мавжуд ва уларда юриб боғда сайр қилса бўлади.

[Боғ ўртасида] тупроқ тўкиб ҳосил қилинган усти ясси тепалик ўртасига кўркам кўшк барпо этилган. Унда олтин, лазур ва сирланган нақшлар ишлаб безатилган ҳужралар бор. Кўшк жойлашган тепалик айланасига сув тўлдирилган хандақ билан ўралган, унга махсус ариқдан узлуксиз сув қуйилиб туради. Кўшк жойлашган тепаликка ўтиш учун [хандақ устига] қарама-қарши томонлардан иккита кўприк қурилган. Кўприклардан дарвозаларга борилади, сўнгра зиналар орқали тепаликка чиқилади; яъни кўшк яхшигина ҳимояланган эди.

Боғда охулар ва кўплаб товуслар сайр қиларди, уларни бу ерга сеньор (Темурбек) буйруғига кўра келтирганлар. Боғдан майдони [ана шу] боғ майдонига тенг келадиган узумзорга ўтиларди, у ҳам пахса девор билан ўралган. Девор бўйлаб экилган дарахтлар баланд қад кўтарган, жуда кўркам. Кўшк ва боғ Талисия, уларнинг тилида Кальбет (Гулбоғ), деб аталади⁴⁶⁴.

Мирзо Улуғбек яратган боғлар. Боғи Майдон. Мирзо Улуғбек томонидан Кўҳак тепалигининг ғарбий этагида барпо этилган боғ. “Бобурнома” да бу ҳақда аниқ тафсилотлар ёзилган:

“(Мирзо Улуғбек) яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юққориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар⁴⁶⁵.

464 Клавихо. *Дневник*. С. 106; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 10-11-бетлар.

465 Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.

Мазкур боғ номи Ҳофизии Абрӯ “География”сида Самарқанд боғлари рӯйхатида ҳам бор.

Боғи Майдон деган жой тарихчи Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ҳам бор, бироқ унда Эрондаги Шероз шаҳри ёнидаги мавзе шундай аталган. Амир Темур беш йиллик юриши чоғида бир ой муддат ана шу Боғи Майдонда тўхтаб дам олган⁴⁶⁶.

Мирзо Улуғбек бобоси Амир Темур ўзи яратган боғларга Шероз яқинидаги “Тахти Қорача” ва Исфаҳон яқинидаги “Нақши Жаҳон” мавзелари номларини берганига эргашиб, ўзининг Кўҳак тепалиги этагида яратган боғига Шероз яқинидаги “Боғи Майдон” мавзеси номини бергандир.

Боғи амирзода Улуғбек (Мирзо Улуғбек боғи). Мазкур боғ номи Ҳофизии Абрӯнинг “География” асарида Самарқанд боғлари рӯйхатида келтирилган. Лекин унинг ўрни кўрсатилмаган.

Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Мирзо Улуғбек томонидан яратилган яна бир боғ ҳақида ёзган ва уни боғча (кичик боғ) дейди:

“[Мирзо Улуғбек] бу имораттин (юқорида тавсифланган Чилсутун назарда тутилган) Пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғой, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтирилгандин сўнг бу дарз бўлғондур.

Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур”⁴⁶⁷.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, Мирзо Улуғбек кўп вақтини расадхонада ўтказганини ва манбаларда Самарқанд атрофида бирор жойда Мирзо Улуғбек боғи кўрсатилмаганини ҳисобга олиб, у мазкур боғчани шахсан ўзига дам олиш учун қурдирган, дейиш мумкин.

Боғи Зоғон. Унинг номи фақат Ҳофизии Абрӯнинг “География” асарида Самарқанд боғларидан бири сифатида келтирилган; яратилган вақти ва жойлашган жойи ҳақида ҳеч қандай

466 Яздий. *Зафарнома* (1972). 239а varaқ.


467 Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.



Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси. Туркистон.




Самарқанд бозори. Рассом А. Алиқулов.




Мирзо Улуғбек мадрасаси. Самарқанд.




Элчилар Амир Темуր қабулида. Беҳзод миниатюраси.




*Оқсарой ва унинг меъморий безаклари.
Шахрисабз. 1379–1396.*



Амир Тему́р мақба́раси



Жомеъ (Бибихоним) масжиди. Самарқанд.



Ғиёсиiddин Наққошнинг Хитойга сайёҳати йўли.
(1419–1422)

маълумот йўқ. Темурийлар даври тарихчиларидан Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий “Боғи Зоғон” деганда Ҳиротдаги боғни назарда тутадилар. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротдаги Боғи Зоғонда Темурийлар давлати ҳукмдори Мирзо Шоҳрухнинг тахтгоҳи жойлашганини ёзган.

Ушбу ёзилганларга таяниб, Мирзо Улуғбек Самарқандда ҳам Ҳиротдагига ўхшаш боғ яратган ва уни Боғи Зоғон атаган, – деб тахмин қилиш мумкин.

Хулоса. Амир Темур Самарқанд атрофларида барпо этган боғлар, унинг вафотидан сўнг ўзининг олдинги улуғворлиги ва моҳиятини аста-секин йўқотиб борди. Сабаби, биринчидан, Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳиротга кўчган бўлса, иккинчи, Мирзо Улуғбекда барча боғларни доимий назорат қилиб туриш имконияти иқтисодий жиҳатдан чекланган эди. Боз устига, Улуғбек ўз даврида, асосан, илм-фан ва таълим тизими ривожига эътиборни кучайтирди.

Шунга қарамасдан, бу даврда (ҳатто XV аср иккинчи ярмида ҳам) айрим боғлар сақланган, жумладан, Улуғбек ҳукмдорлигида Боғи Дилкушо ва Боғи Чинорда мўътабар меҳмонларни кутиб олганлар⁴⁶⁸. XV аср иккинчи ярмида Амир Темур боғларидан Боғи Нав обод бўлган. Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Шайбонийхон билан жанги олдидан бир неча кун Боғи Навда турганини айтади⁴⁶⁹.

Лекин XV асрнинг охирларига бориб Амир Темур боғлари аксарияти тугаган эди. Заҳириддин Бобур Нақши Жаҳон боғи ҳақида сўз юритаркан, “Мен кўрган маҳалда (XV аср охирида) бу боғ бузуллуб эди, оти беш қолмайдур эди”⁴⁷⁰, – деб изоҳ беради.

“Бобурнома”да Самарқанд шаҳрида яхши қоғоз ишлаб чиқарилиши, нонлари ва овқатлари мақтовга арзигулик эканлиги ҳам таъкидланган.

Айтиш жоизки, бунёдкорлик фаолияти Темурийлар даврида ҳам Марказий Осийёда давом этди; янги боғлар, суғориш тармоқлари ва экинзорлар барпо этилди. “Султон Аҳмад мирзонинг

468 Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи сағдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 345, 353, 381- бетлар.

469 Бобур. *Бобурнома* (2002). 82-б.

470 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

замонида ҳам бек ва бекот қалин боғ ва боғча солдилар”⁴⁷¹, – деб ёзади Заҳириддин Бобур.

Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри ва вилояти. Амир Темур даврида Марказий Осиёда Самарқанддан кейин иккинчи ўриндаги йирик маъмурий марказ Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри бўлган. Зеро ўша даврдаги манбаларда Самарқанд – *дор ус-салтана* (салтанат пойтахти), Кеш – *дор ул-мулк* (мулк маркази) сифатида қайд этилган. Ҳофизи Аbru “Зубдат ат-таворих” асарида келтиришича, бу жой илгаридан хукмдорлар томонидан Соҳибқироннинг аждодларига ажратилган⁴⁷², кейинроқ эса, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” ёзишича, шу асосда Туғлуқ Темурхон фармони билан Шаҳрисабз ва унга ёндош худудлар то Жайхун (Амударё)гача Амир Темурга мулк қилиб берилган⁴⁷³. Амир Темур Самарқанддан кейин она юрти Кешда катта бунёдкорлик ишлари олиб борди.

Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри ва вилоятининг табиий шароити, ер-суви ҳам ободончилик ривожини учун қулай эди. “Ҳамманинг ҳовли-жой ва боғларида ҳар доим сув оқиб ётади... Турли хил мевалар кўп”⁴⁷⁴, – деб ёзади Ҳофизи Аbru. Кастилия қироли элчиси Клавихо ҳам 1404 йил август ойида Кешда бўлганида ободончиликка оид муҳим тафсилотларни ёзган: “У (Кеш) турли томондан суғориш тармоқлари ва жилғалар кесиб ўтган текисликда жойлашган. Шаҳарни қишлоқлар ва боғлар ўраб туради, атрофда кенг сайхонликлар ва уларда аҳоли гавжум қишлоқлар, ариқлар, ўтлоқлар кўзга ташланарди. Бу ерларда ёзда жуда гўзал манзара бўлади. Суғориладиган ерларда буғдой, узум, пахта, қовун ва баланд-баланд мевали дарахтлар ўсиб ётарди”⁴⁷⁵.

Темурийлар даври манбаларида шунингдек, Амир Темурнинг Шаҳрисабзда ҳашаматли бинолар – Оқсарой мажмуаси, Дор ус-Сиёдат (Сайидлар уйи), мадраса, хонақоҳ, работ, ҳовузлар, боғроғлар бунёд этганлиги ёзилган. Табиийки, аввало шаҳар қўرғон билан ўраб олинган ва Ҳофизи Аbru бу ҳақда: “Кешнинг қадиди

471 Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.

472 Ҳофизи Аbru. *Зубат ат-таворих*. Фотиҳ (Истанбул) кутубхонаси қўлёзмаси, № 4371/1.

473 Яздий. *Зафарнома*. 97а варақ.

474 Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида)

475 Клавихо. *Дневник*. – С. 102. *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 8-б.

мий шаҳрбанди бўлган, лекин у бузилиб кетган эди. Ҳазрат амир Соҳибқирон, – Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин, – етти юз саксонинчи (1378–1379) йили унинг шаҳрбандини қайта тиклади ва ўша йилнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказди⁴⁷⁶, – деб ёзади.

Клавихо мазкур қўрғонга аниқроқ таъриф беради: “Шаҳар пахса девор билан ўралган ва ташқарисидан айланасига чуқур хандақ қазилган, дарвозалар олдида кўтарма кўприклар бор⁴⁷⁷.”

Амир Темурнинг Кеш ва унинг атрофида бунёд этган бошқа иморатларини Ҳофизи Аbru қуйидагича тавсифлаган:

“Соҳибқирон давлати айёмида [Кеш] жуда обод бўлди; у ерда тош (пишиқ ғишт)дан бинолар қурдилар. Шу жумладан, Дор ус-Сиёдат, муҳташам бино; [Амир Темур] унга обод ерлар, қишлоқлар ва маъмур мулкларни вақф қилди... Шаҳарда ва атрофларида бир қисми Онҳазратнинг ўзига, баъзилари амирлар ва аркони давлатга тегишли бўлган мадрасалар, хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар ҳам бунёд этилган⁴⁷⁸.”

Ибн Арабшоҳнинг (1389–1450) “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” асарида эса, Амир Темурнинг аниқ туғилган жойи Шаҳрисабз яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи эканлиги ёзилган ва бу маълумот фақат шу манбада қайд этилган⁴⁷⁹.

Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Кеш (Шаҳрисабз)нинг географик тавсифини беради ва Амир Темур томонидан барпо этилган улкан иморатлар, девонхоналар, мадраса, хонақоҳ ва мақбаралар ҳақида ёзаркан, Кеш шаҳри бутун Мовароуннаҳрда Самарқанддан кейинги ўриндаги энг катта қўрғондир, – деб таъкидлаб ўтади⁴⁸⁰.

Кешдаги энг улкан қурилиш **Оқсарой мажмуаси** саналган. “Шахсан Онҳазратнинг ўзи учун баланд кўшк қурдилар ва у Оқсарой деб аталади⁴⁸¹”, – деб ёзади Ҳофизи Аbru.

476 Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида)

477 Клавихо. *Дневник*. – С. 102. *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 8-б.

478 Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида)

479 Ибн Арабшоҳ. *Амир Темур тарихи*. I. 68-б.

480 Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

481 Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида)

Оқсаройнинг Клавихо “Қундалиги” даги тавсифи ўша давр бошқа манбаларида учрамайди. Клавихо уни қаср дейди ва Амир Темури барпо этган иморатлар ичида энг муҳташам деб, қуйидагича тавсифлайди:

“Элчиларни подшоҳнинг буйруғи асосида қурилаётган катта қасрни қўришга таклиф қилдилар. Айтишларича, йигирма йил бўлмишким, унда ҳар куни ишлайдилар. Ҳозир ҳам жуда кўп усталар ишларди. Қасрнинг узун кириш йўлаги ва баланд дарвозалари бор; бу ерда кираверишда ўнг ва чап томондан [пишиқ] ғиштдан арк қурилган эди, турли нақшлар билан безатилган. Мазкур аркнинг пастки қисмида гўёки эшиксиз хоначалар, аниқроғи, нақшинкор [ўйиқлар] бор; бундан мақсад, сеньор қасрда бўлган кезларда, у ерда одамлар ўтирсин, – деб қилинган.

Бу дарвозадан кейин иккинчи дарвоза жойлашган, ундан нарида катта ҳовли бор, саҳни оқ мрамрдан; атрофида жуда ҳашаматли кўркам айвонлар қурилган. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бор. Бу ҳовлининг саҳни энига тахминан уч юз қадам (тахм. 200 м) келади, у ердан қасрдаги энг катта бинога ўтилади; киришда улкан баланд эшик бор; у зарҳал ва мовий бўёқлар билан нақшланган ва ажойиб услубда кошинкори қилинган. Эшик тепасида ўртада қуёш акси ва арслон сурати ишланган, чеккаларида ҳам шунга ўхшаш тасвирлар бор...

Бу эшикдан қабулхона (деворхона)га кирилади; у тўртбурчак шаклда, деворлари зарҳал ва мовий бўёқлар билан нақшланган, кошинкорлик қилинган, унинг шифти бошдан-оёқ зарҳал. Элчиларни бу ердан юқори қаватга олиб чиқдилар, унда ҳамма хоналар тиллакори қилиб ишланган, улар (элчилар)га шунчалик кўп хоналарни намоёйиш этдиларки, ҳаммасини тавсифлаш амри маҳол. Бу қаватдаги тамоми хоналар зарҳал, мовий ва бошқа ранглардаги бўёқлар билан шу даражада безатилганки, ҳатто, моҳир усталар [макони] Парижда ҳам бунга ҳайратлансалар арзийди. Бундай санъат улар наздида ҳам ажойиб саналарди.

[Сўнгра элчиларга] Темурбек ва унинг хотинлари учун қурилган хоналарни кўрсатдилар; уларнинг деворлари, шипи ва саҳни ҳайратланарли даражада безатилган. Ушбу саройнинг қурилишида жуда кўп турли касбдаги усталар ишлаганлар.

Шундан сўнг элчиларни Темурбек тўй-ҳашамлар учун қурдирган хонага олиб бордилар. Бу жуда кенг хона ва мафтункор қилиб безакланган; уй олдида хилма-хил мевали ва манзарали дарахтлар [экилган] соя-салқин боғ ястанган; унда кўплаб ҳовузлар ва майсазорлар бор. Боғга кираверишда кенг саҳн қолдирилган ва жазирама ёз палласида бу жойда дарахтлар кўланкасида жуда кўп одам ҳордиқ чиқариши мумкин. Мазкур қаср шу даражада муҳташам ва безакланганки, уни яхшилаб тавсифлаш учун ҳамма қисмларини шошмасдан бирма-бир айланиб чиқиш лозим бўлади”⁴⁸².

Оқсарой ҳақида Заҳириддин Бобур ёзганлари Клавихо маълумотларини тўлдиради: “Ўзига девон ўлтурур учун бир улук пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур. Мунча олий тоқ оламда кам нисшон берурлар, дерларким, Кисро тоқидин бу буйикрактур”⁴⁸³.

Клавихо “Кундалиги”да Амир Темур Кеш шаҳрида ўзи учун хилхона шунингдек, отаси Амир Тарағай ва тўнғич ўғли Мирзо Жаҳонгир қабрлари устига мақбаралар барпо этгани ҳақида ёзилганларда ҳам нодир маълумотлар ўрин олган.

Андижон. Темурийлар давридаги маъмурий марказ даража-сидаги шаҳар сифатида Андижон шаҳрини кўрсатиш мумкин. Андижон – Андижон вилояти, умуман Фарғона водийсининг маъмурий маркази саналган, унинг қўрғони ва арки бўлган; Буюк Ипак йўлидаги муҳим шаҳар; савдо карвонлари Кошғар, Ўзганд, Ўшдан ўтиб Андижонда тўхтаган, у ердан Ахсига ўтиб, сўнгра Тошкент томон юрган.

Андижон – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туғилиб ўсган ватанидир. “Бобурнома”да Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг географик ўрни, асосан, пойтахт Андижонга нисбатан кўрсатилган ва баъзида масофа ҳам берилган. “Марғинон – Андижоннинг фарбидадур, Андижондан етти йиғоч йўлдур”⁴⁸⁴.

482 Клавихо. *Дневник*. – С. 102-104; Клавихонинг Самарқандга саёҳати (2004). 9–10-бетлар.

483 Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

484 Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-б.

Темурийлар даврида Ўш шахридан ўтиб Андижонгача оқиб келган кичик дарё – Андижон суви шахар ва атрофларини сув билан таъминлаган (ҳозирги номи Оқбура, Қирғизистон худудида). Бобур дарё сувидан ободончиликда кенг фойдаланишни таъкидлаган: “Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур”.⁴⁸⁵

Шаҳарнинг қўрғони ҳақида эса: “Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқий бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур”⁴⁸⁶, – деб ёзади Бобур.

Андижондаги мўл-кўлчилик ва унинг табиий шароити ҳақида: “Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас... Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ошгинаси била тўрт киши еб тугата олмайдур... Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур”⁴⁸⁷, – дейилган.

Амир Темур ўз вақтида Андижонни бошқаришга ўғли амирзода Умаршайхни тайинлаб, бу жойни унга мулк (*иктои хосса* – махсус ҳадя) сифатида белгилаган эди ва у умумий ҳисобда 17 йил мазкур вилоятни бошқарди.

XV аср иккинчи ярмида Султон Абусаид ҳам, бобосининг анъанасини давом эттириб, Андижон вилоятини бошқаришни ўғли Умаршайх мирзога (855/1451 – 900/1494 йй.) топширди. “Ул муносабат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзога Фарғона вилоятини бергандур, Андижон вилоятини бериб, Ху-

485 Бобур. *Бобурнома* (2002). 34–35-бетлар.

486 Бобур. *Бобурнома* (2002). 34-б.

487 Бобур. *Бобурнома* (2002). 34–35-бетлар.

дойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди”⁴⁸⁸, – деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Умаршайх мирзо Фарғона вилояти ҳокими бўлган. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳи – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони саналган. Фарғона вилоятининг ғарбий чегарасида жойлашган Ўратепа қўрғони ва вилояти ҳам қисқа муддат (1487–1494 йиллар) Умаршайх мирзога қарашли бўлган.

Умаршайх мирзо 1494 йили Ахси қўрғони тепасидан йиқилиб ҳалок бўлади ва ўрнига ўғли Заҳириддин Бобур тахтга ўтиради. Кошғар йўналишидаги Ўш ва Ўзганд вилоятлари ҳам Заҳириддин Бобурга тегишли эди.

Халқаро савдо йўлларидаги шаҳарлар. Амир Темурнинг жаҳон аҳамиятига молик яна бир бунёдкорлик тадбири – ўз салтанатида халқаро савдо йўлларини тиклаш ва ривожлантириш бўлди. Унинг тинимсиз саъй-ҳаракати билан Буюк Ипак йўли қайта тикланди, савдо карвонлари қатнови учун хавфсизлик тўла таъминланди ва бу муҳим халқаро савдо йўли шарқдан Мовароуннаҳр худудига иккита йўналишда кириб келган: 1) Кошғар орқали; 2) Еттисув орқали.

Марказий Осиёдаги кўпгина шаҳарлар Буюк Ипак йўли тармоқлари устида жойлашган эди. Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шахрисабз), Хўжанд, Тошкент, Шохрухия, Ахсикат, Андигон, Ўзганд, Ўтрор, Термиз, Хоразм (Урганч), Ҳисори Шодмон, Ҳирот, Балх, Марв; Шарқий Туркистонда: Оқсув, Кошғар, Ёркент, Хўтан, Турфон, Қумул ёзма манбаларда халқаро савдо йўлларидаги шаҳарлар сифатида қайд этилган.

Амир Темур салтанатида Самарқанд Буюк Ипак йўлида жаҳон аҳамиятига молик савдо марказига айланган эди ва дунёнинг турли мамлакатларидан бу ерга савдо карвонлари кириб келарди. Клавихо “Кундалиги”да бу ҳақда жумладан, қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

“Ҳар йили Самарканде шаҳрида кўплаб Катай (Хитой), Ҳинд (Ҳиндистон), Тарталия (Олтин Ўрда) ва бошқа турли жойлардан ҳамда шу ўлка (Мовароуннаҳр)нинг ўзидан келтирилган моллар савдо қилинади.

Шаҳарда бемалол савдо-сотик ишлари олиб бориш учун махсус майдон бўлмагани сабабли, сенъор (Темурбек) бутун шаҳарни кесиб ўтувчи йўл ўтказишни ва унинг иккала томонига савдо дўконлари қуришни буюрди ... Бу ишни кечаю-кундуз давом эттириб, [тез орада] кўчани жуда кенгайттирдилар ва [йўлнинг] икки томонига чодирлар тикдилар; ҳар бир чодир олдига яхлит оқ [мармар] плиталар қўйилган баланд ўриндиқлар ўрнатилган эди. Ҳамма чодирлар иккидан қилиб бирлаштирилган ва унга ёруғлик тушиб туриши учун деразалар қўйилганди. Чодирлар қурилиши тугаши билан у ерга савдогарларни юбордилар ва улар ўз молларини сотишга киришдилар. Кўчанинг баъзи жойларига фавворалар қурилганди... Ана шундай катта иш йигирма кунга қолмай ниҳоясига етказилган эди, ҳайрон қоласан киши”⁴⁸⁹, – деб ёзади Клавихо бу ҳақда.

Амир Темур ва Темирийлар салтанатида асосий савдо йўлларида божхоналар бўлган ва улардан баъзилари ўша давр манбаларида тавсифланган. Бундай божхоналар Буюк Ипак йўли бўйлаб бир нечта жойда бор эди ва ёзма манбаларда уларнинг номи турлича берилган бўлса-да, бироқ мазмунан бир хил маънони англатган.

Темир дарвоза. Форсча – Дарбанди Оҳанин (“Темир Дарвоза”), қадимги туркий тилда – Темир қапуғ (“қапуғ” – дарвоза), арабча – Боб ул-ҳадид (“Темир Дарвоза”), мўғулча – Қаҳлаға ёки Қаҳлақа (“қалға”, “халға” – дарвоза). Уларнинг савдо карвонлари серқатнов жойларда ташкил этилганларидан баъзилари божхона вазифасини ўтаган.

Ўзбекистон ҳудудидаги “Темир Дарвоза” ўрта аср форсий ёзма манбаларида Дарбанди Оҳанин шаклида келади. Бу ерда Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги (ҳозирги мавжуд автомобиль йўлидан шарқроқда) тор дара (узунлиги 2 км, эни – 5–20 м, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси) назарда тутилган. Бу дара орқали қадимий машҳур тоғ йўли ўтган бўлиб, ундан божхона сифатида фойдаланилган.

⁴⁸⁹ Клавихо. *Дневник*. – С.134–135; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати*. 38–39-бетлар.

Темурийлар даври ёзма манбаларида бу ном Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида Қаҳлаға⁴⁹⁰, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида Қаҳлақа ва Дарбанди Оҳанин⁴⁹¹ шаклларда ёзилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида иккала ном – Дарбанди Оҳанин ва мўғулча Қаҳлаға аталиши берилган⁴⁹². Клавихо “Кундалиги”да ҳам Темир Дарвоза деган ном билан тилга олинган⁴⁹³. Мирза Ҳайдар “Тарихи Рашидий”да асар ёзилган вақтга тегишли матнда Дарбанди Оҳанин деб ёзилган⁴⁹⁴. Бундан XV аср охири – XVI аср бошларида мазкур жой учун Дарбанди Оҳанин расмий ном саналган деб хулоса қилиш мумкин. Уни кейинчалик Бузғалахона ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор, Бойсун тумани ҳудудида.

Мазкур жойнинг XV аср бошидаги ҳолати ва аҳамиятига оид тафсилотларни фақат Клавихо беради. Жумладан, унда қуйидаги географик маълумотларни ўқиймиз: “... душанбада (1404 йили 25 август) улар (элчилар) баланд бир тоғ этагида тунадилар. Унинг чўққисида хочсимон шаклда ғиштдан қурилган бир ажойиб бино турарди; у турли рангдаги кошин (кафель) билан нақшинкор қилинган.

Бу тоғ жуда баланд, унда тор дарадан иборат ўтқил бор, худди инсон қўли билан қилингандай; тоғдан ана шу дара орқали ўтилади; икки томондан баланд тоғлар қад кўтарган, [дара] эса жуда чуқур.

Ушбу даранинг ўртасида қишлоқ бор, ундан тепада баланд тоғ юксалган. Тоғдаги бу ўтқил Темир дарвоза деб аталади. Ўша ерда бундан бошқа ўтиш жойи йўқ. У Самарканд подшоҳлигини Кичик Ҳиндистон⁴⁹⁵ томондан ҳимоя қилади...

490 Шомий. *Зафарнома*. 39-б.

491 Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 353-б.

492 Яздий. *Зафарнома* (1972). 97а варақ; баъзи манбаларда “Темир қапуғ” ва “Танги-Чакчак” ҳам дейилади.

493 Клавихо. *Дневник*. – С.101-102; Клавихонинг Самарқандга саёхати (2004). 7-8-бетлар.

494 Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.342

495 Кичик Ҳиндистон – Афғонистоннинг жанубий, Покистон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмлари.

Мазкур Темир дарвоза Тамурбекнинг ихтиёрида ва унга ҳар йили катта даромад келтиради; чунки Кичик Ҳиндистондан Самаркандт подшоҳлигига ва ундан шимолдаги ўлкаларга йўл олган савдогарлар шу ердан ўтадилар...”⁴⁹⁶.

“Темир дарвоза” деб аталишига сабаб, Клавиҳо ёзишича, қадимда бу ерда мазкур икки дарани улаб турувчи темир дарвоза қурилган экан⁴⁹⁷.

Юқоридаги маълумотлар “Темир дарвоза” деган ном арабларнинг Мовароуннаҳрга юришларидан олдин ҳам бўлганлигини ва бу жой божхона вазифасини ўтаганини англатади. Темир дарвозанинг божхона бўлганини жанубдан икки йўналишда – Шумон ва Термиз йўналишларида Жайхун (Амударё) дан ўтилгани ва иккала ҳолатда ҳам Кеш томонга йўлнинг Темир дарвозадан ўтгани билан изоҳлаш мумкин. Темир дарвоза Буюк Ипак йўлидаги муҳим божхона саналган ва Амир Темур салтанатида ҳам унинг халқаро савдо йўлидаги ана шу аҳамияти сақланган.

Темир дарвозадаги юқорида Клавиҳо тавсифлаган иморатни Хуросоннинг темурий ҳукмдори Абулқосим Бобур 1454 йили Ҳиротдан Самарқандга лашкар тортиб келганда, унинг олдинда юборган Аҳмад ясовул бошчилигида лашкар қоровули бузган: “[Аҳмад ясовул] Қаҳалқагача тулпори жиловини тортмай йўл босди ва у ернинг иморатини хароб қилиб, кўп шижоат кўрсатди”⁴⁹⁸.

Турли мамлакатлардан келган элчиларнинг ҳукмдор томонидан расмий қабул қилиниши ва уларга қайтиш учун махсус ҳужжат (йўл хати) бериш расмиятчиликлари бевосита подшоҳ девонида амалга оширилган. Клавиҳо сафари мисолида бундай ҳужжат Самарқандда тайёрлаб берилган ва бу ҳақда Клавиҳо батафсил маълумот ёзиб қолдирган⁴⁹⁹.

Термиз. Темурийлар даври манбаларида халқаро савдо йўлидаги аҳоли маскани, Амударё бўйидаги савдо қарвонлари ўтадиган жой сифатида Термиз шаҳри кўрсатилган. Амир Темур

496 Клавиҳо. *Дневник*. – С.101; *Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 7-б.

497 Клавиҳо. *Дневник*. – С.101; *Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 7-б.

498 Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саёдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 353-б.

499 Клавиҳо. *Дневник*. – С. 142; *Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 42-б.

салтанатида ва ундан сўнг Мирзо Шоҳрух ҳукмронлиги даврида Термиз жанубда Ҳиндистондан ва ғарбда Хуросондан Ҳирот йўналиши билан Мовароуннаҳрга ва ундан шимол ҳам шарқда жойлашган ўлкаларга ёки Хитойдан Самарқанд ва жанубий йўналиш Ҳисори Шодмон орқали юрадиган савдо қарвонлари тўхтаб ўтадиган Буюк Ипак йўлидаги муҳим шаҳар эди.

Клавихо ёзишича, Термиз жуда катта ва аҳоли гавжум, боғроғлар кўп, обод шаҳар бўлиши билан бир қаторда, Мовароуннаҳрнинг бошқа йирик шаҳарларидан фарқли ўлароқ, ташқи девори йўқ эди. “Унинг девори ҳам, бирор ҳимоя тўсиғи ҳам йўқ”, – деб қайд этади Клавихо⁵⁰⁰... одамлар гавжум кўчалар ва майдонлардан юриб бордик, уларда турли моллар билан олди-сотди қилинарди”, – деб ёзади сайёҳ ўз асарида⁵⁰¹.

Ўша давр муаллифларидан Ҳофиз Абрунинг “География” асарида Термиз ҳақида ёзилганлар Клавихо маълумотини тасдиқлаш билан бирга, унга бир мунча аниқлик ҳам киритади. “Термиз Жайхун [дарёси] бўйида жойлашган шаҳар; кўрғони (куҳандиз) бор, [илгари] шаҳристони ва рабази ҳам бўлган экан... боғлари кўп, мевалари мўл-кўл, аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланади”, – деб ёзади Ҳофиз Абру⁵⁰².

Бухоро. Клавихо “Кундалиги”да ёзилишича, элчилар бу шаҳарда олти кун бўлганлар. Шу сабабли бўлса керак, Бухоронинг географик тавсифи жуда қисқа, лекин аниқ ва муҳим маълумотлардир: “Пайшанба куни, йигирма еттинчи ноябрда (1404 йил) Бояр (Бухоро) аталмиш катта шаҳарга етиб келдилар. У (шаҳар) текисликда жойлашган, пахса девор ва сув тўла чуқур хандақ билан ўраб олинган. Бир чеккасида кўрғон ўрнашган, у ҳам лойдан (қурилган), зеро бу ерда тўсиқлар ва девор қилиш учун тош йўқ; кўрғон ёнидан дарё оқарди. Шаҳарнинг мавзелари кўп ва у ерда катта бинолар бор. Шаҳар буғдой, гўшт, шароб ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва кўплаб (бошқа) молларга бой”⁵⁰³.

500 Клавихо. *Дневник*. – С. 99; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 7-б.

501 Клавихо. *Дневник*. – С. 100; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 7-б.

502 Ҳофиз Абру. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).

503 Клавихо. *Дневник*. – С. 145; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 43-б.

Ҳарбий аҳамиятга молик шаҳар-қўрғонлар. Амир Темур мудофаа аҳамиятига эга шаҳар-қўрғонлар барпо этишга ҳам аҳамият берган ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги Сиғноқ, Саброн, Ўтрор, Тошкент вилоятида Тошкент ва Шоҳрухия, Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида қурилган Ашпара қўрғони, Фарғона водийсида Аҳси, Андигон, Ўзганд қўрғонлари ана шу талаб асосида қайта қурилган ёки янги яратилган эди.

Тошкент. Амир Темур бир неча марта Тошкентда бўлгани ва мазкур шаҳар унинг мустақиллик учун кураш йилларида ва ундан сўнг Мўғулистонга юришлари чоғида асосий тўхташ жой саналгани, лашкари билан қишлоғи бир неча марта Тошкент вилоятида ўтказгани ҳақида Темурийлар даври манбаларида ёзилган. Бироқ Тошкент Амир Темур томонидан мустақкам девор билан ўраб олингани ва унга ўн иккита дарвоза (Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суьбониён, Қўкча, Камондорон, Қанғли, Бешоғоч, Қатаған) ўрнатилиб, ҳар бир дарвозани қўриқлаш битта уруғ-қабила вакилларига топширилгани ҳақида маълумот Муҳаммад Солиххўжанинг (XIX аср) “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) асарида берилган⁵⁰⁴.

Умуман олганда, агар Шоҳрухия қўрғони қурилиши вақтига (794/1391–1392 йил) эътибор қаратадиган бўлсак, у ҳолда Сирдарё ҳавзасида қўрғонлар яратиш ёки уларни таъмирлаш Амир Темурнинг Мўғулистонни узил-кесил эгаллагани (1389 йил)дан кейинги вақтга тўғри келади. Демак, Тошкент шаҳри қўрғони ҳам шу йилларда барпо этилган, дейиш мумкин. Мазкур бунёдкорлик ишлари Мовароуннаҳр худудини шимол ва шарқ томонлардан бўладиган турли ҳужумлар ва босқинлардан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилган.

Тошкент шаҳри XV асрда ҳам Темурийлар давлатининг шиоли-шарқий томонидаги қўрғони, халқаро савдо йўлидаги шаҳри ва маданий-маърифий марказлардан бири сифатидаги мавқеини сақлаб қолди.

Шоҳрухия. Амир Темур томонидан Тошкент вилоятида барпо этилган мустақкам қўрғон, унинг яратилиши ҳақида Тему-

504 Муҳаммад Солиххўжа. “Тарихи жадидаи Тошканд”. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 7791, 887а varaқ.

рийлар даври манбаларидан фақат Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ёзилган. Унда келтирилишича, Соҳибқирон 794 йили (1391 йил 29 ноябрь – 1392 йил 16 ноябрь) ўз вақтида Чингизхон лашкари томонидан бутунлай хароб қилинган Фанокат (Банокат) ўрнида янги шаҳар барпо этишни буюради. Унинг қўл остидагилари мазкур фармонга мувофиқ янги шаҳар қуриб, уни мустаҳкам қўрғон билан ўрайдилар ва ўша атрофда яшовчи аҳолини у ерга кўчирадилар. Амир Темур мазкур шаҳарни ўғли Мирзо Шоҳрухга атагани сабабли, у “Шоҳрухия” деган ном билан шуҳрат топади⁵⁰⁵. Хитойдан Фарғона водийсига, у ердан Ахсикент орқали Самарқандга борадиган савдо карвонларининг бир қисми Шоҳрухия орқали юрган.

Шоҳрухия Темурийлар даврида кечган воқеаларда мустаҳкам қўрғон сифатида танилди. Чунончи, Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн”да ёзишича, Султон Абусаид хукмронлигида Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўкий унга қарши исён кўтаради ва Шоҳрухия қўрғонига бекинади. Султон Абусаид салкам бир йилча (1462–1463) қўрғонни қамал қиладди, бироқ эгаллай олмайди. Охири қўрғондагилар нажот излаб Хожа Аҳрор Валийга мурожаат қиладилар ва у киши келиб сулҳ тузишга эришадилар. Муҳаммад Жўкий таслим бўлади (868 йил 9-муҳаррам / 1463 йил 22 сентябрь), у Ҳиротнинг Иштиёриддин қалъасига қамоққа ҳукм қилинади ва ўша ерда вафот этади⁵⁰⁶.

Ахси (Ахсикат) – Фарғона вилояти таркибидаги кичик вилоят ва мустаҳкам қўрғонли шаҳар, арк қисми ҳам бўлган. Бобур даврида “Ахси” деб аталган ва уни Фарғона вилоятидаги энг мустаҳкам қўрғон деб таърифлаган. Ахси (Ахсикат) XV асрда Мовароуннахрнинг йирик ва сиёсий муҳим шаҳар-қўрғонларидан бири эди. Темурий ҳукмдор Султон Абусаид мирзо энг кичик ўғли Умаршайх мирзога (855/1451 – 900/1494) Андижон вилоятини белгилади. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳ – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони бўлган.

505 Яздий. *Зафарнома* (1972). 466б – 467а варақлар.

506 Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 542–544-бетлар.

Ахсига оқиб келадиган сой “Бобурнома”да “Ахси суйи” деб аталган: “Ахси суйи Қосондин келур”⁵⁰⁷. “Бобурнома”да алоҳида тавсифланган: “Сайхун суйининг шимолий тарафидағи қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Фарғона [вилояти]да Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар. Қўрғони баланд жар устида воқия бўлубтур. Хандақининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарироқдин яна жарлар солди. Фарғона [вилояти]да мунча берк қўрғон йўқтур. Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий [фарсах] йироқроқ тушубтур... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундуким, “Миртемурий” дерлар (ҳозирги номи “Амирий”), андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай...

Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин ва Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. Ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангал (тўқай,чангалзор) дур. Буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур”⁵⁰⁸.

Заҳириддин Бобур укаси Жаҳонгир мирзо билан мулк талашиб, 905 (1499–1500) йили сулҳ тузилиб, Хўжанд суви (Сирдарё) нинг Ахси томондаги вилоятларини укасига қолдиради. “Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдуким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзога тааллуқ бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга тааллуқ бўлғай”⁵⁰⁹. Андижон билан Кошғар ўртасида Ўш ва Ўзганд қўрғонлари ҳам Умаршайх мирзо ҳукмронлигида анча ҳимояланган қўрғонлардан саналган.

Қарши қўрғони. Унинг маъмурий-худудий ҳолати ҳақида иккинчи бобда муфассал тўхталганмиз.

Қарши қўрғонининг қурилиши Амир Темур бунёдкорлигининг илк намунаси саналади ва анча илгари, мустақиллик учун

507 Бобур. *Бобурнома* (2002). 36-б.

508 Бобур. *Бобурнома* (2002). 36-б.

509 Бобур. *Бобурнома* (2002). 74-б.

кураш йилларида амалга оширилган. Темурийлар даври манбаларидан Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида бу ҳақда шундай ёзилган:

“Қиш фаслида Ҳазрат (Соҳибқирон) ўша ер (Қарши)да тўхтамоқни ихтиёр этди ва Қарши ҳисорини қуришга буюрди. Кундан-кун ортиб бораётган давлат улуғворлиги туфайли, мазкур қурилиш ўша қишнинг (766/1364. XII – 1365/I-II) ўзидаёқ ниҳоясига етди”⁵¹⁰, – деб ёзади тарихчи. Асарда ёзилишича, қўрғон ташқаридан сув тўлдирилган чуқур хандақ билан ўралган бўлиб, шаҳарга хандақ устига қурилган тарновдан тизза бўйи чуқурликда сув оқиб кирган. Қўрғон девори хокрез устига қурилган эди⁵¹¹.

Ашпара. Амир Темурнинг буйруғи билан Мўғулистон чегарасида бунёд этилган қўрғон. Соҳибқирон 1398 йили, Ҳиндистонга юриш олдидан, шарқий чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида, невараси Муҳаммад Султонни Мўғулистон чегарасини эгаллаб туришга белгилайди ва машҳур саркардалар бошчилигидаги қирқ минг аскарни унинг ихтиёрига топширади. Муҳаммад Султон фармонга мувофиқ йўлга тушади, Кулон довонидан ошиб ўтиб, Ашпара ва ўша атрофларда жойлашади⁵¹².

Мазкур қўрғон муҳим стратегик жой сифатида доимий нозоратда бўлган. Амир Темур етти йиллик юришда пайтида амир Оллоҳходни Самарқандга жўнатади ва у ердан Ашпарга бориб, Жата чегарасини қўриқлашни буюради⁵¹³. Ашпара Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Мовароуннаҳрга келадиган шимолий тармоғида савдо аҳамиятига ҳам эга бўлган ва бу мавқеи XV асрда ҳам сақланиб қолди.

Мақбара-обидалар. Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари қаторида ўтганлар руҳини шод этиб қурдирган мақбаралари алоҳида эътиборга молик. Улардан баъзилари бизнинг давримизгача сақланган.

510 Яздий. *Зафарнома* (1972). 1136-114а варақлар; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 15-б.

511 Яздий. *Зафарнома* (1972). 1176-121а варақлар; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 131-146-бетлар.

512 Яздий. *Зафарнома* (1972). 295а варақ

513 Яздий. *Зафарнома* (1972). 389б варақ

Самарқандда – Шоҳи Зинда мажмуасидаги бир қанча мақбаралар (Қусам ибн Аббос меъморий мажмуи, Хожа Аҳмад мақбараси, Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оқа, синглиси Ширинбека оқа, маликалар Ўлжой Туркон оқа ва Туман оқа мақбаралари), Амир Темур (Гўри Амир) меъморий мажмуаси (ундаги мақбарада Амир Темур ва авлодлари ҳамда пири Сайид Барака дафн этилган), Рухобод (шайх Бурҳониддин Соғаржий мақбараси).

Шаҳрисабзда – Дор ут-тиловат меъморий мажмуаси (шайх Шамсуддин Кулол қабри устига тикланган гумбазли мақбара; 1374 йили Амир Темур унинг ёнига янги мақбара қурдириб, отаси Амир Тарағайнинг қабрини ҳам шу ерга кўчиртирди ва Мирзо Улуғбек барпо этган Гумбази сайидон мақбараси), ундан шарқда иккинчи меъморий мажмуа – Дор ус-сиёдат, унда Мирзо Жаҳонгир мақбараси (бошқа номи Ҳазрати Имом мақбараси) ва б. жойлашган.

Бухорода – Сайфиддин Бохарзий ва Баёнқулихон мақбаралари; Тошкент вилоятида – Зангиота мақбараси; Туркистонда – Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбараси ва яна бошқа жойларда қурилган шунга ўхшаш меъморий обидалар ана шулар жумласидандир.

Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбараси. Амир Темурнинг тарихда ёдгор бўлиб қолган бунёдкорлигининг ўзига хос намунаси ҳисобланади.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида ёзилишича, Амир Темур 1397 йил кузида Боғи Дилкушо қурилиши тугагач, қишлоқ учун Тошкент вилоятига боради⁵¹⁴; у ердан ҳижрий 800 йил, раби ул-аввал ойи (милодий 1397 йил, ноябрь)да Хожа Аҳмад Яссавий қабри зиёрати учун Ясси қишлоғига ўтади ва унинг қабри узра баланд мақбара барпо этишни буюради:

“Бир гунбаз курсинлар, унинг айланаси – ички қисмида бир юз ўттиз газ (78 м), диаметри – қирқ бир газ (25 м)га яқин, унинг баландлиги ҳам шунга мос бўлсин. Унинг девори ва гунбазини қошикориклар қилиб зийнат берсинлар; эшигини етти хил металл қоришмаси (*ҳафт жўш*) билан қопласинлар; ўртасида ҳафт жўш металл қопланган ҳовуз бўлсин; қабр усти Табриз-

514 Яздий. *Зафарнома* (1972). 2936–294а варақлар.

дан келтирилган мрамартош билан қоплансин, уни ўта маҳорат билан йўниб, гўзал нақшлар билан безасинлар. Мазкур ёдгорликни қуриб битказишни мавлоно Убайдуллоҳ Садр зиммасига юклади ва иморат фармонга мувофиқ бир йил⁵¹⁵ чамаси вақтда қуриб битказилди”⁵¹⁶.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида ёзилишича, Амир Темур қишловдан Хожа Аҳмад Яссавий қабри зиёрати учун ҳижрий 800 йил, раби ул-аввал оий (милодий 1397 йил, ноябрь)да Ясси қишлоғига борган. Демак, мақбара қурилиши (агар у бир йилда қурилган бўлса), асосан, 1398 йилга тўғри келади.

Соҳибқирон мазкур мақбаранинг доимий обод бўлиб туриши учун вақф ҳам белгилаган ва у фанда XIX асрда топилиб, илм аҳлига эълон қилинди. Форс тилида ёзилган ушбу муҳим ҳужжат ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Унинг матни 1897 йили нашр этилди.

Вақфнома Соҳибқироннинг исми – Амир Темур кўрагон баҳодир султон ибн Тарағай билан бошланади. Сўнгра битта ариқ ва ундан суғориладиган ерлар Оқжар еридан то Қулхайрота деган жойгача султон Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига абдий вақф қилинди, дейилган. Ундан кейин вақф даромадининг қай йўсинда сарфланиши айtilган. Аввало бу вақфдан иккита қорига маош белгиланган ва улар ҳафтада икки кун Хожа Аҳмад Яссавий қабри бошида Қуръон ўқишлари лозим эди. Кейинги маълумотда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига унинг авлодларидан Ботирали исмли шахс шайх этиб тайинлангани ва унинг авлодлари бу вазифани давом этсин дейилади. Мақбарага тўртта хизматкор (иккита мешкобчи – сув ташувчи ва иккита фаррош) белгиланган. Қўшимча яна иккита боғ ҳам мақбарага вақф қилинган ва унга иккита қоровул тайинланган. “Вақфнома”да яна ҳафтада икки кун (душанба, жума) етим-есирлар ва йўқсилларга таом тарқатилсин, деган кўрсатма ҳам бор. Ушбу ҳужжат Амир Темурнинг, мазкур вақф шартлари барча замонларда сақлансин, кимки уни бузишга журъат этаркан, тонгла қиёматда Аллоҳ ҳузуринда унга жазо талаб қилгумдур, деган сўзлари билан якунла-

515 Яздий. “Зафарнома”сининг Техрон нашрида: икки йил.

516 Яздий. Зафарнома (1972). 294б varaқ.

нади ва “Вақфнома” битилган сана – ҳижрий саккиз юз еттинчи (милодий 1404) йил ёзилган. Вақфнома бош қисмида битта қадимий зарҳал муҳр ва икки ён қисмида кейинги асрларга мансуб иккита қози муҳри билан тасдиқланган.

Қишлоқ хўжалиги. Амир Темур ва Темурийларнинг бунёдкорлик фаолияти қишлоқ хўжалиги ривожини учун ҳам кенг имконият яратди. Амир Темур янги ариқлар қаздирган, бўз ерларни ўзлаштирган, экин майдонларини кенгайтирган.

Клавихо Кеш (Шаҳрисабз) вилоятидан ўтиб бораркан, у ерда оқар сувлар, ўтлоқлар, аҳоли гавжум қишлоқлар кўплиги, далаларда буғдой, пахта, узум, қовун, мевали боғлар ўсиб ётганини таъкидлаб ўтган⁵¹⁷.

Клавихо деҳқончиликда пахта, буғдой, шоли ва айниқса, катта майдонларда қовун кўп экилишини айтади: “Уларнинг юртида қовун ва узум шунчалик кўп бўладики, киши ҳайратда қолади; ҳар куни қовун ортилган туялар шу даражада кўп келадики, улар қандай қилиб сотиларкан, – деб ажабланасан. Қишлоқларда (қовун) жуда кўп ва уни ҳар йили худди анжирдек қуритиб сақлайдилар. Уларни сақлаш усули қуйидагича: (қовунни) кўндалангига катта-катта бўлақлар шаклида кесадилар, сўнгра пўстини олиб, қуёшга қўядилар; қуригач, йиғиб олиб қопларга жойлайдилар ва шу йўсинда йиллар давомида сақлайдилар. Буғдой жуда арзон, шоли жуда кўп”⁵¹⁸.

“Узум ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд”, – деб ёзилган “Бобурнома”да⁵¹⁹.

Темурийлар даврида деҳқончилик ва боғдорчиликда **янги навлар** ҳам яратилган. “Бобурнома”да Ахси (Ахсикат) ҳақида сўз борганда, у ерда янги *“миртемурий”* деб аталган қовун нави борлиги ва унга тенг келадиган қовун топилмаслигини таъкидлайди⁵²⁰. Амир Темур номи билан аталган мазкур қовун тури ҳозиргача бор ва “амирий” деб аталади. Узум навларидан бири Темурийлар даврида яшаган нақшбандия тариқатининг

517 Клавихо. *Дневник*. – С. 102; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 8–6.

518 Клавихо. *Дневник*. – С. 138; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 41–6.

519 Бобур. *Бобурнома* (2002). 59–6.

520 Бобур. *Бобурнома* (2002). 36–6.

машхур шайхи Хожа Аҳрор номи билан *хожааҳрорий* деб аталган. Бу узум нави бизгача етиб келган ва ҳозир ҳам шундай номланади. “Бобурнома”да эса, Самарқанднинг қовуни, анори, айниқса, олмаси ва “соҳибий” навли узуми машхурлиги айтилган⁵²¹. Бобур эслатган “соҳибий” навли узум ҳозирги вақтда Каттақўрғон аҳоли маскани номи билан “каттақўрғон узуми” деб аталади.

Ободончилик ишлари Темурийлар даврида бутун Мовароуннаҳрда олиб борилган, жумладан, Фарғона водийси ҳам яхши ривожланган ҳудуд саналган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур Андигонни ўғли амирзода Умаршайхга мулк сифатида берганида, у вилоятдаги қўрғонларни мустақкамлайди, ободончиликка эътибор беради; Андигон қўрғони ташқарисида Гулистон номи билан машхур бир боғ ҳам яратган экан⁵²².

Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида XV аср иккинчи ярми воқеалари баёнида Султон Абусаиднинг ўғли Умаршайх мирзо ҳукмронлигида, у вилоятнинг барча ерлари шахзода-нинг адолати кўмагида маъмур ва ободон бўлди, – деб ёзган.

“Бобурнома”да Андижон ҳақида сўз борганда, турли мевалар, айниқса, қовун ва узум кўплиги ҳақида эслатиб, қовун шиғида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас, – деб ёзади⁵²³. Шунингдек, Заҳириддин Бобур Андижон ташқарисида Қўштегирмон деган жойда она томондан бувиси Эсан Давлатбегимнинг боғи бўлганлигини ҳам эслатиб ўтган: “Қўруқнинг ёнида менинг улуғ онам – Эсан Давлатбегимнинг боғиким, Қўштегирмонга мавсумдур”⁵²⁴.

Ахси хусусида ёзилганларда эса, Ахсининг табиати ва қишлоқ хўжалиги ҳақида янада аниқроқ мисолларни кўрамиз. Ахсига оқиб келадиган сой “Бобурнома”да “Ахси суйи” деб аталган (ҳозирги номи Косонсой): Ахси суйи Косондин келур, қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, “миртемурий” дерлар (ҳозирги номи “амирий”), андоқ қовун маълум эмаским, оламда

⁵²¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 34–35-бетлар.

⁵²² Яздий. *Зафарнома*. 354а арақ.

⁵²³ Бобур. *Бобурнома* (2002). 34–35-бетлар.

⁵²⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 93-б.

бўлғай. Амир Темур номи билан аталган мазкур қовун тури ҳозиргача бор ва “Амирий” деб аталади. Заҳириддин Бобур Ахсининг мазкур қовунини Бухоро қовуни билан ҳам солиштирган.

Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олгон маҳалда Ахсининг ва Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди, – деб ёзади Заҳириддин Бобур.

Ахси атрофининг табиатини таърифлаб, ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангал (тўқай, чангалзор) дур. Буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур, – деб ёзган.

Ҳофизи Абрӯ Хўжанд ҳақида ёзганда, у ерда боғдорчилик яхши ривожлангани, айниқса, бодом, нок ва анор кўплигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида 1497–1498 йил воқеалари баёнида Қарши шаҳрининг географик тавсифи баён қилинган:

“Кам оброқ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқанддин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн секкиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсунлуқ қушқина бўлурким, қилқуйруқ дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қаршидерлар⁵²⁵.”

Чорвачилик соҳасида қўйчилик биринчи ўринда турган. “У ер (Мовароуннаҳр)нинг қўйлари жуда йирик, думбаси катта; шундайлари борки, думбаси йигирма фунт келади⁵²⁶, яъни бир одам қўлида кўтара оладиган миқдорда. Қўйлар жуда кўп ва арзон, бошқа моллар ҳам арзон”⁵²⁷, – деб ёзади Клавихо.

Мурғоб водийси. Амир Темур ва Темурийлар бунёдкорлиги нафақат Мовароуннаҳр, балки ундан ташқаридаги жойларда ҳам кузатилади ва бу Марказий Осиёнинг турли қисмларига тўғри келади. Ҳофизи Абрӯ “География” асарида Соҳибқирон 1381 йили ғарбга юриш қилиб Хуросонни эгаллагач, Мурғоб водийсида, Болумурғоб шаҳридан юқориқда, дарёдан ариқлар қазиб

⁵²⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

⁵²⁶ Бир фунт 409,5 граммага тенг.

⁵²⁷ Клавихо. *Дневник*. – С.138; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 41-б.

сув чиқаришга фармон бергани, бу ишни қўл остидаги аёнлар ва қўшин қўмондонларига тақсимлагани, қисқа муддатда кўплаб ариқлар қазилгани ва ариқлар аксари ўша бошлиқлар исмлари билан аталгани ҳақида ёзган. Ариқларнинг номлари қуйидагича келтирилган: Дилкушо ариғи, Ганжравон ариғи, Дарбанд, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ-Буқо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шайх Абу Саъд ариғи, Шайх Али ариғи, Давлатшоҳ Жондор ариғи, Гулбоғон ариғи, Қутлуғ хотун ариғи, Ҳасан Жондор ариғи, Амир Алоуддин ариғи, Санжидак ариғи, Наврўз ариғи, Кебекчи ариғи, Менгли хожа ариғи, Қавсанжон ариғи, Али Малик ариғи⁵²⁸.

XV асрдаги ободончилик ишлари янада кўламлироқ бўлган. Мирзо Шоҳрух 1409 йили Марв шаҳрини қайта бунёд этишга, Мурғоб дарёсига янги тўғон қуриб, Марв ариғини қазиб шаҳарга сув олиб келишга фармон беради. Ариқ қазииш ишига раҳбарлик амирлардан Алоуддин Алика кўкалтош, амир Мусоко ва девон амири Али Шоконига юкланган эди. Ариқнинг эни бошланиш қисмида 20 газ (14 м) ва охирида 15 газ (10,5 м), чуқурлиги тепаликларни қирқиб ўтган жойларда 5 газ (3,5 м), узунлиги Мурғоб тўғонидан то Марв шаҳрининг Аламдор дарвозасигача 12 фарсанг (тахм. 70 км)ни ташкил этган. Марв ариғи уч қисмдан иборат эди; юқори қисми – Панжоб сув тақсимлагичигача; ўрта қисми – Панжоб сув тақсимлагичидан то Марв шаҳридан чиқгунгача; ана шу қисмда ариқ сувидан Марв воҳасини сув билан таъминлашда кенг фойдаланилган; қуйи қисми – шаҳардан оқиб чиққан жойдан то охиригача шаҳарга сув Аламдор дарвозасидан кирган. Ўша давр учун анчагина салмоқли бўлган бу иш бир йил муддат ичида ниҳоясига етказилган экан⁵²⁹.

“Бу тўғон тикланиб, сув яна ул (шаҳр) – диёр узра таралгач, теварак-атрофдан одамлар у ерда ободончилик қилиш ва яшаш учун рағбат ва истак билдирдилар. Бозорларни обод қилдилар,

⁵²⁸ Ҳофиз Аbru. *География*. 2286 варак. Ариқлар номлари мазкур асарнинг қўлёзмаларида ноаниқ берилган; улардан баъзилари Ҳофиз Аbru “География”сидан Хуросон қисмининг Д.Кравулский нашр этган матндан олинди (Krawulsky D. *Horasan zur Timuridenzeit*).

⁵²⁹ Ҳофиз Аbru. *География*. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361. 236а–237а ва рақлар; Абдулраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 171–172-бетлар.

масжидлар ишга тушди, ҳаммомлар ва уйлар қурдилар. Унинг бахтли замонида хонақоҳлар, мадрасалар, работлар, ариқлар барпо этилди”⁵³⁰, – деб ёзади Ҳофизи Абру.

Ҳирот. Амир Темур 1382 йили Хуросонни эгаллагач, уни бошқаришни ўғли Мироншоҳга топширади. Кейинроқ Озарбайжон ва унга ёндош ерларни Мироншоҳга суюрғол қилди ва Хуросон вилояти 1396 йили Мирзо Шоҳрухга ёрлиқ билан имзолаб берилди, марказ Ҳирот шаҳри бўлган.

Мирзо Шоҳрух Ҳирот шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари олиб борди ва Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатининг бош ҳукмдори бўлди ва Ҳирот шаҳри доруссалтана (салтанат пойтахти) – Темурийлар давлатининг пойтахти мақомини олди. Бу даврда Ҳирот шаҳри ва бутун Хуросонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида Темурийлар даври манбаларида, айниқса, Ҳофизи Абрунинг “География” асарида, талайгина тафсилотлар қайд этилган.

XV аср иккинчи ярмида, айниқса, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигида, Алишер Навоийнинг бевосита кўмаги билан, Ҳирот ва бутун Хуросонда жуда катта ободончилик ишлари олиб борилди. Заҳриддин Бобур 1506 йил декабрнинг дастлабки йигирма кунини Ҳиротда бўлиб, у ердаги бунёдкорлик ишларига аниқ баҳо берган:

“Яна Ҳириниким рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди... аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”⁵³¹, – деб ёзган.

Заҳриддин Бобур Ҳиротда Алишер Навоий номи билан боғлиқ жойларга алоҳида эътибор қаратган ва уларнинг номларини қуйидагича изоҳлайди: “Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, “Унсия” дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким, “Қудсия” дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим”.

⁵³⁰ Ҳофизи Абру. *География*. 236а–237а варақлар

⁵³¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 143; 136–137-бетлар.

Ҳиротдаги истеҳком қалъа – Ихтиёриддин ҳақида: “Ҳирининг қалъайи Ихтиёриддиниғаким, ҳоло Олақўрғонға машхурдур”, – деб ёзади Бобур. “Бобурнома”да яна Ҳирот шаҳридаги кўшк – Оқсарой (“Султон Абусаид Дарвозаи Ироқнинг тошида солғон”, боғлар (Боғи Жаҳоноро – подшоҳ Бадиуззамоннинг қароргоҳи, Боғи Зоғон, Боғи Зубайда, Боғи Нав, Боғи Сафид, Боғи Хиёбон, Боғи Шахр), мадраса ва масжидлар (Шоҳрух мирзо мадрасаси, Султон Мирзо Хусайн мадрасаси, Бадиуззамон мирзо мадрасаси, Инжил ариғи бўйида, Масжиди жоме), шаҳар дарвозалари (Дарвозаи Ироқ, Дарвозаи Малик, Дарвозаи Фирузобод, Дарвозаи Хуш, Дарвозаи Қипчоқ), бозорлар (Бозори Малик, Чорсу), сувлар (Жўйи Инжил, Ҳавзи моҳиён), хиёбон (Гозургоҳ хиёбони) кабилар ҳам эслатиб ўтилган⁵³².

Кобул вилояти. Амир Темур Кобул вилоятида муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширгани ҳақида Темурийлар даври манбаларида қайд этилган.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур Ҳиндистонга юриши чоғида Тўл довони орқали Ҳиндукуш тизмасидан ўтади, ундан Панжҳир (Панжшер) орқали юриб, Борон водийсига келади. Бу ердан Кобулгача масофа беш фарсахни ташкил қилган. Соҳибқирон Борондаги дарёдан бир ариқ қазишга фармон беради ва бу ишни бажаришни ўз саркардалари ва аскарларига топширади. Қисқа муддатда беш фарсах узунликдаги ариқ қазилади ва Жўйи Моҳигир деб номланади, унинг суви баракотидан бир қанча қишлоқлар обод бўлади. Бу ариқни Жўйи Нав (Янги ариқ) ҳам атаганлар⁵³³.

Амир Темур бўлган бу жойлар ҳақида “Бобурнома”да ҳам анчагина тафсилотлар берилган:

“Кобул вилояти атрофлари тоғлар билан ўралган берк вилоят. Балх, Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур. Бу тоғдин етти йўл ошар, уч йўл Панжҳир (Панжшир)дадир. Юқорироқ Жавак кўталидур, андин қуйироқ Тўл, андин қуйироқ Бозорак. Бу уч кўталдин яхшироғи Тўлдур, вале йўли бир нима узунроқдур....

⁵³² Бобур. *Бобурнома* (2002). 145–149-бетлар.

⁵³³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 344аб ва рақлар.

Ёзлар Кобул қушлоғи қалиндур. Аксар қушининг гузари Борон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлмай, бир улуғ Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқдур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар, агар ел бўлса ё Ҳундукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас. Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул навоҳидағи эллар қалин қуш олулар⁵³⁴.

Амир Темурнинг ҳозирги Афғонистон худудидаги бунёдкорлигининг яна бир йўналиши Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида савдо алоқаларини тиклагани, Афғонистондаги йўлтўсар қароқчиларни йўқ қилиб, бу ўлкадан ўтган савдо йўллари бўйлаб қўрғонлар барпо қилгани, уларда доимий хавфсизликни таъминлаб турадиган кўриқчи аскарлар тайинлаганидир (бу ҳақда тафсилотлар тўртинчи бобда берилган).

Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари унинг авлодлари фаолиятида ҳам акс этган. “Бобурнома”да XV аср иккинчи ярмида Кобул шаҳри ва вилоятида Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек мирзонинг Кобул вилоятида ҳукмдорлиги йилларида анчагина ободончилик ишлари қилингани қайд этилган. Жумладан, Кобул шаҳри худудида бир ариқ қаздирилган бўлиб, ундан тоғ этагида боғлар яратилган. Улардан бири Боғи Наврўзий, яна бири Боғи Биҳишт деб аталган; Кобул вилоятидаги машҳур кентлардан бўлмиш Исталиф кентида яратган боғи эса, жуда катта бўлиб, шу сабабдан Боғи Калон деган ном олган эди. У яна, Амир Темурнинг Самарқандда Кўксарой ичида барпо этган Бўстонсарой кўшкига тақлид қилиб, Кобул шаҳрида Бўстонсарой номи билан танилган битта кўшк ҳам қурдирган.

Заҳириддин Бобур ушбу амакиваччасининг ободончилик соҳасидаги ишларини ривожлантирди; у яратган боғларни Исталифдаги Боғи Калонни эгаларидан сотиб олиб ўртасидан оқувчи ариқни қайта таъмирлади. “Мен эгалариға баҳо бериб олдим. Боғдин ташқари улуғ чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалиқ, сафолиқ манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур. Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлар-

⁵³⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 108, 116-бетлар.

дур, бурун бу ариқ эгри-букри ва бесиёқ эди. Мен буюрдимким, бу ариқни ража ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди”⁵³⁵.

Исталиф яқинидаги Хожа Сеёрон булоғи ён-атрофида ҳам шунга ўхшаш ободончилик қилинган: “Бу чашманинг атрофини мен сангкорлик қилдурдум... Чашманинг ғарби-жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу сувни мен ариқ қаздуруб, дашти Сеёроннинг ғарби-жануб тарафидаги пуштанинг устига келтуртум. Пуштанинг устида улў гирд суфа солдурдум. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хили яхши манзил бўлди. Бу суфадин юққориоқ, пуштанинг ёнида узум боғи солдурдум”⁵³⁶.

Заҳириддин Бобур Кобул вилоятининг Нингнаҳор тумани маркази бўлмиш Одинапур қўрғони ёнида ҳам боғ яратгани маълум: “Одинапур қўрғонининг олдида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққуз юз ўн тўртта (1508–1509 йил) бир чаҳорбоғ солдим, Боғи Вафоға мавсум, рудқа мушриф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур. Андин бурунғи йили найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухороға ул найшакарлардин йиборилиб эрди”⁵³⁷.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, Кобул шаҳри ва вилоятида Боғи Бинафша, Боғи Нав, Боғи Подшоҳий, Боғоти Хум, Хожа Сеёрондаги боғ, махсус аёллар учун Боғи Хилват, Боғи Юрунчқа; Ҳиндистонда Боғи Зарафшон, Боғи Сафо, Боғи Фатҳ каби боғлар ҳам Заҳириддин Бобур бунёдкорлигининг маҳсули эди.

⁵³⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 194–6.

⁵³⁶ Бобур. *Бобурнома* (2002). 194–195-бетлар.

⁵³⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 109–110-бетлар.

IV БОБ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ
ГЕОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА ЁЗМА МАЪЛУМОТЛАР

Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари мавзуининг сўз дебочасини Чигатой улуси тарихи ҳақида қисқача шарҳ билан бошлаш дурустроқ бўлади. Зеро, Амир Темур мустақил давлат барпо этган Мовароуннаҳр XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида Чигатой улуси таркибида эди. Яъни, Чингизхон ўз давлатини ўғилларига бўлиб берганида Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисмдан иборат худудни иккинчи ўғли Чигатойга (вафоти 1241 йил) тегишли эди ва тарихда бу жойлар яхлит Чигатой улуси номини олди. Чингизхон вафотидан сўнг, унинг авлодлари ўртасида, жумладан, Чигатой улусида ҳам, ички низолар кучайиб, бу улус иккита сиёсий маъмурий қисмдан иборат бўлиб қолди. Тарихий асарларда унинг шарқий қисми “Мўғулистон”, ғарбий қисми эса мавжуд қадимги номи билан “Мовароуннаҳр” деб қайд этилган (бу ҳақда “Темурийлар давлатининг маъмурий-худудий бўлиниши” бобида муфассал айтиб ўтилди).

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрда яхлит ҳокимият йўқ ва ўлка кичик-кичик феодал мулкларга бўлиниб кетган эди. Темурийлар даврининг машҳур тарихчи олими Ҳофизи Абру “Зубдат ат-таворих” асарида бу ҳолатни куйидагича таърифлайди:

“Амир Ҳожи Барлос Кеш шаҳри ва унга қарашли, барлос амирларининг асл юрти бўлган, ерларни эгаллади. Амир Боязид эса, жалойир амирларига қарашли Хўжанд вилоятини ўз қўл остига олди. Қароғинлардан ҳисобланмиш Амир Ҳусайн, ўзининг бир гуруҳ қадим мўғуллари ва ул уруғдан келиб чиққан қаравунослар билан кўрқувга тушуб бугун бир томонда бўлсалар, эртасига бошқа томонда бўладилар. Улжой-Буғо сулдуз ҳам сардорлик даъвосини қилиб, сулдузлар тўпи бир томон бўлган эди. Шоҳ Муҳаммадхожа Зиндаҳашм ва Қарасон [иккаласи] Анд-

худ ва Шибирғонни эгалладилар. Шоҳ Муҳаммад Бадахшоний ўз Кўхистонини мустақкамлаб олди ҳамда ул вилоят ҳукмдорлигини тамаъ қиларди. Амир Кайхусрав ва амир Улжойту апарди иттифоқликда Қатлон ва унга тобеъ жойларни эгаллаб олдилар. Амир Хизр ясавурий ўз қабилалари ва кўчманчиларини (атрофига) йиғиб, ўзини бошқалардан кўпроқ мустақил дейишга ҳақли, – деб биларди. Шу боисдан, ул мамлакатда ҳар кун бир фитна ва ҳар лаҳзада бир ғавғо келиб чиқарди”⁵³⁸.

Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон бу вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга қўшин тортди ва осонгина уни эгаллади. Кеш вилоятининг ҳокими ҳожи Барлос Хуросонга қочиб кетди. Амир Темур эса, ўз юртини душман томонидан талон-торож қилинишидан сақлаб қолиш мақсадида, Туғлуқ Темурхонга тобелик изҳор этди. Хон уни яхши қабул қилиб, Кеш вилояти ва унга ёндош ерларга ҳоким этиб тайинлади.

Ундан кейинги ўн йил давомида Амир Темур шахсий жасорат ва нозик дипломатия намойиш этиб, аста-секин обрў-эътибор қозониб борди. Амирлар, айниқса, Амир Ҳусайн билан, шунингдек, Мўғулистон, ҳатто Ҳирот волийси билан тинч-тотувлик муносабатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Масалан, Амир Темурнинг Ҳирот волийси ҳузурига юборган элчиси ҳақида Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади:

“Ҳазрат Соҳибқирон Марвдан ўтиб, одатдагидек Мохонни ўз манзилгоҳи этгач, амир Жокуни Ҳирот волийси Малик Ҳусайн ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Малик уни тўла иззат-хурмат ила кутиб олиб, бирор дақиқа ҳам эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмади; ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан чин юракдан хайрихоҳлик ва меҳр-муҳаббат изҳор этди, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмаклашиш бобида муболағалар қилди. [Шунингдек], илтимос билан:

– “Мен Сарахсга бораман, агар улар (Амир Темур) ул томондан ташриф буюрсалар, дўстлик ва иттифоқлик асоси мустақкамланган бўлур эди; ҳамжиҳатлик шартномаси ва ёрдамлашиш асоси аҳду паймон ила қатъий ва мустақкам бўлажак”, – деди. Амир Жоку қайтиб келиб ул сўзларни арзага етказди...

⁵³⁸Ҳофизи Аbru. *Зубдат ат-таворих*. Фотиҳ (Истанбул) кутубхонаси қўлёзмаси, № 4371/1. 97а варак.

Сохибқироннинг эҳтиёткорлиги ва ишбилармонлиги унинг Малик [Хусайн] билан учрашиш ва алоқа боғлашига йўл қўй-маса ҳам, [лекин] подшоҳларга хос сифатлари, унинг (Малик Хусайннинг) самимийлиги ва хайрихоҳлиги илтифотсизлик ва бутунлай рад этиш билан қарши олинишини [ҳам] эп кўрмас эди. Шу сабабдан, азиз фарзанд, салтанат ва жаҳондорлик кўзи қорачиғининг нури, улуғворлик ва комронлик боғининг гули амирзода Жаҳонгирни, Муборакшоҳ Санжарийни унга мулозим қилиб, Малик [Хусайн] қошига юборди; [оятда]: – Сизларга бир киши салом берса, унга яхши салом билан жавоб қайтаринглар ёки саломини айнан қайтаринглар⁵³⁹, – дейилганига мувофиқ, меҳр-муҳаббат акс этган сўзларига қуйидаги мазмунда жавоб пайғоми жўнатди: “Маликнинг ҳалоллиги ва яхшиликлар қилишига ишончимиз комил ва кўнгил тўқдир; фарзандимни унинг қошига юбордим, аҳлу аёлимизни эса, уғруқ ила ушбу вилоятда қолдиргаймиз. Ниятимиз, азм жиловини асл диёр томон бурмоқ эрур, шак-шубҳасиз, уларга эътибор ва муҳофаза қилмоқ бобида нимаики унинг подшоҳлик олижаноблиги тақозо этса, ўша бўлажак”⁵⁴⁰.

Яна бир мисол: 1365 йили Амир Темур ва Амир Хусайн ўрталарида муносабат кескинлашади, иккала томон урушмоққа шайланадилар. Шунда, Амир Темур лашкари таркибида бўлган ясавурийлар жанг қилишдан бош тартади. Ушбу вазиятда, Амир Темур: “Бу тасодиф бизнинг саодат ва иқболимизнинг эрта тонгида, салтанат ва истиқлолимиз баҳорининг дастлабки лаҳзаларида юз берди. Агар уларни банди қилсак, ёвузлик белгиси бўлган гард бизнинг аҳволимиз этагига ўтиради ва [шундан сўнг], бошқалар бу даргоҳдан паноҳ изламаслар, натижада юрт сўрамоқ ва давлатни бошқармоқ иши изга тушмагай. Агар давлат кўшқини эзгу ишлар пойдевори устига қурсалар, унинг кадр-қиймати кунгуралари гардуннинг муқарнас⁵⁴¹ тоқидан

⁵³⁹ Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 86-оятдан.

⁵⁴⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1236-варақ; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 156-б.

⁵⁴¹ **Муқарнас** – бинонинг ички тоқини безашда қўлланиладиган нақш тури. Шарқ меъморчилигида VII–VIII асрларда пайдо бўлган ва Темурийлар даври меъморчилигида кенг тарқалган.

ҳам юксакка кўтарилгай; агар иқбол ниҳоли адолат ва эҳсон ариғидан сув ичса, ундан бўй чўзган шохлар бахтиёрлик мева-сини тугади ва саодат соясини икки дунёга арзигулик қилиб таратгай”⁵⁴². У ҳатто ўз амирларининг раъйига қарши бориб, ясаурийларни жазолаш ўрнига яхши сўзлар айтиб, қайтиб кетишга рухсат беради. Юришни эса тўхтатади. Мовароуннаҳрдаги тарқоқ феодал гуруҳларни бирлаштириш учун ана шундай қилинган эди. Мўлжал тўғри бўлиб чиқди. Тез орада Мовароуннаҳр амирлари Амир Темур атрофига бирлашиб, Амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи юришда тўла садоқат билан жанг қилдилар, ғалабани таъминлаб, уни улуғ амир, – деб тан олдилар.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач (1370), унинг халқаро миқёсдаги фаолияти, дастлабки йигирма йил давомида, ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва Мовароуннаҳрни юксалтиришдан иборат бўлди. Биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур эди. Чунки шарқда Мўғулистон, ғарбда эса Олтин Ўрда ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мустақил давлат барпо бўлганлигига бефарқ қараб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни Туғлуқ Темурхон ва Илёсхожахоннинг юришлари унинг тасдиғи эрур. Амир Темур, айниқса, Мўғулистон томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доим хавфсирарди.

Шу сабабдан, Амир Темур собиқ Чиғатой улуси худудини ўз тасарруфига киритишни мақсад қилиб белгилади. Бу иш анча қийинчилик билан амалга ошди; XIV асрнинг 70–80-йилларида собиқ Жўчи ва Чиғатой улуслари ерларини қамраб олган мураккаб халқаро вазият юзага келди. Натижада, Амир Темур Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрдага бир неча бор юришлар қилишга мажбур бўлди ва уларнинг ҳар бирининг ўз сабаби бор.

Дашти Қипчоқ, Мўғулистон ва Хитой билан савдо-элчилик алоқалари

XIV аср охирида Евросиёда олтига йирик сиёсий бирлик юзага келди: Амир Темур давлати, Олтин Ўрда, Миср, Рум мамла-

⁵⁴² Яздий. *Зафарнома* (1972). 116а варақ; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 126–127-бетлар.

кати, Ғарбий Европа мамлакатлари, Хитой. Уларнинг олиб борган сиёсати халқаро муносабатларда ўз аксини топган. Жумладан, Амир Темур ва ундан кейин ҳокимиятга келган ўғли Мирзо Шоҳрух ҳам халқаро миқёсда маълум бир сиёсат олиб борганлар ва бу ҳақда ўша давр ёзма манбаларида озми-кўпми маълумотлар сақланиб қолган.

Хоразм. Ўз вақтида Чингизхон бутун империясини ўғилларига тақсимлаб, Марказий Осиёнинг катта қисмини Чиғатойга, Хоразмни эса Жўчига тегишли этган эди. Бироқ Хоразмнинг жануби-шарқий қисми, у ердаги Кот ва Хива шаҳарларини Чиғатойга берганди.

Кўнғирот уруғидан бўлмиш Ҳусайн Сўфи XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрда хонлигида авж олган феодал низолардан фойдаланиб, Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди ва ўз номидан танга ҳам зарб этди. Сўнгра у Чиғатой улусидаги феодал тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам қўшиб олди. Шунга қарамасдан, Хоразмнинг Олтин Ўрдага тобелиги қисман сақланиб қолганди.

Амир Темур Мовароуннаҳрда тахтга ўтиргач, ўзини Чиғатой улусининг қонуний ҳукмдори ҳисоблаб, Алқа тавочини Хоразмга Ҳусайн Сўфи қошига элчи қилиб жўнатди ва Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилди. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида шундай қайд этилган: “Кот ва Хивақ Чиғатой улусига тегишли эрур. Ўтган муддат ичида уни эгасиз топиб, ўз тасаруфинг ҳавзасига киритмишсан. Энди лозимдурки, уни барча тобеъ ва туташ [ерлари] билан бирга бул томон элчилари ихтиёрига қайтарсанг, токи [шу асосда], ҳар иккала томон ўртасида самимият ва дўстлик йўли очиқлигича қолса, тотувлик ва қўллаб-қувватламоқ шарт-шароитлари яратилса”⁵⁴³. Ҳусайн Сўфи элчиларга қўполлик билан: “Бу вилоятни мен қилич воситасида қўлга киритганман ва уни қилич [кучи] билан олишга тўғри келади”⁵⁴⁴, – деб жавоб қилди.

⁵⁴³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 146а варак; Яздий. *Зафарнома*. Мовароуннаҳр воқеалари. 242-б.

⁵⁴⁴ Ўша жойда.

Шундан сўнг, Амир Темур 1372 йили Хоразмга юриш қилиб, тўла ғалаба қозонди. Хусайн Сўфи бу мағлубиятдан ғам-андухга ботиб оламдан кўз юмди ва Хоразм тахтини унинг укаси Юсуф Сўфи (1372–1380) эгаллаб, Амир Темурга тобелик изҳор этиб сулҳ тузди. Ушбу сулҳни Амир Темурнинг таклифига кўра, қон-қариндошлик иплари билан боғлаш мақсадида, Ўзбекхоннинг невараси Хонзода исми билан машхур бўлган Савинбекани (у ота томондан Хоразм сўфийлари авлодидан эди) Амир Темурнинг ўғли Мирзо Жаҳонгирга беришга аҳдлашилди. Лекин Юсуф Сўфи ўз ваъдасига вафо қилмади, аксинча, Кот вилоятига чопқин ясади.

Ушбу воқеа сабабли Амир Темур 1373 йилнинг март ойида иккинчи марта Хоразмга юриш қилди. Лекин у етиб бориши билан Юсуф Сўфи кўрқиб, узр сўрайди ва зудликда Хонзодани жўнатади ва темурийлар билан чингизийлар ҳукмдорлари хонадонлари ўртасида қариндошлик риштаси вужудга келади.

Бу воқеадан кейин ҳам муносабатлар буткул яхшиланмади. Кейинги тарихий воқеалар Мўғулистон, Олтин Ўрда ва Хоразм Амир Темурга қарши бирлашганликларини кўрсатади. Баъзан, уларга Мовароуннаҳрдаги баъзи норози кичикроқ гуруҳлар ҳам қўшилган.

Мўғулистон. Амир Темур 1371 йили биринчи бор Мўғулистонга юриш қилиб, Или водийсигача етиб борди. Мўғулистонда бу пайтда дуғлот амирларидан Қамариддин чингизий ҳукмдорларни қириб ташлаб тахтни эгаллайди. Хон авлодидан фақат бир киши – ҳали жуда ёш бўлган Хизрхожа ўғлонни Бадахшонга жўнатиб, шу йўл билан ўлимдан сақлаб қоладилар.

Амир Темур 1375 йили Мўғулистонда зўравонлик билан тахтни эгаллаб сиёсий майдонга чиққан Қамариддин устига юриш қилади. Бироқ Қамариддин жанг қилмайди ва қочиб кетади. Соҳибқирон қўшинлари Қамариддинни таъқиб қилиб то Йилбоғи, Уч-Фармон ва Қорақасмоқ деган жойларгача етиб бордилар.

1376 йили Амир Темур Хоразм юришига отланганда, амир Сори Буғо, Одилшоҳ жалойир, Хитой баҳодир, Элчи-Буғо ва яна бошқа бир қанча амирларни Қамариддинни топиб йўқ қилиш учун юборади. Йўлда Сори Буғо билан Одилшоҳ хоинлик йўли-

га кирадилар. Андижон доруғаси Ҳамадий ҳам шу йўсинда иш тутиб, уларга қўшилади ва биргалашиб Самарқанд томон юрадилар, бироқ шаҳар аҳолиси мудофаани кучайтириб душманни киритмайди. Ёв Бухорога йўл олади. Бу воқеадан хабар топган Амир Темур ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлади.

Мирзо Жаҳонгир бошчилигида илғор тарзда олдинроқ етиб келган қўшин Кармина яқинида душман билан жанг қилиб, уни тўзителиб юборади. Бош кўтарганлар Дашти Қипчоққа қочиб Ўрусхон даргоҳидан паноҳ топадилар. Маълум вақтдан сўнг улар Мўғулистонга қайтиб келиб, Қамариддинга қўшиладилар ва биргалашиб Андижонга чопқин қиладилар.

Амир Темур Қамариддинга қарши юришга отланади, лекин ўғли Мирзо Жаҳонгирнинг вафоти туфайли юришни ниҳоясига етказмай ортга қайтишга тўғри келади.

Маълум муддатдан сўнг Амир Темур яна Мўғулистонга юриш қилади ва унинг лашкаридаги илғор қисмлар Қамариддинга етиб жанг қиладилар. Қамариддин яна қочиб қолишга улгуради. Бу юришда Қамариддин тўла тор-мор этилиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Хизрхожа ўғлон эгаллайди. Қамариддин ўн йилдан ортиқ вақт давомида Мўғулистонда ҳокимият тепасида бўлди ва шу муддат ичида Амир Темур билан икки ўртада бирор бир сулҳ ёки келишув бўлганлиги ҳақида манбаларда ҳеч нарса дейилмаган.

Хизрхожа ўғлон, хонлик тахтига ўтирган пайтданоқ Амир Темурга тобелик изҳор этди. Бунга жавобан, Амир Темур уни Мўғулистонда хон этиб қолдирди ва бу ўлкага юриш қилишни тўхтатди. Хизрхожа ҳокимиятни эгаллагач, Мўғулистондаги амирларни бўйсундиришга ва ўз мавқеини мустаҳкамлашга киришди. Бироқ бу анча мушкул иш эди.

Мўғулистон амирларининг охирги марта Амир Темурга зарба беришга уринишлари Тўхтамиш ва Олтин Ўрда хонлиги тарихи билан боғлиқ.

Олтин Ўрда. Ўзбекхоннинг (1312–1340) ўғли Жонибек (1340–1357) ҳукмдорлигидан сўнг Олтин Ўрда хонлигида феодал тарқоқлик кучайди ва хонлик лавозимидан барқарорлик кетди. Амир Темур давлати билан Олтин Ўрда хонлиги ўртаси-

даги муносабат ҳам юқорида қайд этилган сиёсий вазият, айниқса, Тўхтамишнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ эди.

Амир Темур 1376 йили Мўғулистонда юриш пайтида Тўхтамиш унинг салтанатидан паноҳ излаб келади. Ўрусхон уни қайтариб беришни талаб қилади, бироқ Амир Темур бу талабни рад этади. Иккала томон урушга отланадилар, бироқ қишнинг қахратон совуғи бунга тўсқинлик қилиб қолади. Бир оз вақтдан сўнг Ўрусхоннинг вафот этганлиги ҳақида хабар келади ва унинг ўрнини эгаллаган ўғли Тахтақиё ҳам оламдан кўз юмади.

Шундан сўнг Амир Темур Тўхтамишни Жўчи улусининг ҳукмдори этиб тайинлайди. Бу воқеа 1376 йили бўлган эди. Ўрусхоннинг Олтин Ўрда тахтида хон бўлиб турган ўғли Темур Малик ўғлон Тўхтамишнинг устига юриш қилади ва икки ўртадаги жангда Тўхтамиш енгилади. Амир Темур уни янгидан энг сара қўшинлар билан таъминлаб, 1377 йили Сиғноқ вилоятига ҳоким этиб тайинлайди.

Олтин Ўрда хонлигида Темур Малик ҳокимиятни бошқаришни эплай олмай, давлати борган сари заифлашади. Амир Темур ана шу қулай вазиятни аниқ ҳисобга олиб, Тўхтамишни жўнатади ва у осонгина тахтни эгаллайди. Кейинги йилларда Тўхтамиш ўз мавқеини кучайтириб бориб, ниҳоят 1380 йили Олтин Ўрдага хон бўлди.

Тўхтамиш хонлик тахтига ўтиргач, Амир Темур Олтин Ўрда билан муносабатлардан кўнгли таскин топган бўлса, бироқ Хоразм масаласида ҳали чигалликлар бор эди. Чунки 1376 йили Амир Темур Ўрусхон билан урушмоқчи бўлиб, Ўтрорда турганида, Хоразм волийси Юсуф Сўфининг қўшинлари Бухоро атрофларига чопқин ясаб аҳолини талаган эдилар.

Амир Темур Жилортини Хоразмга Юсуф Сўфи ҳузурига элчи қилиб жўнатди ва ўз мактубида икки ўртада тузилган сулҳ ҳамда куда-анда бўлганларини эслатди. Лекин Юсуф Сўфи элчини қамаб қўйди ва мактубни жавобсиз қолдирди. Соҳибқирон иккинчи марта элчи юборди ва элчи дахлсиз шахс эканлигини, уни қамаб бўлмаслигини таъкидлаб, элчини озод қилишни талаб этди. Юсуф Сўфи иккинчи элчини ҳам қаматди. Хоразм волийси бу ҳаракати билан Амир Темурни Ўрусхон билан жанг қилмоқ-

дан чалғитмоқчи бўлганми ёки ўзи мустақил ҳаракат қилганми, буниси номаълум. Қандай бўлмасин, Амир Темур ўша пайтда бу воқеага унчалик эътибор бермади ва Дашти Қипчоқ ишларидан холи бўлгандан кейингина унинг тадбирига киришди.

Хоразм. Юқорида айтилганидек, Амир Темур юборган элчисининг Юсуф Сўфи томонидан қамаб қўйилганидан қаттиқ ғазабланган эди ва Дашти Қипчоқ юришидан сўнг 1379 йили Хоразмга юриш қилди. Бу унинг тўртинчи ва ҳал қилувчи юриши эди. Хоразм пойтахти уч ой давомида қамал қилинди, охири Юсуф Сўфи ғам-андуҳга ботиб оламдан кўз юмди.

Тўртинчи юришдан кейин ҳам Амир Темур давлати билан Хоразм ўртасида мавжуд муносабатлар ишончли эмасди. Юсуф Сўфидан сўнг Хоразм волийси бўлган Сулаймон Сўфи тез орада Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб, унга тобеъ бўлди ва унинг номи билан танга зарб этди.

Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзига қарам ҳоким қилиш режаси амалга ошмади. Аксинча, Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтига ўрнашгач, хавfli рақибга айланди.

Айни пайтда, Мўғулистонда ҳам Амир Темурга бўйсунитдан бош тортган амирлар сони ортиб борди, уларнинг сардори Анко Тўро эди. Улар Хизрхожахонни ҳам ўз томонларига оғдириб олдилар.

Амир Темур уч йиллик ғарбий юришга кетган пайтида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразмдаги чингизий кучлар бирлашиб, Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Улар фурсатдан фойдаланиб, қаттиқ зарба беришни мақсад қилган эдилар. Душман қўшинлари қишлоқларни талаб, Қарши шаҳри ва Занжирсаройга ўт қўйди, Самарқанд ва Бухорони қамал қилди. Амир Темур зудликда Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлди. Бу хабарни эшитган душманлар турли томонга қочиб қолишди. Соҳибқирон бу воқеадан қаттиқ дарғазаб бўлиб, душманлардан қасос олишга аҳд қилди.

У дастлаб, Хоразм томон юрди. Ушбу бешинчи юришда Хоразм пойтахтини қўлга киритди. Лекин орадан уч йил ўтгач, Соҳибқирон авф имзосини чекиб, Хоразмни обод этмоққа фармон берди. Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади:

“Ҳазрат Соҳибқироннинг душманлар ҳайиқмаганлиги ва бебоклигидан аланга олган ўч олмоқ [олови], уларнинг шон-шавкат хирмонини ёндириб бўлгандан кейингина пасайди. Нусратшиор байроқ парвардигор кўмаги билан ҳилпираб, Самарқанд сари юзланди ва саодату иқбол ила салтанат ва улуғворлик қароргоҳига келиб қўнди.

Аслини олиб қараганда, онҳазратнинг муборак феъл-атворидан адолат қилмоқ ва раиятпарварлик туғма сифат бўлиб, олий ҳиммати шаҳарларни обод қилишга ва художўйларнинг ҳол-аҳволини яхшилашга иштиёқманд эди. Гоҳида гардун қудратли ғолиб аскарлар томонидан содир этиладиган қаҳр-ғазаб ва хароблик эса, жаҳонгирлик ва ўлкаларни забт этиш заруратидан келиб чиққандир, бу сиёсатсиз ва кўрқитишсиз муяссар бўлмайди. Шу сабабдан, Хоразм хароб этилгандан сўнг орадан уч йил ўтгач, подшоҳлик марҳамати етти юз тўқсон учинчи йил охирларида (1391 й.) Дашти Қипчоқ юришидан қайтиш пайтида Жанги қавчиннинг ўғли Мусакани Хоразмни обод қилиш учун жўнатди. У Қоон маҳалласини, [бу жойни] Чингизхон мамлакатларни ўз ўғилларига бўлиб берганда Кот ва Хевак билан бирга Чиғатой улусига киритган эди, кўрғон қилиб ўраб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда Хоразмнинг [энг] обод жойи ўша эрур”⁵⁴⁵.

Тўхтамишхон 1388 йилнинг декабрь ойида сон-саноксиз лашкар тўплаб Мовароуннаҳрга юриш қилади ва илғор қисмлари Хўжанд дарёси (Сирдарё)дан ўтиб Дизақ (Жиззах)га яқинлашганда Соҳибқирон лашкари томонидан тор-мор этилади. Амир Темур 1389 йилнинг февралда ўз лашкари билан Сирдарёдан ўтади. Саброн кўрғонини қамал қилиб турган ғаним, зафарли лашкарнинг етиб келганидан хабар топгач, тумтарақай қочиб қолади.

Худди шу 1389 йили Амир Темур аркони давлат билан маслаҳатлашиб Мўғулистон сари юриш бошлайди. Или водийсига етиб борганида қурултой чақириб, унда бутун Мўғулистон ҳудуди рўйхат (дафтар)га олинади. Турли йўналишларда жўнатилган қўшинлар Мўғулистонни бошдан-оёқ кезиб талон-то-

⁵⁴⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 198а -198б варақлар.

роҳ қиладилар. Бу юришда Мўғулистон бутунлай забт этилиб, унинг хони Хизрхожа тўла тобелик изҳор қилади. Ана шу юришдан кейингина Мовароуннаҳр учун Мўғулистон томондан ҳужум хавфи узил-кесил тугатилди.

Бу катта ғалаба Мовароуннаҳрнинг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон берди, зеро савдо йўли Мўғулистон орқали ўтарди. Халқаро савдо алоқаларининг ривожига Амир Темур алоҳида эътибор берган, чунки улар Мовароуннаҳрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қудратини юксалтиришда муҳим омил саналган.

Олтин Ўрда. Амир Темур Мўғулистондан бошқа хавф бўлмаслигидан кўнгли тўлғач, Олтин Ўрда томондан мавжуд хавф-хатарни бартараф этишга киришди ва 1390 йили ўзининг Тўхтамишхон устига қилган энг оғир юришларидан бирига азм этди; ҳатто Тўхтамишнинг ўз айбига иқроҳ бўлиб узр сўраб юборган элчиларига ҳам эътибор бермади. Ҳозирги Қозоғистон даштларини катта машаққат билан босиб ўтиб, сўнгра ғарбга юриб Волга дарёси соҳилларига етиб борди ва Қундузча деган жойда Тўхтамишнинг жуда катта лашкари билан қаттиқ жанг қилиб ғалаба қозонди.

Олтин Ўрда хонлиги бир мунча кейинроқ, 1395 йили узил-кесил тор-мор этилди. Амир Темур ана шу иккинчи катта юришдан олдин Тўхтамишхон қошига элчи юборади ва унга панд-насихатлар қилади. Шарафуддин Али Яздий бу хат мазмунини ҳақида куйидагиларни ёзган:

“Ҳазрат Соҳибқирон қишлоқда [турган жойда], ҳужжат зарурлиги сабабли, Тўхтамишхонга бир хат ёзган эди.

Шамсиддин Олмалиғийни ўша мактуб ила Тўхтамишхон қошига элчи қилиб жўнатди. Шамсиддин доно, гапга чечан ва тажрибали киши эди; *тўра*⁵⁴⁶ расму қондасини яхши биларди ва кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар йўсинда тақозо этилган латиф сўзлар айта оларди.

У Дарбанддан ўтиб Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон ҳузурига етиб борди ва мактубни топшириб, ҳазрат Соҳибқирон айтган-

⁵⁴⁶ *Тўра* – қоида, удум.

ларини чиройли иборалар ва ёқимли тил ила баён этди. [Унинг сўзлари] Тўхтамишхонга жуда ёқди ва сулҳ тузмоққа мойиллик кўрсатиб, яхшилик қўли билан кечирим сўраш этагини тутмоқчи, садоқат ва самимият билан итоат оёғини келишув йўлига қўймоқчи ва бир илож қилиб, ваҳшат ғуборини ўртадан кўтармоқчи эди. Бироқ унинг амирлари жаҳл ва қайсарлик қилиб, монетьлик ва фасод оёғи билан ишнинг белига тепиб, [сулҳ тузмоққа йўл] қўймадилар; хом хаёл қўли билан ўз валенеъматлари давлатининг чашмаси ҳамда ўз саодатлари кўзига бахтсизлик тупроғини сочдилар.

Назм:

*Подшоҳларга бирор зарар етар экан,
У нодонлар тадбири туфайли бўлади.
Кимнингки остонасидан давлат кетар экан,
У аблаҳлар билан ҳамдостон бўлади.*

Тўхтамишхон ул давлатсизларнинг гапига кириб тўғри йўлдан озди, кибру ҳаво саҳросига бахтсизлик ва бесаранжомлик уруғини сепди ва [Соҳибқирон] хатига қўпол жавоб ёзиб юборди... [Элчи бўлиб келган] Шамсиддин Олмалиғийни хилъат билан тақдирлаб, қайтариб юборди.

Элчи Самур дарёси⁵⁴⁷ [бўйида] ҳумоюн мавкабга етиб келди ва ер ўпмоқлик удумини адо этгач, Тўхтамишхоннинг мактубини арзаға етказди. Ҳазрат Соҳибқирон ул ўринсиз жавоблардан ўта ғазабланди ва лашкар йиғмоққа ҳамда сипоҳни тартибга келтирмоққа фармон берди⁵⁴⁸. Амир Темур бу катта, масъулиятли юришдан тўла ғалаба билан қайтади.

Орадан ўн йил ўтгач, Амир Темур Хитой юриши пайтида Ўтрорда турганида, унинг ҳузурига Тўхтамишдан элчилар келади; у гуноҳлари учун кечирим сўраган эди. Соҳибқирон уни кечиради ва Хитой юришидан қайтгач, Олтин Ўрда тахтини унга қайтаришни ҳам ваъда қилади. Бироқ бу ваъда Амир Темурнинг 1405 йили Ўтрорда вафоти туфайли амалга ошмай қолди.

⁵⁴⁷ **Самур дарёси** – Доғистондаги дарё, Катта Кавказ тизмасининг шимолий ён бағридан бошланиб Каспий денгизига қуйилади.

⁵⁴⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 272а варақ.

Хитой. Амир Темур ва Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик муносабатлари масаласига тадқиқотчилар катта эътибор берганлар ва бу ҳақда Европа, япон ва ўзбекистонлик олимлар томонидан бирламчи манбаларни ўрганиш асосида чоп этилган қатор илмий мақолалар мавжуд⁵⁴⁹.

Хитойда 1368 йили Юань мўғул сулоласи тугагач, йирик марказлашган Мин салтанати (1368–1644) ташкил топди. Дастлабки пайтларда Хитойнинг сиёсатидаги асосий муаммо мўғулларнинг янги ҳужумига йўл қўймасликдан иборат бўлган, зеро бундай хавф мавжуд эди ва Хитой ўзининг шимолий сарҳадларида мўғуллар билан тез-тез тўқнашиб турарди. XIV асрнинг сўнгги йилларида Мин салтанатининг чегараси мустаҳкамланиб, ундан кейинги йилларда ҳам деярли ўзгармай қолди: шимолда Буюк Хитой девори, шимоли-ғарбда Ганьсу вилояти ва ғарбда Цинхай вилоятининг шарқий қисми билан чегараланган эди.

Мин сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳарбий тадбирлар Хитойнинг бошқа давлатлар, жумладан, Амир Темур давлати билан савдо-элчилик алоқалари имкониятини чеклаб тўхтатиб қўйди. Шу сабабдан, XIV аср иккинчи ярмининг дастлабки икки ўн йиллиги давомида мусулмон манбаларида ҳам, хитой манбаларида ҳам савдо-элчилик алоқалари бўлганлиги қайд этилмаган.

Савдо алоқаларининг ривожига Амир Темур алоҳида эътибор қаратган, чунки улар Мовароуннаҳрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қудратини юксалтиришга ёрдам берган. Бироқ XIV асрнинг 70–80 йилларида Хитой ва Мўғулистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият савдо-элчилик алоқаларининг ривожланишига монелик қилиб келарди. Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгандан сўнг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон юзага келди, зеро савдо йўли Мўғулистон орқали ўтарди.

⁵⁴⁹ Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С.54–61; Bretshneider E. *Mediaeval Researches*; Franke Wolfgang. *An Introduction*; Carrington Goodrich I. *Ch'en Ch'eng in Ch'ing*; Enoki K. *Tsung-le's mission*; Enoki K. *Fu An's Mission to Central Asia*; Rossabi Morris. *Cheng Ho and Timur*; Rossabi Morris. *Two Ming*; Hecker Felicia J. *A fifteenth century Chinese*.

Амир Темур салтанати йиллари, асосан, Мин сулоласининг дастлабки вакили император Чжу Юаньчжан (бошқа исми Тайцзу, лақаби Хуньу, 1368–1398) ҳукмронлиги вақтига тўғри келади. Хитой солномаси “Мин ши”да ёзилишича, Хитой императори ўз навбатида, Амир Темур йўллаган элчилар ҳамда совғалар учун миннатдорчилик рамзи сифатида ўз номидан элчилар юборган.

Амир Темур ва Темурийлар давлатининг Хитой билан савдо – элчилик муносабатлари тарихи, асосан, хитой тилида ёзилган хитой солномаларида ҳамда форсий тилдаги Шарқ ёзма манбаларида қайд этилган.

Хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV–XVII асрлар оралиғидаги тарихи анча мукаммал акс этган солнома – “Мин ши лу” (“Мин сулоласи императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар”)да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган бўлиб, унда 1388–1398 йиллар оралиғида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган⁵⁵⁰.

Хитой манбаларидан “Мин ши” ва Шэнь Дефу қаламига мансуб “Ваньли. Ехобянь” (“Ваньли даврида вилоятлар ҳақида қайдлар”) номли асарда 1391 йили Куан Чэ бошчилигидаги Хитой элчилари Самарқандга жўнатилгани, бироқ улар Бешбалиқда Хизрхожахон томонидан ушланиб қолингани қайд этилган⁵⁵¹.

Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида Амир Темур Ҳиндистонга юриши пайтида Кобул яқинида, унинг ҳузурига Хитой мамлакатидан Тойзи-ўғлон элчи бўлиб келгани айтилган бўлса-да, бироқ Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида бунга аниқлик киритилган. Унда ёзилишича, Тойзи-ўғлон аслида Чингизхон авлодига, аниқроғи, Угэдэй наслига тегишли шоҳзода бўлиб, Қалмоқдан келган. У ўз ватани Улуғ Юртда қоонга қарши бош кўтаради ва мағлубиятга учраб, қочиб Амир Темур ҳузурига келади.

⁵⁵⁰ Буриев О., Колганов А. *Об одном участке.* – С.107; Каримова Н. *Взаимоотношения.* – С.106.

⁵⁵¹ *Синьцзян дифан лиш цзыляо сюаньцзи.* – С. 654; Enoki K. *Fu An's Mission to Central Asia;* Enoki K. *Tsung-le's mission;* Каримова Н. *Взаимоотношения.* – С. 106–107.

Хитойнинг Амир Темур ва Темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат – Фу-Ан (вафоти 1429) ва Чэнь-Чэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу маълумотлар хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган.

“Мин ши”да ёзилишича, Хитой императори 1395 йили Фу-Ан бошчилигида Самарқандга Амир Темур ҳузурига яна элчилар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган.⁵⁵² Фу-Ан бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида “Мин ши лу”да ҳам хабар бор⁵⁵³. Улар Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамсафар бўлганлар.

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маълумотга кўра, мазкур элчилар 800 (1397) йилнинг қишида, Амир Темур Тошкент вилоятининг Чинос (Чиноз) қишлоғида қишлаб турганида, ўша ерга етиб келганлар. “Зафарнома”да Хитой томондан Хитой подшоҳи элчилари келиб Соҳибқирон ҳузурида бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилингани ва қайтишга рухсат этилгани ҳақида ёзилган⁵⁵⁴. Бу хабар Амир Темур давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихидан сўзловчи Яздий “Зафарнома” асаридаги ягона маълумотдир.

Фу-Аннинг ушбу сафари тўғрисида дастлаб немис олими Б.Бретшнейдер ёзгани маълум. Унинг таъкидлашича, элчилар 12 йил қолиб кетганлар⁵⁵⁵. Элчиларнинг узоқ вақт ушланиб қолинганлиги сабаби темурийлар тарихи акс этган тарихий асарларда кўрсатилмаган. Лекин бунинг асосий сабаби, Хитой императорининг ўз мактубида Амир Темур элчилар воситасида юборган совғаларни ўлпон деб баҳолаганида ва бу ҳақда манбаларда аниқ айтилган. Масалан, Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз “Кундалиги”да Хитой подшоҳи Чайскан-

⁵⁵² *Мин ши*. (История династии Мин). – С.3975; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С. 106–107.

⁵⁵³ Watanabe Hiroshi. *An Index of embassies*. – P. 285–347.

⁵⁵⁴ Яздий. *Зафарнома*. 295а варақ.

⁵⁵⁵ Bretschneider E. *Mediaeval Researches*. – P. 144–145.

нинг “бож талаб қилиб юборган элчилари...”, – деб ёзган⁵⁵⁶. Хитой солномаси “Мин ши” да ҳам: “... Фу-Ан ва бошқалар ушланиб қолинди, ўлпон келиши ҳам тўхтади...” – деган жумлани ўқиймиз⁵⁵⁷. Амир Темурнинг ғазаблангани асосли эди, чунки Фу-Ан тақдим этган ва ўлпон сўралган мактуб Хитой императорининг мухри билан тасдиқланган бўлиб, расмий ҳужжат саналарди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида Хитой императорининг исми “Тўнғизхон” деб аталганининг сабаби ҳам эҳтимол шундандир. Амир Темурнинг Хитойга юриши сабабларидан бири ҳам Хитой императорининг бож талаб қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Амир Темур Хитой императорининг элчисини ушлаб қолган бўлса-да, бироқ унинг элчилик ҳурматини сақлаган ва ўзининг буюк ҳукмдор эканлигини намойиш этиш учун элчига салтанатининг узоқ гўшаларигача намойиш этишни буюрган. “(Амир Темур) ўз давлати билан мақтаниб, Фу-Анни салтанатининг турли жойларига элтишни буюрди”, – деб ёзилган хитой солномаси “Мин ши” да⁵⁵⁸. Шу асосда Фу-Анни кўпгина жойларга (Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронзамин ва б.) олиб борганлар. Ундан ташқари Фу-Ан расмий қабул маросимларида ҳам Соҳибқирон аъёнлари қаторида ўтирган. Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз “Кундалиги” да Самарқандда Амир Темур ҳузурини бўлганида, у ерда хитой элчилари ҳам ўтиргани ҳақида ёзади⁵⁵⁹.

Тадқиқотларда Фу-Аннинг қайтмаганлиги сабабини аниқлаш учун Хитой императори 1397 йили яна элчи жўнатгани ва бу элчиликни Чен-Те-Вен бошқаргани айтилган,⁵⁶⁰ бироқ бу маълумот бошқа манбаларда ўз тасдиқини топмаган. Темурийлар тарихига оид форсий манбаларда Амир Темур салтанати чоғида Мовароуннаҳрга фақат бир марта элчилар келгани айтилган хо-

⁵⁵⁶ Клавихо. *Дневник*. – С.109; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати* (2004). 15-б.

⁵⁵⁷ *Мин ши*. (История династии Мин). 3975-б.; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.108

⁵⁵⁸ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.108.

⁵⁵⁹ Клавихо. *Дневник*. С. 109; *Клавихонинг Самарқандга саёҳати*. 15-б.

⁵⁶⁰ Enoki K. *Fu An's Mission to Central Asia*; Enoki K. *Tsung-le's mission*; Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С. 54–61.

лос. Клавихо ҳам ўз саёҳатномасида битта Хитой элчиси ҳақида ёзади.

“Мин ши” солномасида Фу-Ан 1405 йили ҳам ҳали Хитойга қайтмагани таъкидланган⁵⁶¹. Фу-Ан бошчилигидаги Хитой элчилари ватанларига фақат Соҳибқирон вафотидан сўнг, “Мин ши” да ёзилишича 1407 йили қайтиб борганлар⁵⁶².

Мин сулоласининг навбатдаги кейинги императори Чжу Юньвэнь (бошқа исми Хуэйди, лақаби Цзяньвэнь, 1399–1402) қисқа вақт ҳукмронлиги даврида иккала давлат ўртасида бирор элчилик алоқалари бўлганлиги ҳақида ёзма маълумот қайд этилмаган.

Хитой билан савдо-элчилик алоқаларини ривожлантириш анъанаси Амир Темури вафотидан сўнг Шоҳрух ва Улуғбек салтанати даврида ҳам давом этди. Бу даврда Темурийлар давлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал ўлкаларидан савдо карвонлари ва элчилар келган. Хитой солномаларида 1403–1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Ҳиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган⁵⁶³. Шимолий Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Ҳиндистонга элчилар юборилгани маълум. Ҳофизи Абрунинг тарихий-географик (“География”) асарида Хитойдан 1409, 1412 ва 1417 йилларда Ҳиротга элчилар келганлиги ҳақида хабар берилади. Бу асар 1417 йил воқеалари билан тугаганлиги сабабли Ҳиротга 1419 йили келган Хитой элчилари ҳақидаги хабар ушбу тарихчининг кейинроқ ёзган “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” (“Бойсунғурга бағишланган сара тарих”) асаридан ўрин олган.

Шоҳрух салтанатида Темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари кел-

⁵⁶¹ *Мин ши*. (История династии Мин)... кўрс. асар. 3975-б.; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.108.

⁵⁶² *Мин ши*. (История династии Мин). – С. 3975; Bretshneider E. *Mediaeval Researches*. – P.144–145; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.108.

⁵⁶³ Watanabe Hiroshi. *An Index of embassies*. – P. 285–347; Буриев О., Колганов А. *Об одном участке*. – С.107.

ган пайтдан бошланади. Элчилар Соҳибқирон вафотига таъзия билдириш учун ташриф буюрган эдилар. Кейинги йилларда бу алоқалар мунтазам давом этди.

Хитой солномаларида 1403–1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Ҳиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган. Бу ҳақда Темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда ҳам маълумотлар бор. Жумладан, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида ва у орқали Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матла ас-саъдайн” китобида Хитойдан келган ва Темурийлар давлатидан юборилган элчилар ҳақида хабар берилади. Ҳар икки томондан ҳукмдорлар ўзлари йўллаган мактубларида дўстлик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашни алоҳида таъкидлаганлар⁵⁶⁴.

Марказий Осиёнинг XV аср биринчи чорагидаги савдо-элчилик алоқалари Хитойда император Чжу Ди (1404–1424) ҳукмронлиги даврига тўғри келади⁵⁶⁵. Хитойда ҳам ана шу йилларда иқтисодиёт, маданият ва савдо ривожланган; Нанкин, Пекин, Сучжоу, Сунцзян, Ханчжоу, Гуанчжоу ва бошқа шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказларидир⁵⁶⁶.

Хитой солномаси “Мин ши” даги маълумотга кўра, Хитой императори Чжу Ди тахтга ўтиргани муносабати билан, бу ҳақда маълум қилиш мақсадида 1403 йили, яъни Амир Темур ҳаётлигида турли давлатларга, жумладан, Самарқандга элчилар орқали мактуб йўллаган⁵⁶⁷. Бироқ мазкур элчилик ҳақида манбаларда бошқа ҳеч қандай тафсилот учрамайди.

Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида элчилик муносабатлари бу ўлкада XV асрда **Халил Султон** қисқа муддат Мовароуннаҳрда ҳукмрон бўлиб турганида жонланди ва мазкур шахзода

⁵⁶⁴ Мазкур мактублар матни Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида берилган (қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008).

⁵⁶⁵ Хитойнинг ғарбдаги давлатлар билан алоқалари хусусида қаранг: *Ғиёсиддин Наққош Хитой сафарномаси*. 3–9-бетлар.

⁵⁶⁶ Бокщанин А. *Императорский Китай*. – С.235.

⁵⁶⁷ *Мин ши* (История династии Мин). – С. 3975; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.107.

ўз номидан Хитойга элчи жўнатгани билан бошланади, дейиш мумкин, ўз навбатида, Хитой императори ҳам дипломатик алоқаларни ривожлантиришга хайрихоҳ эди ва кейинги йилларда Фу-Ан яна икки марта Темурийлар давлатига ва уч марта Шарқий Туркистоннинг Бешбалиқ шаҳрига элчилик топшириғи билан келиб-кетгани маълум (Фу-Аннинг кейинги иккала сафари ҳам Халил Султоннинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмдорлиги даврига (1405–1409) тўғри келади: иккинчи сафари 1408–1409 йиллар; учинчи марта Самарқандга сафари пайтида эса, Халил Султоннинг Хитойдан қайтаётган элчилари билан бирга йўлга чиққан).

Хитой солномаси “Мин шигао” (“Мин тарихининг мусаввадаси”)да ёзилишича, 1408 йили Самарқанддан Хитойга элчилар келгани ва унга жавоб тариқасида Хитой императори мазкур элчи билан бирга Фу-Анни жўнатгани ва унга Ҳирот ва бошқа жойларда ҳам бўлиш топширилгани ҳамда Фу-Ан бу сафардан 1409 йили Самарқанд ва Ҳирот элчилари билан келгани ҳақида хабар берилади⁵⁶⁸. Бу маълумот Хитой солномаси “Мин шилу” (“Ҳаққоний тарих”)да ҳам бор. Унда Самарқанддан Халил Султон номидан Шайх Нуриддин бошчилигида элчилар келди, деган аниқлик ҳам киритилган ва элчилар билан бирга Самарқанд, Ҳирот ва бошқа жойларга Фу-Ан бошчилигида элчилар юборилгани, улар 1409 йили Темурийлар давлати элчилари билан бирга қайтиб келгани таъкидланган⁵⁶⁹.

Фу-Ан ана шу иккинчи марта Ўрта Осиёга сафари чоғида Хитойдан 1408 йили йўлга чиққан ва Темурийлар давлатининг турли шаҳарларида бўлган. Унинг пойтахт Ҳиротга Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун келгани ҳақида Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида шундай ёзади:

“Биринчи бор Хитой элчиларининг келганлиги зикри... хумоюн мавкаб Сеистон юришидан қайтиб келганидан кейин Хитой подшоҳининг Соҳибқирон ҳазратлари [вафоти] туфайли

⁵⁶⁸ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.110.

⁵⁶⁹ *Синьзян дифан лиши цзыляо сюаньцзи*. – С. 224–225; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.110; Каримова Н. *Темурийлар билан Хитой алоқалари*. 4–9-бетлар.

таъзия билдириш учун юборган элчилари совға-саломлар билан етиб келдилар ҳамда ўз подшоҳлари сўзини арзга етказдилар. Ҳазрат хоқони сайд улар борасида марҳамат ва иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишларига ижозат буюрди”⁵⁷⁰.

Бироқ унда элчининг исми ва у билан бирор киши юборилгани ёзилмаган. Қайтишда улар билан бирга Темурийлар давлатидан Хитойга элчилар боргани, юқорида келтирилганидек, Хитой манбаларида қайд этилган. Демак, Шоҳрух давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга мазкур Хитой элчилари келган пайтдан бошланади, дейиш мумкин. Кейинги йилларда бу алоқалар мунтазам давом этди.

Хитой императори 1409 йили Темурийлар давлатидан келган элчиларга қўшиб яна Фу-Ан бошчилигида ўз номидан элчилар юборгани “Мин шилу”да қайд этилган⁵⁷¹. Бу элчилик Фу-Аннинг Темурийлар давлатига учинчи сафари эди.

“Матлаи саъдайн”да мазкур элчилар ҳақида 1412–1413 йиллар воқеалари баёнида ёзилган ва Хитой императорининг Мирзо Шоҳрух ҳузурига йўллаган мактубининг матни ҳам берилган. “Матлаи саъдайн”да бу воқеа ҳақида қуйидагилар ёзилган:

“Хитой подшоҳи элчиларининг келганлиги. Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. [Хоқони сайд томонидан]: “Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз хунарини зоҳир қилиб дўконини безатсин”⁵⁷², – деган хумоюн фармон содир бўлди.

“Амирлар истиқбол расми бўйича [шаҳардан] ташқари чиқиб, элчиларнинг ҳаммасини иззат-хурмат билан шаҳарга олиб кирдилар... Ҳазрат хоқони сайднинг фармони бўйича, [салтанат тахтгоҳи жойлашган] Боғи Зоғонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат шер ҳайбат ясовуллар ҳар кимнинг [ўзига хос] жой ва макон тайин қилдилар. Ҳазрат хоқони сайд

⁵⁷⁰ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 145-б.

⁵⁷¹ Синьцзян дифан лиши цзыляо сюаньцзи. С. 225; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С. 111.

⁵⁷² Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 222-б.

худди баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чеҳра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни қўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар”⁵⁷³.

Мактубда Хитой императорининг исми Дой Минг шаклида (аслида ўша пайтда Хитойда император Чжу Ди ҳукмдор эди ва мактубдаги “Дой Минг” – “Буюк Минг” деган маънони англатади, яъни Мин сулоласига мансуб подшоҳ) ва юборилган элчиларнинг исмлари Ду-Жи-Хун-Бой ва Донг-Чинг деб ёзилган.

Мирзо Шоҳрух элчиларни иззат-икром билан қабул қилиб, араб ҳамда форс тилларида ёзилган жавоб мактуби ҳам йўллайди⁵⁷⁴ ва ўз номидан Муҳаммад бахшини уларга қўшиб жўнатади⁵⁷⁵.

Элчилар ва улар билан бирга Мирзо Шоҳрухнинг элчиси Хитойга етиб борганлари ҳақида хитой солномаларида қайд этилган. Чунончи, “Мин ши” ва “Мин шилу”да 1413 йили Темурийлар давлатидан Хитойга элчилар келгани айтилган⁵⁷⁶. Темурийлар давлатига уч марта элчи бўлиб келган Фу-Ан ўз кўрган-кечирганларини “Сиуй шэньланьши” (“Ғарбга саёҳат чоғида кўрган ғаройиб нарсалар”) номли шеърий тўпламида ёзиб қолдирган⁵⁷⁷.

Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги кейинги йиллардаги элчилик муносабатлари кўпроқ хитой дипломати Чэнь-Чэн номи билан боғлиқ.

Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига дастлабки сафари 1414–1415 йилларга тўғри келиши Хитой солномаларида қайд этилган. Аниқроғи, 1414 йил 3 февралда⁵⁷⁸ Бейцзин (Пекин)га Ҳирот, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан элчилар келади. Улар

⁵⁷³ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 222–223-бетлар.

⁵⁷⁴ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 222–224-бетлар.

⁵⁷⁵ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). 229-б. Муҳаммад Бахши кейинги, аниқроғи, 1419–1422 йиллардаги элчилик таркибида Мирзо Улуғбек номидан боргани ҳам маълум. Улуғбек уни бир гуруҳ хитойлик савдогарлар билан қўшиб юборган (қ.: Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғиёсиддин Наққош сафарномаси*. 11-б.).

⁵⁷⁶ Каримова Н. *Хитой элчиси Чэн Чэннинг Самарқанд сафарига оид*. 98–108 бетлар.

⁵⁷⁷ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С. 113.

⁵⁷⁸ “Мин шилу”да: “1413 йил”.

Фу-Ан билан бирга келган эдилар⁵⁷⁹. Хитой императори уларга қўшиб ўз томонидан амалдорлар Ли До, Чэнь-Чэн ва Ли Сянларни Темурийлар давлатига элчи қилиб жўнатади⁵⁸⁰. “Мин ши”да мазкур хитой элчилари Улуғбек ҳузурига юборилгани таъкидланган⁵⁸¹. Яна шу “Мин ши”да ёзилишича, 1415 йили 30 ноябрда Чэнь-Чэн бошчилигидаги элчилар Хитой пойтахтига қайтиб келгани ва уларни кузатиб Самарқанддан элчилар совғалар билан келишгани ҳам ёзилган.⁵⁸²

Чэнь-Чэн ўз сафар хотиралари ҳақида кундаликни ҳам ана шу биринчи саёҳати чоғида ёзган.

Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига иккинчи сафари 1416–1418 йилларга тўғри келади⁵⁸³. Хитой манбаларида ёзилишича, Чэнь-Чэн императорнинг мактуби ва совғаларини олиб 1416 йили 3 июлда Хитойдан жўнаган⁵⁸⁴. Бу ҳақда Темурийлар манбаларида ҳам маълумот бор. Абдураззоқ Самарқандий “Матла ас-саъдайн”да (820 йил раби ул-аввал 1417 йил апрель–май) Ҳиротга жами 300 отликдан иборат, Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочин исмли шахслар бошчилигида хитой элчилари келгани ва битта мактуб ҳам келтиргани ҳақида хабар беради⁵⁸⁵.

“Хитой элчиларининг келганлиги ва улар билан амир Ардашер тавочининг юборилганлиги зикри. Хитой подшоҳи Дой-Минг хон яна элчилар юбориб, улар [шу 820 йили] рабиъ ул-аввал ойида (18 апрель – 17 май, 1417) [Ҳиротга] етиб келдилар. Уларнинг бошлиқлари Билан-Бочин, Турт-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар уч юз отлик билан бирга совға-саломлар, шунқорлар, атлас ва кимхоблар, тарғу, чинни асбоблар ва бошқалардан иборат кўп ҳадяларни келтирдилар; шахзодалар ва

⁵⁷⁹ Каримова Н. *Хитой элчиси Чэнь Чэннинг Самарқанд сафарига оид*. 98–108 бетлар.

⁵⁸⁰ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С. 117–118.

⁵⁸¹ *Мин ши*. (История династии Мин). – С.3975; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.118.

⁵⁸² *Мин ши*. (История династии Мин). – С.3975; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.135.

⁵⁸³ Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С. 136.

⁵⁸⁴ Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С. 60.

⁵⁸⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 325–6.

оғолар учун эса алоҳида подшоҳона ҳадялар келтирган эдилар. Шунингдек, ўтмишдаги алоқаларини [яқунловчи] безак бўладиган ва келажакдаги ўзаро хайрихоҳлик учун асос бўладиган сўзларни ўз ичига олган бир мактубни ҳам келтирадилар. Мазмуни шундай: “Ҳар икки томондан ҳам ғайрилиқ ва бегоналиқ пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар бежавотир бўлсин”⁵⁸⁶.

Мирзо Шоҳрух элчиларни яхши кутиб олади ва уларга қўшиб ўз номидан элчи юборади:

“Биринчи марта [Хитой] элчилари келиб, яна қайтиб кетаётган вақтларида амир Сайид Аҳмад тархон подшоҳга атаб бир тўриқ отни юборган эди. У от подшоҳ назарида ғоят таҳсинга сазовор кўринган ва подшоҳ от эвазига амир Сайид Аҳмадга кўп ҳадялар жўнатган ва ўша отнинг жоловини икки тарафдан икки ахточи тутиб турган ҳолдаги [Хитой] наққошлари чизган расмини ҳам юборишган эди. Элчиларни меҳмон қилиб, керак-яроқларини ҳозирлаб, юқорида айтилганидек, қайтариб юбордилар. Онҳазрат Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб Хитой томон жўнатди”⁵⁸⁷.

Мактуб мазмунидан кўриниб турибдики, мазкур элчилик Хитойдан юборилган илгариги элчиликлардан анча салмоқли бўлган. Мирзо Шоҳрух хитой элчилари билан бирга ўз номидан Ардашер тавочини элчи қилиб жўнатган⁵⁸⁸ ва у 1419 йил октябрда навбатдаги хитой элчилари билан бирга Ҳиротга қайтиб келган⁵⁸⁹ (лекин Хитой солномаларида Ардашер нима сабабдан-дир Улуғбекнинг элчиси сифатида қайд этилган⁵⁹⁰).

⁵⁸⁶ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 325–326-бетлар.

⁵⁸⁷ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 325–326-бетлар.

⁵⁸⁸ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 325-б.

⁵⁸⁹ Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 347-б.

⁵⁹⁰ *Темурийлар билан Хитой алоқалари* // Шарқшунослик. – Т.: “Минҳож”, № 7. 1996. 44–59-б.

Чэнь-Чэн бу сафардан 1418 йили ватанига қайтиб борган ва у билан бирга Ҳирот ҳамда Самарқанд шаҳарларидан Хитойга элчилар борганлар. “Бу [Самарқанд] давлати Чэнни [ватанига] кузатиш ҳамда ўлпон элтиш учун яна (Хитойга) элчилар юборди”, – деб ёзилган Чэнь-Чэн фаолиятига бағишланган хитой олимлари тадқиқотларидан бирида⁵⁹¹.

Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига элчи сифатида 1420 йили учинчи марта Хитойдан жўнатилгани Хитой солномаси “Мин ши” да қуйидагича қайд этилган: “Юнлэ ҳукмдорлигининг 18-йилида (1420 й.) Чень билан Го Цзинга, [Улуғбекнинг элчиси ва совғалари учун] ташаккур айтиш мақсадида, императорнинг мактуби ҳамда ипак матолар элтиш буюрилди”⁵⁹². Ҳатто унинг жўнаган куни ҳам кўрсатилган: 1420 йил 20 июль⁵⁹³.

Чэнь-Чэннинг ушбу сафари ҳақида хитой манбаларида ҳам темурийлар тарихларида ҳам бошқа ҳеч қандай тафсилот учрамайди. Таъкидлаш жоизки, 1420 йил 20 июлда Фиёсиддин Наққош қатнашган Темурийлар давлатидан юборилган катта элчилик энди Қорахожага ва 1420 йили 14 декабрда эса Хитойнинг пойтахти Хонбалиқ шаҳрига етиб борган эдилар⁵⁹⁴. Бироқ хитой солномаларида Хитой пойтахтига кўпгина давлатлардан элчилар фақат 1422 йили келгани ёзилган⁵⁹⁵. Бу ерда хитой солномасидаги маълумот хато, чунки Фиёсиддин Наққош кундалигида саналар аниқ берилган.

Лекин хитой манбаларида хитойдан 1418 йил 30 октябрда Ли-Та бошчилигида элчилар императорнинг мактуби билан Мирзо Шоҳрух ҳузурига жўнаганлари қайд этилган⁵⁹⁶. Мазкур маълумот темурийлар манбаларида ҳам тасдиқланади. “Матлаи саъдайн” да 1419 йил октябрда Ҳиротга Ли До бошчилигида

⁵⁹¹ Ян Фусюэ. *Чэнь Чэн шилляоды синьфасянь*. – С.22; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.136.

⁵⁹² *Мин ши*. (История династии Мин). С. 3975; Каримова Н. *Взаимоотношения*. – С.136.

⁵⁹³ Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С.54–61.

⁵⁹⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. *Фиёсиддин Наққош сафарномаси*. 22-б.

⁵⁹⁵ Каримова Н. *Темурийлар билан Хитой алоқалари*. 44–59-бетлар (жадвал).

⁵⁹⁶ Fletcher J.F. *China and Central Asia*. P. 211; Roseabi Morris. *Cheng Ho and Timur*; Rossabi Morris. *Two Ming*. – P.26; Ртвеладзе Э.В. *Китайские посольства*. – С. 54–61.

хитой элчилари Пи-Мочин ва Хон-Мочинлар келгани, Ардашер тавочи ҳам улар билан бирга қайтгани ва элчилар хитой подшоҳининг мактубини тақдим этганлари айтилган ҳамда мазкур мактубнинг матни ҳам берилган⁵⁹⁷ (ушбу мактубда бундан олдинги хитой элчиларини ҳам сарой амири Ли До бошлаб бориб қайтгани ҳам таъкидланган):

“Матлаи саъдайн”да Хитойдан Темурийлар давлатига келган яна бир элчилик ҳақида маълумот берилган. Улар билан бирга илгари хитой элчилари сифатида Хитойга юборилган Ардашер ҳам қайтиб келганди. Бу ҳақда “Матлаи саъдайн”да жумладан, шундай сатрлар бор:

“Юқорида [саккиз юз] йигирманчи (1417) йил ойлари [воқеалари орасида] Хитой подшоҳи Дой-Минг хон ҳумоюн даргоҳга элчилар юборгани ва ҳазрат хоқони саид Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб жўнатгани ҳақида айтиб ўтилган эди. Шу кунларда Ардашер қайтиб келиб у вилоят аҳволи ва [яна] элчилар келганлигини арзга етказди. Рамазон ойининг охирида (21 сентябрь – 20 октябрь, 1419) элчилар: Пи-Мочин ва Хон-Мочин Ҳиротга келдилар ва совға-тортиқлар ҳамда мактуб тақдим қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби [қуйида] уларнинг қоидаси бўйича нақл қилинади.

“Хитойликларнинг услуби шундайки, улар мактубда подшоҳнинг номини сатр бошидан ёзадилар ва [қолган] сатрларни ундан бир миқдор пастдан бошлайдилар. Мактуб асносида ҳар ердаки худойи таолонинг номи [тилга олинадиган жой]га етган бўлса, шу етган жойларида [сатрни бўш] қолдирадилар ва Оллоҳ таолонинг номини янги сатр бошидан ёзадилар. Агар масалан, подшоҳнинг зикри (сўзи) тилга олинса ҳам шу тариқа иш тутадилар. Бу ерда ўша мактубни айнан, сўзма-сўз келтирилди”⁵⁹⁸.

Мазкур элчилик тасодифий бўлмай, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида ёзилишича, 1419 йили Хитойдан элчилар келгани айтилган. Улар дастлаб Самарқандда тўхтаган-

⁵⁹⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 347-б.

⁵⁹⁸ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 347-б.

лиги, сўнгра Ҳиротга бориб, у ердан турли вилоятларга – бир гуруҳи Шерозга – Иброҳим Султон ҳузурига, яна бир гуруҳи Хоразм волийси амир Шоҳмалик ҳузурига борган.

Унга жавобан 1419–1422 йилларда Темурийлар давлатидан жуда катта элчилар гуруҳи (530 киши) Хитойга бориб келган. Унда турли вилоятлардан вакиллар бўлган: Ҳирот гуруҳи – Шодихожа (Шоҳрух элчиси), Султон Аҳмад ва Хожа Ғиёсиддин Наққош (Бойсунғур элчилари); Шероздан амир Ҳасан (Иброҳим Султоннинг элчиси); Исфаҳондан Паҳлавон Жамол (Мирзо Рустамнинг элчиси); Самарқандда уларга Кобул ва Ғазна ҳокими бўлмиш Суюрғатмишнинг элчиси – Арғадоқ, Хоразм волийси Шоҳмаликнинг элчиси – Урдувон ва Бадахшон шохининг элчиси – Тожиддин кўшилди.

Улуғбекнинг элчилари эса Султоншоҳ ва Муҳаммад баҳши бошчилигида икки ой илгарироқ кетган бўлиб, улар Хонбалиқда кўшилдилар ва бирга қайтдилар. Иброҳим Султон ва Мирзо Рустамнинг элчилари, аксинча, кечроқ йўлга чиқиб, асосий элчилар гуруҳини улар сафардан қайтиб келаётган пайтида Сукжу шаҳрида учратганлар.

Ғиёсиддин Наққош зиммасига Бойсунғур томонидан махсус топшириқ – барча кўрган-кечирганларини кундалик тарзида аниқ ёзиб келиш юкланган эди. Бу вазифа тўқис адо этилиб, Ғиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган сафарнома бизгача етиб келган.

Ушбу кундалиқда Темурий элчиларнинг босиб ўтган йўли аниқ қайд этилган:

Хитойга бориш: Ҳирот – Балх – Калиф кечуви – Самарқанд, Тошкент – Сайрам – Ашпара – Мўғулистон – Кичик Юлдуз – Турфон – Қорахожа – Қумул – Қоровул (Цзяйю-гуань), яъни Хитой чегараси – Қорамурон (Хуанхэ) дарёси – Ҳуснобод (Ланьчжоу) – Жандинфу (Чжендин) – Хонбалиқ (Пекин).

Хитойдан қайтиш: Хонбалиқ – Қорамурон дарёси – Ҳуснобод – Қамжу – Сукжу – Қоровул – Хўтан – Ёркенд – Кошғар – Андигон довони. Бу ерда элчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, бир гуруҳи Фарғона водийси орқали Самарқандга, иккинчиси Бадахшонга, учинчиси – Қоратегин – Ҳисори Шодмон – Термиз – Балх орқали Ҳирот.

Элчиларнинг йўлига назар солсак, XV асрда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик йўли қадимги Буюк Ипак йўли билан мос тушганлигини кўраемиз. Бунда Еттисув, Фарғона ва Қоратегин йўналишлари асосий тармоқлар эди. Ҳирот ва Самарқанд эса, ана шу йўналишдаги бош шаҳарлар бўлган.

Ғиёсиддин Наққошнинг “Кундалиги” фанда Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида қайд этилган шаклда мавжуд ва ҳозир ўзбек тилига ҳам таржима қилинган⁵⁹⁹.

Элчилик алоқаларидан, аввало, давлатлараро савдо-сотиқни ривожлантириш кўзда тутилган, бу ҳақда Темурий ҳукмдорлар ва Хитой подшоҳи ёзишмаларида ҳам қайд этилган. Улар йўллаган мактублар Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандий асарларида сақланиб қолган. Жумладан, Хитой императори ўз элчиларни орқали юборган мактубида (1413) шундай сўзларни ўқиймиз:

“Биз садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва таркулар билан элчи жўнатдик. Бундан кейин ҳам одамларни юбориб тураемиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар”⁶⁰⁰.

Бундай истак Темурий ҳукмдор Шохрух томонидан ҳам маъқуланган. Унинг Хитой императорига йўллаган мактубида, жумладан, қуйидагилар ёзилган: “[Хитой] тарафдан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, элчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват топса”⁶⁰¹.

Хитойда император Чжу Ди ҳукмдорлиги йилларида (1402–1424) савдо-элчилик алоқаларига ҳалал берувчи кўпгина тўсиқлар, жумладан, турли солиқ ва божлар бекор қилинган эди. Бу, ўз навбатида, ички ва ташқи савдога ижобий таъсир этди. Хитойнинг ғарбий мамлакатлар билан савдо алоқаларида

⁵⁹⁹ Ғиёсиддин Наққош. *Хитой сафари кундалиги*.

⁶⁰⁰ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 223-б.

⁶⁰¹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 227-б.

унинг ғарбий йўналиши бўйлаб жойлашган Сукжу (Цзюцзюань) ва Қамжу (Чжанье) шаҳарлари асосий ўрин тутган. Олди-сотди ишлари мазкур шаҳарларда йўлга қўйилган бўлиб, ажнабий савдогарлар пойтахт Хонбалиққа онда-сонда бора олишган. Савдогар ва элчиларни кузатиб борган хизматкорларга кўп ҳолларда, Қамжу шаҳридан нарига рухсат берилмаган. Жумладан, темурий элчилар ҳам ўз хизматкорлари ва от-уловларини айнан Қамжу шаҳрида қолдиришган.

Хонбалиққача ва у ердан қайтишларида ҳам уларни император томонидан тайинланган махсус одамлар бошлаб юрган. Бундан ташқари, Гиёсиддин Наққошнинг ёзишича, Хитой мамлакатига кириш ва чиқишнинг ўзига хос расмиятчиликлари бўлган.

Чунончи, Хитой чегарасида (Қоровул) Хитой ерига қадам қўйган ҳар бир кишининг исми ва ташқи қиёфаси махсус дафтарда қайд этилган ва у қайтиб чиқаётганида ана шу дафтар маълумотлари асосида текширилган.

Хитой ҳукумати бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришда иқтисодий ва сиёсий манфаатларни кўзда тутган. Бу ҳолат темурий элчиларнинг Хитой императори билан суҳбатида кўзга яққол ташланади. Хитой подшоҳи Темурийлар давлатининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи билан қизиқиб саволлар берган.

Гиёсиддин Наққош ўз кундалигида бу ҳақда шундай ёзади: “[Хитой] подшоҳи улар (элчилар)дан Шоҳрух ҳазратларининг ҳол-аҳволларидан сўради ва ундан кейин:

– “Қора Юсуф [Шоҳрух ҳузурига] элчи юборадими ва [Ҳиротга] мол келтирадиларми?” – деб сўради, элчилар:

– “Ҳа, элчи ва мол юборади”, – дедилар... Подшоҳ яна:

– “Мен Қора Юсуфга элчи юбормоқчиман, чунки у ерда отлар яхши экан, йўллар хавф-хатарсизми? – деб сўради. Элчилар:

– “Агар Султон Шоҳрухдан ҳукм бўлса, йўл бежавотирдир”, – дедилар. У:

– “Буни мен тушунаман”, – деди”⁶⁰².

⁶⁰² Ўринбоев А., Бўриев О. *Гиёсиддин Наққош сафарномаси*. 26-б.

Умунан олганда, хитой солномаларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, Улуғбек ҳукмдорлиги йилларида Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида деярли мунтазам элчилик алоқалари бўлган, – деб хулоса қилиш мумкин. Бу анъана XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам қисман давом этган ва Самарқанддан Султон Аҳмад (1469–1494) номидан император Чэн-Хуа (асл исми Чжу Цзяньшэнь; 1465–1487) ҳукмронлиги даврида 1481 йилда; император Хун-Чжи (асл исми Чжу Ютан; 1488–1505) ҳукмронлиги вақтида 1488 ва 1490 йилларда элчилар келгани таъкидланган⁶⁰⁷.

Бироқ юқорида хитой солномалари асосида келтирилган XV асрнинг 20-йилларидан кейинги Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик алоқалари ҳақида муслмон манбаларида маълумот қайд этилмаган ва бу ўринда хитой солномалари ягона манба ҳисобланади. Шу билан бирга, Темурийлар тарихига оид форсий манбаларда “Чин суратхонаси”, “Хитой чинниси”, “Чин гўзаллари”, “Чин зарбофтлари” каби иборалар ҳам ишлатилганки, бундан мазкур даврда иккала мамлакат ўртасида мунтазам савдо-элчилик алоқалари бўлган, – деб хулоса қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темури ва унинг авлодлари салтанатида халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган. Буюк Ипак йўли орқали савдо йўллари тизимининг айни шу даврда қайта юзага келганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Жанубий ва Ғарбий Осиё мамлакатлари ҳамда Миср билан савдо-элчилик алоқалари хусусида

Миср. Амир Темурнинг Миср ва Рум мамлакатлари билан муносабатлари ҳақида, унинг ғарбга қилган юришлари баёнида сўз боради.

Соҳибқирон 1393 йили Бағдодни забт этгач, Миср султони Барқўқ қошига элчи юборади. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида бу ҳақда, жумладан, куйидагилар ёзилган:

⁶⁰⁷ Каримова Н. *Темурийлар билан Хитой алоқалари*. 44–59-бетлар.

“Ҳазрат Соҳибқирон ўша пайтнинг машҳур шахсларидан бўлмиш шайх Соваийни обрў-эътиборли бир гуруҳ кишилар ва подшоҳона бийлокот (туҳфа)лар билан Миср ва Шом волийси Малик ат-Тоҳир Барқўқ ҳузурига элчилик расми ила жўнатди”⁶⁰⁸. Элчилар орқали йўлланган мактубда иккала давлат ўртасида элчилар воситасида мактублар ёзиб туриш, уларнинг бемалол қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотикни ривожлантириш зарурлиги қайд этилганди. Бироқ Миср подшоҳи мавжуд элчилик қоидаларига хилоф тарзда иш тутади ва элчиларни қатл этмоққа фармон беради. Унинг тафсилоти Соҳибқироннинг етти йиллик юриши воқеаларида қуйидагича келтирилган:

“Етти юз тўқсон бешинчи (1393) йили нусратшиор байроқ фатҳ ва ферузлик соясини Дор ус-Салом Бағдод узра солган чоғда, ҳазрат Соҳибқирон Ироқи Арабни эгаллагач, Сова ماشой-ихларидан етук қобилият соҳиби, фозил, аслзода, улуғворлик хирқасини фазилат ва маъно шерози билан безаган бир кишини элчи қилиб бир гуруҳ билан Миср ҳокими Барқўқ ҳузурига юборди ва бу ҳақда Бағдодни забт этиш қиссасида қисқача таъкидлаб ўтилган эди...”⁶⁰⁹

Юқорида эслатилган шайх Шом ҳудудига қарашли Рухба [шаҳри]га етиб борганида, уни ўша ерда мавжуд қоидага кўра тўхтатиб, Мисрга хабар юбордилар. Барқўқ калтафаҳмлиги ва баджаҳллиги туфайли Султон Аҳмад жалойирнинг иғвосига учиб, уларни ўлдирмоққа амр этди. Гарчи элчига озор беришга ҳеч бир шарият ва сиёсат қоидаларида ҳамда подшоҳлик ва миллат русумларида рухсат этилмаган бўлса-да, бироқ ул улуғ кишини барча мулозимлари билан биргаликда зулм ва аёвсизлик қиличидан ўтказдилар. Улар ўшандай бир хатарли қабих ишнинг оқибати ҳақида ўйламадилар⁶¹⁰.

Барқўқ вафотидан сўнг, унинг салтанатини эгаллаган ўғли Фараж ҳам отасининг йўлидан борди. Амир Темур етти йиллик юриши (1399–1404) чоғида, Шом томонга юзланиб, Фараж ҳузу-

⁶⁰⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2466 varaқ.

⁶⁰⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 368a varaқ.

⁶¹⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 368a varaқ.

рига элчи юборганда, у элчиларни қамаб қўяди. Ушбу воқеалар тафсилотини Шарафуддин Али Яздий шундай баён қилган:

“Яна бир томони, жаҳонгир Соҳибқирон Озарбайжон ва Ироқи Араб мамлакатларини бўйсундириб, забт этгандан сўнг, хисравона азм жиловини Дашти Қипчоққа ҳамда Ўрус, Чиркас ва бошқа шу каби мамлакатлар ерлари томон йўналтирди. Итилмиш қавчинни эса, Авник қалъасида [ҳоким қилиб] қолдирган эди ва у, нусратшиор байроқнинг узоқ муддатли йўқлиги чоғида, Қора Юсуф туркмон билан жанг қилиб, тақдир тақозоси билан қўлга тушиб қолди. Қора Юсуф уни банди қилиб Мисрга Барқўқ қошига юборди. [Барқўқ] уни ҳибсга олиб қамаб қўйиб, ўзининг мавжуд гуноҳини янада орттирди. Ҳаммасидан қизиги шундаки, шу кезларда⁶¹¹, гардун ғуломи бўлмиш Соҳибқирон Малатия худудидан Барқўқнинг ўғли Фараж ҳузурига элчи орқали нома йўллади; у отасининг ўлиmidан сўнг Миср ва Шом мамлакатлари султони бўлган эди. Хатнинг мазмуни шундай:

“[Маълумки] сенинг отанг томонидан турли ножўя хатти-ҳаракатлар зоҳир бўлди. Жумладан, ҳеч бир сабабсиз, бу томон элчиларини қатл этмоққа буюрди, бизнинг одамимиз бўлмиш Итилмишни қамаб қўйди ва қайтариб юбормади. У муваққат ҳаёт либосини қайтариб берганлиги (ўлганлиги) учун уни сўроқ қилиш ва жазолаш қиёмат девонига ўтиб кетди. Сен ўзингга ва юртинг аҳолисига раҳминг келсин. Итилмишни дарҳол бу томонга жўнат, акс ҳолда, бизнинг аёвсиз сипоҳимиз қаҳр ва интиқоми зулmidан Миср ва Шом аҳлининг саломатлик куни шомга етиши мумкин. Агар ўжар ва қайсар шайтоннинг васвасасига учуб, ушбу айтилганга хилоф фикрни хаёлингга келтирадиган бўлсанг, ул ўлка ва шаҳарларнинг ҳаммаси ғолиб аскарлар оёғи остида вайрон бўлиб кетади; мусулмонлар хуни-молининг гуноҳию уволи эса сенинг бўйнингга тушади”⁶¹².

Бироқ юқорида қайд этилганидек, Фаражнинг буйруғига кўра, Амир Темур элчиларини Ҳалаб шаҳрида қамаб қўйдилар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар етиб келгач, у қаттиқ ғазабланиб, Дамашқ сари юзланади. Фараж ҳам бутун салоҳияти билан Ми-

⁶¹¹ Бу ерда 1400 йил назарда тутилган; Амир Темурнинг охирги ғарбий юриши.

⁶¹² Яздий. *Зафарнома* (1972). 3676–3686 varaқлар.

срдан Дамашққа етиб келади ва ҳйла йўлига ўтиб, Амир Темурга суиқасд уюштиради. Али Яздий “Зафарнома” асарида унинг тафсилоти куйидагича:

“[Миср султони Фараж] Дамашққа етиб боргач, шаҳар ва қалъага ўрнашиш, уни мустаҳкамлаш бобида зарур бўлган эҳтиёт шартларини бажариб, ҳимоя чораларини кўрди.

[Айни пайтда], тахтни асраб қолиш алдови билан у бир ҳйлани [ҳам] ишга солди. Ёлғондан ўзини бечораҳол кўрсатиб юрган бир ўта айёр, гапга чечан, одамни маҳлиё қилиб қўядиган кишига иккита жоҳил фидоийни ҳам қўшиб, ҳар бирига биттадан заҳарланган ханжар бериб элчи сифатида ҳазрат Соҳибқирон қошига юборди. Улар пайғомни етказиш чоғида бир қулай пайт топиб ёвузлик қилишлари керак эди.

Он ҳазрат Дамашқ яқинига етиб борганида, ул лаънати маккор бузғунчилар ҳумоюн мавкабга келдилар ва қўрқмасдан маккорлик юзини халифалик тахтининг пойига қўйдилар. Улар хат-пайғомни олиб ўтиб, шу баҳона билан ўз мақсадларига эришмоқчи эдилар. Улар бир неча марта он ҳазратга яқин бориш бахти мавжуд бўлиб имкон топганларига қарамай, ҳар доим ул ҳумоюн ҳазратни асраб турувчи Оллоҳ ҳимоясининг саодати туфайли фурсат топа олмадилар ва қудратли давлат қувватидан ул разил ярамасларнинг ҳйла ва ёвузлик қилмоқчи эканлиги олий девоннинг улуғ котибларидан саналмиш хожа Масъуд Симнонийнинг хаёлига келиб қолди. Уларни тутиб тинтув қилганларида этикларининг қўнжида заҳарланган ханжарлари борлиги аниқланди. Бадбахтлар ноилож қолдилар ва уларнинг “ташрифи” ушбу йўсинда барбод бўлди ⁶¹³.

Бахтиёрлиги тасдиқланган Соҳибқирон парвардигорга шукроналар айтди ва муҳтожларга хайр-эҳсон ва садақалар улашди. Сўнгра давлат илҳомининг таржимони бўлмиш тўғри сўзловчи тили билан шундай деди:

“Султонлар қоидасию удумига кўра, элчини ўлдирмоқ расм эмас. Бироқ бу шахс, *ибора*: ўзининг ёвуз ва қабихлиги билан, – дейилганидек, айёрлик қилиб улуғ арбоблар суратига кириб олмиш, у ўта бузғунчи ва фитнакор эрур”.

⁶¹³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 378а varaқ.

Унга ва бошқалар учун ҳақиқий сабоқ бўлсин деб, [оятда] – Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур (ҳалок қилур)⁶¹⁴, – [дейилганидек], уни ўша ёнидан чиққан заҳарланган пичоқ билан ҳалок этдилар. *Ибора*: Агар ҳосил тикан бўлса [ажабланма, чунки] уни ўзинг эккансан, [деган] оҳанг замзамасини унинг жони ногорасига солдилар ва ҳаром мурдасини бошқа ғанимларга ибрат бўлиши учун ёндириб йўқ қилдилар. Иккита шеригининг қонидан кечдилар; қулоқ ва бурнини кесиб ёзган хати билан қўшиб Миср ҳокими қошига жўнатдилар. Лашкарнинг теварак-атрофга тарқалиб кетган қисми барчаси йиғилсин, деган бўйсунуш шарт бўлган оламини тобе этувчи ярлиғ кучга кириб, [ҳазрат Соҳибқирон] саодат ва иқбол билан отланиб, гардун шуҳрат аскарларни тузаб, Дамашқ шаҳри сари юзланди⁶¹⁵.

Ҳазрат Соҳибқирон [саркарда] Подшоҳ Бавронни (Муҳаммад Турон) хат билан Миср ҳокими қошига юборди. Пайғомнинг мазмуни қуйидагича эди:

“Бизнинг ишдаги азм ва қатъийлигимиз доврўғини биладилар ҳамда мақсад ва режаларни ниҳоясига етказиш йўлидаги матонатимиз буюклигини тан олганлар. Мардларни, хоҳ султон бўлсин, хоҳ оддий инсон, майдонга жалб қилувчи нарса ғайрат ва ҳамият эканлигини донолар биладилар. Подшоҳларнинг ўзини катта хавф-хатарга уриб, черик тортмоқ ва мамлакатларни забт этмоқдан асл мақсади фақат мол-дунё йиғиш ва бойлик орттириш эмас, балки ор-номус эътибори ва яхши ном қолдиришдан иборат.

Дунёнинг барча иши номус ва ном учундир,
Бўлмаса яримта нон билан ҳам кун ўтади.

Биз қайта-қайта Итилмишни [ҳузуримизга қайтаришни] талаб қилдик, бироқ юбормадингиз, ул ишда пайсалга солиш ва кечиктиришга йўл қўйилди. Натижада ҳамият қўли азм этмоқ жиловини ул томон бурди ва мамлакат аҳолисининг туриш-турмушига қанча хароблик ва зарар етказилди...

Шунга қарамасдан, агар Итилмишни юборсангиз, танга ва хутбани бизнинг номимиз билан безасангиз, низо палоси [дўст-

⁶¹⁴ Куръони карим, 35-сура (Фотир сураси), 43-оятдан.

⁶¹⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 378а varaқ.

лик палосига айланиб] кўзга сургудек қадрли бўлади, ўзингизга ва бу диёр аҳолисига раҳм қилган бўласиз. Акс ҳолда, бизнинг шайланган аёвсиз лашкаримиз учун мухолифни енгиш, душманни қириш, шаҳарни эгаллаш ва яксон қилиш одатий ва мақсадга мувофиқ иш эрур”⁶¹⁶.

“Юборилган [элчи] уларнинг олдига етиб борганида, олдингилардан фарқли ўлароқ, *ибора*: эъзоз ва икром ила пешвоз чиқиб, унинг ташрифи учун хурмат ва таъзим русумини адо этдилар.

Алқисса, юборилган [элчи]ни турли хил хизматлар билан кўнглини овлаб кузатдилар. Унинг ортидан аслзода ва аъёнлардан иборат бир гуруҳни олампаҳоқ даргоҳга жўнатиб, олий тахт поясининг садоқатли [ходим]ларига қуйидагиларни етказиш шарафига муяссар бўлдилар:

“Биз қуллар итоат ва бўйсунмоқ мақомида ҳозирдурмиз; Итилмишни эса беш кун ичида юборамиз. Агар он ҳазрат бизнинг гуноҳларимиздан ўтса, бундан сўнг фармонбардорлик ва бўйсунмоқлик мажбуриятларини адо этишда хато ва эътиборсизликка йўл қўймаймиз”⁶¹⁷.

Шундан кейин ҳам Миср султони ўз сўзи устидан чиқмайди ва Соҳибқирон аскарлари устига тўсатдан ҳужум уюштиради. Лекин Амир Темур лашкари тезда сафларни ростлаб, душманга қаттиқ зарба беради ва ғолиб чиқади. Фараж қилмишидан кечирим сўраб, Амир Темур хузурига тортиқлар билан элчи юборади ва шундай дейди:

“Кеча юз берган нарса, бу оломоннинг ўзбошимчилиги туфайли юз берган, яъни жоҳиллар ва авбошлар тўдаси нодонлик қилиб, бизнинг рухсатимизсиз [чиқишга] журъат этдилар ва таъзирларини едилар. Биз эса, ўша [сизга] арзға етказган аҳд-паймонда турибмиз. Агар лашкарлар бугун жангни тўхтаиб, соғ-саломат жойлашсалар, эртага неки он ҳазрат буюрсалар, ўшанга амал қилурмиз ва содир этган гуноҳларимиз учун тақдир этганини кўрурмиз”.

Элчи олампаҳоқ даргоҳга етиб келиб аҳвол ва мактубни ар-

⁶¹⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 379а varaқ.

⁶¹⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 379б varaқ.

заға етказгач, жаҳонни бўйсундирувчи ярлиғ эълон қилинди ва мардоналик намойиш этувчи лашкар зафарли лашкаргоҳга қайтиб қўнди”⁶¹⁸.

Лекин Фараж бу ваъдасига ҳам вафо қилмай, кечаси Мисрга қочиб қолади.

Амир Темур Рум подшоҳи устидан ғалаба қозонганидан сўнг эса, Миср подшоҳи Фараж охирги умиди ҳам узилиб, Итилмишни банддан озод қилди; бўйсуннишни тан олиб, бутун Миср мамлакатада Соҳибқирон исми билан танга зарб қилди ва номини хутбада зикр этадиган бўлди; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқни зиммасига олди. Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб, Фаражни ўз ўрнида, яъни Миср тахтида қолдирганини, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари бўйича ҳам илгаригидай мутасадди этилганини маълум қилди⁶¹⁹.

Шундан сўнг Миср билан Амир Темур давлати ўртасида элчилик ва савдо алоқалари давом этган. Соҳибқирон 1404 йили Самарқанднинг Конибил ўлангида берган катта тўй-томошаларда, турли мамлакатлар – Ифранж, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ каби жойлар элчилари қатори Мисрдан ҳам элчи бор эди. Амир Темур подшоҳона илтифот кўрсатиб, унга кўп инъомлар беради, хилъат ва камар билан тақдирлайди ҳамда мавлоно Абдуллоҳ Кеший бошчилигида бир гуруҳни турли-туман совға-саломлар билан Мисрга ўз номидан элчи қилиб жўнатади ва мактуб ҳам йўллайди. Мактубда, жумладан, Султон Аҳмад ва Қора Юсуф туркман Соҳибқирон қўшинларидан кўрқиб, Миср диёрига қочиб кетганлиги ва Миср султони уларни қамаганлигига хайрихоҳлик изҳор этилиб, Султон Аҳмад жалойирни банди қилиб ва Қора Юсуфни банддан бўшатган ҳолда Самарқандга жўнатиш буюрилган эди.

Амир Темур томонидан давлатлараро элчилик муносабатларига махсус эътибор билан қараш анъанаси, кейинчалик унинг авлодлари томонидан ҳам давом эттирилди. Миср билан элчилик ва савдо алоқалари Мирзо Шоҳрух салтанати даврида ҳам мавжуд бўлган.

⁶¹⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 382а варак.

⁶¹⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 429б варак.

Ҳиндистон. Евросиё материгида шарқдан ғарбгача ва шимолдан жанубгача оралиқдаги улкан ҳудудда Буюк Ипак йўли йўналишлари бўйлаб мунтазам савдо алоқаларини ўрнатиш, давлатлараро дипломатик муносабатларни ривожлантириш Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатидаги асосий стратегия бўлган ва бу ўринда Хитой ҳамда Ҳиндистонгача қарвон йўллари тиклаш муҳим вазифа саналган.

Темурийлар давлатининг савдо-элчилик алоқалари Ҳиндистон билан ҳам ривож топди. Амир Темурнинг Ҳиндистон билан муносабатлари негизида, аввало, Мовароуннаҳрдан жанубий йўналишда кетган савдо йўлини тиклаш, савдо қарвонларининг мунтазам қатновини йўлга қўйиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш сиёсати кузатилади. Зеро, Афғонистоннинг халқаро савдо йўллари ўтган тоғли вилоятларида қароқчиларнинг таҳдиди кучайган ва савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Чунончи, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Соҳибқирон Кобул яқинига етганида, ерлик аҳоли олий даргоҳга келиб Катур ва ўша атроф вилоятлардаги қароқчилар, шунингдек, қаргас қабиласининг сардори Мусо авғон Эрёб қалъасини хароб қилгани ва ўғрилиқ ҳамда қароқчиликни касб қилиб олгани бирор киши у ерлардан соғ-омон ўтаолмаслиги ҳақида хабар берадилар. Амир Темур ўз номидан Мусо авғонга ярлиғ жўнатиб қуйидагиларни маълум қилади:

“Сен Эрёб қалъасини хароб қилмишсан. Ваҳоланки, ул қўрғон Ҳиндистонга борадиган йўлда жойлашган ва вайрон этилган ҳолатда ётмаслиги керак. Зудликда [ҳузуримизга] етиб кел, ўшанда сени кечириб, ул вилоятни сенга топширгум ва қалъани қайта тиклагайсан”⁶²⁰.

Мусо авғон ярлиққа мувофиқ тортиқлар билан етиб келади. Соҳибқирон уни қимматбаҳо зарбофт тўн, тиллаю жавоҳирли камар ва қилич, эгар – жабдуқли от ва бошқа подшоҳона совғалар билан тақдирлайди; Эрёб қалъасини тиклашни буюради ва ўз лашкаридан уч юз кишини бу ишда ёрдам бериш учун белгилайди. Қалъани, ундаги жомеъ масжид ва бошқа масжидлар

⁶²⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 302б варақ.

ҳамда иморатлар билан бирга ҳаммасини ўн тўрт кунда тугал куриб битказадилар.

Бундан ташқари, савдо қарвонлари қатнови ҳамда аҳолининг тинч-тотув яшашини кўзлаб, ушбу вилоятдаги Нағз қалъасини ҳам юқорида таъкидланган ҳашар услубида ўз аскарлари ёрдамида қайта тиклайди ва яна бир қанча ободончилик ишларини амалга оширади. Натижада савдо қарвонларининг бемалол қатнови учун тўла имкон вужудга келади.

Ушбу тадбирларнинг бошқа бир томони ҳам бор эди. Маълумки, ўз вақтида Амир Темур ҳозирги Афғонистон ҳудудини то Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсигача, Ҳиндистон ҳудудигача марҳум тўнғич фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли амирзода Пирмуҳаммадга суюрғол қилганди. “Соҳибқирон Қундуз. Бақлон, Кобул, Ғазнин ва Қандаҳорни, ён-атроф тобеъ ерлар билан бирга то Ҳиндустон ҳудудигача Пирмуҳаммад Жаҳонгирга берган эди”⁶²¹, – деб таъкидлайди Али Яздий. Қароқчиларнинг ўзбошимчалиги эса, бевосита давлат хавфсизлигига таҳдид солиб турарди ва боз устига унинг ташқи савдо имкониятларини ҳам чекларди.

Амир Темур хавфсизликни таъминлаш мақсадида қайта барпо этилган Нағз қалъасига амирзода Пирмуҳаммад навқарларидан Нусрат Қиморийни уч юз киши билан, шунингдек, Дашти Қипчоқдан оиласи билан кўчириб келтирилган тўрт юз ўзбекни, Жўчи авлодидан Сур-ўғлон ва уларнинг бошлиғи Ёруқ-ўғлон тасарруфида, қалъани қўриқлашга қолдирди. Эрёб қалъасини бошқаришни эса, Шайх Ҳасанбахт Камонга топширди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида савдо-элчилик муносабатлари мунтазам тус олди. Чунончи, Соҳибқирон етти йиллик юришдан қайтиб Самарқандда катта тўй берганида унга узоқ-яқин мамлакатлардан, жумладан, Ҳиндистондан ҳам элчилар келган эди. “Хитой, Олтой, Чекка Мағриб, Миср, Рум, Фаранг ва Ҳинд мамлакатларидан келган элчиларнинг ҳар бирини ўз жиргасига чорлаб тортиқ ва инъомлар улашилсин, деган олий фармон бўлди”⁶²², – деб

⁶²¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 295б varaқ.

⁶²² Шомий. *Зафарнома*. 394-б.

ёзади бу ҳақда тарихчи Ҳофизи Аbru ўзининг “Зайли Зафарномаи Шомий” асарида.

Амир Темур даврида Ҳиндистон билан йўлга қўйилган савдо-элчилик алоқалари кейинчалик ҳам давом этди ва XV асрнинг биринчи ярмида унинг таъсир доираси янада кенгайиб, бу ўлканинг жанубий ва шарқий чеккаларини ҳам қамраб олганди. Чунончи, Мирзо Шоҳрух хукмронлиги йилларида Темурийлар давлатининг шон-шухрати Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисмларида жойлашган Бангола (ҳозирги Бангладеш давлати ҳудуди ва унга ёндош ерлар) ва Вижаянагар давлатларигача етиб борган эди. Аини пайтда, ушбу ўлкалар билан мунтазам элчилик муносабатлари шаклланигани ҳам кузатиш мумкин. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида, аниқроғи, ундаги Ҳиндистон сафари кундалиги қисмида ёзилишича, Бангола подшоҳи Ҳиротга элчи йўллаб Жунапур подшоҳи устидан шикоят қилиб ёрдам сўрайди. Мирзо Шоҳрух ўз номидан шайхулислом хожа Каримуддин Жомийни Банголага элчи сифатида жўнатади ва Жунапур подшоҳидан Банголага таҳдид қилмасликни талаб қилади. Мазкур элчиликнинг ташрифидан сўнг икки ўртада адоват тўхтайдди. “Матлаи саъдайн” да бу ҳақда қуйидагилар ёзилган:

“Шу орада Банголанинг подшоҳи жунапурлик Султон Иброҳимнинг босқинчилигидан шикоят қилиб султонлар паноҳининг даргоҳига ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Онҳазрат Жунапурнинг волийсига турли карамлар эгаси бўлмиш шайхулислом хожа Каримуддин Жомий орқали жаҳон бўйсунгувчи бир фармонни юбориб: “Бангола мамлакатига ҳужум қилмасин, акс ҳолда, бошига нима тушса ўзидан кўрсин”, – деб хабар қилдилар. Жунапурнинг подшоҳи ҳумоюн фармоннинг мазмуни билан танишгач, Бангола мулкидан босқинчилик қўлини тортди”⁶²³.

Ўша кезларда Жанубий Ҳиндистондан кўплаб кемалар тўхтайдиган мустақил йирик савдо порти бўлмиш Коликут (ҳозирги номи Кожикодде) шаҳрининг волийси ҳам Темурийлар давла-

⁶²³ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 125–126-бетлар.

ти доврўғидан таъсирланиб, Мирзо Шохрухга элчи йўллагани ва унинг номини хутбага қўшиб ўқиш учун ижозат беришини сўрагани маълум:

“У ҳазратнинг Банголага [юборган] элчилари у ердан қайта туриб, Банголанинг элчилари билан биргаликда Коликутда табоҳи бўлган (фалокатга учраган) эдилар. [Улар орқали Темурийлар] давлатининг тўлиқ сифати ва Онҳазрат салтанатлари қувватининг шарҳи у ер ҳокимининг қулоғига етган эди. Бутун дунёнинг султонлари, шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам, сувдан ҳам элчилар юбориб, илтимосномалар тузиб, у даргоҳни ҳожатлар қибласи ва илтижолар каъбасидек билишлари ҳақидаги сўзни ишончли кишилардан эшитган эди...

Коликут волийси ҳар хил туҳфа ва совғалар туздирди ҳамда бир хабарчини [Шохрухга] юборди ва “бу бандарда жума ва ийд [намоз]ларида ислом хутбасини ўқийдилар, агар Онҳазрат руҳсат берсалар [хутбани у кишининг] муборак номлари ва лақаблари билан азиз ва шарафли қилсалар”, – деб арзга етказди”.

Б а й т :

Унинг хутбасининг садоси жаҳон [аҳлига] шундай хуш келиб қолганки,

[Уни эшитган] барча кофирлар ҳам унга майл қилдилар.

У (Коликут волийси)нинг хабарчиси Банголадан келаётган элчилар билан биргаликда муборак даргоҳга етиб келди. Унинг хабарчиси сўзга уста бир мусулмон киши экан. Сухбат асносида “агар Онҳазрат Коликут волийсига нисбатан иноят кўргазсалар ва унинг учун махсус бир элчи юборсалар, токи элчи бориб, – “раббинг йўлига [кофирларни] ҳикмат ва яхши ваъзлар билан ундагин!”, – деган оятнинг талабига мувофиқ, уни ислом динига даъват қилиб, унинг қоронғу дилидаги зулмат ва хатокорлик қулфини очса [шояд], имон нурунининг шуъласи ва маърифат офтобинининг ёруғлиги унинг дили даричасидан кирса – бу, албатта, савобли ва тўғри иш бўлар эди”, – деган сўзларни айтди. Онҳазрат хабарчининг сўзини маъқул топиб, амирларга элчи тайин қилишни буюрди. Амирлар тайин рақамини фақирнинг [номига] тортдилар⁶²⁴.

⁶²⁴ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 125–126 бетлар.

Алқисса, хоқони саъид (Шоҳрух) ҳазратлари Коликутнинг волийсига атаб от, пўстин, тилладўзи дакала ва кулоҳи наврўзи тайин қилган эдилар⁶²⁵.

Шу тарзда Абдураззоқ Самарқандий мазкур элчиликни бошлаб, 1442 йили йўлга чиқади ва Форс қўлтиғи ҳамда Ҳинд океани орқали Жанубий Ҳиндистондаги Коликут бандарига етиб боради: “Шу йили (845/1442 йил) бу варақларни (Ҳиндистон сафарномасини) ёзиб тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ жаҳон султони (Шоҳрух)нинг фармониға мувофиқ Хўрмуз вилояти ва денгиз соҳиллари – (Ҳиндистон ярим оролининг Коликут шаҳри жойлашган жануби-ғарбий соҳил қисми) томон юзланди⁶²⁶, – деб ёзади у ўз сафарномасида.

Абдураззоқ Самарқандий беш ойдан ортиқроқ вақт Коликут шаҳрида қолади. Шундан сўнг Жанубий Ҳиндистондаги энг йирик давлат – Бижанагар (Вижаянагар) подшоҳи Коликут волийсига Темурийлар давлати элчисини унинг ҳузурига жўнатиш тўғрисида мактуб йўллайди ва Абдураззоқ мазкур давлатга ташриф буюради⁶²⁷.

Абдураззоқ Самарқандий муҳим элчилик вазиғасини муваффақиятли адо этиб, 848/1444 йили Ҳиротга қайтиб келади. Унинг сафари ҳозирги Эроннинг жанубий ҳудудлари орқали ўтиб, сўнгра Форс қўлтиғидан денгиз йўли билан давом этган. У Ҳиндистон сафаридан қайтишида ҳам шу йўналиш билан юрган. Абдураззоқ элчилик сафаридан Ҳиротга етиб келганида, у билан бирга Бижанагар подшоҳининг элчиси Ҳиндистонда яшовчи хуросонлик хожа Муҳаммад ва Дехли султонлигининг ҳукмдори Фатҳхоннинг элчиси хожа Жамолиддин ҳам келгандилар⁶²⁸. Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори Мирзо Шоҳрух элчиларни катта мамнуният билан қабул қилади ва улар билан

⁶²⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 125–126-бетлар.

⁶²⁶ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 111-б.

⁶²⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 129–130-бетлар.

⁶²⁸ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 157, 178-бетлар.

бирга ўз номидан мавлоно Насруллоҳ Жунободийни элчи қилиб юборади⁶²⁹. Бироқ ушбу элчиликнинг кейинги тафсилотлари ҳақида маълумот қайд қилинмаган.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг Ҳиндистонга элчилик сафари хотираларини кундалик шаклида ёзиб қолдирган ва бу ёзма ёдгорлик ҳозирги вақтда Темурийлар давлати дипломатияси тарихи бўйича муҳим манба саналади. У форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темур ҳукмдорлиги даврида ҳам унинг авлодлари салтанатида ҳам халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган.

Темурийлар давлатининг Рум ва Европа мамлакатлари билан алоқалари

XIV асрнинг 2-ярми, яъни Амир Темур Марказий Осиёда мустақил давлат барпо этиб, сўнгра худудий жиҳатдан Евросиё бўйлаб ястанган ва ҳатто Мисрни бўйсундириб, Африкагача ўтган улкан империя тузишга муваффақ бўлган бир пайтда Ғарбий Европа сиёсий картасида ҳам ўзига хос ҳолат мавжуд эди. Ўша давр ёзма манбаларида ёзилишича, Соҳибқирон Рум мамлакатига қилган юриши пайтида Ғарбий Европадаги қатор мамлакатлар билан элчилик алоқалари олиб борган. Амир Темур давлати билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқалар географияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Ғарб давлатларининг ўша даврдаги сиёсий аҳволи ҳақида қисқача хулоса қилиб ўтиш лозим бўлади.

Маълумки, Уйғониш даври (Ренессанс), яъни Ғарбий Европа давлатларининг ўрта аср маданиятидан янги давр маданиятига ўтиши, одатда, XIV–XVI асрларга тўғри келади. Лекин унинг учун замин XI асрдан бошлаб яратила бошланган эди. Хунармандчилик ва савдо ривожланиб бориши асосида шаҳарлар ривожланиши тезлашиб, Европа картасида майда князликлар ўрнига

⁶²⁹ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 179–б.

марказлашган янги сиёсий бирикмалар – йирик монархиялардан иборат давлатлар таркиб топди.

Франция худудида IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустақил давлат қарор топиб, у X асрдан бошлаб “Франция” номи олдиди. XIV аср Франция тарихи қирол ҳокимиятини кучайтириш, худудини кенгайтириш, Англия ҳукмронлигини батамом тугатиш каби сиёсий воқеалардан иборат бўлган. Франция билан Англия ўртасида юз йиллик уруш (1337–1453 йиллар) давом этган. XIV аср охирида Франция қироллигини Карл V ва XV аср бошида эса, Карл VI бошқарган.

Англия. XIV асрдан бошлаб англо-сакс давлатлари қўшилиб, “Англия” номи олдиди; 1265 йил монархия ташкил топди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Англия юз йиллик уруш билан овора эди.

Германия. XIV аср давомида Германия худудида бир қанча князликлар тузилиб, улар императорга бўйсунардилар. Жумладан, 1347–1378 йилларда Германия императори Карл IV эди, ундан кейин ҳокимиятни ўғли Вацлав, сўнгра бошқа ўғли Сигизмунд (1410–1437) бошқарди.

Польша. Ягона давлат сифатида узил-кесил XIV–XV асрлар давомида шаклланган. Князь Владислав I Локетек (1306–1333) Польшани бирлаштириб, 1320 йилдан қиролликни қайта тиклади. Унинг ўғли Буюк Казимир III (1333–1370) ҳукмронлиги даврида эса, қироллик авжи юксалишда бўлган. Бироқ, ундан тахт вояси қолмаганлиги сабабли ҳокимият унинг қариндоши Венгрия қироли Людовик ихтиёрига ўтди. 1386 йили Литва князи Ягайло (Ягелло) қирол Людовикнинг қизига уйланиб, Владислав II номи билан деярли ярим аср (1386–1434) Польша қироли бўлиб турди.

Чехия. 1346 йилдан бошлаб мустақил қироллик эди. **Венгрия** ҳам 1308–1382 йиллар давомида марказлашган давлатга айланди. **Болгария** худудида XII–XIV асрлар давомида Болгар подшоҳлиги тузилган бўлса-да, бироқ XIV аср ўрталаридан бошлаб Болқон ярим оролига турклар бостириб кириб, 1396 йили Болгарияни батамом эгалладилар.

Сербияда 1217 йили қироллик ташкил топди ва XIV аср ўрталарида унинг мавқеи кучайиб, Сербия – Греция давлати ту-

зилди ҳамда шу даврда феодал тузум тўла шаклланди. Лекин 1389 йилга келиб Сербия ҳам Усмонли туркларга қарам бўлиб қолди.

Испания худудида V асрдан бошлаб феодал муносабатлар ривожланди. VIII асрда Пиреней ярим оролини араблар босиб олиб, у ерда мустақил давлат – Кордова амирлиги ва X асрда Кордова халифалиги тузилди. Айни пайтда, VIII асрдан бошлаб-боқ испанлар ўз ерларини озод қила бошладилар; XI асрга келиб **Кастилия** ва Арагон қиролликлари ташкил топди; улар 1479 йили қўшилиб, ягона Испания давлати вужудга келди.

Италия худудида милоддан аввал VI асрда Қадимги Рим давлати ташкил топиб, у кейинчалик Ғарбий Европанинг ғарбий ва жануби-шарқий қисми, Кичик Осиё, Ўрта денгизнинг Африка соҳиллари, Сурия ва Фаластинни ўз таркибига қўшиб олди. Империя 395 йили Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб, Шарқий қисмида Византия давлати вужудга келди. Ғарбий Рим давлати V асрда варвар қабилалари ҳужуми ва қуллар қўзғолонлари туфайли емирилди. VIII асрдан бошлаб феодал муносабатлар тез ривожланди ва шу даврда насроний (христиан) черкови иккига бўлинди: католицизм (ғарбий қисм) ва православие (шарқий қисм – Византия), XII асрдан бошлаб Италиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган **Венеция** провинциясининг мавқеи кучайиб, у республика ҳукуқини олди.

Венеция республикаси XIII асрда улкан денгиз давлатига айланиб XV асрда Ўрта денгиздаги савдо оборотини тўла қўлга олган эди; деярли барча савдо портларида Венеция савдо кемалари хизмат қиларди. Византия, Миср, Сурия, Эгей денгизи ороллариининг савдо муомалалари Венецияга бўйсунарди. Италия (**Генуя**, Венеция)нинг савдо нуқталари Қора денгиздаги порт шаҳарларда ҳам кучли мақени эгаллаб турарди.

Византия давлати IV асрдан Рим империясининг шарқий қисми (Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва б.)да вужудга келиб, то XV асрнинг иккинчи ярмигача мавжуд эди. Пойтахти – Константинополь (ҳозирги Истанбул) шаҳри. Кейинги йилларда унинг худуди қисқара бориб, VIII асрда Византия таркибида Кичик Осиё, Болқон ярим оролининг жануби-шарқий

қисми, Сицилия ва Италиянинг айрим вилоятларигина қолди. X аср ўрталарида, салб юришлари туфайли унинг ҳудуди бир мунча кенгайган бўлса-да, бироқ XIV асрда турклар Византиянинг Кичик Осиёдаги деярли барча ерларини эгаллашга муваффақ бўлдилар.

XI–XIV асрларда Кичик Осиёда мавжуд бўлган салжуқий туркларнинг феодал давлати – Кўня султонлиги майда бекликларга бўлиниб тугагач, XIV асрнинг биринчи чорагида ярим оролнинг шимоли-ғарбий қисмида Усмон I ташкил этган Усмон бейлиги вужудга келди ва кейинги йилларда янги ерларнинг босиб олиниши ҳисобига унинг ҳудуди кенгайиб борди. Катта давлатга айланиб, у мусулмон манбаларида Рум мамлақати номи билан машҳур бўлган. Ҳозирги илмий адабиётда Усмонли турк империяси (рус манбаларида Оттоманская Империя) деб аталади. Айниқса, Рум султони Йилдирим Боязид ўз ҳукмронлиги даврида Кичик Осиё ярим оролининг катта қисмини эгаллади; Бурса шаҳри унинг пойтахти эди. У Ғарбий Европага ҳам юришлар қилиб зафар қозонган. Жумладан, 1396 йили, Дунай дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Никополь яқинида бўлган жангда Европа рицарларининг бирлашган лашкарини тормор қилиб, Европани таҳликага солиб қўйди. У қисқа вақт ичида Болқон ярим оролининг катта қисмини забт этди; Болгариянинг бир қанча йирик шаҳарларини қўлга киритди; шарқда эса Венгрия қироллиги чегараларига етиб қолган эди. Византияни қарам қилди ва унинг пойтахти – насронийларнинг таянчи бўлмиш Константинополь шаҳри қулаш арафасида турарди.

Амир Темурнинг Ғарбий Европадаги Франция, Англия, Испания, Италия каби бир қанча йирик давлатлар билан элчилар орқали ёзишмалар олиб боргани маълум. Юқорида қайд этилганидек, Европа давлатлари қўшма армияси 1396 йили Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида Боязид лашкари томонидан тормор этилганидан сўнг, уларнинг қироллари кўрқув-вахимага тушиб қолишди. Зеро, Боязидга қарши жанг қилишга ожиз эканликлари аниқ бўлиб, ягона нажот чораси Амир Темур давлати билан алоқа ўрнатишдан иборат бўлиб қолди ва ундан, энг аввало, Константинополдаги насроний черкови манфаатдор

эди; чунки юқорида қайд этилганидек, Византия императори Иоан V (1341–1391 йиллар) Рум султониға қарам бўлган ва ўлпон тўлаб келарди; шунга қарамай, Константинополь шаҳри Боязид қўшинлари томонидан қамал қилиниб, христианларнинг Византиядаги таянчи қулаш арафасида турарди. Византиянинг кейинги императори Мануил Палеологнинг Европа давлатларидан ёрдам сўраб қилган илтижолари унсиз қолди.

Ана шундай вазиятда, муҳим бир тарихий воқеа – Амир Темурнинг етти йиллик (1399–1404) ғарбий юриши туфайли Византия учун ҳам, умуман, Ғарбий Европа учун ҳам Боязид туғдирган хавф барҳам топди. Бу воқеалар Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасида юзага келган муносабат билан боғлиқдир.

Амир Темур давлати билан Рум мамлакати ўртасидаги муносабатлар ҳақида, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”да ёзганларига қараганда, Рум подшоҳи Йилдирим Боязид илгарирок Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлаб турган Арзинжон волийси Тахуртан қошиға элчи юбориб ундан хирож тўлашни талаб қилган. Ушбу воқеадан сўнг, Амир Темур Рум подшоҳига бир пўписали насиҳатномадан иборат мактуб йўллайди. Рум подшоҳи бу мактубга жуда қўпол сўзлар билан жавоб қайтаради. Элчилар орқали қилинган кейинги мулоқотлар ҳам сулҳга эришиладиган натижа бермайди. Амир Темур Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (улар қочиб Боязид хузуридан паноҳ топган эдилар) юборишни талаб қилади. Чунки Қора Юсуф қўл остидаги қорақўйли (қорақуюнли) қабиласи билан халқаро карвон йўлларида қароқчилик билан шуғулланиб, улар ҳатто ҳаж сафари билан Маккаға кетаётган карвонларни ҳам талаганлар. Йилдирим Боязид Амир Темурнинг талабини рад қилиш билан бирга Сиваш вилоятини қайтариб беришни ҳам сўраган. Шундан сўнг Анқара ёнида икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Рум лашкари батамом енгилади, Боязид эса асир олинади ва бу ғуссага бардош бера олмай тез орада вафот этади (1403 йил 9 март).

Аслида Амир Темурда Кичик Осиёни забт этиш нияти бўлмаган ва келишмовчилик Боязиднинг киборлиги, Амир Темурни менсимаганлиги сабабли юзага келган эди. Чунки ғалабадан

сўнг Амир Темур Рум султонлигини Боязиднинг ўғилларига инъом этди. Бу улуғ ҳиммат, кейинчалик Туркиянинг қудратли давлат бўлиб қолишида муҳим омил бўлди.

Европа давлатлари билан боғлиқ айрим тафсилотларни би-лиш учун яна олдинги воқеаларга, аниқроғи, Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриши пайтида унинг Ғарб давлатлари билан му-носабатларига қайтамиз.

Ушбу юриш чоғида дастлаб Қора денгизнинг жануби-шарқий соҳилидаги мустақил Тарабзун юнон насроний қироллиги Амир Темурга тобелик изҳор этади. Тарабзун муҳим денгиз порти, Шарқ билан Ғарб савдо йўлидаги йирик воситачи бўлиб, унда Генуя савдогарларининг мавқеи устун эди. Константинополдан ҳам Амир Темур ҳузурига элчилар келиб, Рум султониға қарши иттифоқ тузиш таклифини етказадилар. Амир Темур жавоб эл-чилари жўнатиб, ўз мактубида ушбу таклифга розилигини қайд этган ва айни вақтда, жизя ва бож тўлаш мажбуриятини ҳам юклаган. У ёқдан яна элчилар келиб, Византиянинг бу талабга розилигини маълум қилганлар⁶³⁰.

Европанинг бошқа давлатларидан ҳам элчилар келиб, ўз қиролларининг Боязидға қарши курашда бирлашиш таклифла-рини етказганлар. Амир Темур уларға розилик билдириб, жа-воб мактублари йўллаган. Иттифоқчилардан, асосан, денгиз томондан ҳарбий кемалар воситасида ёрдам бериш талаб этил-ган. Маълум бўладики, Соҳибқирон турк султони Боязиднинг салоҳиятини ҳам, Европани саросимаға солиб қўйганини ҳам яхши билган. Шунга қарамасдан, Боязид билан жанг қилади ва ғалаба қозонади. Табиийки, энди бошқа ёқдан ёрдамға эҳтиёж қолмаган эди. Бу улкан ғалаба ҳақида жаҳоннинг турли мамла-катларига, жумладан, Европа давлатларига ҳам хабарлар юбо-рилади.

Амир Темур билан Европа давлатлари қироллари ўртасида-ги ёзишмалардан гувоҳлик берувчи мактубларнинг бир қисми бизгача етиб келган ва улар Франция, Англия, Италия каби дав-латлар кутубхоналарида сақланмоқда. Бу хатлар илмий тадқиқ

⁶³⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 419б варақ.

ва бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. Амир Темурнинг Константинополга, Франция қироли Карл VI га юборган мактублари; Франция қироли Карл VI нинг ва Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган хатлари; Мироншоҳнинг Европа давлатлари қиролларига жўнатган мурожаатномаси ана шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг Испанияга юборган элчиларига жавобан у томондан Испания қироли Руи Гонсалес де Клавихони юборади. У 1403–1406 йилларда Самарқандга келгани, қайтиб боргач, сафар хотираларини ёзиб қолдиргани маълум. Ёзишмаларда ҳамкорлик қилиш, давлатлар ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, йўлларда савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш каби-лар қайд этилган.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Амир Темур халқаро муносабатларда элчилик алоқаларидан кенг фойдаланган ва бунга катта эътибор берган.

Бошқа давлатлардан келган элчиларнинг иззат-хурматини тўла адо этган. Испания қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1403–1406 йилларда Самарқандга келиб-кетгач, ёзиб қолдирган “Кундалиги”да қайд этилишича, хорижий элчилар Амир Темур давлати заминига қадам қўйишлари билан Амир Темур томонидан махсус тайинланган кишилар уларни кутиб олиб, то пойтахт Самарқандгача бошлаб борганлар, Соҳибқирон хузурига эса, элчиларни шаҳзодалар ва улуғ амирлар бошлаб олиб кирган.

Элчилар юртларига кетаётганларида уларга кўплаб қимматбаҳо совға-саломлар берилган.

Масалан, Амир Темур етти йиллик юришдан ғалаба билан қайтгач, 1404 йили Самарқанднинг Конибил ўлангида катта тўй беради. Уша давр тарихчилари Шарафуддин Али Яздий ва Ҳофизи Абрунинг ёзишларича, 2 ой давом этган бу тантананада Миср, Ифранж, Ҳинд, Дашти Қипчоқ, Жата, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳозир бўлганлар. Тўй тугагач, элчиларга рухсат этиб, уларга кўплаб совғалар улашилган. Шу жумладан, Миср элчисини кўп совғалар билан тақдирлаб, [бу томондан] мавлоно Абдуллоҳ Кешийни бир гуруҳ билан бирга элчи тарзида унга ҳамроҳ қилингани ҳам таъкидланган.

Элчилар орқали юбориладиган мактубларнинг мазмуни ва безатилишига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Амир Темурнинг юқорида қайд этилган Мавлоно Абдуллоҳ Кеший орқали Мисрга юборган мактуби ҳақида: “эни 3 газ, узунлиги етмиш газ (ҳозирги ўлчовда эни 1,8 метр, узунлиги 42 метр), ҳаммаси олтин сувида, китобат ва ҳуснихат фазилатида [ягона] мавлоно шайх Муҳаммад хати билан битилган мактуб йўлланди ҳамда кўплаб подшоҳона бийлокот – хилъат, тож, камар, турли кийим ва матоларни элчи ва хат билан жўнатди”⁶³¹, – деб ёзади Шарафуддин Али Яздий.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур давлатида етук халқаро дипломатия анъанаси шаклланган эди ва Соҳибқироннинг ўзи унинг барча қоидаларига тўла амал қиларди. Унинг давлатида халқаро элчилик ва савдо-сотик бобида олиб борилган ишлар авлодлари томонидан давом эттирилди, ривожлантирилди.

Савдо-элчилик муносабатларини ривожлантириш анъанаси кейинчалик Мирзо Шоҳрух ва Улуғбек салтанати даврида ҳам давом эттирилган маълум.

Мирзо Шоҳрух ўз ҳукмдорлиги йилларида Темурийлар давлатининг тинч-тотувлиги учун катта ҳисса қўшиб, давлатлараро дўстлик, ҳамкорлик, савдо-сотик, элчилик муносабатларини ривожлантириш сиёсатини олиб борди. Бу даврда Марказий Осий тарихида сиёсат, иқтисодий ва маданий юксалиш бўлганлиги кузатилади. Темурийлар давлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осий, Кавказ, Волгабўйи, Урал ўлкаларидан савдо қарвонлари ва элчилар келган. Жумладан, Шимолий Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида Ҳиндистонга элчилар юборилганлиги маълум. Абдураззоқ Самарқандий денгиз йўли орқали Жанубий Ҳиндистонга бориб келган ва ўз сафари ҳақида кундалик ҳам ёзиб қолдирган.

Мирзо Улуғбек ўз ҳукмдорлигида бобоси Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини давом эттирди, айниқса, илм-фан риво-

⁶³¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 4656–466а варақлар.

жига катта эътибор қаратди. Самарқанд Шарқдаги аниқ фанлар, хусусан, астрономия юксак ривожланган марказга айланди, бу ерда обсерватория қурилиши эса, фан тарихидаги катта воқеалик эди.

Худди шу даврда хожагон-нақшбандия тариқати ривожланиб, ёзма мерос бўлиб шаклланди ва Марказий Осиёда тасаввуфий илмлар таркибида таълимот сифатида ўрин олди, бу соҳада қатор асарлар ёзилди.

Тахт учун қисқа вақт курашлардан сўнг Темурийлар давлати Мирзо Шоҳрух ҳукмига ўтди. Унинг ҳукмдорлиги анча узоқ вақт – 50 йил давом этди. XV асрнинг биринчи ярмида Темурийлар давлати Мирзо Шоҳрухнинг тадбирли давлатчилиги сиёсати туфайли равнақ топди. У мамлакатдаги турли ички низоларнинг олдини олиш ёки тезда бартараф этиш билан умумий тинчлик-тотувликни таъминлади, ободончилик ишларига, савдо-сотиқ ривожига алоҳида эътибор қаратди. Ҳирот, умуман, Хуросонда суғориш тизимини яхшилаш, экин майдонларини кенгайтириш, шаҳарсозлик, хусусан, Мурғоб дарёсида тўғон қуриб, Марв каналини қаздиргани ва мўғуллар давридан буён хароб аҳволда ётган Марв шаҳрини қайта бунёд этгани каби ишлар ана шулар жумласидандир. Илм-фан, айниқса, тарихнавислик ривожига Шоҳрух билан бирга унинг ўғли Мирзо Бойсунғур ҳам ҳомийлик қилган.

Шу даврда Темурийлар давлатининг халқаро савдо ва элчилик алоқалари ҳам ривожланди, Буюк Ипак йўли бўйлаб мунтазам савдо қарвонлари қатнардди ва бу мазкур ўлкаларнинг мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини, иқтисодий равнақини янада оширди.

V БОБ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖОЙ НОМЛАРИ

Марказий Осиёнинг Темурийлар давридаги топонимларини мазмун жиҳатдан икки хилга ажратиш мумкин: 1) табиий объектлар номлари; 2) маъмурий-худудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ номлар. Бундан ташқари, бирор бир географик объектга мансублиги кўрсатилмаган *мавхум топонимлар* (Зирқон, Карнон, Харобук, Санг, Сапон ва ҳ.к.) ҳам анчагина ва матн мазмунидан келиб чиқиб, улардан баъзиларининг қандай географик объект эканлигини аниқласа бўлади.

Табиий объектларнинг номлари

Денгизлар ва кўллар номлари. *Каспий денгизи.* Темурийлар даври ёзма манбаларида бу денгиз турли номлар билан аталган. Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида Каспий денгизи ўша денгиз атрофидаги мавжуд вилоятлар номлари билан “Мозандарон денгизи” ва “Гилон денгизи”, Клавихо “Кундалиги”да *Боқу денгизи* деб аталган. Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, сўнгра Мирзо Ҳайдар, мазкур сув ҳавзасини *Қулзум денгизи*⁶³² дейишган. Бу хато. Чунки ўрта аср Шарқ география фанидаги анъанага кўра, “Қулзум денгизи” деганда одатда Қизил денгиз назарда тутилган.

Орол денгизи. Темурийлар даври ёзма манбаларидан фақат Ҳофиз Абу “География”сида унинг номи берилган ва *Жайхун кўли* деб аталган. Шу билан бирга илгари *Хоразм кўли* деган номи бўлгани ҳам эслатилган.

Иссиқкўл – Яздий “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг Мўғулистонга юришлари тавсифида “Исиқкўл” шаклида қайд этилган. Бироқ “Тарихи Рашидий”да *Иссиқкўл* шаклида кўп учрайди.

⁶³² Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.461.

Балхаш кўли – кўлнинг номи Темурийлар даври тарихи акс этган манбалардан фақат “Тарихи Рашидий” да “Кўкча Тенгиз”⁶³³ шаклида қайд этилган. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”ларида “Кўкча Тенгиз” деган ном билан ҳозирги Арманистон ҳудудидаги Севан кўли аталган⁶³⁴.

Кичикроқ кўллардан Шимолий Мўғулистонда *Атраккўл* ва Бухоро яқинида *Кўли Фаркатий* номлари тилга олинган. *Кўли Фаркатий* сочма кўллар бўлиб, у ерда Амир Темур ва кейинчалик Улуғбек қишлов ўтказиб ов қилганлари ҳам маълум⁶³⁵ ва бу ҳақда учинчи бобда айтилди. Ҳозир мазкур кўлнинг бир қисми сақланган ва Тўдакўл деб аталади.

Дарёлар номлари. *Амударё.* Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида уч хил номда ёзилган: *Омуя суви* (“Оби Омуя”), *Термиз суви* (Оби Термиз), *Эски Ўкуз* (Амударёнинг XIV аср 2-ярмида Орол денгизига оққан кичик тармоғи шундай аталган. “Соҳибқирон лашкари турклар Эски Ўкуз деганлари Кўҳна дарёдан ўтиб, шаҳар (Гурганж)ни ўраб олдилар”⁶³⁶).

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амударё кўпроқ “Жайхун” ва нисбатан камроқ “Оби Омуя”, Хоразм ҳудудида Гурганж шаҳри яқинидаги қисми “Оби Гурлан” (“Гурлан дарёси”) ва “Жўйи Гурлан” (“Гурлан ариғи”) шаклларда ёзилган ва яна иккита ўнг ирмоғининг номи – *Оби Вахш* (ҳозирги Вахш дарёси) ва *Чағонруд* (ҳозирги Сурхон дарёси) ҳам эслатиб ўтилган.

“Матлаи саъдайн”да Амударё, асосан, *Жайхун* ва қисман *Омуя суви* (Оби Омуя), юқори оқимида – *Панжоб*, ўнг ирмоқларидан бири – *Вахш суви* (Оби Вахш) деб номланган. Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да мазкур дарёни *Ому дарёси*, *Ому суйи* деб атаган. “Тарихи Рашидий”да Амударёнинг номи уч хил шаклда келади: *Ому*, *Омуя*, *Жайхун*; унинг тўртта ирмоғининг номлари ҳам берилган: *Сурхоб*, *Ғунд*, *Вахш*, *Ҳисор*.

Сурдарё – Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида икки хил номда келади: кўпроқ “Сайхун” ва нисбатан камроқ “Хўжанд

⁶³³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.460.

⁶³⁴ Шомий. *Зафарнома*. 184-б.; Яздий. *Зафарнома* (1972). 396б варақ.

⁶³⁵ Яздий. *Зафарнома*. 205б варақ.

⁶³⁶ Шомий. *Зафарнома*. 109-б.

дарёси”. Яздий “Зафарнома” сида Сирдарё учун қадимий анъанавий ном – *Сайхун* ва кўпроқ XIV–XV асрлар учун хос бўлган ном – *Хўжанд дарёси (Оби Хўжанд)* шакллари параллел ишлатилган. Бундан ташқари, мазкур дарё Фарғона водийсида Ахсикат шаҳри ёнидан оқиб ўтганлиги учун *Ахсикат дарёси (Оби Ахсикат)* ва Тошкент вилояти ҳудудида мўғуллар истилосигача мавжуд Банокат шаҳри номи билан *Фанокат дарёси (Оби Фанокат)* номлари билан ҳам аталган.

“Матлаи саъдайн” да *Сирдарё – Сайхун суви* ва *Хўжанд суви* номлари билан аталган. Унинг битта ирмоғи – Чирчиқ дарёсининг номи *Тарк (Тарак) суви (Парак суви)* шаклида берилган.

“Бобурнома” да Сирдарё XV асрда *Хўжанд дарёси* деб аталгани таъкидланган: “Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир”; Сирдарёнинг ирмоқларидан иккитасининг номи – *Ахси суйи* (ҳозирги номи Косонсой) – “Ахси суйи Косондин келур” ва *Чир суйи* (ҳозирги номи Чирчиқ дарёси) ҳам эслатилган;

“Тарихи Рашидий” да Сирдарё икки ном – *Сайхун* ва *Хўжанд дарёси* шаклларда учрайди ва унинг ирмоғи – ҳозирги Чирчиқ дарёси ҳам икки хил аталган: *Парак суви (Оби Парак)* ва *Чир дарёси*; “*Чир дарёсини* Тошкент аҳолиси *Оби Парак* атайдилар”, – деб изоҳ беради Мирзо Ҳайдар⁶³⁷.

Зарафшон дарёси – Темурийлар даври ёзма манбаларида *Кўҳак* дейилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” сида дарёнинг Бухоро шаҳри ёнидан ўтган бир тармоғи *Зар ариғи (Жўйи Зар)*, деб номланган⁶³⁸; “Бобурнома” да бу дарё *Кўҳак суйи* ва юқори оқимидаги қисми *Камруд* (тўғриси: *Комруд*) деб аталган⁶³⁹.

Қашқадарё – Низомиддин Шомий “Зафарнома” сида ва Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” сида *Рудак суви (Оби Рудак)* деб тилга олинган⁶⁴⁰.

Арис дарёси – “Бобурнома” да *Арис суйи* ёзилган, ҳозирги *Арис дарёси*, жанубий Қозоғистон.

⁶³⁷ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.143–144.

⁶³⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 225б, 226б ва раққлар

⁶³⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 78-б.

⁶⁴⁰ Шомий. *Зафарнома*, 210-б; Яздий “Зафарнома”, 346а ва раққ.

Мурғоб дарёси – Афғонистон ва Туркменистон худудларида Банди Туркистон, Сафидкӯх, Паропамиз тоғларидан сув олиб Қорақум чўлида тугайди.

Темурийлар даври ёзма манбаларида дарё номи *Мурғоб суви* (*Оби Мурғоб*) шаклида ёзилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида унинг илгариги номи *Марвруд* бўлгани ҳам айтилган (“Марвруд ки ба Мурғоб иштихор ёфта” – “Марвруд ҳозирда Мурғоб номи билан машҳурдир”)⁶⁴¹. *Марвруд* вақт ўтиши билан талаффузда *Мурғоб*га айланган (*Марвруд* – *Марвоб* – *Марғоб* – *Мурғоб*). Демак, мазкур ном ҳозирги вақтгача сақланган. Унинг қуйи қисмидан Марв шахрига қазиб келтирилган ариқ (канал) *Марв ариғи* номи билан қайд этилган⁶⁴².

Ҳилманд дарёси (рус адабиётларида Гильменд) – Афғонистоннинг жанубидаги дарё. Темурийлар даври ёзма манбаларида дарё номи *Ҳирман суви* – *Оби Ҳирман*⁶⁴³, “Матлаи саъдайн”да – *Ҳирманд* ва “Бобурнома”да – *Ҳирманд суйи*⁶⁴⁴ шаклларда берилган. Демак, номнинг шакли ҳозиргача деярли сақланган.

Ҳарируд – Афғонистон ва Туркменистондаги дарё, қуйи қисмида чўлда қумларга сингиб тугайди.

“Матлаи саъдайн”да *Ҳиротруд* вилоят номи – *Ҳиротруд вилояти*⁶⁴⁵ сифатида келади. Демак, дарё ҳам шу номда бўлган. XIV–XV асрларда *Ҳиротруд* гидроними дарёнинг барча қисмига тегишли эди. Ҳозирда дарё Афғонистон худудида *Ҳарируд*, Туркменистон худудида *Тажан* деб аталади. *Тажан* деган ном XV асрда ҳам бор эди. Чунончи, Яздий “Зафарнома”сида⁶⁴⁶ ва “Матлаи саъдайн”да ушбу дарёнинг қуйи қисмидаги мавзе *Тажан*⁶⁴⁷ деб аталган. Демак, вақт ўтиши билан мавзе номи дарёнинг қуйи қисмидаги номига айланган.

⁶⁴¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1656-варақ.

⁶⁴² Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 172-б.

⁶⁴³ Шомий. *Зафарнома*, 93-б.; Яздий. *Зафарнома* (1972). 103а, 173аб-варақлар.

⁶⁴⁴ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 143-б.; Бобур. *Бобурнома* (2002). 146-б.

⁶⁴⁵ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 339-б.

⁶⁴⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 3956-варақ.

⁶⁴⁷ Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. 392-б.

Или – Мўғулистоннинг шарқий қисмидан жанубдан шимолга оқиб ўтувчи дарё, Балхаш кўлига қуйилади. Дарё Темурийлар даври ёзма манбаларида шу шаклда ёзилган. Демак, топоним ҳозиргача сақланган. “Матла ас-саъдайн”да Или дарёсининг иккита сўл ирмоғининг номи ҳам эслатилган: 1) *Кангар* (*Кунгар*, *Кунгаз*) *суви* – ҳозирги номи Кунгес; 2) *Жорун суви* – ҳозирги Чарин дарёси.

Иртиш – Мўғулистоннинг шимоли-шарқий қисмидан оқиб ўтувчи дарё. Яздий “Зафарнома”сида – *Иртиш суви* (*Оби Иртиш*) шаклида ёзилган⁶⁴⁸.

Марказий Осиёнинг шарқий қисмидаги сувлар номлари. Бу ҳақда Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида нисбатан анча батафсил маълумот берилган. Мўғулистонда: Бугом дарёси, Тика дарёси, Байкўл, Сангкўл (Санкўл), Чадиркўл (ёки Чатиркўл); Айша-хотун – дарё, Иртиш – дарё, Норин – дарё, Чулак – дарё; Барскун (Барсхон) – дарё, Марказий Мўғулистон; Олабуға – дарё, Норин дарёсининг ирмоғи; Отбоши – дарё; Ис-сиқкўл – кўл; Қўчқор – дарё, Чу дарёсининг йирик ирмоғи.

Манглай Субе (Шарқий Туркистон) худудида: Оқсу вилоятидаги дарёлар – *Оқсу*, *Тарим*, Черчен; Ёрканд вилоятидаги дарёлар – *Ёрканд* (Ёрканд шаҳрига оқиб келувчи дарё), *Тезоб*; Хўтан вилоятидаги дарёлар – *Хўтан дарёси*, *Оққош*, *Қорақош*, *Ўрунқош*. Кейинги иккита дарё Хўтан шаҳридан оқиб ўтувчи дарёлар сифатида Яздий “Зафарнома”сида ҳам эслатилган⁶⁴⁹.

Бевосита Кошғар вилояти худудидан Тиман (Кошғар шаҳридан оққан), Қора Тазгун, Кусан Тазгун, Шаҳноз номлари билан аталган дарёлар оқиб ўтган. Кўл номидан Барскўл (Баркўл) эслатилган.

Баъзан битта топоним, сув тармоғи номи билан бир қаторда, яна бошқа объектлар номларини ҳам ўзида ифодалаган: *Шаҳноз* – довон, дарё ва водий номи, Кошғар вилоятида; 1) *Оқсу* – дарё, Тарим дарёсининг ирмоғи, Шарқий Туркистон; 2) *Оқсу* – шаҳар, Манглай Субенинг йирик шаҳарларидан, Мўғулистоннинг пойтахти бўлган; *Черчен* – а. п., дарё, воҳа номи, Тарим дарёси ҳавза-

⁶⁴⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 202а, 208а varaқлар.

⁶⁴⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 354а varaқ.

сида.

Чу (Чуй) дарёси – Яздий “Зафарнома” асаарида ва “Матла ас-саъдайн” да дарё номи Чу суви шаклида учрайди⁶⁵⁰, ҳозирги Чу (Чуй) дарёси.

Темурийлар даври манбаларида тарихий воқеликлар баёнида Марказий Осиё ҳудуди бўйича яна бир қанча кичикроқ сув объектлари номлари ҳам эслатиб ўтилган:

Мовароуннаҳрдаги сувлар номлари. “Бобурнома” да: Андижон суйи (рудии) – Ўш шаҳридан ўтиб Андижонга етиб келган, Қирғизистон ҳудудидаги ҳозирги номи Оқбура; Иламиш (Ирамиш) дарёси – Андижон вилоятининг жануби-шарқиди; Хоқон ариғи – ариқ, Андижон шаҳри яқинида; Кубо суви (“Кубонинг ботқоқлик қорасуйи”) – ҳозирги Қувасой, унга Каркидон сув омбори қурилган; Санг суйи – дарё, сой, Наманган вилояти; Дарғам суйи – ариқ, Самарқанд вилояти, ҳозир ҳам шу номда⁶⁵¹; Булунғур суви (ҳозирги номи Булунғур ариғи) – Зарафшон дарёсидан сув олувчи Ўрта Осиёдаги энг қадимги каналлардан бири (милоддан аввал қазилган). Улуғ қишлоғидан бошланади; узунлиги 90 км, сувининг суғоришдан ортган қисми Оқдарёга қуйилади; Ём суви – ҳозирги Жом сойи, Самарқанд вилоятининг жанубий қисмида; Обираҳмат⁶⁵² – Сиёб (Сиёҳоб ва Қорасув шаклларида ҳам берилган. “Бобурнома” да: “Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар”⁶⁵³, – деб ёзилган) ариғининг ўнг тармоғи, Конигилнинг ўртасидан, сўнгра Самарқанд шаҳрининг шимоли-шарқ қисмида жойлашган Кўҳак (Чўпонота) тепалиги этагидан оқиб ўтиб, Зарафшон дарёсига қуйилади. Ном ҳозиргача сақланган; Самарқанд суви⁶⁵⁴ – бу ерда Зарафшоннинг чап тармоғи, яъни Қорадарё назарда тутилган; Ҳушко суви⁶⁵⁵ – ҳозирги номи Қизилдарё (Қизилсув, Яккабоғдарё). Қашқадарёнинг ирмоғи; X–XIII асрлар ёзма манбаларида “Хушкруд” шаклида ҳам қайд этилган; Чакдолик (Чак-

⁶⁵⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 97а varaқ; Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн* (2008). II жилд биринчи қисм. 464-б.

⁶⁵¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

⁶⁵² Яздий. *Зафарнома* (1972). 126б, 109б, 125б varaқлар.

⁶⁵³ Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

⁶⁵⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 126а, 485а varaқлар.

⁶⁵⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 141а, 206б varaқлар.

долнкнинг иккала суви)⁶⁵⁶ – ҳозирги Чакчар тизмасининг шимолий ва жанубий этакларидан оқувчи Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё сойлари (Ғузордарёнинг асосий ирмоқлари). Демак, XIV асрнинг 2-ярмидаги Чакдолик (бошқа номи Қотилиш, яъни икки сув қўшилиши), ҳозирги Пачкамар сув омборининг ўрнида бўлган.

Дашти Қипчоқдаги сувлар номлари: Бодом суви⁶⁵⁷ – ҳозир шу номдаги жилға мавжуд, Қоржонтовдан бошланиб, Чимкент шаҳрининг жанубидан оқиб ўтади ва Арис дарёсига қуйилади; Чу суви⁶⁵⁸ – ҳозирги Чу (Чуй) дарёси.

Ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги сувлар номлари: *Журм суви*⁶⁵⁹ – ҳозирги *Журм дарёси*, Кўкча дарёсининг асосий ирмоқларидан бири; *Дарайи-Гез суви*⁶⁶⁰ – ҳозир ҳам шу номда, Балхоб дарёсининг тоғдан оқиб тушиб, Балх шаҳрига етмасдан ҳосил қилган тармоқларидан бири. Дарайи-Гез яйлов ва хоннинг ов қиладиган жойи, аҳоли масканлари жойлашган обод жой бўлган; *Артунж*⁶⁶¹ – ҳозирги *Вардуж дарёси ва дараси*, Кўкча дарёсининг юқори, асосий ирмоқларидан бири.

Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги баъзи кичик дарёларнинг номлари (*Оби Шўр*, *Фарёб* – дарё, ҳозирги Шимолий Афғонистон), Али Яздий “Зафарнома” асаридан олинган матнда ва *Тилман* – дарё, Кобулдан жануби-ғарбда, Шоҳибекхон (Шайбонийхон) юришлари воқеаларида қайд этилган.

Хуросондаги сувлар номлари: “Матлаи саъдайн”да *Жўйи нав*, *Жўйи Султоний*, *Картабор суви* кичик сувлар номлари эслатилган;

Кечув (гузар)лар номлари. XIV–XV асрларда йирик дарёлардан ўтиш учун турли жойларда кечувлар ва уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор эди. Жайхун (Амударё) бўйлаб, унинг юқори ҳавзасида – *Арҳанг кечиги*, *Чубак кечиги*, *Убож (Авбожа; Уёж) кечуви* – Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидаги

⁶⁵⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 108а, 121б, 125а, 165б varaқлар.

⁶⁵⁷ Яздий. *Зафарнома* (1972). 111а varaқ.

⁶⁵⁸ Яздий. *Зафарнома* (1972). 97а varaқ.

⁶⁵⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 131б varaқ.

⁶⁶⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 105б, 137а, 456б varaқлар.

⁶⁶¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 132а varaқ.

кечув (гузар); Амударёнинг ўрта қисмида – *Карки, Келиф, Омуя, Чоржў* кечувлари номлари ўша давр манбаларида қайд этилган. Мазкур топонимларнинг пайдо бўлиши кечувларда шаклланган аҳоли масканлари номлари билан боғлиқ.

Сирдарёда *Порсин кечуви* (Оҳангарон дарёси қуйилишидан жануброқда жойлашган Сирдарёдаги кечув) ва *Чинос кечуви* (Чинос аҳоли маскани ёнида) номлари қайд этилган.

Айрим номлар қисман ўзгарган шаклда ҳозиргача сақланган. Масалан, *Убож* кечувида дарёнинг ўнг соҳилида ҳозирда Айваж аҳоли пункти бор.

Тўғонлар, кўприклар ва коризлар номлари. Бундай топонимлар сувлар билан бевосита боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Тўғонлар номлари олдида форсийдаги *банд* (тўғон) сўзи қўшиб айтилган. Масалан: Ҳирманд дарёсида учта тўғон – *Банди Булғағоний, Банди Рошкак, Банди шаҳр*. Кўприклар номларига форсий манбаларда *пул* (кўприк) сўзи илова қилинган. “Матлаи саъдайн” да: *Пули Дуоба* – Самарқанд шаҳри яқинида; *Пули Хатаб* – Андхуд яқинида, ҳозирги Афғонистон худудида; *Пули Мурғоб* – Мурғоб дарёсига қурилган кўприк. Ҳирот шаҳри яқин-атрофида бир нечта жойлар: *Пули Инжил, Пули Оби Чакан, Пули Коранд, Пули Молон, Пули Солор, Пули Фушанж* ва ҳ.к. Айни пайтда, юқорида санаб ўтилганлар, ўша ерда шаклланган аҳоли масканлари номларини ҳам англатади. Кўприклар йўқ бўлиб кетган ҳолларда ҳам у ердаги аҳоли маскани ва ном сақланиб қолган. Сув таъминоти коризлар воситасида амалга оширилган жойларда, ушбу воқелик билан боғлиқ ҳолда топоним юзага келган: *Мухтор коризи* – Ҳирот шаҳри яқинида жойлашган Мухтор тоғи этагидаги кориз.

Тоғлар, довонлар, даралар, тепаликлар номлари (оронимлар). Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган табиий-географик объектлар номлари таркибида сон жиҳатдан, сувлар билан боғлиқ жой номларидан сўнг ер юзаси рельефини ифодаловчи топонимлар – *оронимлар* туради. Ҳозирги географик карталарда Марказий Осиё худуди бўйича қайд этилган йирик тоғ тизмалари (Тяньшань, Помир-Олой, Ҳисор, Зарафшон, Туркистон, Ҳиндукуш, Туркман-Хуросон) номларидан фақат

Олой ва Ҳиндукуш тоғлари номлари учрайди холос. Яздий “Зафарнома” асарида *Олой тоғлари* икки хил – *Алой* ва *Олой* шаклларда ёзилган⁶⁶², ҳозирги Олой тизмасининг шарқий қисмига тўғри келади. Ҳиндукуш топоними иккита жойга тегишли: 1) доvon (Шомий. “Зафарнома”, Яздий “Зафарнома”, “Матла ас-саъдайн”, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”) – Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги ҳозирги Саланг доvони (абсолют баландлиги 5076 м); 2) тоғ тизмаси – ҳозирги Ҳиндукуш тизмаси. Яздий “Зафарнома”-сида улар *Ҳиндукуш доvони* (*ақабай Ҳиндукуш*) ва *Ҳиндукуш тоғи* (*кўҳи Ҳиндукуш*) шаклларда ёзилган⁶⁶³. “Бобурнома”да ҳам иккала топоним – *Ҳиндукуш кўтали* (довони) ва *Ҳиндукуш тоғи* бор⁶⁶⁴.

Мовароуннаҳр худудидаги оронимлар. *Тоғлар* – *Аллонкуҳ* – Ало қалъаси атрофидаги тоғлар, Ғарбий Тяньшань: *Алоқасроқ тоғи* – Зарафшон тизмаси ғарбий тармоғининг Кеш билан Самарқанд оралиғидаги қисми; *Кўҳи Нур* – ҳозирги Нурота тоғлари; *Еттикент тоғлари* – Олой тизмасидаги тоғ, Андижондан жанубда; *Мунғил* (Митуғил) тоғи – тоғ, Хўжанднинг шимолида, Шимолий Тожикистон; *Масиҳо* (тўғриси: Масчо) кўҳистони – тоғ, Зарафшон тизмасининг ўрта қисми; *Олатоғ* – тоғ, Андижон билан Ўзганд оралиғида; *Кўҳтан* – ҳозирги Кўҳитан тоғи, Ҳисор тизмасининг ғарбий учи; *Сара* тоғи – тоғ ва доvon, Зарафшон тизмасида; “Бобурнома”да: *Фалғар кўҳистони* – ҳозирги аталиши Фархор, Зарафшон тизмасининг ўрта қисми; *Шовдор тоғи* – тоғ, Самарқанд вилояти; *Шунқорхона тоғи* – тоғ тизмаси, Туркистон тизмасининг Самарқанд вилояти жанубидаги бир тармоғи; *тепаликлар* – *Пуштаи Кўҳак*; *Кўҳак тепалиги* – Самарқанд шаҳри ёнидаги тепалик (бошқа номи *Чўпонота*); *Қорбуғ* (Қорпук) пуштаси – тепалик, Самарқанд вилояти; *Оққия* – Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туманида;

довонлар – *Оққўтал*⁶⁶⁵ – Туркистон тизмасида, тахминан ҳозирги Илонўтти атрофларига тўғри келади; *Кеш доvони* (ақ-

⁶⁶² Яздий. *Зафарнома* (1972). 1336, 1366 варақлар.

⁶⁶³ Яздий. *Зафарнома* (1972). 100а, 1306, 1976, 3006 варақлар.

⁶⁶⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 116, 105 бетлар.

⁶⁶⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 1276, 354а варақлар.

баи Кеш)⁶⁶⁶; “Бобурнома” да бу жой *Итмак добони*, – деб аталган: “Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар”⁶⁶⁷ – Самарқанд вилояти билан Кеш вилояти ўртасида Зарафшон тизмасида жойлашган доvon; ҳозирги номи – Тахти Қорача, абсолют баландлиги 1675 м (яна қаранг: *Тахти Қорача*); *Андижон доvони* – Кошғар билан Фарғона водийси оралиғидаги тоғ доvonларидан бири, тахминан ҳозирги Карвонқўл доvони; *Абон қўтали* – доvon, Чотқол тизмаси; *Кандирлик добони* – доvon, Чотқол тизмасида, Фарғона водийси билан Тошкент вилояти ўртасида, ҳозир ҳам шу номда. Оҳангарон дарёсининг сўл ирмоқларидан бири, Кандирсой ана шу доvonдан оқиб тушади;

даралар – *Комруд дараси* – Зарафшон тизмасида; *Танги-Чакчак* (Чакчак дараси) – Чакчар тизмасининг жанубий этагидаги дара; ҳозирги номи Чакдара (Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани ҳудудида); *Дарбанди Оҳанин* – Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни – 5–20 м, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Бу ердан (ҳозирги мавжуд автомобиль йўлидан шарқроқдан) қадимий машҳур тоғ йўли ўтган. Бу дара божхона вазифасини ўтаган ва у ерда махсус қўрғон ҳам қурилган эди. Унинг тавсифи Клавиho “Кундалиги” да яхши берилган. Уни кейинчалик Бузғалахона ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор, Бойсун тумани ҳудудида.

Бундай божхоналар Буюк Ипак йўли бўйлаб бир нечта жойда бор эди ва ёзма манбаларда уларнинг номи шакли турлича берилган бўлса-да, бироқ мазмунан бир хил маънони англатган: форсча – *Дарбанди Оҳанин* (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда – *Темир қапуғ* (“қапуғ” – дарвоза), арабча – *Боб ул-ҳадид* (Темир дарвоза), мўғулча – *Қаҳлаға* ёки *Қаҳлақа* (“қалға”, “халға” – дарвоза).

Темурийлар даври ёзма манбаларида бу ном *Қаҳлаға* (Шомий), *Қаҳлақа* (“Матлаи саъдайн”); *Дарбанди Оҳанин* шаклларда ёзилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида иккала ном – *Дарбанди Оҳанин* ва мўғулча *Қаҳлаға* аталиши берилган. “Тарихи Рашидий” да асар ёзилган вақтга тегишли матнда *Дарбанди*

⁶⁶⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 456б varaқ.

⁶⁶⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 61-б.

Оҳанин деб ёзилган. Демак, XV аср охири – XVI аср бошларида мазкур жой учун *Дарбанди Оҳанин* расмий ном саналган; *Пули Сангин* – Вахш водийсидаги дара, Жанубий Тожикистон;

йўллар (тоғ ўтқили) – *Кўрдунг йўли* – Деҳқонобод туманидаги Кўрдара адири (дўнглиги) дан ўтган йўл, Деҳқонобод қишлоғидан шимоли-шарқда;

Дашти Қипчоқдаги оронимлар (ҳозирги Қозоғистон қисми) ер юзаси рельефини акс этувчи топонимлардан Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида Амир Темурнинг 1391 йили Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон устига юриши воқеалари баёнида ҳозирги Қозоғистон худудида иккита кичик тоғ – *Кичик Доғ* (ҳозирги Кўктўбе) ва *Улуғ Доғ* (ҳозирги Улутов) номлари эслатилган⁶⁶⁸. Яздий “Зафарнома”сида юқоридаги иккита тоғнинг номлари *Кичик Тоқ* ва *Улуғ Тоқ* шаклларида берилган. Шунингдек, *Қарачуқ тоғлари (Кўҳистони Қарожуқ)* – ҳозирги Жанубий Қозоғистонда жойлашган Қоратов тоғлари ҳам эслатилган⁶⁶⁹.

Мўғулистон худудидаги оронимлар:

тоғ – *Торицин тоғлари* – тизма, Жанубий Мўғулистон; *Отбоши* – тоғ тизмаси, водий, дарё (Нориндарёнинг чап ирмоғи);

дара – *Буғом дараси; Тошрабат дараси;*

довон – *Аражтов довони* – Ғарбий Мўғулистон; *Узноқ довони* – Марказий Мўғулистон; *Урдўбан* – Шарқий Мўғулистон; *Дўбшин-Юлдуз довони*⁶⁷⁰ – Шарқий Мўғулистон, Юлдуз яйловидан Қорахожа томонга шу довон орқали ўтилади; *Қулон довони* – Ғарбий Мўғулистон; *Абр-Киту-Кутал* – Орқа Или Олатовида; *Андижон довони* – Фарғона водийсидан Кошғарга ўтадиган йўлда; *Киту-Кутал* – Или дарёсининг юқори сўл ҳавзасида, Чилик билан Чорин дарёлари оралиғидаги тоғ довони; *Жавку* (Сунгтош) – довон, *Қорақиз* – довон, *Барсқун* (Барсхон) – 1) довон, Терскей Олатовнинг ғарбий қисмида; *Хажар* – тоғ ўтқили;

яйлов – *Юлдуз яйлоқи* – тоғ яйлови, Мўғулистон; ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови, Тяньшань (Тангритоғ)даги Хайдан-гол дарёсининг юқори ҳавзасида;

⁶⁶⁸ Шомий. *Зафарнома*. 158-б.

⁶⁶⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 210а, 157а варақлар.

⁶⁷⁰ Яздий. *Зафарнома* (1972). 202б варақ.

йўл – Ҳалқун йўли – тоғ йўли, Орқа Или Олатови тизмасида;

Манглай Субе (Шарқий Туркистон)да: Яздий “Зафарнома” асарида – *Қоронғутоғ* – Тибет тоғлари; “Тарихи Рашидий” асарида – *Арбат, Раскам, Тагдумбош* – Оқсу шаҳри яқинидаги тоғлар ва уларнинг этагидаги дашт номи; *Шаҳноз* – довон, дарё ва водий номи, Кошғар вилояти; *Сакри довони, Санжу довони; Сариқўл* – водий, Сариқўл тизмасининг этаги, Помир тоғлари тизимида;

Ҳозирги Афғонистон ва Ҳуросон худудидаги оронимлар бўйича маълумот қисман Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”-си ҳамда “Матлаи саъдайн”да ва анча муфассал “Бобурнома”да (32 та тоғ ва тепаликлар, 25 та довон, 10 та дара номлари) берилган. Мазкур учала манбадан Яздий “Зафарнома”си ва “Матлаи саъдайн”да жой номлари тарихий воқеалар баёни муносабати билан берилган. Лекин “Бобурнома”да ҳозирги Афғонистон худуди, айниқса, Кобул вилояти ва унга ёндош худудларнинг географик тавсифи берилгани сабабли жой номлари ҳам сон жиҳатдан кўп.

Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома” асарида қайд этилган оронимлар: *Артуж дараси* – ҳозирги Вардуж дараси ва дарёси, Кўкча дарёсининг юқори, асосий ирмоқларидан бири; *Журм довони* – Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони; *Каргас довони* – Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони; *Шодиён тоғи* – ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган тоғ тизмаси, ҳозир ҳам шу ном билан аталади. Хулм шаҳри ана шу тоғнинг шимолий этагида жойлашган; *Қунғур-ўланг* – Кўкча дарёси ҳавзасидан жануби-шарқдаги тоғлар; *Ҳиндукуш довони* – Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги ҳозирги Саланг довони.

“Матлаи саъдайн”да келтирилган оронимлар: *Журзавон* (тоғи) – ҳозирги Паропамиз тоғ тизмасининг бир қисми; *Қорабоғ* (Бодғиснинг Қорабоғи) – ҳозирги Банун Туркистон тоғ тизмасидаги Қорабел қири (мазкур давр манбаларида яна битта *Қорабоғ* эслатилган; у Кавказда жойлашган бўлиб, *Аррон Қорабоғи* деб номланган); *Ҳиндукуш довони* – ҳозирги Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги Саланг довони, *Бовлигоҳ тоғи* – Ҳирот яқинида; Мухтор тоғи (*Кўҳи Мухтор* ёки *Кўҳи Сайид Абдуллоҳ Мухтор*), Ҳирот яқинида; *Кўҳистон* – ҳозирги Кўҳи Сурх тизмаси; *Лахшак* – ҳозирги

Копетдоғ тизмасидаги жанубий тоғлардан бири; *Дубаророн дараси* – Мухтор тоғидаги дара; *Кутали Санжоб* – Ҳирот яқинидаги тоғ довони номлари мавжуд; *Табас* – биёбон ва тоғ тизмаси, Хуросоннинг ғарбий қисмида, Дашти Кавир чўлидан шарқда; *Кўҳи Кийту* (тоғ яйлови) – Мурғоб дарёсининг ўрта ҳавзасида; *Лахшак* (тоғ) – Копетдоғ тизмасидаги жанубий тоғлардан бири.

“**Тарихи Рашидий**” асарида қайд этилган оронимлар: *Сариқўл* – тоғ тизмаси, Бадахшон вилояти; *Танги Боло* – дара, Бадахшон вилояти;

“**Бобурнома**”да берилган оронимлар: *Афғонистон тоғлари* – ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида; *Бангаш* – Жанубий Афғонистон; *Баракистон тоғи* – Кобулдан жануби-ғарбда; *Бомиён тоғи* (*Бомиён*) – тоғ, жой, Афғонистон; *Газю* – тоғ, Кобул вилояти; *Дараи Зиндон* – тоғ, Кобул вилояти; *Дараи Сўф* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Дашт* – дашт, тоғ, Жануби-Ғарбий Афғонистон; *Кўҳи Жуд* – тоғ, Жанубий Афғонистон.

Кўҳи Меҳтари Сулаймон – тоғ, Жанубий Афғонистон, ҳозирги Сулаймон тоғлари; *Кўҳи Сафид* – тоғ, Нингнаҳорнинг жанубида, Афғонистон; *Кўҳи Соф* – тоғ, Балх вилояти, Афғонистон; *Ламғон тоғи* – тоғ (“қорлиқ тоғ Ламғон тоғидур”), Кобул вилояти; *Минор тоғи* – тоғ, Кобул шаҳридан шимоли-ғарбда; *Мурғон тоғи* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Нағар* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Олғу тоғи* – тоғ, Толиқон яқинида, Шимолий Афғонистон; *Савод тоғлари* – тоғ, Жанубий Афғонистон;

Теба (*Тена*) – тепалик, ўланг, Кобул ёни. Бобур Кобулни эгаллагач, унинг ҳукмдори Муқим учун ана шу Тepadан жой ажратади. “Муқимға юрт Тебани тайин қилдук”⁶⁷¹;

Уқобайн – тоғ тумшуғи, Кобул яқинида; *Хайбар тоғлари* – Ҳиндистондан Кобулга келадиган йўлдаги тоғ тизмаси, Жанубий Афғонистон; *Хожа Исмоил тоғи* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Хожа Региравон* – тоғ, Кобул вилояти; *Чўпора тоғлари* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Шоҳи Кобул* – тоғ, Кобул шаҳрининг жануби-ғарбий ёнида. “Ул тоғнинг қулласида шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар”; *Якланга пуштаси* – тепалик, Жанубий Афғонистон; *Қарғабулоқ пушталари* – те-

⁶⁷¹ Бобур. *Бобурнома* (2002).107-б.

паликлар, Кобул вилояти; *Қорату* – тоғ, Кобул вилояти; *Ғаржистон* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Ғўр* – тоғ, Шимоли-Ғарбий Афғонистон; *Ҳазора* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Ҳиндукуш тоғи* – тоғ тизмаси, Афғонистон.

Довон (кўтал)лар: *Бодич кўтали* – довон, Кобул вилояти; *Бозорак* – довон, Афғонистон (Ҳиндукуш). *Гунбазак кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси, Афғонистон; *Дандоншикан кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси, Афғонистон; *Дири кўтали* – довон, Кобул вилоятининг жанубий қисмида; *Хавок кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси, Афғонистон; *Жигдалик кўтали* – довон, Кобул вилоятидан шарқда; *Кўра* – довон, Кобул вилояти; *Кўтали Заррин* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Муҳаммадпих добони* – довон, Жанубий Афғонистон; *Нирх кўтали* – довон, Кобул вилояти; *Панжҳир (Панжшер)* – довон, Ҳиндукуш тизмасида;

Санғдоки кўтали – довон, Жанубий Афғонистон; *Тўл* – довон, Ҳиндукуш; *Шибарту кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Хайбар* – довон; *Янгийўл кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Қорақўба кўтали* – довон, Кобул вилоятининг жанубида; *Қипчоқ кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Ҳамтоту (Ҳамботу) кўтали* – довон; *Ҳафтбача* – 7 та довон, Ҳиндукуш; *Ҳиндукуш кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Хубён (Хупиён) кўтали* – довон.

Даралар: *Ажар дараси* – жой, Коҳмард вилояти; *Дараи Бой* – дара, ҳозирги Шимолий Афғонистон; *Дараи Бом* – дара, ҳозирги Шимолий Афғонистон; *Дараи Хуш* – дара, Ҳиндукуш тизмаси, Афғонистон; *Деврин тангиси* – дара, Кобул яқинида; *Деҳи Яъқуб тангиси* – дара, Кобул вилояти; *Пичғон (Жиғон)* – (Пижғон); *Пижғон дараси* – дара, Кобул вилояти; *Пуромин дараси* – дара, Кобул вилоятидан жануби-шарқда; *Санжид (Санжид дара)* – дара, Кобул вилояти; *Ғурбанд тангиси* – дара, Кобул вилояти шимолида.

Бошқа табиий объектлар номлари: Темурийлар даври ёзма манбаларида табиий объектлардан яна **дашт** (*Айғир-ёли* дашти – Шимолий Мўғулистон; *Алакўл дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Ит-ичмас дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Ични-Бучни дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Улоқ-чарлиқ дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Қуратов даштлари* – Марказий Мўғулистон; *Хо-*

разм дашти (Дашти Хоразм) – Қорақум чўли); **яйлов** (Улуғ Юлдуз ёки Юлдуз мавзеи ва Кичик Юлдуз; Ишкамиш яйлоқи – Қундуздан тахм. 90–100 км жануби-шарқдаги мавзе, ҳозир ҳам шу номда); **чўл** (Кеш чўли); **мавзе** (Жўйбори мавзеси – Ғуздордәнинг қуи қисми; Жорун мавзеи – Мўғулистон ҳудудидаги Чарин дарёси водийси, Или дарёсининг ирмоғи; Кўктўба мавзеи, Пойтоқ мавзеи, Уч-Қармон (тўғриси: Уч-Фармон) мавзеи); **жулга** (Кеш жулгаси – Кеш дарёси (Қашқадарё) водийси); **йўл** (Кўрдунг йўли; Кўрдунг – Деҳқонобод туманидаги Кўрдара адири (дўнглиги), Деҳқонобод аҳоли масканидан шимоли-шарқда) номлари ҳам учрайди.

Маъмурий-худудий ҳолат ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимлар

Темурийлар. даври ёзма манбаларида маъмурий-худудий ҳолат ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимлардан ўлка, вилоят, туман (булук, ўрчин), шаҳар, қўрғон, қасаба, шаҳар ичи ва атрофидаги жойлар, кичик аҳоли масканлари, машҳур шахслар мазорлари, боғлар, экинзорлар номлари берилган.

Маъмурий-худудий бирликлар номлари. Бунга ўлка, вилоят, туман (булук, ўрчин) номлари киради. Кўпинча, номнинг ўзи ёзилган бўлади (Шош, Сўх, Сўғд, Кармина, Чағониён, Хатлон, Қоратегин ва ҳ.к.) ва унинг маъмурий ҳолатини фақат матн мазмунидан билиш мумкин. Аҳёнда жой номи атама билан бирга берилган (Фарғона вилояти, Работак ўрчини, Хўқон ўрчини, Шовдор тумани).

Аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ёзма манбалардан ўрин олган топонимларни Марказий Осийнинг турли қисмлари (Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Мўғулистон, Манглай Субе, ҳозирги Афғонистон ва Хуросон ҳудудлари) бўйича алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Вилоятлар. Мовароуннаҳр ҳудудида. Мовароуннаҳр топоними мусулмон Шарқ адабиётида IX асрдан бошлаб мамлакат номи сифатида мавжуд ва Темурийлар даври манбаларида ҳам бу анъана сақланган. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Мовароуннаҳр ўлкаси деганда ғарбда Хоразмдан шарқда Кошғар ва

Хўтангача оралиқда жойлашган ерлар назарда тутилган ва географик узунлик бўйича ўн икки градусга тенг деб ёзилган⁶⁷². “Бобурнома”да Мовароуннаҳр чегараси шарқда – Кошғар, ғарбда – Хоразм, шимолда – Шош, жанубда – Термиз кўрсатилган⁶⁷³. Қолган вилоятлар номлари шарқдан, Фарғона водийсидан бошлаб олиб қарайдиган бўлсак, қуйидаги тартибда бўлади:

Фарғона – Яздий “Зафарнома”сида “Муқаддима” қисмида XIII аср бошларида кечган тарихий воқеалар баёнида фақат бир марта учрайди⁶⁷⁴. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”да топоним *Фарғона вилояти* шаклида берилган, ҳудудий жиҳатдан Фарғона водийси назарда тутилган;

Ўш – “Тарихи Рашидий”да XV аср иккинчи ярми воқеалари баёнида *Ўш вилояти* шаклида тилга олинган ва маъмурий жиҳатдан Фарғона вилояти таркибига киритилган⁶⁷⁵;

Андигон (Андижон) – Яздий “Зафарнома” асарида шаҳар (*Андигон*) ва вилоят (*Андигон вилояти*) номи берилган, “Матлаи саъдайн”да топоним *Андижон* шаклида ёзилган. “Бобурнома”да *Андижон, Андижон вилояти, Андижон қалъаси, Андижон қўрғони* ёзилишлари мавжуд. Фарғона вилоятининг пойтахти (маркази) дейилган⁶⁷⁶;

Аҳси – Фарғона вилояти таркибидаги вилоят ва мустаҳкам қўрғонли қасаба⁶⁷⁷;

Исфара (Исфара вилояти) – Фарғона вилояти таркибидаги кичик вилоят ва шаҳар, тоғ этагида жойлашган тўрт булукдан ташкил топган. “Исфара вилояти тўрт булук кўхпоядур”⁶⁷⁸. “Бобурнома”да топоним *Исфара* ва *Испара* шаклларда ёзилган; вилоят маркази – *Исфара қўрғони*, дейилган;

Хўжанд – Яздий “Зафарнома”сида шаҳар (*Хўжанд*) ва вилоят

⁶⁷² Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида). 16ба варақ.

⁶⁷³ Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

⁶⁷⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 35а варақ.

⁶⁷⁵ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.324

⁶⁷⁶ Бобур. *Бобурнома* (2002). 95-б.

⁶⁷⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 36-б.

⁶⁷⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-б.

(Хўжанд вилояти – маъмураи Хўжанд)⁶⁷⁹ номи сифатида келади; “Бобурнома”да Фарғона вилояти таркибидаги вилоят ва баланд кўрғонли шаҳар⁶⁸⁰;

Ўратепа – кўрғон, вилоят. “Бобурнома”да бу топоним қадимда *Усрушана* аталгани ҳам эслатилган: “Ўротепаким асл оти Усрўшанадур, Усрўш ҳам дерлар”⁶⁸¹;

Тошканд – Яздий “Зафарнома”сида “*Тошканд*” шаклида берилган, вилоят ва шаҳар номини англатади. “Бобурнома”да бу топоним “Тошканд” шаклида ёзилган ва унинг яна олдинги даврларга хос *Шош* ва *Чоч* номлари бўлганлиги ҳам эслатилган (“Китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирлар”)⁶⁸². Шохрухия билан биргаликда ёзилган (“Тошканд ва Шохрухия вилояти”)⁶⁸³ шакли ҳам бор;

Миёнкол – Сўғднинг ўрта қисми;

Самарқанд (*Семирқанд*, *Семизқанд*) – шаҳар ва вилоят;

Бухоро – вилоят;

Кармина – вилоят, Самарқандга қарашли;

Қорақўл – вилоят, ҳозирги Бухоро вилоятидаги Қорақўл тумани ҳудуди;

Кеш (*Шаҳрисабз*) – вилоят, кўрғон ва шаҳар; Яздий “Зафарнома”сида 2 хил шаклда ёзилган: 1) Кеш; 2) Каш; *Қарши* – вилоят

Хузор – вилоят ва кўрғон;

Термиз – шаҳар, вилоят;

Чағониён – вилоят;

Хоразм – вилоят ва шаҳар (Хоразмнинг пойтахти Гурганж шаҳри) номини англатади, фақат матн мазмунидан келиб чиқиб уларни фарқлаш мумкин;

Ҳисор (*Ҳисори Шодмон*; *Ҳисор вилояти*) – ҳозирги Ҳисор вилояти, Тожикистон ҳудудида. Темурийлар даври манбаларида икки хил маънони англатади: 1) вилоят номи – Ҳисор вилояти; 2) кўрғон – Ҳисор вилоятининг маркази.

Хутталон – ҳозирги номи *Хатлон вилояти* (маълум вақт

⁶⁷⁹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 97а, 208а варақлар.

⁶⁸⁰ Бобур. *Бобурнома* (2002). 35-б.

⁶⁸¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 38-б.

⁶⁸² Бобур. *Бобурнома* (2002). 36-б.

⁶⁸³ Бобур. *Бобурнома* (2002). 36-б.

Кўлоб вилояти дейилган), Тожикистон. Яздий “Зафарнома”сида асосий матнда 2 хил маънони англатади; 1) вилоят номи; 2) шаҳар, вилоят маркази номи;

Қоратегин – тоғли ўлка, ҳозир ҳам шу номда, Тожикистон;

Бадахшон – Афғонистон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида жойлашган ўлка. Топоним яна *Кўҳистон* шаклида ҳам учрайди;

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида Мовароуннаҳр ҳудудида *Дизақ (Дизак)*, *Навандок* (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг шимолӣ чеккасида жойлашган кичик вилоят), *Помир*, *Ўзганд (Ўзжанд)*, “Тарихи Рашидий” асарида *Куҳистон* (1. Бадахшон; 2. Самарқанддан жанубдаги тоғли ҳудудлар), *Вахон* (Помирдаги тарихий вилоят, Панж дарёсининг юқори ҳавзасида) ҳам вилоятлар номлари сифатида кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр ҳудудидаги вилоятлар сони “Бобурнома”да нисбатан кўпроқ.

Марказий Осиёнинг шимолӣ қисми – ҳозирги Қозоғистон ҳудудида Темурийлар даври ёзма манбаларида қуйидаги топонимлар вилоят (мамлакат, ўлка) номи сифатида кўрсатилган:

Дашти Қипчоқ – Жўжи ва унинг авлодларига мансуб ерлар;

Жўжи улуси (Улуси Жўжи) – ўз вақтида Чингизхон томонидан ўғли Жўчихон (Жўжихон)га мулк қилиб берилган ерлар; унга ҳозирги Қозоғистон ҳудуди ва ундан шимол ҳамда ғарбдаги ёндош ерлар кирган;

Туркистон – Фарғона водийсидан шимолдаги жойлар ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ўнг соҳил ерлар шундай аталган. “Бобурнома”да Туркистон – шаҳар (Яси шаҳри) ва ўша атрофдаги вилоят номи; “Тарихи Рашидий” асарида *Туркистон* – ўлка номи тарзида (Мовароуннаҳр ва Туркистон шаклида) келади;

Яси вилояти – Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийда Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси (бир қисми) шундай аталган. Мазкур ҳудуд кейинчалик “Туркистон” дейилган;

Ўзбек улуси (Улуси ўзбак) – 1) умуман, Жўчи улуси, баъзан ушбу улуснинг шарқий ёки ғарбий қисми; 2) Олтин Ўрданинг аҳолиси⁶⁸⁴.

Шунингдек, мазкур ҳудуд бўйича Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асарида қайд этилган *Сиғноқ*, *Янги вило-*

⁶⁸⁴ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2776-варак.

яти, Ибир (*Ибир ва Сибир*) ва “Бобурнома”да – *Сайром* ҳам вилоят номларини англатади.

“Тарихи Рашидий” асарида маъмурий-худудий бирликлар номлари сифатида *Дашти Қипчоқ* (мамлакат), *Дашти Хазар* (Дашти Қипчоқнинг бир қисми), *Қозоқ* (мамлакат, Дашти Қипчоқ назарда тутилган); *Туркистон* – ўлка (Мовароуннаҳр ва Туркистон назарда тутилган); *Ўзбекистон* (вилоят, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси) қайд этилган.

Мўғулистон ва унга шарқдан ёндош ҳудудларда Темурийлар даври манбаларида қуйидаги маъмурий-худудий бирликлар номлари берилган:

Жата улуси (*Жата; Жато; Жете*) – *Мўғулистон* топонимининг синоними сифатида келади. Яздий “Зафарнома”сида кўпроқ *Жата* ёзилган. *Замини Мўғул* (Мўғул юрти) шакли ҳам бор.

Мўғулистон (*Мўғул вилояти*) – XIV аср ўрталаридан бошлаб *Чиғатой улусининг шарқий қисми* шу ном билан аталган.

Ноймонлар ери (Ноймонлар юрти) – Яздий “Зафарнома”сида (“Замини ноймон” шаклида)⁶⁸⁵ фақат “Муқаддима” қисмида, қадимий давр воқеалари баёнида эслатилган.

Олтой (*Алтой*) – ўлка, ҳозирги Олтой ўлкаси ҳудуди.

Чиғатой улуси (*Улуси Чиғатой*) – Чингизхон томонидан ўғли Чиғатойга мулк қилиб ажратилган ерлар; унга Мўғулистон, Мовароуннаҳр ва унга ёндош жойлар кирган. Темурийлар даври ёзма манбаларида кўпроқ XIV аср 1-ярми тарихий воқеалари баёнида эслатилган. Мазкур топоним “Тарихи Рашидий” асарида *Чиғатойхон юрти*, *Чиғатойхон улуси* шаклларда ёзилган⁶⁸⁶.

Қирқизлар юрти – Яздий “Зафарнома”сида фақат “Муқаддима” қисмида (“Замини қирқиз”) шаклида 2 марта тилга олинган ва олдинги даврларга тегишли воқеалар баёнида эслатилган.

Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида яна Мўғулистон ҳудудида: *Шер Баҳромнинг эли* – улус, *Қаромон улуслари* – Еттисув ва Или водийсидаги жойлар, *Қалмоқ* – Мўғулистонга шарқдан чегарадош вилоят номларидан иборат маъмурий-худудий мазмундаги топонимлар ҳам мавжуд.

⁶⁸⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 326 varaқ.

⁶⁸⁶ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С. 31–32.

“Тарихи Рашидий” асарида *Бум-Лиш* шимолдан ва *Қалмоқ* шарқдан Мўғулистонга чегарадош вилоятлар номлари сифатида келади.

Манглай Субе (Шарқий Туркистон) худуди бўйича: *Кошғар* – Чингизхоннинг урушлари воқеалари баёнида, сўнгра Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий воқеалари тавсифида вилоят ва шаҳар номи сифатида қайд этилган.

Манглай Субе – мамлакат, “Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистоннинг жанубий қисми (Шарқий Туркистон худуди) шундай аталган.

Уйғур мамлақати (Замини уйғур; Диёри Уйғур) – Яздий “Зафарнома”сида фақат “Муқаддима” қисмида, қадимий давр воқеалари баёнида келади, Шарқий Туркистон худудига тўғри келади.

Хўтан – вилоят ва шаҳар.

Қомул (Кумул) – вилоят ва шаҳар.

Хуросон ва ҳозирги Афғонистон худуди. Ҳозирги Афғонистон ва Хуросонда қайд этилган вилоятлар номлари “Матлаи саъдайн” да ва “Бобурнома” да нисбатан кўп.

“Матлаи саъдайн” да: Абивард, Афғонистон, Бадахшон, Бағлон, Бохарз, Гурух вилояти, Дехистон, Доварзамин, Ёзир, Жармакон, Жом, Жузжон вилояти, Зарах, Зобулистон, Исфизор, Карух вилояти, Кобулистон, Кофиристон, Кусавия, Маймана, Сабзавор, Сарахс, Сеистон, Сон, Сохарон, Толиқон, Тун, Туршиз, Тус, Фарох, Хайсор, Чорьяк, Ғазнин, Ғунд, Ғур, Ҳазора.

“Бобурнома” да: Андароб, Афғонистон, Балх (Балх вилояти), Банну, Бағлон, Бодигис, Гармсер, Зобул, Зобулистон, Кобул вилояти, Ишкамиш, Кофиристон, Кўҳистон, Ламғон (Ламғонот), Мурғоб, Нағар, Парвон, Сеистон, Тарнук, Толиқон, Қалот, Қандаҳор, Қундуз вилояти, Ғазни вилояти.

Иккала манбадаги вилоятлар номларининг аксарияти такрорланмайди ва улар бир-бирини тўлдиради. Бу топонимлар қуйидагича локализация қилинди:

Абивард – Хуросоннинг ўрта асрлардаги вилояти ва йирик шаҳарларидан бири; номи *Бовард* шаклида ҳам қайд этилган, Нисо ва Марв оралиғида жойлашган.

Андароб – вилоят, Афғонистон.

Афғонистон – вилоят, Кобулдан жанубда, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисми шундай аталган.

Бадахшон – шаҳар ва вилоят. Бадахшон шаҳрининг ҳозирги номи Файзобод, Афғонистоннинг шимоли-шарқдаги шаҳар, Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази.

Балх – шаҳар ва вилоят, Афғонистон. Ҳозирги Мазори Шариф шаҳрининг ғарбидаги кўҳна шаҳар. Ўтган асрлар ёдгорликларининг бир қисми ҳозир ҳам сақланган.

Банну – вилоят, Кобулдан жанубда.

Бағлон (Бақлон) – вилоят ва шаҳар, тарихий Тохаристон вилояти таркибида, Афғонистоннинг шимолий ҳудудида, ҳозир ҳам шу номда.

Бодиғис (*Бодғис*) – вилоят, Шимолий Афғонистон.

Бохарз (вилоят) – Хуросоннинг шарқий чеккасидаги кичик вилоят, Бохарз тоғ тизмаси ва этаклари.

Гармсер – вилоят, Жанубий Афғонистон; “Тарихи Рашидий” асарида *Гармсер ва Ҳирман* ёзилиши ҳам бор.

Гуруҳ вилояти – Ҳирот шаҳридан шарқда жойлашган кичик вилоят.

Деҳистон – вилоят, ҳозирги Туркменистон ҳудудида.

Доварзамин (мамлакати) – Ҳирманд (Ҳилманд) дарёсининг қуйи ҳавзасидаги вилоят.

Ёзир (Язир) – вилоят, ҳозирги Туркменистон ҳудудида.

Жармакон (Жармағон) – вилоят, ҳозирги Туркменистон ҳудудида.

Жом – Хуросондаги кичик вилоят, маркази Жом шаҳарчаси (ҳозирги номи Турбати Жом, Эрон).

Жузжон вилояти – Гузгон, Гузгонон, Жузжон (арабча манбаларда) – ҳозирги Шимолий Афғонистондаги тарихий вилоят.

Зараҳ – вилоят, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида, Ҳирманд (Ҳилманд; Гилманд) дарёси водийсида.

Зобул (Зобулистон) – ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисми, одатда Ғазни вилояти шу ном билан ҳам аталган. Яздий “Зафарнома”сида кўпроқ “Зобулистон” (ёки “Зовулистон”), баъ-

зан эса “Зобул” (ёки “Зовул”) шаклларда ёзилган.

Исфизор – ҳозирги Афғонистоннинг Ҳирот вилоятидан жанубда уч кунлик карвон йўлига тенг масофада жойлашган кичик вилоят ва қўрғон, маркази Исфизор қўрғони.

Ишкамиш – Бадахшон ҳудудидаги вилоят.

Карух вилояти – Ҳирот шаҳри яқинидаги кичик вилоят.

Кобул вилояти – вилоят ва шаҳар; Яздий “Зафарнома”сининг Техрон нашрида *Кобулистон* ёзилиши ҳам берилган, вилоят номи англатади, ҳозирги Кобул вилояти ҳудудига тўғри келади.

Кофиристон – тоғли вилоят (ҳозирги номи Нуристон), географик ўрни Ҳиндукуш тоғ тизмаси жанубий ён бағрининг марказий қисмига тўғри келади.

Кусавия (Кусуя) – қасаба ва вилоят, Ҳирот шаҳридан ғарбда.

Кўҳистон – Бадахшон вилоятининг бошқа номи.

Ламғон (Ламғонот) – вилоят, ҳозирги номи Лағмон. Кобулдан шарқда, Ҳиндистонга борадиган йўлда; “Бобурнома”да 2 хил ёзилган: 1) Ламғон 2) Ламғонот.

Маймана – Афғонистоннинг шимолий қисмидаги вилоят ва шаҳар, ҳозир ҳам шу номда.

Мохон вилояти – Марв (ҳозирги Мари) вилояти ҳудуди, Туркменистон.

Мурғоб – дарё, вилоят, ҳозирги Афғонистон ва Туркменистон ҳудудларида.

Нағар – вилоят, Кобулдан жунубда, Ҳиндистон йўлида.

Нисо (Насо) – вилоят, ҳозирги Туркменистон ҳудудида.

Парвон – вилоят, кент, ҳозирги Афғонистон ҳудудида.

Сабзавор – вилоят ва шаҳар, ҳозир шу номдаги шаҳар, Хуросон остонининг шимолий қисмида, Эрон.

Сарахс – шаҳар ва вилоят, Хуросон. Ҳозир шу номда Эрон ва Туркменистон ҳудудларида бир-бирига яқин иккита аҳоли маскани бор.

Сеистон – Эроннинг шарқида ва Афғонистоннинг ғарбида жойлашган тарихий вилоят. 1872 йили Эрон ва Афғонистон ўртасида бўлинган: Ҳилманд дарёсигача бўлган қисми Эронга, ундан шарқи Афғонистонга ўтган.

Сон – ҳозирги Шимолий Афғонистон, Жузжон (Гузгон) тари-

хий вилояти таркибидаги шаҳар ва кичик вилоят.

Сохарон – кичик вилоят, ҳозирги Афғонистон ҳудудида.

Тарнук – *Қалот ва Тарнук вилояти* ёзилиши ҳам бор, вилоят, Жанубий Афғонистон.

Толиқон – Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган вилоят.

Тулак – кичик вилоят, Афғонистон ҳудудида.

Тун – аҳоли маскани ва вилоят, Марказий Хуросондаги вилоят, Эрон.

Туршиз – Марказий Хуросондаги вилоят ва шаҳар, ҳозирги номи Султанообод, қишлоқ.

Тус – Шимолий Хуросондаги вилоят ва аҳоли маскани; ҳозир шу номдаги қишлоқ, Машҳад шаҳридан шимолда, Эроннинг Хуросон остонида.

Тохаристон – тарихий вилоят, ҳозирги Шимолий Афғонистон ҳудудида.

Фароҳ – қалъа, ҳозир шаҳар ва вилоят, Афғонистон.

Хайсор – кичик вилоят, ҳозирги Марказий Афғонистон.

Хуросон – ҳозирги Афғонистон, Эрон ва қисман Туркманистон ҳудудларида ястанган мамлакат.

Чоряк – ҳозирги Шимолий Афғонистонда Жузжон (Гузгон) тарихий вилояти таркибидаги шаҳар ва кичик вилоят.

Шофлон (вилоят) – Ҳирот шаҳрига яқин вилоят.

Қалот – *Қалот ва Тарнук вилояти* шаклида келади, ҳозирги Жанубий Афғонистон.

Қандаҳор – вилоят, Афғонистон. “Бобурнома” да одатда Ғазни вилояти таркибида эслатилади: “Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон дохили тутубтурлар” (195-б).

Қундуз вилояти – вилоят, Шимолий Афғонистон.

Ғазни (*Ғазнин*) *вилояти* – вилоят, Афғонистон (“Яна бири Ғазни вилоятидур. Баъзи туман ҳам дерлар... Баъзи *Ғазнин* ҳам битибдурлар... Зобул ҳам дерлар, Зобулистон бу вилояттин ибораттур”⁶⁸⁷).

Ғунд – тарихий вилоят, Помирда, ҳозирги Ғунт дарёси (Панж дарёсининг ўнг ирмоғи) водийси.

Гур – тарихий вилоят, Сафидкӯҳ ва Бобо тизмалари туташ-

⁶⁸⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 113-б.

ган жойлар, Афғонистон. Унинг шарқий қисми – *Ғури Боло*, ғарбий қисми – *Ғури Поин* деб аталган.

Ҳазора – вилоят, Афғонистоннинг жанубида, Гармсер ва Қандаҳор атрофлари.

Ҳазораи Оқо – кичик вилоят, Афғонистон ҳудудида.

Ҳиротруд вилояти – вилоят, Ҳиротруд водийси, Хуросон.

“Тарихи Рашидий” асарида ҳозирги Афғонистон ҳудуди ва Хуросонда яна *Заминдовар* – кичик вилоят, ҳозирги Жанубий Афғонистон; *Хост* – Қундуз вилояти таркибидаги кичик вилоят; *Шибирғон*, *Астробод* ҳам вилоятлар номлари сифатида берилган.

Вилоятдан кичик маъмурий бирликлар номлари. Темуррийлар даври манбаларида вилоятдан кичикроқ маъмурий бирликлар номлари *туман*, *булук*, *ноҳия*, *ўрчин* атамалари воситасида ифодаланган.

Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Ҳирот вилоятида қуйидаги булуклар номлари санаб ўтилган: Гудора (Гузора), Инжил булуки, Олинжон булуки, Ғўрувон (Ғўрон) ва Поштон булуки, Турон (Турон ва Тўнён) булуки, Хиёбон булуки, Сабқар булуки, Парвона ва Ҳаводаштак булуки, Камбароқ (Камирон) булуки, Удвон ва Тизон булуки, Тиرون (Тизор) булуки.

Афғонистонлик олим Мойил Ҳиравий Ҳофизи Абру “География”сидан Ҳирот вилояти таркибидаги булукларни, уларнинг ҳозирги ҳолати билан қиёслаб ўрганди. Унинг асарида Ҳиротнинг ҳозирги булуклари номлари қуйидагича кўрсатилган: Гузара булуки, Инжил булуки, Олинжон булуки, Турон ва Тўнён (Отшон) булуки, Хиёбон булуки, Сабқар булуки, Камбароқ булуки, Удвон ва Тизон булуки. Демак, ўтган асрлар давомида Ҳирот вилояти таркибидаги булуклар номлари сақланган, дейиш мумкин.

Вилоятдан кичик маъмурий бирликлар номлари “Бобурнома”да нисбатан кўпроқ. Мовароуннаҳр бўйича:

Ворух – булук, Исфара вилояти, Фарғона водийси.

Исфара – булук, шаҳар, Фарғона водийси.

Палғар – ноҳия, Шимолий Тожикистон, ҳозирги номи Фархор.

Работи Сарҳанг ўрчини – туман, Ўш вилояти.

Сўғд – туман, Самарқанд вилояти.

- Сўх – булук, Исфара вилояти, Фарғона водийси.
Хўқон ўрчини – ўрчин (туман), ҳозирги Қўқон шаҳри ва атрофи, Фарғона водийси.
Шовдор тумани – туман, Самарқанд вилояти.
Ҳушёр – булук, Исфара вилояти, Фарғона водийси.
Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудлари бўйича:
Аласой булуки – булук, Кобул вилояти.
Алингор – туман, Кобул вилояти.
Алишанг (Алишак) тумани – туман, Кобул вилояти.
Бангаш тумани – туман, Афғонистоннинг жанубида, Бангаш орқали Ҳиндистондан Кобулга йўл келади.
Зурмат тумани – туман, Ғазни вилояти, Афғонистон.
Кома – булук, Кобул вилояти.
Кунар – туман, Кобул вилояти.
Кунру – туман, Кобул вилояти.
Лахугар тумани – туман, Кобул вилояти.
Мандровир – туман, Кобул вилояти.
Нишров тумани – туман, Кобул вилояти.
Нигнаҳор (Нагарҳор) – туман, Ламғон вилояти, Афғонистон;
“Баъзи тарихларда Нагарҳор битибдурлар”⁶⁸⁸.
Нургил – туман, Кобул вилояти.
Панжҳир тумани – Кофиристон чегарасида, Афғонистон.
Фармул тумани – туман, Кобулдан жанубда.
Чағонсарой – туман, булук, Кофиристонга чегарадош, Кобул вилояти.
Ғўрбанд (Ғўрбанд тумани) – туман, Шимолий Афғонистон
“Ғўр сари бу кўтал била борурлар, ғолибо ул жиҳатдин Ғўрбанд дерлар”⁶⁸⁹.
“Тарихи Рашидий” асарида Марказий Мўғулистонда *Кунжи* – туман номи эслатилган.
Шаҳарлар, қўрғонлар, қасабалар номлари. **Мовароуннаҳрда:** Андигон (Андижон), Ўзганд, Аҳси (Ахсикат) қалъаси, Ало қалъаси (Тошкент вилоятида), Тошканд, Хўжанд, Шохрухия, Дизак, Самарқанд, Ғиждувон, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Қарши (Насаф), Хузор, Термиз, Ҳисор, Хатлон, Солисарой, Шероз.
Хоразм ҳудудида: *Кот, Хивак;*

⁶⁸⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 109-б.

⁶⁸⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 112-б.

Ҳозирги Туркманистон ҳудудида: *Омуя, Марв, Карки қўрғони (Карки ҳисори), Астробод;*

Дашти Қипчоқда: *Ошпара (Ашпара, Ошбара), Сайрам (Сайрам қалъаси), Ўтзор, Саврон қалъаси, Яси (Ясси) шаҳри;*

Манглай Субе (Шарқий Туркистон) ҳудудида: *Кошғар, Ҳўтан, Турфон, Қорахожа, Қумул.*

Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудларида: *Андхуд, Балх вилоятида; Арҳанг – XIV аср иккинчи ярмидан Арҳанг ва Арҳанг-Сарой номлари билан эслатилган. Қадимги Тохаристон вилоятидаги Арҳанг шаҳри; тахм. XVI асрдан бошлаб уни Имом (Ҳазрат Имом) атаганлар. Ҳозирги номи Имомсоҳиб, Панж дарёсининг чап соҳилида, Шимолий Афғонистон. Яна бир Сарой Фархор аҳоли маскани (ҳозирги Панж шаҳри яқинида) ҳам бўлган, уни Соли-Сарой деб атаганлар, Панж дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган; Дурфишой қалъаси – қалъа, Афғонистоннинг жанубий қисмида; Кешм (Кишм) – Бадахшон вилоятидаги қадимги шаҳар, Кўкча дарёсининг (Панж дарёсининг сўл irmoғи) юқори ҳавзасида; Нироту (Нироту ҳисори) – Ҳирот шаҳридан ўн фарсах масофада, шимоли-шарқий томонда, тоғ чўққисида жойлашган кўрғон; Увбаҳ (Убах) – Ҳиротруд вилоятидаги шаҳарча (қасаба), Ҳирот шаҳридан жанубда жойлашган; Форёб – Шимолий Афғонистондаги шаҳар ва вилоят, Ҳирот шаҳри билан Балх шаҳри оралиғида; Шибирғон – Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар, Жузжон вилоятининг маъмурий маркази; Қандаҳор – Афғонистоннинг жанубидаги шаҳар; Қундуз – Афғонистоннинг шимолидаги қадимги шаҳар (қадимги номи Валволиз). Ҳозир шу номдаги аҳоли маскани; Ҳирот (Ҳерий, Ҳарий) – XV асрда Хуросондаги энг йирик шаҳар, Темурийлар давлатининг пойтахти.*

Шаҳарлар микротопонимияси. Темурийлар даври ёзма манбаларида тарихий воқеалар баёнида айрим шаҳарлар ҳудудида ҳам жой номлари эслатиб ўтилади. Улар дарвоза, қаср, бозор, қабристон, бурж, минора, майдон, гумбаз, мақбара кабилар номларидан иборат.

Самарқанд шаҳрида: Айюб дарвозаси, Кўкгунбаз (қаср), Оҳанин дарвозаси, Шайхзода дарвозаси, Қусам ибн Аббос мозори ва ҳ.к.

Ҳирот шаҳрида: Ихтиёруддин қалъаси (Ихтиёриддин Хисо-

ри), Фалакуддин (минора), Дарвозайи Малик, Дарвозайи Хуш, Ироқ дарвозаси, Қипчоқ (дарвозаси), Ферузобод дарвозаси (кейинчалик “Қандаҳор дарвозаси”), Шавониён (бурж), Намозгоҳ, Маҳди Улё Гавҳаршод оғо мадрасаси, Низомия (мадраса), Муҳаммад Султоншоҳнинг гумбази, Хиёбон кўчаси, Чорсу (Ҳирот шаҳрининг марказий қисми), Бозори Малик, Бозори Ироқ, Саодат майдони, Содот (маҳалла).

Булардан ташқари, Балх шаҳрида (*Ҳиндувон қалъаси, Навбахор манзили* – Балх шаҳри ёнидаги манзил, бу ерда исломгача даврга мансуб ибодатхона бўлганлиги аниқланган), Марв шаҳрида (*Бурайда ва Ҳакамлар мақбараси, Марв шаҳри ёнида; Дарвозайи Аламдор* – Марв шаҳри дарвозаси), Астробод шаҳрида (*Гулафшон* – ҳукмдор қароргоҳи) номлари ҳам қайд этилган.

Кичик аҳоли масканлари номлари. Темурийлар даври тарихий манбаларида бундай топонимлар жуда кам ва улар бирор тарихий воқелик баёнида эслатилади. Масалан:

Адоқ юрти – XV асрда Сарикамиш кўлининг шарқий соҳилида жойлашган аҳоли маскани, ҳозир сақланмаган.

Ағрича (тўғрироғи: Ўғирча) – XV асрда Амударёнинг Ўзбой орқали Каспий денгизига қуйилган жойида шаклланган аҳоли маскани. Дарё қуйилишидаги қўлтиқ Ўғирча қўлтиғи (русча: Огурчинский залив) деб аталган, ҳозирги номи Туркмон қўлтиғи. Қўлтиқни денгиздан чегаралаб турган орол Ўғирча ороли (русча: остров Огурчинский) деб аталади: бу ерда Ўғирча аҳоли маскани бор.

Маҳан (Маҳсин) – кент, Испарага қарашли, Фарғона водийси.

Дамашқ – Самарқанд шаҳри яқинидаги кичик аҳоли маскани.

Куфин – қишлоқ, Самарқанд шаҳри яқинида.

Марвчоқ (қаряси) – Мурғоб дарёси водийсидаги қишлоқ. Мазкур топоним ҳозирги вақтда *Меручак* шаклида сақланган.

Мохон – Марв вилоятидаги қишлоқ ва туман, Туркменистон.

Бардавия қаряси – Жом яқинидаги кичик аҳоли маскани, Хуросон.

Молон қаряси – Ҳарируд дарёсининг чап соҳилида, Ҳирот шаҳри атрофида жойлашган Гудора (Гузора) булукининг маркази; уни Молон қасабаси ҳам дейишган. Турон қаряси – қишлоқ, Афғонистон худудида.

Турон қаряси – қишлоқ, Афғонистон худудида.

Ўрдукежан – қишлоқ, Бухоро шаҳри яқинида.

Қоратена – қишлоқ, Самарқанд вилоятида, Зарафшон тизмасининг шимолий этагида, Самарқанд–Шахрисабз автомобиль йўли ёқасида; ҳозир ҳам шу номда.

Ҳасон – Ҳирот шаҳридан бир фарсаҳ чамаси шарқда жойлашган қишлоқ. Ҳозирги номи Қаряйи Наҳсон ва Навбодом.

Ўш – аҳоли маскани, ҳозирги Ўш шаҳри, Қирғизистон.

Ато Сўфи (Сўфи-Ато) қаряси – Турфон билан Қумул шаҳарлари оралиғида жойлашган катта карвон йўлидаги қишлоқ.

Мазкур топонимларнинг аксарияти, турли сабабларга қўра, бизнинг давримизгача сақланмаган. Айни пайтда Темурийлар давридан етиб келган вақф ҳужжатларида ва девон дафтарларида Мовароуннаҳр ва Хуросон худудлари бўйича анчагина кичик аҳоли масканлари номлари акс этганини ҳам таъкидлаш жоиз⁶⁹⁰.

Работ, лангар ва манзиллар номлари. Мазкур топонимлар асосан, савдо йўллари бўйлаб шаклланган работ, лангар ва манзилларни ўзида ифодалайди. Улар кўп ҳолларда қўшма топонимлар шаклида келади: *Работи Ём* – Самарқанд шаҳридан жанубда; *Амирдовуд работи* – Ҳирот яқинида; *Тумон оқо работи* – Хуросонда; *Тўқуз (работ)* – Ҳирот яқинидаги работ; *Шоҳ-малик работи* – Ҳирот шаҳри яқинида, ундан ғарбда жойлашган Кусуя ноҳиясидаги работ; *Қутлуғ Темур работи* – работ, тахминан Марв шаҳри билан Амударё оралиғида; *Амир Фиёс лангари* – Хуросоннинг шимолий қисмида, Ҳирот билан Мурғоб водийси оралиғида; *Қашқо манзили* – мавзе, Қашқадарё вилояти; *Дарайи Зангий манзили* – Термиз билан Бойсун оралиғида; *Барсин манзили* – Афғонистоннинг жанубий қисмида, Балужистон вилоятида; *Қовту манзили* – Амударёнинг чап соҳилида, Келиф яқинида.

Машҳур шахслар мазорлари ҳам баъзан топоним шаклини олган. Масалан: *хожа Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг мо-*

⁶⁹⁰ Самарқандские документы XV–XVI вв. – С.631; Ҳофизи Абру. *География*. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361 (Хуросон қисми); Krawulsky D. *Horasan zur Timuridenzeit*.

зори – Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи худудида; *Абу-л-Хасан Харақоний мазори* – Харақон вилоятида, Хуросон.

Экинзорлар номлари. Айрим топонимлар экинзорлар (*мазраа*) номларини англатади: *Яхёбод мазрааси* – Ҳирот шаҳри яқинида. Бундай топонимлар Ҳофизи Аbru “География”-сида Хуросон қисми тавсифида девон дафтарларида келтирилгани бўйича ва Самарқанд вақф ҳужжатларида Мовароуннаҳр бўйича нисбатан кўп.

Темурийлар даври ёзма манбаларида **мавҳум топонимлар** ҳам анчагина. Улар баъзан *мавзе* атамаси орқали ифодаланган (Ўзбек тилида *жой сўзига тўғри келади*). Масалан: Кулбула мавзеи – Марв билан Амударё оралиғида; Қаросмон мавзеи – Ўтрор яқинидаги мавзе, ҳозир у ерда Қараспан аҳоли маскани бор. Кўп ҳолларда жой номи фақат ўзи берилган бўлади. Масалан: *Кони-гил* – Самарқанд шаҳридан шарқда жойлашган яланглик; *Қорабулоқ* – жой, Самарқанд вилояти; *Кўҳи Нур* – мавзе, ҳозирги Нурота тоғлари; *Оқсулот* – жой, Сирдарё вилоятида; *Тўқмоқ* – аҳоли маскани, Чу дарёси водийсида, Қирғизистон; *Бурлоқ* – жой, Жанубий Қозоғистон; *Фушанж* – Ҳирот яқинидаги мавзе ва ҳ.к.

Боғлар номлари. Марказий Осиёдаги топонимларнинг бир қисми Амир Темур ва унинг авлодлари барпо этган боғлар номларида ҳам акс этган. Сабаби, аввало, Марказий Осиёда, унинг географик жойлашуви ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғорма деҳқончилик ва боғдорчилик ривожлангани бўлса, иккинчидан, ҳукмдорларнинг бу ишга катта эътибор қаратганидир.

Ҳофизи Аbru “География” асарида Самарқанд шаҳри ва атрофида ўнта боғ номини эслатади: Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Бўлду, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон. Ҳирот шаҳри ва атрофида жойлашган боғлар номлари “Матлаи саъдайн” да нисбатан тўлароқ: Боғи амир Шоҳмалик, Боғи Жаҳоноро, Боғи Зоғон, Боғи Нав, Боғи Назаргоҳ, Боғи Сафид, Боғи Шаҳр, Зубайда боғи.

Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида Марказий Осиё худудида куйидаги боғлар номлари берилган. Самарқанд шаҳри атрофида: *Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Майдон, Боғи Чинор,*

Боғи Шимол; Ҳирот шаҳри атрофида: *Боғи Жаҳоноро* – подшоҳ Бадиуззамоннинг қароргоҳи, *Боғи Зоғон*, *Боғи Зубайда*, *Боғи Нав*, *Боғи Назаргоҳ* – Ҳирот шаҳри яқинидаги жой, *Боғи Сафид* – боғ, Музаффар Мирзонинг қароргоҳи, *Боғи Хиёбон*, *Боғи Шаҳр*; Кобул шаҳри атрофи ва вилоятида: *Боғи Биҳишт* – Улуғбек ибн Абусаид яратган боғ, Кобул вилоятида, *Боғи Вафо* – Заҳириддин Бобур томонидан яратилган боғ. Кобул вилоятидаги Одинапур кўрғони олдида, *Боғи Калон* – боғ, Исталиф кентида, Кобул вилояти, Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек Мирзо қурдирган, *Боғи Наврӯзий* – боғ, Кобул ёнида, Улуғбек ибн Абусаид қурдирган, *Боғи Хилват* – боғ, Кобул шаҳри, *Боғи Юрунчқа* – боғ, Кобул шаҳри.

Темурийлар даври манбаларидаги топонимларнинг асосий хусусиятлари

Манбавий хусусиятлар. Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги жой номлари ҳақида маълумотлар ўша даврда ёзилган тарихий ва тарихий-географик мазмундаги асарлардан ўрин олган бўлиб, улар кўпроқ Амир Темур ва Темурийлар салтанати воқеликлари баёнида акс этган. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Ҳофизи Абрунинг “Зайли “Зафарнома” и Шомий, “География” ва “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарлари Марказий Осиёнинг Амир Темур ва Темурийлар салтанати давридаги тарихий топонимиясини ўрганиш нуқтаи назаридан ана шундай муҳим манбалар саналади. Масалан: Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида *Бомиеън* – кўрғон, асарнинг “Муқаддима”сида Чингизхон юриши воқеалари баёнида эслатилган; *Эрёб* – кўрғон, Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши воқеалари тавсифида қайд этилган. Ҳофизи Абрунинг “География”си, бевоқифа географик мазмундаги асар бўлгани сабабли унда жой номлари нисбатан кўпроқ. Бироқ улар ҳудудий жиҳатдан чекланган: асосан, Хуросон (анча батафсил) ва Мовароуннахр (жуда қисқа) ҳудудларига тегишли. Қолган тарихий асарларга келсак, уларда бир хил тарихий воқеалар баён қилинганлиги сабабли, жой ном-

лари ҳам айтарли такрорланади. Бундай ҳолатда битта асарни таянч манба қилиб, қолганларидаги фарқларни қиёсий услубда кўрсатган мақсадга мувофиқ. Юқоридаги тарихий асарлар ичида Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида жой номлари анча аниқ кўрсатилган.

Давр кўламида олиб қараганда Темурийлар даври ёзма манбаларида берилган жой номларида икки хил шакл кўзга ташланади: 1) бевосита XIV–XV асрларда мавжуд номлар; 2) илгариги даврларда ёзилган манбалардан кўчирилган анъанавий тарзда эслатилган номлар.

Умуман олганда, манбалардаги маълумотлар, асосан, Марказий Осиёнинг XIV аср иккинчи ярми – XV аср давомидаги топонимик ҳолатини ифодалайди. Шу билан бирга айрим манбаларнинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Чунончи, “Бобурнома”да 1493–1503 ва 1511–1513 йилларда Мовароуннаҳр, 1503 йилдан бошлаб Афғонистон ва 1518 йилдан сўнг Ҳиндистон билан боғлиқ маълумотлар қайд этилган. Келтирилган саналардан маълум бўладикки, “Бобурнома”даги Марказий Осиё бўйича берилган топонимлар вақт жиҳатдан XV асрнинг охириги ўн йиллигидан то XVI асрнинг дастлабки икки ўн йиллигини қамраб олган оралиққа тўғри келади.

Топонимларда **тил хусусияти** масаласи ҳам муҳим. Темурийлар даври ёзма манбалари, асосан, форс тилида ёзилган ва улардаги жой номлари, табиийки, форсий талаффуз қоидаларига мослаштириб берилган; демак, масаланинг тилшунослик аспекти махсус изланишларни талаб қилади. Ушбу тадқиқотда биз жой номини манбада ёзилган шаклида бериш билан чекландик, баъзи топонимлар ҳозирги ўзбек тилида қабул қилинган топонимик қоидалар талабига мослаштирилди. Масалан: *Қарачуқ тоғлари* (форсча матнда ёзилиши: *Кўҳистони Қарожуқ*. Яздий, в. 157а ҳозирги Жанубий Қозоғистонда жойлашган *Қоратов тоғлари*); *Кеш довони* (*ақбаи Кеш* – Яздий, в. 456 б), *Ҳиндукуш довони* (*ақбаи Ҳиндукуш*). Жой номининг моҳияти бузилиши мумкин бўлган ҳолларда, юқоридаги қоидадан истисно тариқасида, ёзма манбадаги шакл сақланди (*Танги-Чакчак*, *Дарбанди Оҳанин*, *Оққўтал*).

Топонимларнинг **сон нисбати** манбаларда ҳар хил. Масалан, “Бобурнома”да Марказий Осиё ҳудуди бўйича жами 800 дан ортиқ жой номи учрайди. Сувлар номлари (гидронимлар) мисолида олиб қараганда, йирик сув объектларидан дарёлар номлари кўп эслатилган.

Топонимларнинг **ҳудудий жойлашуви** манбаларда ҳар хил. Кичик объектлар номларининг берилиши регионал характерга эга. Дейлик, Мовароуннаҳр ҳудудига тегишли топонимлар ўша даврнинг деярли барча манбаларидан ўрин олган. Лекин Хуросон бўйича жой номлари Ҳофизи Абру “География” ва Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарларида, ҳозирги Афғонистон ҳудудига тегишли топонимлар Заҳириддин Бобур “Бобурнома”сида ва Марказий Осиёнинг шарқий қисми (Мўғулистон) бўйича жой номлари Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида сон жиҳатдан кўп.

Баъзан **битта ном бир нечта манбада қайд этилган** (*Дарбанди Оҳанин*), айрим ҳолларда **битта манбада берилган ном бошқаларида такрорланмайди. Ёки бир жой учун ҳар хил ном берилган** (*Кеш довони, Итмак довони* – ҳозирги Тахти Қорача довони).

Жой номини қадимий шаклида бериш ҳолати, у ёки бу асар муаллифининг ўзи фойдаланган ёзма манбалардаги жой номларини, ўша манбадан олинган тарихий воқеаларни баён қилиши билан боғлиқ. Масалан, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида қайд этилган *Уйғур мамлақати, Ноймонлар ери, Қирқизлар юрти, Фарғона* топонимлари вақт жиҳатдан Темурийлар давридан олдин кечган тарихий воқеалар баёнида берилган. *Турон* топоними афсонавий-тарихий тушунчани англатиб келади; Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида “Эрон ва Турон”, Яздий “Зафарнома”сида – “Муқаддима” ва асосий матнда икки хил – “Турон” ва “Туронзамин” (“Турон мамлақати”) шаклларда берилган. Матн мазмунига кўра мазкур топонимнинг географик ўрни Мовароуннаҳр ҳудудига тўғри келади.

Бундан ташқари, Темурийлар даври воқеалари баёнида ҳам муаллиф топонимнинг қадимий ва XV асрдаги шакллари аралаш

ишлатавергани кузатилади. Чунончи, Шарафуддин Али Яздий “Зарфарнома” асарида Амударёнинг қадимий номи “Жайхун” (“Муқаддима” қисмида 13 марта ва асосий матнда 45 марта) ва XV асрдаги аталиши – “Оби Омюя” (13 марта) баравар ёзилаверган. Яъни, топонимнинг қадимий шакли ҳам бемалол муомалада бўлган.

Топонимик хусусиятлар: 1) Топонимларнинг Темурийлар даври манбаларида аталиши ҳозирги вақтгача ўзгармай сақланган (*Иссиққўл, Или дарёси, Чу, Сурхоб, Ғунд, Вахш, Дарайи Гез, Мурғоб дарёси, Кўҳитан* – ҳозирги Кўҳитан тоғи);

2) аксарият объектларнинг номлари ўзгарган ва улар кўп ҳолларда ҳозиргисидан фарқ қилади: Амударё – *Жайхун* ва *Омюя суви*; Сирдарё – *Сайхун* ва *Хўжанд суви*; Зарафшон – *Кўҳак суви, Кичик Тоқ* – ҳозирги Кўктўбе;

3) баъзи топонимлар вақт ўтиши билан қисман ўзгарган: Ём (ҳозирги номи Жом, Самарқанд вилоятида), Жорун (ҳозирги номи Чарин, Или дарёсининг ирмоғи); Афғонистоннинг жанубидаги *Ҳилманд дарёси* (русча адабиётларда Гильменд) Темурийлар даври ёзма манбаларида *Ҳирман суви* (*Оби Ҳирман*), *Ҳирманд* ва *Ҳирманд суйи* шаклларда ёзилган. “Бобурнома”даги *Кубо суви* – ҳозирги номи *Кувасой*. Амударё юқори оқимида *Панжоб* деб аталган – ҳозирги аталиши *Панж дарёси, Куҳи Нур* – ҳозирги Нурота тоғлари; *Фалғар кўҳистони* – ҳозирги аталиши Фархор; *Қарачуқ тоғлари* – ҳозирги Қоратов тоғлари (Жанубий Қозоғистон);

4) XV асрда мавжуд бир гуруҳ жой номлари бизнинг замонамизгача сақланмаган (*Еттикент тоғлари, Алоқасроқ тоғи, Шунқорхона тоғи* ва ҳ.к.);

5) вақт ўтиши билан жой номи бир объектдан бошқа объектка ўтиб қолгани ҳам кузатилади.

6) жой номларида бирор йирик географик объектни бир нечта ном билан аталгани ҳолатлари кузатилади: а) яхлит аташ; б) унинг турли қисмларини алоҳида номлар билан аташ. Масалан: Амударё – *Жайхун, Омюя дарёси* (*Оби Омюя*), *Термиз суви, Эски Ўкуз* (Амударёнинг XIV аср 2-ярмида Орол денгизига оққан кичик тармоғи шундай аталган. “Соҳибқирон лашкари турклар Эски Ўкуз деганлари Кўҳнадарёдан ўтиб, шаҳар (Гурганж)ни

ўраб олдилар”⁶⁹¹), *Гурлан дарёси* (*Оби Гурлан; Жуйи Гурлан*), “Матлаи саъдайн” да Амударё юқори оқимида *Панжоб* деб аталган.

Умуман олганда, Амударёнинг X–XII асрларда араб ва форсий тилларда ёзилган асарлардан ўрин олган *Жайхун* аталиши билан Темурийлар даврида муомалада бўлган *Омуя суви* ёзилиши ва шунга ўхшаш, Сирдарёнинг *Сайхун шакли* билан XIV–XV асрларда *Хўжанд дарёси* аталишлари параллел қўлланганини кўрамиз.

Зарафшон дарёси яхлит *Кўҳак дарёси* деб аталиши билан бирга, “Бобурнома” да унинг юқори қисми *Камруд* (тўғриси: *Комруд*) *руди* деб тилга олинади ва қуйи қисмида Бухоро шаҳри ёнидан ўтган бир тармоғи эса, Яздий “*Зафарнома*”сида “*Жўйи Зар*” (“*Зар ариғи*”)⁶⁹² деб номланган;

7) Темурийлар даври ёзма манбаларида иккита асосий дарё – Амударё ва Сирдарёнинг айрим ирмоқлари номлари ҳам берилган. Амударёнинг ирмоқлари: *Вахш, Чағонруд, Сурхоб, Ғунд, Ҳисор*; Сирдарёнинг ирмоқлари: *Парак суви* (*Оби Парак*; “Матлаи саъдайн” да – *Тарк* (*Тарак*) *суви*, нусха кўчирилганда хато ёзилган бўлиши керак) ёки *Чир суйи, Чир дарёси*⁶⁹³ – ҳозирги Чирчиқ дарёси; *Ахси суйи* – ҳозирги номи Косонсой;

8) ёзма манбаларда қайд этилган тоғлар номлари (оронимлар) аксарияти кичик тоғлар номларидан иборат ва ҳозирги мавжуд йирик тизмаларнинг айрим қисмларига тўғри келади (*Фалғар кўҳистони* – Зарафшон тизмасининг ўрта қисми; *Шунқорхона тоғи* – Туркистон тизмасининг Самарқанд вилояти жанубидаги бир тармоғи ва ҳ.к.).

Топонимлар этимологияси. Темурийлар даври ёзма манбаларида жой номларининг пайдо бўлиш тарихига ёки этимологияси (маъноси)га оид маълумотлар ҳам учрайди ва уларнинг ҳар хил сабаблари бор.

Чунончи, ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридан оқиб ўтган *Сиеб* ариғининг номи учун Темурийлар даври манбаларида ўзига хос этимологик маълумот келтирилган. Унда мазкур сув тармоғи Самарқанд шаҳри яқинидаги Кониғил текислигидан оқиб

⁶⁹¹ Шомий. *Зафарнома*. 109-б.

⁶⁹² Яздий. *Зафарнома* (1972). 225б, 226б варақлар.

⁶⁹³ Мирза Хайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.143.

ўтувчи ариқ сифатида ва номи *Сиёҳоб* шаклида қайд этилган. Аслида форсча *Сиёҳоб* туркийдаги “Қорасув”дан калька қилиб олинган, дейиш мумкин. Чунки Қорасувлар бошқа жойларда ҳам бўлган. Масалан, Заҳириддин Бобур: “Кубонинг ботқоқлик қора суйи”⁶⁹⁴, – деб ёзади ва ундан фарқлаш учун Кониғилдаги *Сиёҳоб* учун *Кониғилнинг қора суйи*, деган иборани ишлатган (“Яна Пуштайи Кўҳакнинг доманасида Кониғилнинг қора суйининг устидаким”⁶⁹⁵). Бизнингча, бу ариқнинг дастлабки аталиши “Комигил” (маъноси: текисликдан оқувчи ариқ) бўлган ва талаффуз жараёнида “Кониғил”га айланган. “Бобурнома”да ёзилган “Қорасув” шакли ҳам бу хулосани тасдиқлайди.

“Бобурнома”да мазкур ариқнинг яна *Обираҳмат* аталиши ҳам таъкидланган. “Кониғил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сув (Қорасув)ни Обираҳмат ҳам дерлар”⁶⁹⁶; кейинчалик Сиёҳобдан ажралиб, Пуштайи Кўҳак (Чўпон ота)нинг этагидан айланиб оққан ариқ *Обираҳмат* деб аталди.

Темурийлар даври ёзма манбаларида тоғ номлари (оронимлар) этимологияси ҳақида ҳам маълумот бор. Бундай маълумотлар кўпроқ “Бобурнома”да берилган. Масалан: *Кўҳи Жуд* – “Беҳрадин етти куруҳ шимол сари бир тоғ тушибтур, Ҳиндукуш тоғиға пайваст. Бу тоғни “Зафарнома”да ва баъзи китобларда *Кўҳи Жуд* битибтурлар, важҳи тасмияси (этимологияси) маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди: бу тоғда бир ота наслидин икки хил эл бор. Бирини *жуд* ва бирини *жанжуха* дерлар...”⁶⁹⁷; *Кўҳи Сафид* – “бу тоғдин қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳатдин ғолибо *Кўҳи Сафид* дерлар”⁶⁹⁸; *Шоҳи Кобул* – Кобул шаҳрининг жануби-ғарбий ёнида. “Ул тоғнинг қулласида шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни *Шоҳи Кобул* дерлар”⁶⁹⁹; *Бозарак* – довон, Ҳиндукуш тизмасида. “Бозарак кўталини Сароб эли Порандий отлиқ кентига инар учун Порандий кўтали дерлар”⁷⁰⁰; *Тўл* – довон, Ҳиндукуш

⁶⁹⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 43-б.

⁶⁹⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 59-б.

⁶⁹⁶ Бобур. *Бобурнома* (2002). 60-б.

⁶⁹⁷ Бобур. *Бобурнома* (2002). 165-б.

⁶⁹⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 110-б.

⁶⁹⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 107-б.

⁷⁰⁰ Бобур. *Бобурнома* (2002). 108-б.

тизмасида. “Бу уч кўталдин яхшироғи Тўлдур. Вале йўли бир нима узунроқдир. Ғолибо бу жиҳатдин Тўл дерлар”⁷⁰¹.

Амир Темур Самарқанд атрофида яратган боғлар номлари ҳам турли хил маънони англатган:

Боғи Биҳишт, Боғи Бўлду, Боғи Давлатобод – қурилган боғнинг моҳиятини ҳисобга олиб номланган; *Боғи Биҳишт* – жаннат боғларига тақлид қилиб қўйилган, дейди Шарафуддин Али Яздий; *Боғи Бўлду* – “мукамаллик боғи” деган маънони англатган.

Боғи Дилкушо, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Қаротўпа (Қоратепа боғи) – жойнинг табиий ҳолатидан келиб чиқиб ном берилган. *Боғи Дилкушо* Конибил ўланги чеккасида қурилган эди ва кишининг баҳри-дили очиладиган жой бўлган, – дейди Шарафуддин Али Яздий.

Боғи Шимол – Самарқандга нисбатан географик ўрнига қараб ном берилган. Шарафуддин Али Яздий бу боғ Амир Темур томонидан Самарқанднинг шимолида яратилган бўлиб, шу сабабдан “Боғи Шимол” деб ном олган, дейди.

Боғи Нав – бошқа боғларга нисбатан вақт жиҳатдан кейинроқ барпо этилгани учун шундай ном берилган; Амир Темур Самарқанд атрофида яратган энг охириги боғ “Боғи Нав” деб аталган. Клавихо уни “Багино” шаклида ёзган. Заҳириддин Бобур Кобул вилоятида барпо этган боғлардан бирини “Боғи Нав” деб номлаган. “Бобурнома”да Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротдаги боғлардан бири “Боғи Нав” аталгани қайд этилган⁷⁰².

Топонимларни изоҳлаш. Темурийлар даври ёзма манбаларида жой номларига баъзан қўшимча изоҳлар берилган. Амударёнинг XIV аср 2-ярмида Орол денгизига оққан кичик тармоғи номини Низомиддин Шомий шундай изоҳлайди: “Соҳибқирон лашкари турклар Эски Ўкуз деганлари Кўхнадарёдан ўтиб, шаҳар (Гурганж)ни ўраб олдилар”⁷⁰³. Яздий “Зафарнома”сида Кўҳак дарёсининг Бухоро шаҳри ёнидан ўтган бир тармоғи, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Жўйи Зар” (“Зар ариғи”) –

⁷⁰¹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 108-б.

⁷⁰² Бобур. *Бобурнома* (2002). 145-б.

⁷⁰³ Шомий. *Зафарнома*. 109-б.

деб номланган; бизнингча, дарё номининг кейинчалик “Зарафшон” шаклида ёзилиши шу асосда вужудга келган бўлиши керак. Мирзо Ҳайдар: “*Чир дарёсини* Тошкент аҳолиси *Оби Парак* атайдилар”, – деб изоҳ берган”⁷⁰⁴. Ҳиндукуш тоғи мисолида ном тарихига тегишли этимологик изоҳ ҳам илова қилинган: “Ушбу тоғ Кобулда Ҳиндукушга мавсумдур”⁷⁰⁵. Демак, “Ҳиндукуш” топоними Кобул муҳитида пайдо бўлган.

Темурийлар бунёдкорлигининг топонимлардаги инъикоси. Амир Темур ва Темурийлар кенг қўламда бунёдкорлик фаолияти олиб боргани тарихдан маълум ва бу воқелик, бир қисми бизнинг давримизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари ва бошқа осори-атиқалар билан бир қаторда, жой номларида ҳам ўз аксини топган. Темурийлар даври ёзма меросидан ўрин олган жой номлари таркибидан бунёдкорлик мавзусига дахлдор топонимларни таҳлил қилиш тарихийликни тўлдириш ва янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Шаҳарсозлик билан боғлиқ топонимлар. Темурийлар даврида янги жой номларининг пайдо бўлиши, аввало, шаҳарсозлик соҳасидаги ишлар билан боғлиқ ва бир қисми янгидан бунёд этилган аҳоли масканларига тегишли. Амир Темур Мовароуннаҳр ҳудудида бир қанча шаҳар, кўрғон ва йирик аҳоли масканлари қурди. Бу ҳақда ўша даврнинг машҳур араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ: “Темур Самарқанднинг атрофларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва пойтахт шаҳарлар номи билан атади”⁷⁰⁶, – деб ёзган.

Шоҳрухия шаҳри. Амир Темур томонидан Тошкент вилоятида Оҳангарон дарёсининг Сайхун (Сирдарё)га қуйилиш жойида, ўнг соҳилда барпо этилган маҳкам кўрғонга эга шаҳар. Унинг яратилиши ҳақида Темурийлар даври манбаларидан фақат Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ёзилган. Унда келтирилишича, Соҳибқирон 794 йили (1391 йил 29 ноябрь – 1392 йил 16 ноябрь) ўз вақтида Чингизхон лашкари томони-

⁷⁰⁴ Мирза Ҳайдар. *Тарих-и Рашиди* (1996). – С.144.

⁷⁰⁵ Бобур. *Бобурнома* (2002). 197-б.

⁷⁰⁶ Ибн Арабшоҳ. *Амир Темур тарихи*. (II), 83-б.

дан бутунлай хароб қилинган Фанокат (Банокат) ўрнида янги шаҳар барпо этишни буюради. Унинг қўл остидагилари мазкур фармонга мувофиқ янги шаҳар қуриб, уни мустақкам қўрғон билан ўрайдилар ва атрофда яшовчи аҳолини у ерга қўчирадилар. Амир Темур мазкур шаҳарни ўғли Мирзо Шоҳрухга атагани сабабли у “Шоҳрухия” деган ном билан шуҳрат топади⁷⁰⁷. Хитойдан Фарғона водийсига, у ердан Ахсикент орқали Самарқандга борадиган савдо карвонларининг бир қисми Шоҳрухия орқали юрган. Шоҳрухия XVIII аср бошларига келиб харобага айланди ва ҳозир ўрни тепалик шаклида мавжуд, бир қисмини Сирдарёнинг суви ювиб кетган. “Шоҳрухия” шаҳар номи сифатида бизнинг давримизгача сақланмаган.

Шероз. Амир Темур томонидан Самарқанднинг шимолида, шаҳардан тахминан тўрт ёғоч масофада қурилган қўрғон; уни “Шероз қалъаси” ҳам дейишган. Темурийлар даври тарихчиларидан Ҳофизи Абру “География” асарида қўрғон жойлашган туманни “Шероз тумани” дейди. Заҳириддин Бобур 902 йил рамазон ойида (1497 йил, июнь) Самарқандга юриш қилганда, дастлаб Шероз қўрғонини эгаллаган⁷⁰⁸. Шероз қўрғонининг ўрни ҳозирги вақтда Қўрғонтепа ёдгорлиги номи билан маълум, Булунғур туманидаги Болғали қишлоғи ҳудудида⁷⁰⁹, мазкур қўрғон XVII асргача мавжуд эди.

Шаҳар ичидаги бунёдкорликка оид топонимлар. Бур гуруҳ топонимлар шаҳар тизимида яратилган иморатларга дахлдор. **Самарқандда:** Кўксарой – Амир Темур томонидан Самарқандда барпо этилган бош маъмурий бино, Масжиди Жоме (бошқа номи Бибиҳоним масжиди), Хоним мадрасаси – Амир Темурнинг рафиқаси Сарой Малик хоним (Бибиҳоним) томонидан қурдирилган мадраса, Туман-оғо хонақоҳи, Муҳаммад Султон мадрасаси ва Муҳаммад Султон хонақоҳи – ҳозирги Амир Темур мақбараси (Гўри Амир) меъморий мажмуаси таркибида бўлган.

Шаҳрисабзда Оқсарой мажмуаси Амир Темур бунёдкорлигининг улкан намунаси саналади. “Шахсан Онҳазратнинг ўзи

⁷⁰⁷ Яздий. *Зафарнома*. 466б – 467а varaқлар.

⁷⁰⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 55-б.

⁷⁰⁹ Саидов М.М. *Самарқанддаги Шероз қишлоғи*. 133–136 бетлар.

учун баланд кўшк қурдилар ва у Оқсарой деб аталади”⁷¹⁰, – деб ёзади Ҳофизи Аbru топонимнинг пайдо бўлиши ҳақида. Клавиho “Кундалиги”да ҳам Оқсарой қаср дейилган ва ҳашаматли бино сифатида тавсифланган. “Оқсарой” деган ном бизнинг давримизгача етиб келган.

Шунингдек, Дор ут-тиловат меъморий мажмуаси (шайх Шамсуддин Кулол қабри устига тикланган гумбазли мақбара), Мирзо Улуғбек барпо этган Гумбази Сайидон мақбараси), ундан шарқда Дор ус-Сиёдат меъморий мажмуаси (бошқа номи Ҳазрати Имом мақбараси), унда Мирзо Жаҳонгир мақбараси ва б. жойлашган.

Бундан ташқари, **Бухорода** Сайфиддин Бохарзий ва Баёнқулихон мақбаралари.

Тошкент шаҳрида Тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандийнинг (XIX аср). “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур Тошкент шаҳрини девор билан ўраб, унга ўн иккита дарвоза ўрнатган ва уларнинг аксариятини уруғ-қабилалар номлари билан атаган экан (Қиёт, Турк, Ўзбек, Қорасарой, Чиғатой, Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч).

Турли вилоятлардаги бунёдкорлик билан боғлиқ топонимлар. Тошкент вилоятида Зангиота қабри устига барпо этилган мақбара.

Туркистонда барпо этилган **Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбараси** Амир Темурнинг тарихда ёдгор бўлиб қолган бунёдкорлигининг ўзига хос намунаси ҳисобланади. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида ёзилишича, Амир Темур Тошкент вилоятида қишловда турганида, ҳижрий 800 йил, раби ул-аввал ойи (милодий 1397 йил, ноябрь)да Хожа Аҳмад Яссавий қабри зиёрати учун Ясси қишлоғига ўтади ва унинг қабри узра баланд мақбара барпо этишни буюради:

“Бир гунбаз курсинлар, унинг айланаси – ички қисмида бир юз ўттиз газ (78 м), диаметри – қирқ бир газ (25 м)га яқин, унинг баландлиги ҳам шунга мос бўлсин. Унинг девори ва гунбазини қошикориклар қилиб зийнат берсинлар; эшигини етти хил металл қоришмаси (ҳафт жўш) билан қопласинлар; ўртасида ҳафт

⁷¹⁰ Ҳофизи Аbru. *География*. Бодлеян (Оксфорд) қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).

жўш металл қопланган ҳовуз бўлсин; қабр усти Табриздан келтирилган мрамартош билан қоплансин, уни ўта маҳорат билан йўниб, гўзал нақшлар билан безасинлар. Мазкур ёдгорликни қуриб битказишни мавлоно Убайдуллоҳ Садр зиммасига юклади ва иморат фармонга мувофиқ бир йил чамаси вақтда қуриб битказилди”⁷¹¹. Демак, мақбара қурилиши (агар у бир йилда қурилган бўлса), асосан, 1398 йилга тўғри келади. Мақбаранинг ҳозирда мавжуд номи қачондан бошлаб оммалашгани маълум эмас.

Мурғоб водийсида. Амир Темур бунёдкорлигининг топонимларда акс этишини Мурғоб дарёсидан чиқарилган ариқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Темурийлар салтанати тарихчиси Ҳофиз Абрунинг “География” асарида Амир Темур буйруғи билан қаздирилган Мурғоб дарёсидан сув оладиган қуйидаги ариқларнинг номлари берилган: Дилкушо, Ганжравон, Дарбанд, Ганжхона, Умар Тобон, Оқбуға, Қутлуғ Темур, Шайх Абу Саъд, Шайх Али, Давлатшоҳ Жондор, Гулбоғон, Қутлуғ-хотун, Ҳасан Жондор, Амир Алоуддин, Санжидак, Наврўз, Кебекчи, Менгли хожа.

Кобул вилоятида. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур Ҳиндистонга юриши пайтида Тўл довони орқали Ҳиндукуш тизмасидан ўтади, ундан Панжхир (Панжшер) орқали юриб, Борон водийсига келади. Бу ердан Кобулгача масофа беш фарсаҳни ташкил қилган. Соҳибқирон Борондаги дарёдан бир ариқ қазишга фармон беради ва бу ишни бажаришни ўз саркардалари ва аскарларига топширади. Қисқа муддатда беш фарсаҳ узунликдаги ариқ қазилди ва *Жўйи Моҳигир* деб номланди, унинг суви баракотидан бир қанча қишлоқлар обод бўлди. Бу ариқни ўша пайтда *Жўйи Нав* (Янги ариқ) ҳам атаганлар⁷¹².

Амир Темур бўлган бу жойлар ҳақида “Бобурнома”да ҳам анчагина тафсилотлар берилган:

“Кобул вилояти атрофлари тоғлар билан ўралган берк вилоят. Балх, Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур. Бу тоғдин етти йўл ошар...

Ёзлар Кобул қушлоғи қалиндур. Аксар қушининг гузари Бо-

⁷¹¹ Яздий. *Зафарнома* (1972). 294б varaқ.

⁷¹² Яздий. *Зафарнома* (1972). 344аб varaқлар.

рон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлғай, бир улуғ Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқдур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар, агар ел бўлса ё Ҳундукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас. Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул навоҳидағи эллар қалин қуш олурлар”⁷¹³.

Амир Темур ва Темурийлар барпо этган боғ номлари. Бошқа бир гуруҳ топонимлар Амир Темур ва Темурийлар барпо этган боғлар номларидан иборат ва юқорида уларни ёзма манбалар бўйича келтирдик. Қуйида мазкур боғлар қайси ҳукмдор томонидан яратилгани хусусида тўхталамиз.

Амир Темур боғлари: Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғи Баланд, Боғи Нав, Боғи Давлатобод, Боғи Тахти Қорача, Боғи Қоратўба ва ундаги Кўшки Жаҳоннамой.

Мирзо Улуғбек боғлари: Боғи Майдон, Боғи амирзода Улуғбек (Мирзо Улуғбек боғи), Боғи Зоғон.

“Бобурнома”да ёзилишича, XV аср иккинчи ярмида **Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек мирзо** Кобул вилоятида ҳукмдорлиги йилларида анчагина ободончилик ишлари қилган. Жумладан, Кобул шаҳри ҳудудида бир ариқ қаздириб, ундан тоғ этагида боғлар яратган. Улардан бири *Боғи Наврўзий*, яна бири *Боғи Биҳишт* деб аталган; Кобул вилоятидаги машҳур кентлардан бўлмиш Исталиф кентида яратган боғи эса, жуда катта бўлиб, шу сабабдан *Боғи Калон* деган ном олган эди. У яна Амир Темурнинг Самарқандда Кўксарой ичида барпо этган Бўстонсарой кўшиги тақлид қилиб, Кобул шаҳрида Бўстонсарой номи билан танилган битта кўшк ҳам қурдирган.

Заҳириддин Бобур Кобул вилоятининг Нингнаҳор тумани маркази бўлмиш Одинапур қўрғони ёнида ҳам боғ яратгани маълум: “Одинапур қўрғонининг олдида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққуз юз ўн тўртта (1508–1509 йил) бир чаҳорбоғ солдим, Боғи Вафоға мавсум, рудқа мушриф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори

⁷¹³ Бобур. *Бобурнома* (2002). 108, 116-бетлар.

бисёр бўлур. Андин бурунги йили найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухороға ул найшакарлардин йиборилиб эрди”⁷¹⁴.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, *Кобул шаҳри ва вилоятида*: Боғи Вафо, Боғи Бинафша, Боғи Нав, Боғи Подшоҳий, Боғоти Хум, Хожа Сеёрондаги боғ, аёллар учун махсус яратилган Боғи Хилват, Боғи Юрунчқа; *Ҳиндистонда*: Боғи Зарафшон, Боғи Сафо, Боғи Фатҳ ҳам Заҳириддин Бобур бунёдкорлигининг маҳсули эди.

Кўчирма топонимлар. Бундай топонимлар пайдо бўлишининг ўзига хос сабаблари бор. Чунончи, Амир Темур ўзи эгаллаган жойларни эслатиб туриши учун турли мамлакатлардаги топонимлардан айримларини Самарқанд атрофидаги жойларга кўйган (Миср, Шероз, Боғи Тахти Қорача, Боғи Нақши Жаҳон).

Боғи Тахти Қорача – Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида мазкур номда иккита жой қайд этилган:

бири – Шероз атрофида; Амир Темур уч йиллик юриши чоғида 1397 йил декабрда лашкар билан Форс мамлакатининг пойтахти Шерозга етиб боради ва шаҳар ташқарисидаги Тахти Қорача деган жойда тўхтади⁷¹⁵;

иккинчиси – Самарқанддан Кешга борадиган йўлдаги тоғ ён бағрида (Шарафуддин Али Яздий ёзишича, у ердан Самарқандгача масофа етти фарсах (тахм. 45 км) келади) Амир Темур бир боғ яратишни ва боғ ичидаги баланд жойда бир кўшк қуришни буюради. Боғ ичидан ўтган сойдан шарқираб сув оқарди. Фармонга мувофиқ қурилиш якунига етгач, унга “Тахти Қорача” деган ном берилади (Шероз яқинидаги мавзе номига мослаб). Тарихий кечинмалар баёнига кўра, боғ қурилишининг вақти 1398 йил баҳорига тўғри келади⁷¹⁶. Ибн Арабшоҳ ҳам бу боғни эслатиб ўтган: “[Амир Темур] Самарқанд билан Кеш ўртасида бир боғ барпо этиб, унда бир қаср қурдирди ва уни Тахти Қорача деб атади. Ҳикоя қиладиларки, қаср қурувчиларидан бировининг бияси йўқолиб, олти ой шу боғда ўтлаб юргандан кейин уни топиб олган”⁷¹⁷.

⁷¹⁴ Бобур. *Бобурнома* (2002). 109–110-бетлар.

⁷¹⁵ Яздий. *Зафарнома* (1972). 191а варақ.

⁷¹⁶ Яздий. *Зафарнома* (1972). 2946–2956 варақлар.

⁷¹⁷ Ибн Арабшоҳ. *Амир Темур тарихи*. II. 82–83-бетлар.

Боғи Нақши Жаҳон – Амир Темур беш йиллик юриши чоғида (1392–1396) Исфаҳон шаҳри ташқарисидаги Нақши Жаҳон деган мавзеда беш кун тўхтаган ва кейинчалик, Самарқандда барпо этган боғларидан бирини шу ном билан атади.

Мирзо Улуғбек эса, Самарқандда яратган боғларидан бирига Ҳиротдаги машҳур Боғи Зоғонга тақлид қилиб, “Боғи Зоғон” ва иккинчисига Эроннинг Шероз шаҳри ёнидаги Боғи Майдон мавзеси номига мослаб “Боғи Майдон” деб ном берган. Амир Темур беш йиллик юриши чоғида Шероздаги Боғи Майдонда бир ой тўхтаб дам олган.

Боғи Зоғон топоними Ҳофизи Абрунинг “География” аса-рида Самарқанд боғларидан бири сифатида келтирилган. Темурийлар даври тарихчиларидан Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий ва Абдураззоқ Самарқандий “Боғи Зоғон” деганда Ҳиротдаги боғни назарда тутадилар. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротдаги Боғи Зоғонда Темурийлар давлати ҳукмдори Мирзо Шоҳрухнинг тахтгоҳи жойлашганини ёзган.

Амир Темурнинг Самарқанддаги бунёдкорлигига тақлид қилиб, Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек мирзо Кобул шаҳрида ўзи яратган боғни *Боғи Биҳишт* деб номлагани ҳамда *Бўстонсарой* номи билан танилган битта кўшк ҳам қурдиргани ҳақида юқорида айтилди.

Темурийлар даври ёзма манбаларида **Ҳирот** шаҳридаги жой номлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор.

XV асрда дастлаб Мирзо Шоҳрух ҳукмдорлигида Ҳирот шаҳри доруссалтана (салтанат пойтахти) – Темурийлар давлатининг пойтахти мақомини олди ва бу ерда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. XV аср иккинчи ярмида, айниқса, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигида, Алишер Навоийнинг бевосита кўмаги билан, Ҳирот ва бутун Хуросонда жуда катта ободончилик ишлари амалга оширилди.

Заҳириддин Бобур 1506 йил декабрнинг дастлабки йигирма куни Ҳиротда бўлиб, у ердаги бунёдкорлик ишларига аниқ баҳо берган ва Алишер Навоий номи билан боғлиқ жойларга алоҳида эътибор қаратган ва уларнинг номларини қуйидагича изоҳлайди: “Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, “Унсия” дерлар, мақ-

бара ва масжиди жомеиниким, “Кудсия” дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва до-рушшифосиниким “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар”⁷¹⁸.

Ҳиротдаги истехком қалъа – Ихтиёриддин ҳақида: “Ҳирининг қалъайи Ихтиёриддиниғаким, ҳоло Олақўрғонға машҳур-дур”, – деб ёзади Бобур. “Бобурнома”да яна Ҳирот шаҳридаги кўшк – Оқсарой (“Султон Абусаид Дарвозаи Ироқнинг тошида солғон”), боғлар (Боғи Жаҳоноро – подшоҳ Бадиуззамоннинг қароргоҳи, Боғи Зоғон, Боғи Зубайда, Боғи Нав, Боғи Сафид, Боғи Хиёбон, Боғи Шаҳр), мадраса ва масжидлар (Шоҳрух мирзо мадрасаси, Султон Мирзо Ҳусайн мадрасаси, Бадиуззамон мирзо мадрасаси, Инжил ариғи бўйида, Масжиди жоме), шаҳар дарвозалари (Дарвозаи Ироқ, Дарвозаи Малик, Дарвозаи Фирузобод, Дарвозаи Хуш, Дарвозаи Қипчоқ), бозорлар (Бозори Малик, Чорсу), сувлар (Жўйи Инжил, Ҳавзи Моҳиён), хиёбон (Гозургоҳ хиёбони) кабилар ҳам эслатиб ўтилган⁷¹⁹.

Темурийлар бунёдкорлигининг топонимлардаги инъикоси бўйича келтирилган юқоридаги таҳлил, Марказий Осиёнинг мазкур даврдаги тарихи ва тарихий географиясини ўрганишда топонимик тадқиқотларнинг муҳим ўрни борлигини англатади.

⁷¹⁸ Бобур. *Бобурнома* (2002). 145–146 бетлар.

⁷¹⁹ Бобур. *Бобурнома* (2002). 145–146 бетлар.

ХУЛОСА

1. Марказий Осиё тарихий географиясини Темурийлар даври ўзма манбалари асосида ўрганиш фанда XIX аср иккинчи ярмидан бошланган (шаҳарлар топографияси, савдо йўллари тарихи, тарихий топонимия, аҳоли масканлари локализацияси, этник тарих ва ҳ.к.) ва мавжуд изланишларда муаммонинг айрим қирралари ёритилган. Тадқиқотчилар археологик материаллар ва араб, форс, туркий, хитой тилларда ёзилган ўзма манбалар маълумотларига таянганлар.

2. Темурийлар даври ўзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар тарқоқ шаклда учрайди, уларни матндан топиб, аниқ тизимга солингандан кейингина таҳлил учун имконият туғилади. Тарихий воқеаларнинг манбалардаги баёни хронологик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

3. Манбалардаги географик тавсифлар худудий жиҳатдан ҳам бир хил эмас: Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Хуросон ва Самарқанд шаҳри ва вилояти, унга қўшни Бухоро ва Кеш вилоятлари, “Бобурнома”да Фарғона водийси, Самарқанд шаҳри ва вилояти, ҳозирги Афғонистон худудида Кобул ва Ғазни вилоятлари, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистон, Клавихонинг “Кундалиги”да Мовароуннаҳрнинг шаҳарлари, қисман, табиати ва хўжалиги тўғрисида маълумотлар батафсилроқ берилган. Демак, тарихий география соҳасидаги изланишлар учун Темурийлар даври ўзма манбаларининг ҳар бири маълум бир аҳамият касб этади.

4. Темурийлар даври ўзма манбаларида Марказий Осиёнинг Чиғатой улуси, Амир Темур ва Темурийлар давлати давридаги маъмурий-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар мавжуд. Амир Темур давлатининг ташкил топиши билан жаҳон сиёсий картасида янги маъмурий-худудий ўзгаришлар юзага келди. Соҳибқирон ўз салтанати маъмурий бошқарувида марказий ҳокимиятга бўйсунувчи суюрғол тизимига асосланди, уларни идора қилишни ўғиллари, неваралари, машхур саркардаларига белгилаб берди. Айни пайтда, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Рум,

Миср мамлакатлари бошқарувини ўша жойларнинг ўз ҳукмдорларида қолдирди.

5. Маъмурий-худудий ҳолатдаги суюрғол анъанаси Мирзо Шоҳрух ва Султон Абусаид ҳукмдорликларида ҳам сақланди, бироқ уларнинг кўлами анча кичрайган эди. Хусайн Бойқаро ҳукмдорлиги давридан Мовароуннаҳр ва Хуросон узил-кесил иккита сиёсий-маъмурий бирликка бўлинди. Муҳим маъмурий-худудий ўзгаришлардан бири Заҳириддин Бобурнинг Афғонистон худудида ўз давлатини ташкил қилганидир.

6. Ёзма манбаларда Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлар табиатидаги иқлим, сувлар, ўсимлик, ҳайвонот олами ҳақида ёзилганлар ўз даври учун хос ва ҳозирги вақтдаги экологик муаммоларни ҳал қилишда маълум аҳамиятга эга. Халқ ҳўжалигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди: шаҳарсозлик ривожланди, янги суғориш тармоқлари, экин майдонлари, боғроғлар барпо этилди, янги навлар яратилди; Амир Темур ва унинг авлодлари бунёдкор сулола сифатида тарихда қолди.

7. Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари худудий жиҳатдан Мўғулистон, Олтин Ўрда, Миср, Рум, Ғарбий Европа мамлакатлари, Хитойни қамраб олади. Амир Темур мазкур муносабатларда мамлакат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни кўзлаган, Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга муваффақ бўлди, Евросиёда ягона иқтисодий макон шаклланди. Бу анъана Темурийлар салтанатида давом этди, кенгайди; Мўғулистон, Тибет, Хитой, Жанубий Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал билан савдо-элчилик алоқалари ўрнатилди.

8. Темурийлар даври манбаларида қайд этилган жой номлари XIV аср иккинчи ярми – XV асрга тегишли ва уларга асослашиб Марказий Осиёнинг бир ярим асрлик топонимик ҳолатини таҳлил қилиш мумкин. Марказий Осиё бўйича қайд этилган табиий объектлар – денгизлар, кўллар, дарёлар, кечув (гузар) лар, тўғонлар, кўприклар, коризлар, тоғлар, довонлар, даралар, тепаликлар, дашт, яйлов, чўл, мавзе, жулга, йўл номларини ва маъмурий-худудий ҳолат ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ

топонимлар – вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қўрғонлар, қасабалар, кичик аҳоли масканлари, боғлар, экинзорлар номларини ўз ичига олади. Улар сон жihatдан ҳудудий фарқ қилади; Ҳофизи Абру “География”си ва Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарларида Хуросон бўйича, “Бобурнома”да ҳозирги Афғонистон ҳудуди, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида Марказий Осиёнинг шарқий ҳудудларига оид жой номлари кўпроқ. Манбаларда келтирилган жой номларига асосланиб, топонимларнинг умумий сони ва турлари, битта жойнинг турлича номланиши, вақт кўламида топонимларнинг сақлангани ва ҳозирги давргача етиб келгани ёки тўла ўзгариши ёки қисман ўзгариши, жой номлари этимологияси кабилар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Фойдаланган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси – Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси / А. Ўринбоев. – Тошкент, 1960. 132-б.

2. Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн (1969)* – Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн*. II жилд биринчи қисм / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли лугатлар А.Ўринбоевники. – Тошкент: “Фан”, 1969. 463-б.

3. Абд ар-Раззак Самарқанди. *Матла’ ас-са’дайн (1988)* – Абд ар-Раззак Самарқанди. *Матла’ ас-са’дайн* / (Пер. с персидского Д.Ю. Юсуповой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. – Ташкент, 1988. – С.171–184.

4. Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (2008)*. – Абдураззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн*. II жилд биринчи қисм, 1405–1429 йил воқеалари; II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар, 1429–1470 йил воқеалари // Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. Географик номлар изоҳли кўрсаткичи О.Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳ беришда Ғ.Каримов ва Э.Миркомиллов иштирок этишди. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. 832-б.

5. Абулғозий. *Шажарайи турк* – Абулғозий. *Шажарайи турк*. Нашрга тайёрловчилар: Кувомиддин Муниров, Қозоқбой Маҳмудов. – Т., 1992. 126-б.

6. Азимджанова С.А. *Государство Бабура*. – С.А.Азимджанова. *Государство Бабура в Кабуле и Индии*. – М., 1977. – С.176.

7. Айтбаев А.А. *Қадимги Фарғона*. – А.А.Айтбаев. *Қадимги Фарғона тарихидан*. – Тошкент: “Фан”, 2002. 107-б.

8. Айтбаев А.А. *Чин ва Мочин*. – А.А.Айтбаев. *Чин ва Мочин*. – Тошкент: “Фан”, 2006. 160-б.

9. Акимушкин О.Ф. *Хронология правителей*. – О.Ф.Акимушкин. *Хронология правителей восточной части Чагатайского улуса (линия Туглук-Тимур-хана)* // Сб.Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. Под редакцией Б.А.Литвинского. – М., 1984.

10. Ал-Муқаддасий. *Аҳсан ат-тақосим*. – Ал-Муқаддасий. *Аҳсан ат-тақосим*. Лейден 1967 (араб тилида). 288-б.

11. ал-Хоразмий. *Танланган асарлар*. – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. *Танланган асарлар*. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. – Т., 1983.

12. *Амир Темура аждодлари*. – *Амир Темура аждодлари*. (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан терма-таржималар). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: Қомуслар Бош тахририяти, 1992. 31-б.

13. *Амир Темура ва Улуғбек замондошлари*. – *Амир Темура ва Улуғбек замондошлари хотирасида* / Б.Аҳмедов, У.Уватов, Ғ.Каримов, А.Зиёев, Д.Юсупова, О.Жалилов, А.Ҳабибуллаев, М.Ҳасанов. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996. 225–265 бетлар.

14. Аҳмедов Б.А. *Историко-географическая литература*. – Б.А.Аҳмедов. *Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники*. – Ташкент: “Фан”, 1985. С.196.

15. Аҳмедов Б.А. *Ўзбек улуси*. – Б.А.Аҳмедов. *Ўзбек улуси*. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1992. 152-б.

16. Аҳмедов Б.А. *Ўзбекистон халқлари*. – Б.А.Аҳмедов. *Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (қадимги давр ва ўрта асрлар)*. – Т., 1992.

17. Бартольд В.В. *Очерк истории Семиречья*. – В.В.Бартольд. *Очерк истории Семиречья*. Сочинения, Т.II, Ч.1, – М., 1963. – С.21–106.

18. Бартольд В.В. *Очерк истории туркменского народа*. – В.В.Бартольд. *Очерк истории туркменского народа*. / Сочинения, Т.II, Ч.1. – М., 1963. – С.545–623.

19. Бартольд В.В. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия*. – В.В.Бартольд. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия*. Глава I. Географический очерк Мавераннахра // Сочинения, Т.I. Изд-во восточной литературы. – М., 1963. – С.114–237.

20. Бартольд В.В. *О погребении Тимура*. – В.В.Бартольд. *О погребении Тимура*. / Сочинения, Т.II, ч.2. – М., 1964. – С. 423–454.

21. Бартольд В.В. *Аму-Дарья*. – В.В.Бартольд. *Аму-Дарья* / Сочинения, Т.III. – М., 1965. – С.323.

22. Бартольд В.В. *К вопросу о впадении Амударьи*. – В.В.Бартольд. *К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море*. Сочинения, Т.III. – М., 1965. – С.248–251.

23. Бартольд В.В. *К истории орошения*. – В.В.Бартольд. *К истории орошения Туркестана*. Сочинения, Т.III. – М., 1965. – С.97–233.

24. Бартольд В.В. *К истории Хорезма*. – В.В.Бартольд. *К истории Хорезма в XVI веке*. Сочинения, Т.III, – М.1965. – С.257–259.

25. Бартольд В.В. *Сведения об Аральском море*. – В.В.Бартольд. *Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века* / Сочинения, Т.III. – М., 1965, – С.15–96.
26. Бартольд В.В. *К истории Мерва*. – В.В.Бартольд. *К истории Мерва*. Сочинения, Т.IV. – М.,1966. – С.115–138.
27. Бартольд В.В. *Мечеть Биби-Ханым*. – В.В.Бартольд. *Мечеть Биби-Ханым* / Сочинения, Т.IV. – М., 1966. – С.116–118.
28. Бартольд В.В. *Историко-географический обзор Ирана*. – В.В.Бартольд. *Историко-географический обзор Ирана*. Сочинения, Т.VII. – М., 1971. – С.33–226.
29. Бартольд В.В. *Хафиз-и Абру*. – В.В.Бартольд. *Хафиз-и Абру и его сочинения*. // Сочинения, Т.VIII. – М., 1973. – С.74–98.
30. Беленицкий А.М. и др. *Средневековый город Средней Азии*. – А.М. Беленицкий, И.Б.Бентович, О.Г.Большаков. *Средневековый город Средней Азии*. – Л., 1973. – С.390.
31. Берг Л.С. *Аральское море*. – Л.С. Берг. *Аральское море*. Опыт физико-географической монографии. – СПб., 1908.
32. Берг Л.С. *Низовья Амударьи*. – Л.С.Берг. *Низовья Амударьи. Сарыкамыш. Узбой. История формирования и заселения*. // Материалы Хорезмской экспедиции. Вып.3. – М., 1960.
33. Бобир. *Бобирнома*. – Заҳириддин Муҳаммад Бобир. *Бобирнома*. // Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзоев. – Тошкент: “ЎзССР ФА нашриёти”, 1960. 108-б.
34. Бобур. *Бобурнома (2002)*. – Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома*. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзоев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. – Тошкент: “Шарқ”, 2002, 67-б.
35. Бокщанин А. *Императорский Китай*. – А.А.Бокщанин. *Императорский Китай в начале XV в.* – М., 1976. 231, 235-б.
36. Буриев А.Б. *Сведения Хафиз-и Абру*. – А.Б.Буриев. *Сведения Хафиз-и Абру о взаимоотношениях Средней Азии с Китаем в XV в.* / Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XVI вв. – Ташкент: “Фан”, 1987. – С.24–37.
37. Бўриев О. *Клавихо “Кундалиги”да Мовароуннаҳр*. – О.Бўриев. *Клавихо “Кундалиги”да Мовароуннаҳр тавсифи* // Амир Темур ва Темурийлар даври: янги тадқиқотлар: “Амир Темур ва Темурийлар даври: янги тадқиқотлар” мавзуида ўтказилган Республика илмий анжумани материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. 18 октябрь 2004 йил. 2-китоб. – Тошкент, 2005. 47–63 бетлар.

38. Бўриев О. *Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осийё*. – О.Бўриев. *Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осийё* (тарихий-географик лавҳалар). – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 58–87 бетлар.

39. Буриев О., Колганов А. *Об одном участке*. – О.Буриев, А.Колганов. *Об одном участке Великого Шелкового пути* / Сб.: На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. – Ташкент, 1990. – С.106–116.

40. Буряков Ю.Ф. *Историческая топография*. – Ю.Ф.Буряков. *Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса*. – Ташкент, 1975.

41. Буряков Ю.Ф. *Торговые пути*. – Ю.Ф.Буряков. *Торговые пути и их роль в урбанизации бассейна Яксарта* / На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С.106–116.

42. Гийасаддин Али. *Дневник похода в Индию*. – Гийасаддин Али. *Дневник похода Тимура в Индию*. Перевод с персидского, предисловие и примечания А.А.Семенова. – М., 1958.

43. Гулямов Я.Г. *История орошения Хорезма*. – Я.Г.Гулямов. *История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней*. – Ташкент, 1957.

44. *Древний Отрар*. – *Древний Отрар*. Топография, стратиграфия, перспективы. – Алма-Ата, 1972. – С.5.

45. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. – Т., 1948–1949; 1960; 1965–1966; 1989 русчага таржима нашрлари: 1958; 1959.

46. Ибн Арабшоҳ. *Ажойиб ал-мақдур*. – Ибн Арабшоҳ. *Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур* (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. I–II китоблар. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: “Меҳнат”, 1992.

47. Иброҳимов Н. *Ибн Баттута*. – Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осийёга саёҳати. – Т., 1993. 102–6.

48. Историческая география Азербайджана. – Баку: “Элм”, 1987. – С.148.

49. *История Казахстана в персидских источниках*. – *История Казахстана в персидских источниках*. III том. Му’изз ал-ансаб (прославляющее генеалогии) / Отв. ред. А.К.Муминов. Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вохидова; сост. Указателей У.А.Утепбергеновой – Алматы: Дайк-Пресс, 2006. – С. 672.

50. Кази-Заде Руми. *Комментарий*. – Кази-Заде Руми. *Комментарий на “Компендий астрономии” Чагмини*. Предисловие, перевод с арабского языка и примечания П.Г.Булгакова. – Ташкент: “Фан”, 1993. – С.216 (35 рисунок).

51. Камалиддинов Ш.С. *“Китаб ал-ансаб”*. – Ш.С.Камалиддинов. *“Китаб ал-ансаб” Абу Са’да Абдалкарима ибн Мухаммада ас Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии*. – Т., 1993.

52. Каримов Ф. *“Мунтахаб ат-таворихи Муиний” асаридаги турк-мўғул ҳарбий атамалари*. – Ф.Каримов. *“Мунтахаб ат-таворихи Муиний” асаридаги турк-мўғул ҳарбий атамалари*. Тўплам: “Шарқшунослик”, № 6. – Т., 1995 й.

53. Каримова Н. *Взаимоотношения*. – Н.Э.Каримова. *Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв.* (по материалам китайских источников). – Т., 2005. – С.186.

54. Каримова Н. *Китайские исследователи о взаимоотношениях народов Центральной Азии*. – Н.Э.Каримова. *Китайские исследователи о взаимоотношениях народов Центральной Азии и Китая XIX–XVII вв.* // Темурийлар даври: тадқиқотлар ва муаммолар / “Темурийлар даврини ўрганишнинг умумбашарий аҳамияти” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2013 йил 22 октябрь). Масъул муҳаррир: Н.Н.Ҳабибуллаев. 7-китоб. – Тошкент: “Наврўз”, 2014. 68–74 бетлар.

55. Каримова Н. *Китайские письменные источники о торгово-посольских связях Минского Китая*. – Н.Э.Каримова. *Китайские письменные источники о торгово-посольских связях Минского Китая и государств Центральной Азии* // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: “ТДШИ”, 2016. 17–27 бетлар.

56. Каримова Н. *Китайские письменные источники по истории взаимоотношений Китая*. – Н.Э.Каримова. *Китайские письменные источники по истории взаимоотношений Китая и народов Центральной Азии в XIV–XVII вв.* // Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши / VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 20 октябрь). Масъул муҳаррир: Х.Файзиев. 8-китоб. – Тошкент: “Mashhur-Press”, 2016. 216–228 бетлар.

57. Каримова Н. *Темурийлар билан Хитой алоқалари*. – Н.Э.Каримова. *Темурийлар билан Хитой алоқалари* (Хитой манбалар бўйича) // Шарқшунослик, – Т.: “Минҳож”, 1996. № 7. 44–59 бетлар.

